

# ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ОЛИМЛАРИ



УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

# ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ОЛИМЛАРИ

Библиографик очерк

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2001

ГТ

Түзүвчилар:

Ж. Жалолов — иқтисод фанлари доктори, профессор;  
И. Саифназаров — фалсафа фанлари доктори, профессор;  
С. Ризаев — филология фанлари номзоди, доцент.

Маъсул мұхарримдар:

ҰзР ФАНИНГ Академиги С. С. Гуломов;  
Иқтисод фанлари доктори, профессор Р. Х. Алимов

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Мустақиллигининг 10 йиллиги**  
**ва Тошкент Давлат Иқтисодиёт**  
**Университетининг 70 йиллигига бағишиланаади**

**СҮЗ БОШИ**

Республикамизда иқтисодчи мутахассисларни тай-  
ёрлаб берадиган энг йирик ўқув-илемий ва маданий  
масканлардан бири Тошкент Давлат иқтисодиёт уни-  
верситетидир.

Қўлингиздаги Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Иқтисодиёт университети олимлари» ном-  
ли библиографик очерклар тўплами Республикаимизда иқтисодиёт фани билан қизиқувчилар учун мўлжал-  
ланган бўлиб, у университет олимларининг ҳёти ва ижодий фаолияти ҳақида маълумотлар бериши билан  
диққатни жалб этади.

Мазкур тўпламга дастлаб Тошкент Молия институти, сўнгра Тошкент Халқ хўжалиги институти ва ҳозирда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида фаолият кўрсатиб, номзодлик ва докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилган олимлар — академиклар, профессор ва доцентлар ҳамда катта илмий ходимлар киритилган. Булардан ташқари ТДИУни битказиб, Республикаимизда иқтисодий фанлар бўйича илмий салоҳиятни кўтаришда ўзларининг муносиб ва салмоқли ҳиссасини қўшиб келаётган иқтисодчилар, шунингдек, давлат бошқарув тизимида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонида ва Вазирлар Маҳкамасидаги ҳамда хорижий мамлакатлардаги ёки улар ҳамкорлигидаги хизматлари билан танилган етук дипломат ходимлар ҳам, оламдан ўтган олимлар ҳам имкон доирасида библиографик очерк тўпламига киритилган.

Маълумотлар тўплаш жараёнида айрим ташкилий сабабларга кўра (биобиблиографик маълумотлар ўз вақтида қўнимизга етиб келмаганлиги туфайли) мазкур тўпламиизга кирмай қолган ТДИУнинг собиқ тала-

балари (ҳозирда олимлари) бўлсалар, улардан албатта, узр сўраймиз, келгуси нашрларда имкон борича эътиборга олинади, деган умид билдирамиз.

Кичик-кичик библиографик маълумотлардан ташкил топган ушбу тўплам орқали кенг китобхонлар оммаси ТДИУнинг қисқача тарихи билан ҳам таништирилади.

Биобиблиографик маълумотлар қўйидаги тартибда жойлаштириб чиқилган:

Биринчидан, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида ишлаб, ҳозирда Республикаиздаги машҳур олимлар — академиклар, иккинчидан, фан докторлари; профессорлар; учинчидан эса фан номзодлари ва доцентлар тўғрисидаги маълумотлар алифбо тартибида келтирилган.

Бироқ айрим фамилияларнинг ёзилиши ҳозирги ўзбек тили имло қоидаларига мутлақо тўғри келмайди. Масалан: Джўраев эмас, Жўраев; Ирматов эмас, Эрматов; Якубов эмас, Ёкубов; Юлдашев эмас, Йўлдошев тарзида бўлиши керак эди. Мазкур тўпламда эса шартли равишда айрим фамилиялар фуқаролик паспортларида қандай ёзилган бўлса, ўз ҳолича қолдирилишига тўғри келди.

Тўпламга киритилган биобиблиографик маълумотларнинг айримларига имкон даражада асосий илмий ишлари ҳам келтирилди. Кўпчиликларига эса илмий-ижодий фаолиятлари давомида яратган ишларининг босма табоқ ҳажми ёки чоп этилган илмий ишлари сони кўрсатиб ўтилди.

Тўпламга киритилган барча биобиблиографик маълумотларда 2001 йилнинг 1 июлигача бўлган ҳолатлар хисобга олинди. Ундан кейинги ўзгаришлар бизнинг зиммамизга кирмаган.

Мазкур тўпламни тузища, хусусан, биобиблиографик маълумотлар тўплашимизда яқиндан ёрдам берган барча ходимларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Шу билан бирга бу хилдаги нашрнинг дастлабки эканлигини назарда тутиб, унда йўл қўйилган айрим камчилик ёки нуқсонлар бўлса, талабчан ва синчков китобхонларимиздан узр сўраймиз ва келгуси нашрларда уларнинг таклиф ва мулоҳазалари албатта эътиборга олинади, деган умид билдирамиз.

## АМИНОВ ОЛИМ МҮМИНОВИЧ

Олим Мүминович Аминов иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик.

1906 йилда Кўқонда туғилган.

1932—1934 йилларда Кўқон шаҳрида Давлат пахтачиллик институтининг ташкилотчиси ва директори, 1944—1948 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Иқтисод институтининг биринчи директори ва Академиянинг илмий котиби, 1948—1966 йилларда Тошкент тўқимачилик ва Халқ хўжалиги институтининг ўқитувчиси ва кафедра мудири вазифаларида ишлаган.

1966 йилда Тошкент Давлат университети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институтининг директори бўлиб фаолият кўрсатган. 70 дан ортиқ илмий асарлар муаллифи.

О. Аминов асарларида иқтисодиёт, Ўрта Осиё иқтисоди тарихига оид масалалар чуқур ёритиб берилган.

1958 йилда нашр этилган «Экономическое развитие Средней Азии в колониальный период» номли монографиясида Ўрта Осиёning мустамлака давридаги иқтисодий ривожланишининг ҳамма асосий томонлари тасвирланган. Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Иқтисод» кафедраси О. Аминов раҳбарлигида «Экономическая история Узбекистана» (1917—1967) монографиясини нашр қилди. Иқтисодиёт бўйича ўзбекча илмий терминология яратишда ҳам профессор О. Аминовнинг хизматлари катта.

О. Аминов фақат Ўзбекистонда эмас, балки Ўрта Осиёда ҳам иқтисодиёт фанини ривожлантиришга салмоқли ҳисса кўшган.

Ўзбекистон ва Ўрта Осиё иқтисодий тарих мактабини яратувчиларидан ва асосчиларидан бўлган.

Иқтисод ва тарих фанлари соҳасида малакали илмий кадрлар (60 дан ортиқ фан номзодлари ва докторлари) тайёрлаганлар. Бир қатор Халқаро ва Республика илмий конференция ҳамда симпозиумларида иштирок этган.

О. Аминов бир қанча илмий журналларнинг ҳайъат аъзоси, Республика Фанлар академияларининг илмий-муаммо Кенташларининг аъзоси, ўзбек Қомусининг бош таҳрир ҳайъати аъзоси бўлган.

Академик О. Аминов 1981 йил 22 октябрда вафот этган.

## ИСКАНДАРОВ ИБРОҲИМЖОН



Иброҳимжон Искандалор иқтисод фанлари доктори, профессор. ЎзРФА академиги, Берунийномидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

1932 йил 8 майда Чимкент вилояти, Сайрам туманининг Қорамурт қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топган.

1949 йилда ўрта мактабни тамомлаган. 1953 йилда Тошкент Молия-иқтисод институтини имтиёзли диплом билан тутгатган. 1958—1961 йиллар-

да Москва Давлат иқтисодиёт институтининг аспирантурасида таҳсил олган. 1962 йилда номзодлик ва 1969 йилда эса докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Ўз меҳнат фаолиятини Бухоро вилоятида оддий молия хизматчисидан бошлаган И. Искандалор Ўзбекистон Республикаси Давлат режалаш кўмитасининг раиси, Ўзбекистон Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Олий Советининг депутатлигигача, фан соҳасида эса кичик илмий ходимдан то Ўзбекистон ФА вице-президенти лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтган. У Ўзбекистон Республикаси ФА Президиумининг Бош илмий котиби лавозимида ҳам ишлаган.

И. Искандалор қатор иқтисодий илмий муассасаларга, жумладан, ЎзРФА Иқтисодиёт институтига,

Тошкент Халқ хўжалиги институтига, ЎзР ФА Ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш кенгаши кабиларга раҳбарлик қилган.

И. Искандаров Ўзбекистонда ижтимоий фанларни ва айниқса, иқтисодий фанларни ривожлантиришга салмоқди ҳисса кўшган. У муҳим иқтисодий дастурларнинг муаллифи бўлиб, 400 дан ортиқ илмий асарлар нашр этган. Унинг илмий асарлари Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий юксалишини назарий стратегик ва мустақилликнинг интеграция жараёнларини долзарб муаммоларини таҳдил этишга бағишлиланган. Олим 40 дан ортиқ фан докторлари ва фан номзодларини етиштирган, кўплаб орден ва медаллар ҳамда фаҳрий ёрликлар билан тақдирланган.

И. Искандаров бир неча бор хорижий мамлакатларда: АҚШ, Италия, Хиндистонда, шу жумладан, Туркияда ўтказилган илмий анжуманларда иштирок этиб, улар билан ҳамкорлик ишларини мустаҳкамлашда фаол қатнашган. У «Ўзбекистон-Туркия» дўстлик жамиятининг Президенти лавозимида ишлаган ва ЎзР ФАда чоп этиладиган «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журналиниң муҳаррири бўлган.

Ҳозирги кунда у ЎзР ФА Иқтисодиёт институти бўлимининг раҳбаридир.

И. Искандаров Америка Биография институти томонидан 1998 йилнинг жаҳондаги 500 машҳур шахслар рўйхатига киритилган ва маҳсус китобида нашр этилган йирик иқтисодчи олимдир.

Йирик иқтисодчи олим И. Искандаровнинг 500 дан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

## КИМ ВЛАДИМИР ВАСИЛЬЕВИЧ

Владимир Васильевич Ким иқтисод фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА академиги, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби.

1929 йил 25 сентябрда Хабаровск ўлкасининг Бикине шаҳрида туфилган.

1937 йилда Узоқ Шарқдан Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти Куйи Чирчиқ туманига келишган.

1946 йилда Тошкент Молия-иқтисод институтининг «Молия» факультетига ўқишга кириб, уни 1950 йилда



имтиёзли диплом билан тутатган. Давлат комиссияси йўлланмаси асосида Самарқанд вилояти бўйича тафтиш ишлари юзасидан назоратчи лавозимига тавсия қилинган.

1953 йилда Тошкент Молия-иктисод институти кундузги бўлимининг «Молия» мутахассислиги аспирантурасига қабул қилинган.

1956 йил сентябрь ойидан ўқитувчи, катта ўқитувчи, 1963 йилдан эса доцент ва «Кишлоқ ҳўжалик иқти-

соди» кафедраси мудири лавозимларида ишлаган.

1961 йилда номзодлик диссертациясини ёқла-  
ган.

1969 йилда катта илмий ходим лавозимига ўтказил-  
ган ва 1972 йилда докторлик диссертациясини ёқла-  
ган.

Аграр-иктисод фанига катта ҳисса қўшганлиги учун 1979 йил июнь ойида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзолигига сайланган.

1981 йилда В. В. Ким «Ўзбекистонда хизмат кўрсат-  
ган фан арбоби» унвонига сазовор бўлган.

1982 йилдан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиумининг «Фалсафа, иқтисод ва ҳуқуқшунослик» фанлари бўлимининг академик-котиби лавозимида ишлаган.

1985 йилдан В. В. Ким Тошкент Халқ ҳўжалиги институтининг ўкув бўлими ишлари бўйича проректori ва 1987 йилдан эса илмий ишлар бўйича проректор лавозимида 1994 йилгача ишлаган. Сўнгра Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректори маслаҳатчиси бўлиб ҳозирги кунгача ишлаб келмоқда.

Иқтисодчи олим В. В. Ким раҳбарлигида тўртта фан доктори ва 32 та фан номзодлари етишиб чиққан.

В. В. Ким йирик иқтисодчи олим бўлиб, унинг беш монографияси ва 150 дан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

## ШАРИФХЎЖАЕВ МУРОД

Мурод Шарифхўжаев, иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий.

1932 йилда Тошкент шаҳрида туғилган.

1949 йилда ўрта мактабни олтин медаль билан, 1953 йилда Тошкент Молия иқтисод институтини имтиёзли диплом билан битирган. 1956 йилда аспирантурани тутатган ва шу институтда ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент ва кафедра мудири лавозимларида ишлаган. 1959 йилда фан номзодлиги, 1974 йилда эса фан докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1976 йилда унга профессор илмий унвони берилган. 1989 йилда Ўзбекистон Фанинг мухбир аъзоси ва 1995 йилда Фанинг академиги этиб сайланган.

М. Шарифхўжаев 1975—76 йилларда Ўзбекистон Давлат режа қўмитаси ҳузуридаги Иқтисодий илмий-техникиш институтининг директори, 1976—86 йилларда Тошкент Халқ ҳўжалиги институтининг ректори, 1986—90 йилларда Давлат қурилиш қўмитасига қарашли Курилиш мажмуалари раҳбарлари ва мутахассислари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тармоқлараро институтининг проректори, 1990—91 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг бош илмий котиби, 1994—95 йилларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси раиси лавозимларида ишлаган.

М. Шарифхўжаев 1991 йилдан шу кунгача Тошкент Молия институтининг ректори лавозимида ишлаб келмоқда.

Академик М. Шарифхўжаев фундаментал илмий

ишилари билан иқтисодиёт фанини бойитган, ўзининг илмий мактабини яратган, айниқса, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгандан кейинги даврида бозор муносабатларига ўтиш бўйича қатор концепцияларни ишлаб чиқишида салмоқли ҳисса қўшиб келаётган олимдир. У киши томонидан нашр этилган тадқиқотларнинг умумий ҳажми 200 босма табоқдан ошган бўлиб, 250 дан зиёд илмий асарлари ва мақолалари эълон қилинган. Шулар жумласида 9 та монография ҳамда Россия иқтисодиёт Академияси олимлари билан ҳамкорликда ёзилган «Экономическая теория» дарслиги (1999), Германия олимлари билан ҳамкорликда чоп этилган «Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти» дарслиги (2000) ва «Менежмент» ўкув қўлланмаси (2000) ҳам бор. Унинг илмий тадқиқотлари Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва ўз тараққиёт моделини яратишга, ишилаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини, халқнинг моддий фаровонлигини, маънавий юксаклигини оширишга, молия-кредит механизми ва солиқ тизимини такомиллаштиришга бағишлиланган.

М. Шарифхўжаев АҚШ, Германия, Франция, Россия, Туркия, Польша, Греция ва бошқа хорижий мамлакатларда хизмат сафарида бўлиб, ўз маъruzалари билан фаол иштирок этган.

М. Шарифхўжаев Ўзбекистон Республикаси олий ўкув юртлараро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятларини мувофиқлаштирувчи кенгаш қошидаги «Иқтисодиёт, бизнес ва ҳуқуқ» бўйича илмий-услубий бирлашманинг ва Тошкент Молия институти Илмий кенгаши ва ижтимоий фанлар кенгашларининг раисидир.

Академик М. Шарифхўжаев иқтисодиёт соҳасида мактаб яратган олимдир. Унинг раҳбарлигига 5 та фан доктори, 48 та фан номзоди тайёрланган. 15 тадан ортиқ монография ва илмий тўпламларнинг масъул муҳарриридир. Бутунги кунда у — «Фан ва турмуш» журналининг бош муҳаррири.

Академик М. Шарифхўжаев улкан салоҳиятли, таникли иқтисодчи олим, камтар, меҳнатсевар халқига хизмат қилувчи талабчан ва ташаббускор раҳбарлардандир.

## ТУРСУНМУҲАМЕДОВ САТТОР ПОЗИЛҲАҚОВИЧ

Саттор Позилҳақович Турсунмуҳамедов фалсафа фанлари доктори, профессор, академик. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси.

1929 йил 11 январда Тошкентда хизматчи оиласида дунёга келган. 1947 йилда ўрта мактабни тугатиб, Ўрта Осиё Давлат университетининг хукуқшунослик факультетига ўқишига кирган ва уни 1952 йилда муваффақиятли тамомлаган. 1955 йилда Тошкент Молия-иқтисод институти аспирантурасини битирган. Шу ерда С. П. Турсунмуҳамедов 24 йил ишлаб, дастлаб асистент, ўқитувчи, доцент, сўнгра кафедра мудири бўлиб ишлаган.

С. П. Турсунмуҳамедов 1976 йилнинг май ойидан 1979 йилнинг август ойига қадар Тошкент Давлат университети қошидаги ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институтининг директори лавозимида ишлаган. 1979—1983 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ректори бўлган. 1983—1985 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги (ҳозирги Тошкент Давлат иқтисодиёт университети) «Фалсафа» кафедрасини бошқарган. 1985—1993 йилларда Тошкент Давлат университети қошидаги Ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институтида «Ижтимоий-сиёсий муносабатлар назарияси» кафедраси мудири, 1993 йилдан эса ТошДУ қошидаги Олий Педагогика институти директори вазифаарида фаолият кўрсатган. 1994—1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси эксперт гурӯҳи раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган. 1995 йилдан то ҳозирги кунга қадар Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия Университетида талабаларга дарс бериш-



нинг сифатини назорат қилувчи эксперт гурухининг раҳбари ва «Политология» кафедрасининг профессори лавозимларида ишлаб келмоқда.

С. П. Турсунмуҳамедов ўз меҳнат фаолиятини илмий-тадқиқот ишлари билан узвий боғлаган. У 1960 йилда номзодлик диссертациясини ва 1970 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтидаги докторлик диссертациясини мұваффақиятли ҳимоя қилган. 1972 йилда унга профессор илмий унвони берилганды. У 1979 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзолигига сайланган. 2000 йил май ойидан ЎзРФА академигидир.

С. П. Турсунмуҳамедов бир қанча Ҳалқаро илмий-назарий ва услубий анжуманлар қатнашчесидир.

Унинг бевосита раҳбарлигига 20 дан ортиқ фан докторлари ва номзодлари тайёрланган. У номзодлик ва докторлик ишларини ҳимоя қилиш бўйича ташкил этилган бир қанча маҳсус илмий Кенгашлар аъзоси бўлган.

С. П. Турсунмуҳамедов «Шавкатли меҳнати учун» медали совриндоридир.

С. П. Турсунмуҳамедов умумий ҳажми 160 табоқдан ошиқ бўлган 130 дан ортиқ турли монографиялар, рисолалар, ҳар хил тўпламлар, газета ва журналлардаги илмий мақолаларнинг муаллифи ҳисобланади. У фалсафа ва сиёsatшунослик фанларига оид ўзбек тилидаги кўплаб китоблар, тўпламлар, ўкув қўлланмаларига муҳаррирлик ва ҳаммуаллифлик ҳам қилган олимдир.

#### **Асосий илмий ишлари:**

1. «Президент И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи ва иккинчи сессияларидаги маърузаларидан фойдаланиш бўйича кафедралар ўқитувчилари учун услубий тавсиялар», 1995, (Ҳамкор).

2. Изменения в социальной структуре общества в условиях формирования рыночных отношений в Республике Узбекистан. «Бизнес ва Ўзбекистонда мулкдор синфий шаклланишининг назарий ва амалий муаммолари». Илмий-амалий конференция материалы. Т., 1996.

3. Некоторые вопросы повышения качества преподавания в УМЭД. — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети тўплами, 1998.

4. «Президент И. А. Каримов асрлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Республика Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва ҳужжатларидан олий ўкув юртларида

сиёсатшунослик, халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсатга оид курсларда фойдаланиш бўйича методик тавсияномалар». Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Т., 1998 (Ҳамкор).

5. «Бозор муносабатларини ривожлантириши давридаги кучли ижтимоий сиёсат. «Мустақиллик ва ижтимоий тараққиёт». Тўплам, Т., 1998.

6. «Политика и социальная структура общества в условиях формирования рыночных отношений» (Учебное пособие). Т., 2001 ва бошқалар.

## ГУЛОМОВ САИДАХРОР САИДАХМЕДОВИЧ

Сайдахрор Сайдахмедович Гуломов — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Сайдахрор Сайдахмедович Гуломов 1947 йил 25 июнда Тошкент шаҳрида таваллуд топган.

1964 йилда ўрта мактабни «аъло» баҳоларга тутгатди.

1969 йилда Тошкент Халқ хўжалик институтини имтиёзли диплом билан муваффақиятли тамомлангандан сўнг, мазкур институтнинг «Иқтисодий кибернетика» кафедрасида тадқиқотчи-шогирд лавозимига ишга қолдирилди.

1970—1973 йилларда Г. В. Плеханов номидаги Москва Халқ хўжалик институтининг кундузги бўлим аспиранти бўлиб, номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1973—1980 йилларда Тошкент Халқ хўжалик институтининг «Иқтисодий кибернетика» кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлади.

1980—1981 йилларда М. В. Ломоносов номли Москва Давлат Университетида катта илмий ходим лаво-



зимида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1982—1988 йилларда Тошкент Халқ хўжалик институтида профессор, декан, ўқув ишлари бўйича про-ректор вазифаларида ишлаб келди.

1988 йилда муқобиллик (альтернатив) асосида рек-тор лавозимига сайланди ва бу лавозимда 10 йил сид-қидилдан ишлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 июлдаги Фармони билан Саидахор Саидахмедович Фуломов Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта мах-сус таълим вазири этиб тайинланди ва у ҳозирги кун-да шу лавозимда фаолият қўрсатмоқда.

С. Фуломов ўзининг илмий, меҳнат фаолияти дав-рида 10 дан ортиқ монография, 20 га яқин рисола (брошюра), 15 дан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланма-лар, 100 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этди. Унга 1991 йилда «Ўзбекистонда хизмат қўрсатган фан арбо-би» фахрий унвони берилди.

1995 йилда эса Ўзбекистон Фанлар Академияси-нинг ҳақиқий аъзолигига сайланди.

Академик С. Фуломов республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтишга бағишилаб, «Бозор иқтисодиёти ва жамиятни ахборотлаштириш», «Бозор иқтисодиёти ва ишбилармонлик», «Бозор иқтисодиёти моделлари», «Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти», «Ки-чик ва хусусий тадбиркорлик асослари» каби йирик илмий асарлар яратди.

С. Фуломов бозор иқтисодиётини компьютер-ахбо-ротлаштириш технологиясига бағишиланган кўплаб монографияларнинг («Экономика и информатика», «Современные информационно-коммуникационные технологии», «Фирма фаолиятини бозор иқтисодиёти шароитида моделлаштириш» ва бошқалар) муалли-фидир.

Академик С. Фуломовнинг «Экономическая теория», «Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосла-ри», «Иқтисодий информатика», «Компьютер оламида», «Худудий тизимларни оптималлаш моделлари ва усувлари», «Ўзбекистон Республикаси: бозор иқтисодиётига ўтиш», «Микроиқтисодиёт» каби дарслик ва ўқув қўлланмалари олий ўқув юртларида мутахассис-лик бўйича асосий адабиёт сифатида фойдаланилмоқ-да.

С. Фуломов томонидан Ўзбекистон Республикасида узлуксиз иқтисодий таълим концепцияси яратилди.

С. Фуломов ўзига топширилган ҳар қандай лавозимда илмий, ижодий ва тадбиркорлик билан ишни ташкил қиласди. Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида ихтисослаштирилган Илмий Кенгашга раҳбарлик қилиб, илм-фанга интилган ёшларни муваффақиятли диссертация ҳимоя қилишларини самарали ташкил этмоқда.

Академик С. Фуломов йирик ташкилотчи раҳбар ҳамдир. Унинг бевосита ташкилотчилиги асосида ТДИУга қарашли иқтисодиёт коллежи, академик лицей ва гимназия, «Халқаро иқтисодий муносабатлар», «Халқаро бизнес», «Халқаро туризм», «Иқтисодий информатика ва педагогика» факультетлари очилди. Республикализнинг олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, халқ ҳўжалигининг турли тармоқ ва соҳаларида фаолият кўрсатаётган иқтисодий мутахассисларнинг иқтисодий билимларини оширишга мўлжалланган Малака ошириш институти ташкил этилди.

Республикамизда биринчи бўлиб ТДИУ қошида «Бизнес мактаби», «Ихтисослаштирилган Олий бизнес мактаб»ларини очилишида академик С. Фуломовнинг хизматлари бекиёс.

Академик С. Фуломов талабаларнинг талабини замонавий ўқув ва илмий адабиётларга тўлароқ қондириш мақсадида Университет кутубхонасига 30 минг нусхадан ортиқ китоб совфа этди. Иқтисодий йўналишларга мўлжалланган «Иқтисодиёт ва таълим» журналининг бош муҳарриридир.

У киши ректорлик даврида йирик курилиш ва ҳўжалик ишларини амалга оширишга бош-қош бўлдилар. Жумладан, Университетнинг 14 қаватли маъмурий биноси, чет эл адабиётларига бой бўлган замонавий кутубхонаси, иқтисодиёт факультетининг барча талабаларга жавоб берадиган замонавий, шинам бинолари фойдаланишга топширилди.

Университетнинг «Иқтисодчи» дам олиш зonasини курилишида, Отчопар бозорининг яқинидаги «Москва» номли жамоа ҳўжалигидан ва Қоровулбозордан 50 гектар ер участкалари профессор-ўқитувчилар ва хизматчилар учун дала-ҳовлилар сифатида ажратилишида академик С. Фуломов бевосита раҳбарлик қилди,

«Минводы» дам олиш зонасида университет профилакторияси қурилишининг бошланишига асос солди.

Академик С. Фуломов ТДИУни йирик ва нуфузли чет эл университетлари билан узвий алоқасини ўрнатилишига катта ҳисса қўшди. Университетда В. Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясини филиали очилди. Бевосита академик С. Фуломов бошчилигида Москва Давлат университети, Кембриж, Гарвард, Сарбонна, Буюк Британиянинг Ноттенгем Трент университети, Вестминстр университети, Голландиянинг Фотис университети каби жаҳон миқёсидаги нуфузли олий ўқув юрглари билан ўзаро фойдали ҳамкорлик ўрнатилиди. Бунинг натижасида 200 та яқин талаба хорижий давлатларда таълим олиб қайтишди. Университет раҳбарлари ва профессор-ўқитувчиларининг қарийб учдан икки қисми чет элларда ўз малакаларини оширишларида С. Фуломов ўзининг ташаббускорлик ва ташкилотчилик қобилиятини намоён қила олди.

Халқаро ҳамкорликка қўшган ҳиссаси ва йирик иммий асарлари учун С. Фуломовга Г. В. Плеханов номли Россия иқтисодиёт академиясининг фахрий фан доктори унвони берилди, Нью-Йорк ва халқаро олий мактаб фанлари академияларининг ҳақиқий аъзолигига сайланди.

Университет турли лойиҳалар ва фонdlарда (Жаҳон банкининг «Иқтисодий ривожланиш институти», Жаҳон Банки қошидаги Вена мактаби, Бирлашган Банклар ва молия ташкилоти (JBF), ТАСИС, TEMPUS, DAD, ACCELS, ЕВРОСИЕ, СОРОС, ЖЕКА, Британия Кенгаши) иштирок этиш орқали 12 млн. АҚШ долларга яқин инвестиция келтиришга ҳисса қўшди.

Бевосита С. Фуломов бошчилигида Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юрглари билан АҚШнинг Нью-Йорк университети ўртасида халқаро ҳамкорлик дастури очилди, Германиянинг Бавария ОВЦ менежерлар малакасини ошириш маркази ТДИУда очилди ва тингловчилар учун компьютерлар ва маҳсус компьютер ўқув дастурлари келтирилди.

Саидаҳрор Саидахмедович Фуломовнинг ректорлик лавозимида оширган тажрибаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири лавозимида муваффақиятли ишлашига замин бўлди. Вазирнинг шахсий ташаббуси билан «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури

тўғрисида»ги Қонунлар ва улар асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган барча қарорларни рўёбга чиқариш бўйича ижросини таъминлаш чоратадбирларининг ишлаб чиқилиши вазирлик фаолиятини жаҳон таълим тизими асосларида бошқаришга олиб келди. Ўқув адабиётларининг ўзбек тилida етишмаслиги ва талабаларни илмий адабиётлар билан таъминлашда энг оқил йўлни танлаш ҳам вазирнинг номи билан боғлиқ. Вазирлик бўйича барча фанлардан маъруза матнлари тайёрлаш, ҳар бир талабага етказиш, кутубхоналарда камида 10 та нусхасининг бўлишига эришиш, кейинчалик улар асосида ўқув қўлланмалар, дарсликлар яратишга киришиш шахсан вазир ташаббуси билан амалга оширилаётган улкан тадбирлар сирасига киради. Кутубхоналар фаолиятини мукаммаллаштириш, компьютерлар орқали халқаро «Internet» тармоғидан кенг фойдаланиш, ўқув жараёнининг «фаол» қисмини ривожлантириш, факультет деканлари ва кафедра мудирлари, профессор-ўқитувчилар фаолиятини режалаштириш ва қўллаб-кувватлаш, илгор педагогик технологиялардан дарс жараёнида фойдаланиш, таълим жараёнидаги замон талабига мос ўзгаришлар ҳам бевосита Саидахрор Саидахмедович Фуломов номи билан чамбарчас боғлиқдир.


Академик С. Фуломовнинг узоқ йиллик самарали фаолияти ҳукуматимиз томонидан юқори баҳоланиб «Меҳнат шуҳрати» ва «Халқлар дўстлиги» орденлари билан муносиб тақдирланди.

### АЛИМОВ РАИМЖОН ҲАКИМОВИЧ

Раимжон Ҳакимович Алимов иқтисод фанлари доктори, профессор.

1950 йил 10 январда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган.

1967 йилда А. Навоий номидаги 40-ўрта мактабни тутатиб, Тошкент Халқ хўжалиги институтига кирган. 1972 йилда институтни битириб, иқтисодчи-математик мутахассислигини олган. Ҳарбий хизматни ўтаган. 1973 йилдан бошлаб асистент ва 1975—1978 йилларда эса Москва Молия институти аспиранти бўлган. 1979 йилдан доцент, кафедра мудири ва университет ректори





муовини лавозимларида ишлаган. 1978 йилда номзодлик, 1993 йилда эса докторлик диссертацияси ни муваффақиятли ёқлаған.

Профессор Р. Х. Алимов Дания, Англия, Жанубий Корея, Америка, Франция, Испания, Греция каби хорижий мамлакатларда хизмат сафарларыда бүлган.

1999 йилдан эътиборан ТДИУ ректори лавозимида ишлаб келмоқда.

Олимнинг юздан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

#### **Асосий илмий ишлари:**

1. Оптимизация оперативного управления предприятиями РАПО. Ташкент, 1987.
2. Прогнозный анализ и управление развитием хлопково-промышленного комплекса на ЭВМ. Т., «Мехнат», 1992.
3. Об одном подходе к проблеме моделирования координирующих экономических параметров в условиях неопределенности. Т., 1995.
4. Ахборот тизимлари ва технологиялари (Олий ўқув юртларининг иқтисодиёт мутахассисларни учун дарслик). Т., «Ўзбекистон», 2000.
5. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. Тошкент, 1990, (Ҳамкор).
6. Основы информатики и вычислительной техники (Учебное пособие). Ташкент, 1991, (Ҳамкор).
7. Windows тизимида мустақил ишларни бажариш. Методик қўлланма. Тошкент, 1997.
8. Ахборотларни қайта ишлашнинг компьютер технологияси. Ўқув қўлланма. Тошкент, 1999.
9. Информационные технологии управления. Учебное пособие, Ташкент, 1999.
10. Учимся работать на MICROSOFT EXCEL. Учебное пособие. М., 2000 ва бошқалар.

## АБДУРАХМОНОВ ҚАЛАНДАР

Қаландар Абдураҳмонов иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган халқ таълими ходими, академик.

1946 йил 2 февралда Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманининг «Тўлақўл» қишлоғида хизматчи оиласида туғилган.

Ўрта мактабни туттагач, 1963 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтига «Меҳнат иқтисодиёти» мутахассислиги бўйича ўқишига кирган. 1966 йилда бир гурӯҳ иқтидорли ёшлиар Марказий институтларга юборилган. Шулар қаторида у ҳам Г. В. Плеханов номли Россия иқтисодиёт Академиясига (Москва Халқ хўжалиги институтига) ўқишини давом эттириш учун юборилган.

1968 йилда Г. В. Плеханов номли Россия иқтисодиёт Академиясини туттагандан сўнг Олий таълим вазирлигининг йўлланмаси билан Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Меҳнатни илмий ташкил этиш ва бошқариш» кафедрасига асистентлик вазифасига юборилган. 2 йил ишлаганидан сўнг Москва шаҳридаги Г. В. Плеханов номли Академияга «мақсадли» аспирантурага таклиф қилинган.

1973 йил ноябрь ойида иқтисод фанлари номзоди илмий даражаси учун диссертация ёқлаган.

1974 йил январь ойидан бошлаб, 1989 йилгача Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида катта ўқитувчи, доцент, декан ўринбосари, кафедра мудири вазифаларида ишлаган. 1989—1990 йилларда ишдан ажралмаган ҳолда Г. В. Плеханов номли Россия иқтисодиёт Академияси докторантурасида ўқиган ва 1990 йил деқабрь ойида «Минтақаларда меҳнат потенциалини бошқариш муаммолари» мавзусида иқтисод фанлари доктори илмий даражаси учун диссертация ёқлаган.



1991 йилдан 1994 йилгача «Меҳнат иқтисоди ва социологияси» кафедрасига мудир, Университетнинг халқаро алоқалар бўйича ректор мувонини вазифаларида ишлаган.

1995 йилдан ҳозиргача Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Меҳнат иқтисоди ва социологияси» кафедрасининг мудири вазифасида ишламоқда. Айни бир вақтда ТДИУ қошидаги Г. В. Плеханов номли Россия иқтисодиёт Академиясининг Ўқув Илмий Маркази директори, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг «Менежмент ва маркетинг» кафедрасининг профессори ва шу академиянинг Илмий Кенгаш аъзоси сифатида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Қ. Абдураҳмоновга 1992 йил 8 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий унвони берилди.

Олим бугунги кунда 16 та фан номзоди, 2 та фан доктори тайёрлаган. Айни бир вақтда унинг раҳбарлигида 10 дан ортиқ аспирантлар ва илмий ходимлар иқтисодиётнинг долзарб масалалари бўйича илмий изланишлар олиб боришмоқда.

Илмий ишлари 250 босма табоқдан ортиқ бўлиб, 200 номда Москва, Санкт-Петербург, Тошкент, Женева, Хельсинки, Нью-Йорк ва бошқа илмий Марказларда чоп этилган. Шу жумладан, 15 дан ортиқ ўқув қўлланма, дарсликлар ва монографиялар муаллифидир.

Халқаро «ЮНЕСКО» жамиятининг Ўзбекистон Республикаси бўйича миллий координациялаш қўмитасининг аъзоси, «Ўзбекистон-АҚШ» дўстлик жамиятининг аъзоси сифатида ижтимоий фаолият кўрсатмоқда. 1997 йилда Россия Федерацияси гуманитар фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академик), 1998 йилдан Олий мактаб фанлари Халқаро академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академик), 1999 йилдан бошлаб Минтақалараро меҳнат ва аҳоли бандлиги академияси ҳақиқий аъзолигига сайланган.

#### **Асосий илмий ишлари:**

1. Опыт формирования рынка труда в промышленно развитых странах мира (обзор). Т., «Фан», 1991 (Ҳамкор).
2. Управление трудовым потенциалом в условиях регулируемой

рыночной экономики (Монография) — Т., «Меңнат», 1991 (Хамкор).

3. Мәңнат иқтисодиети (Үқув күлланма). ТДИУ, 1996 (Хамкор).

4. Персонални бошқариш (Үқув күлланма). Т., «Шарқ», 1998, (Хамкор).

5. Экономическая теория (Учебник для студентов высших учебных заведений). Т., «Шарқ», 1999 (Хамкор).

6. Мәңнат бозори (Үқув күлланма), ТДИУ, 1999 (Хамкор).

7. Основы управления персоналом организации (Учебное пособие). Т., 2000. (Хамкор).

8. Теоретические основы менеджмента персонала (Учебное пособие). Т., 2000.

9. Конфликтный менеджмент в организации (Учебное пособие). М., 2000.

10. Мәңнат иқтисодиети. Дарслик. Т., «Ўқитувчи», 2001 ва бошқалар.

## АБДУЛЛАЕВ ЁРҚУЛ

Ёрқул Абдуллаев иқтисод фанлари доктори, профессор.

1942 йилда Самарқанд вилояти, Нурота туманинг Фозғон қишлоғида туғилган.

1968 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институти ҳисоб-иқтисод факультети «Статистика» мутахассислигини имтиёзли диплом билан битирган ва «Статистика» кафедрасида 1972 йилгача ассистент бўлиб ишлаган.

1972—1974 йилларда Москва Иқтисод-статистика институти (МИСИ) аспирантурасида таҳсил олган ва 1974 йилда номзодлик диссертациясини муддатдан олдин ёқлаган. 1974—1983 йилларда «Статистика» кафедрасининг катта ўқитувчиси, 1980 йилдан бошлаб эса доцент бўлиб ишлаган.

1983—1985 йилларда ТХХИ ва МИСИ докторанти, 1985 йиллардан бошлаб ТХХИ «Ҳисоб иқтисод факультети»нинг декани лавозимида ишлаган. 1987 йили



Москва Иқтисод-статистика институтида «Регионал иқтисодиёт самарадорлиги статистикасидаги муаммолар» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган.

1990 йилда профессорлик унвонини олган, 1991 йил июль ойидан бошлаб Тошкент Молия институтида ўқув ишлар бўйича, 1997 йил сентябрдан эса илмий ишлар бўйича ректор мувовини бўлиб ишлаб келмоқда. 1992 йилда унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвони берилди.

Проф. Ё. Абдуллаев иқтисод, хусусан, регионал статистика соҳасида таниқли ва салоҳиятли олим ҳисобланади. Унинг томонидан 460 та босма табоқдан кўпроқ иирик илмий ва ўқув-методик асарлар чоп этилган.

Проф. Ё. Абдуллаев катта тажрибага эга педагог ҳамдир. Республикада статистика фани бўйича ўқув қўлланма ва дарслкларни ёзишда, нашр этишда ҳам у салмоқди ўринни эгаллайди. 1993 йилда биринчи «Статистиканинг умумий назарияси» фани бўйича ўзбек тилида чоп этилган дарслиги Олий таълим вазирлиги томонидан иқтисодчи мутахассислар тайёрловчи барча олий ўқув юртлари ва факультетлари учун тавсия қилинган. Ушбу фан бўйича уч қисмдан иборат масалалар тўплами ва 28 босма табоқли тест тўплами чоп этилган.

1997 йилдан бошлаб унинг раҳбарлиги ва бевосита муаллифлигига «Иқтисодий ислоҳот ва молия-кредит тизими» номли 30 та рисоладан иборат туркум чоп этила бошланди.

Жумладан: «Бозор иқтисодиёти асослари» (1997), «Кредит» (1996). «Пул» (1997), «Солиқ» (1998), «Қимматли қоғозлар» (1998), «Статистика назарияси» (2000), «Макроиқтисодий статистика» (1998), «Менежмент» (2000), «Қичик бизнес ва тадбиркорлик асослари» (2000), «Тадбиркор ён дафтари» (1999) каби ўқув қўлланмаларини келтириш мумкин.

Булардан ташқари Олмония олимлари билан ҳамкорликда 2000 йилда «Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти» дарслиги ҳамда Россия иқтисодиёт Академияси олимлари билан ҳамкорликда «Экономическая теория» дарслиги «Ўқитувчи» ва «Шарқ» нашриётларида чоп этилган.

Проф. Ё. Абдуллаев иқтисодиёт, хусусан статистика соҳаси бўйича бутун бир мактаб яратган олим. У киши раҳбарлигига 6 та фан доктори, 6 та фан номзоди тайёрланган. 4 докторлик ва 21 номзодлик диссертат-

циялари ҳимояларидан музаллифлик қилган. Кўплаб докторлик ва номзодлик диссертацияларига оппонентлик қилган.

Проф. Ё. Абдулаев иқтидорли олим, камтар, меҳнатсевар фан арбоби ва ниҳоятда талабчан, принципиал раҳбардир. У 1987 йилдан бўён меҳнат фахрийсидир. Олим Ўзбекистон Олий Кенгашининг «Фахрий ёрлиги», 1999 йилда «Ўзбекистон Олий таълим аълочиши» нишони билан тақдирланган.

### АБДУГАНИЕВ АБДУЛАТИФ

Абдулатиф Абдуганиев иқтисод фанлари доктори, профессор.

1956 йилда Тошкент вилоятининг Бекобод туманидаги «Далварзин» жамоа хўжалигига ўрта мактабни битириб, Тошкент Молия институтининг бухгалтерия ҳисоби факультетига ўқишига кирган.

1960 йилда институтни имтиёзли диплом билан тугатиб, ишлаш учун Андижон вилоятига юборилган. 1960—64 йилларда вилоят статистика бошқармасида иқтисодчи, катта иқтисодчи ва қишлоқ хўжалиги бўлимининг бошлиги лавозимларида ишланган. Абдулатиф Абдуганиев 1965 йилда Тошкент Молия институтининг «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» кафедрасига аввал илмий тадқиқотчи, сўнгра кафедра аспиранти бўлган.

1968 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Институт раҳбариятининг таклифига биноан «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» кафедрасида ўқитувчи бўлиб қолган. ТДИУ «Агробизнес» кафедрасининг профессори А. Абдуганиев юқори малакали аграр иқтисодчиларни тайёрлашга «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди», «Қишлоқ хўжалиги инвестицион молиявий таҳлил», «Мик-



роиқтисод» фанларини ўқитиши билан салмоқли ҳисса күшмокда. «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди», «Лойиҳавий таҳдил» фанларидан намунавий дастур ҳамда «Қишлоқ хўжалигини режалаштириш» мутахассислигидаги тала-балар учун диплом ишини ёзиш услугубий қўлланмаси-нинг асосий муаллифларидан бири. Педагогик ишлар билан биргаликда илмий тадқиқот ишларини давом этдириш мақсадида А. Абдуғаниев 1975—1979 йилларда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқот институтида «Ер ресурсларидан фойдаланиш» бўлимини бош-қарган. У «Ўзбекистонда ер ресурслари қийматини аниқлаш» бўйича яратилган (1998 й.) услугубий қўлланма-нинг ҳам муаллифидир. Ҳозирги даврда ширкат хўжа-ликларида пай фондини аниқлашда шу услугубий қўллан-ма асос ҳисобланади. Узоқ йиллар давомида олиб бор-ган илмий тадқиқот ишларини натижаси сифатида 1985 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

Илмий тадқиқотларнинг натижаларини 3 та монография, брошюраларда ҳамда 120 та илмий-амалий, услугубий мақолаларда чоп этган. А. Абдуғаниев раҳбарлигига ер-сув фойдаланиш муаммолари бўйича 3 докторлик, 18 номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

#### **Асосий илмий ишлари:**

1. Қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишнинг самарадорлиги. Т., Ўзбекистон, 1973.
2. Ўзбекистон Республикаси шурланган ерлардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш муаммолари. Т., «Фан», 1980.
3. Ўзбекистонда сугориладиган ерлардан фойдаланишни иқтисодий самарадорлигини ошириш. Т., «Фан», 1983.
4. «Қишлоқ хўжалигини режалаштириш» мутахассислиги бўйича курс ва диплом ишларини ёзиш бўйича услугубий қўлланма. ТХХИ, 1988.
5. «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» фанидан маъruzалар матни. ТДИУ, 2000.
6. Тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. Т., 2000 ва бошқалар.

### **АБДУЛЛАЕВА ШАРБАТ ЗУЛФИҚОРОВНА**

Шарбат Зулфиқоровна Абдуллаева иқтисод фанлари доктори, профессор.

1979 йилдан бошлаб Тошкент Халқ хўжалиги инс-

титутининг «Пул муомаласи ва кредит» кафедрасида ўз фаолиятини бошлаган. 1982—1985 йилларда Москва Молия институтининг аспирантурасида ўқиб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 2000 йилда эса иқтисод фанлари бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1986 йилда ТХХИнинг «Пул муомаласи ва кредит» кафедрасида ассистент, 1994 йилдан ҳозирги кунгача Тошкент Молия институти «Банк иши» кафедраси мудири лавозимда ишлаб келмоқда.

Илк бор ўзбек тилида «Пул, кредит ва банклар» дарслиги, «Банк иши», «Пул ва пул тизими» ўқув кўлланмаларини яратган.

Маҳаллий ва хорижий илмий журналларда 100 дан ортиқ илмий мақолалар чоп қилган. Хорижий юрт иқтисадчи олимлари билан ҳамкорликда «Экономическая теория», «Бозор иқтисодиёти амалиёти» каби дарсликларни яратган.

Умумий нашр қилинган ишлар салмоғи 50 б/т.дан ортиқ.

Банк иши йўналиши бўйича 6 фандан маъруза матнларини, қатор фанлар бўйича 10 дан ортиқ методик-услубий кўлланмаларни ишлаб чиққан ва нашр қилган.

### АБДУВАҲИДОВ АБДУМАЛИК МАҲКАМОВИЧ

Абдумалик Маҳкамович Абдуваҳидов иқтисод фанлари доктори, профессор.

1957 йил 18 сентябрда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган. 1974 йилда Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 73-ўрта мактабни тутатган.

А. Абдувоҳидов 1975—1980 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Иқтисодий кибернетика» фа-





культетида таълим олган ва ҳозирги «Ахборот технологияси» кафедрасига асистент лавозимида ишга қабул қилинган. У 1983—1986 йилларда аспирантурада таҳсил олган ва 1987 йилда иқтисод фанлари номзодлиги, 1998 йилда эса иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилган. 1999 йилдан бошлаб «Ахборот технологияси» кафедраси профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

А. Абдувоҳидов томонидан 2 та монография, 5 та ўкув қўлланма, 12 та ўкув-услубий қўлланма, 37 та илмий мақола ва бир нечта маъruzalar матнлари нашр қилинган.

### АБДУЛЛАЕВ ОЛИМЖОН МИРЗАЖОНОВИЧ

Олимжон Мирзажонович Абдулаев иқтисод фанлари доктори, профессор.

1941 йил 28 декабрда Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида туғилган. 1957 йилда ўрта мактабни битириб, Тошкент Давлат Университетига ўқишга кирган ва уни радио физик мутахассислигини 1962 йилда муваффақиятли тутатиб, ҳозирги Кибернетика институтига ишга келган.

1968 йилдан Тошкент Политехника Институтида ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1972 йилда Тошкент Халқ хўжалик институтиning «Иқтисодий кибернетика» кафедрасига ишга ўтган.

1973 йилда педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлаган. 1974 йилдан бошлаб доцент лавозимида ишлаган. Олимжон Абдулаев педагогик ишлари билан бир қаторда илмий, методик ишларни ҳам параллел равишда олиб бориб, республикада биринчи бор олий ўкув юртлари учун

«Электрон рақамли ҳисоблаш машиналари» номли дарслигини 1969 йилда чоп эттирган. 1976 йилда «Ҳисоблаш техникасининг инженерлик ва иқтисодий ҳисобларда ишлатилиши» номли ўкув қўлланмаси, 1975 йилда 9—11-синфлар учун «Радиотехника ва электроника» номли ўкув қўлланмаси чоп этилган.

1978 йилда Олий ўкув юртлари учун «Информационные системы и структуры данных» номли қўлланмаси чоп этилиб, ҳозирги замон автоматлаштирилган маълумотлари банкининг асосини яратиб берган.

1985 йилда ўзбек тилида «Электрон ҳисоблаш машиналари (элементлари ва узеллари)» номли монографияси чоп этилган.

1989 йилда Олимжон Абдуллаев «Региональные проблемы прогнозирования НТП в промышленности» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Ҳозирда Тошкент кимё-технология институти проектори лавозимида фаолият қўрсатиб келмоқда.

Олимжон Абдуллаев Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида сермаҳсул ижод қилиб, 6 та йирик монография чоп этган: «Прогнозирование НТП», Т., «Ўзбекистон», 1981; «НТП в промышленности Узбекистана: Управление и прогнозирование» Т., «Меҳнат», 1990; «Обработка данных в управлении». Т., «Меҳнат», 1992; «Молия маркетинги моделлари ва истиқболлари». Т., «ГФНТИ», 1998 ва бошқалар; Шунингдек, 3 та дарслик, яъни «Иқтисодий кибернетика». Т., «Ўқитувчи», 1998; «Методы социально-экономического прогнозирования». Т., «Ўзбекистон», 1992; «Менежмент ва бизнес асослари». Т., «Меҳнат», 1997 ва бир нечта ўкув қўлланмалар, илмий услугубий мақолалар чоп этган. Шу кунгача 365 босма табоқдан иборат 160 номдан ортиқ илмий услугубий ишлар муаллифиdir.



## АБИРҚУЛОВ ҚУЛМАМАТ НУРМАТОВИЧ



Кулмамат Нурматович Абирқұлов иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат күрсатган фан арбоби.

1937 йил 15 майда Жizzах вилояти Фаллаорол туманида таваллуд топған.

1955 йилда ўрта мактабни битириб, Урта Осиё Давлат университетига ўқишига кирган ва уни 1960 йилда иқтисодий география мутахассислиги бүйича битирған.

Университетни битирғач, 1960—1962 йиллар давомида Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш институтида илмий ходим бўлиб ишлаган.

1962 йилдан бўён Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Экология ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш» кафедрасида аспирант, ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, профессор, 1987 йилдан бўён кафедра мудири лавозимларида ишлаб келмоқда.

1966 йилда география фанлари номзоди, 1983 йилда эса иқтисод фанлари доктори илмий даражаси учун диссертация ёқлаган. Илмий изланишлари Ўзбекистон агросаноат комплекси тармоқларини ривожлантириш, табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш муаммоларига бағишлиланган.

К. Н. Абирқұловнинг илмий раҳбарлигига 10 га яқин фан номзодлари ва фан докторлари етишиб чиққан. 1985—1997 йиллар давомида ТДИУ, ТошДУ, ЎзРФАси қошидаги СОПС ва Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигининг Иқтисодиёт илмий текшириш институтлари қошидаги диссертациялар ҳимоя этишга ихтинослашган Илмий кенгаши аъзоси сифатида бир қатор фан докторлари, номзодликлари ишларига аппонент ва тақризчи сифатида ҳам фаол қатнашиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда кафедра аъзолари домла раҳбарлигига «Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида табиий-ресурс салоҳиятидан фойдаланиш самародорлигини ошириш» муаммолари устида изланишлар олиб боришмоқда.

Иқтисодчи олим К. Н. Абиркулов бир неча марта Москва, Санкт-Петербург, шунингдек, АҚШ, Малайзия ва бошқа хорижий мамлакатлар Университетларидан илмий семинар ва малака ошириш курсларида қатнашиб келган.

Олимнинг кўп йиллик самарали илмий-педагогик фаолияти бир қанча медаллар ва фахрий ёрликлар билан тақдирланган.

Профессор К. Н. Абиркулов 2 та монография, 10 дан зиёд рисолалар, ўкув-услубий қўлланмалар ва 100 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

#### Асосий илмий ишлари:

Абиркулов К. Животноводство — на промышленную основу, Ташкент, «Фан», 1982.

Абиркулов К., Курбанназов Р. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва иқтисодий географиядан амалий машгулотлар, Урганч, 1998.

Курбанназов Р., Саъдуллаев А., Абиркулов К. Иқтисодий экология асослари, Урганч. 1999.

Абиркулов К. Н., Жумаев Т., Ражабов Н. Иқтисодий география, Тошкент, ТДИУ, 2000.

Абиркулов К., Жумаев Т., Ражабов Н. Ҳудуд табиатини истиқболлаш. ТДИУ, 2000.

Рўзиев А., Абиркулов К. Ўзбекистон иқтисодий географияси, Тошкент, «Шарқ», 2000.

## АЗАТЬЯН АРМЕН АРШАВИРОВИЧ

Армен Аршавирович Азатьян география фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

А. А. Азатьян 1915 йил 13 апрелда Варшава шаҳрида ҳарбий врач оиласида таваллуд топган. Олий таълимни Урта Осиё Давлат университетида олган. Университетни тамомлагандан кейин ўз иш фаолиятини Тошкент шаҳридаги ўрта мактабларда муаллимликдан бошлаган. 1946 йилдан то умрининг охиригача қарийб 55 йил мобайнида унинг илмий-педагогик ва жамоат фаолия-

ти Тошкент Давлат иқтисодиёт университети билан узвий боғлиқдир. 1946 йилдан бошлаб 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида ушбу университетнинг «Иқтисодий география» кафедраси мудири, айни бир пайтда 14 йил мобайнида молия-иқтисод факультети декани, сўнгги ўн йилликларда эса «Экология ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш» кафедраси профессори лавозимларида ишлаб келган.

1964 йилда докторлик диссертациясини ёқлаган.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг география тарихини тадқиқ қилиш муаммолари бўйича А. А. Азатъяннинг 15 монографияси, юздан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган. Энг йирик илмий асарлари қаторига қўйида-гилар киради (рус тилида): «А. П. Федченко — географ ва сайёҳ» (1955), «Ўрта Осиё табиатини ўрганган машхур тадқиқотчилар», 1-қисм (1961), 2-қисм (1966), «Ўрта Осиёни географик ўрганилишида асосий йўналишлар» (1964), «Кавказ ва Ўрта Осиёнинг 19-аср ва 20-аср бошларида рус географик тадқиқотлари» (1964), «Ўрта Осиёнинг географик жиҳатдан тадқиқ қилиниши очерклари» (1967), «Ўрта Осиё асосий географик муаммоларининг динамикаси» (1974) ва бошқалар.

Географ олим А. А. Азатъян 2000 йил 10 январда вафот этган.

## АКРАМОВ ЭРГАШ АКРАМОВИЧ



Эргаш Акрамович Акрамов иқтисод фанлари доктори, профессор.

1931 йил 5 июлда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган.

Санкт-Петербург шаҳридаги Молия-иқтисод институтининг Педагогика факультетини тутатгач, шу институт аспирантурасида таҳсил олган.

Аспирантурани тутатгандан сўнг Тошкент Молия-иқтисод институти (ТДИУ)га йўлланма олган.

Институтда асистентликдан бошлаб, то кафедра мудирлигигача күтарилиган.

1973—1981 йиллар давомида илмий ишлар бўйича проректор, профессор Ю. Е. Шенгер номли Ирригация бўйича сармоя ўtkазиш самарадорлиги институти муаммолар лабораториясининг илмий раҳбари, бўлим бошлиғи лавозимида ҳамда 1981 йилдан йўлланма бўйича Олий таълим вазирлиги бўлим бошлиғи лавозимида, янги ташкил топган Олий ўқув юртларни назорат қилувчилик лавозимида фаолият кўрсатган.

1993 йилдан эса Э. А. Акрамов кўптармоқли молия банк ходимларининг малака ошириш институтига ишга ўтган.

Э. А. Акрамов 1958 йилда иқтисод фанлари номзоди, 1960 йилдан доцент ва 1976 йилдан эса иқтисод фан доктори, профессор.

Олим раҳбарлигига 30 дан зиёд фан номзоди ва бир неча фан докторлари тайёрланган.

Э. А. Акрамов томонидан 180 дан ортиқ илмий ишлар ва монография чоп этилган.

## АЛИМОВ ҚАҲРАМОН

Қаҳрамон Алимов иқтисод фанлари доктори, профессор.

1949 йил 15 майда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган.

1966 йилда ўрта мактабни битирган. 1974 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Иқтисодий кибернетика» факультетини тамомлаган. 1974—75 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1975 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «ОМОЭИ» кафедрасига асистент лавозимига қабул қилинган. 1980—82



йилларда «ОМОЭИ» кафедраси аспиранти бўлган. 1983 йилда кафедра асистенти лавозимига сайланган.

1984 йилда Киев Халқ хўжалиги институтининг ихтинослашган Илмий кенгашида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

1985 йилда ТХХИ «ОМОЭИ» кафедрасига доцент лавозимига қабул қилинган. 1994 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. 1996—98 йилларда ТДИУ «Ахборот технологияси» кафедраси мудири лавозимида ишлаган. 1998—99 йиллар давомида ТДИУ касаба ўюшмаси раиси лавозимида ишлаган. 1999 йилдан шу қунгача ТДИУ нинг «Иқтисодиёт ва тадбиркорлик» бўйича ректор муовини лавозимида ишлаб келмоқда.

Професор К. Алимовнинг 60 босма табоқдан зиёд ҳажмда 70 дан ортиқ илмий ишлари чоп этилган.

### АЛЛАҚУЛОВ ХИДИРНАЗАР ХУДАЙНАЗАРОВИЧ



Хидирназар Худайназарович Аллақұлов — иқтисод фанлари доктори, профессор.

1956 йилда Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Ипоқ қишлоғида ишчи оиласида дунёга келган. Ўрта мактабда ўқиши билан бир вақтда 14 ёшидан колхозда ишлаган. 1974—1976 йилларда ҳарбий хизматда, 1976—1978 йилларда қишлоқ хўжалиги машиналарини таъмирлаш корхонасида ишчи, газоэлектропайвандчи бўлиб ишлаган.

1978 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институти тайёрлов бўлимига, 1979 йилда кундузги бўлимига ўқишига кирган ва 1983 йилда ўқишини тутатиб, мазкур институтининг «Сиёсий иқтисод» кафедрасида 1985 йилгача асистент бўлиб ишлаган. 1985—1988 йилларда аспирантурада ўқиган ва 1989

йилда «Социал синфий тафовутларнинг такроран ҳосил бўлиши» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаб иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини, 1991 йилда эса доцент унвонини олган.

1991 йилдан Тошкент Молия институтининг «Иқтисодиёт назарияси» кафедрасида доцент лавозимида ишлай бошлаган. 1994—1997 йилларда докторантурада бўлган ва 1999 йил «Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодий муносабатлар субъектларининг дифференциацияси» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаб иқтисод фанлари доктори илмий даражасини, 2000 йил профессор унвонини олган. 2000 йилдан «Қимматли қофозлар ва биржа иши» кафедраси мудири, 2001 йилдан проректор лавозимларида ишлаб келмоқда.

Х. Аллақулов «Иқтисодиёт назарияси», «Проблемы социальной дифференциации общества» каби дарслик ва монографиялар ёзган. Илмий мақолалари хорижий мамлакатларда чоп этилган. Халқаро илмий конференцияларда маъruzалар қилған. 1996 йил тайёrlаган илмий лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси фан ва техника Давлат қўмитаси Фундаментал тадқиқотлар Фондининг илмий ишлар танлови голиби деб топилган.

### АЛИЕВ БЕКДАВЛАТ

Бекдавлат Алиев фалсафа фанлари доктори, профессор.

1946 йилда Сурхонда-рё вилояти Шеробод туманидаги Яхтийўл қишлоғида ўқитувчи оиласида туғилган. 1963 йилда ўрта мактабни тамомлаган. 1963—1964 йилларда жамоа хўжалигига ҳисобчи бўлиб ишлаган.

Б. Алиев 1964 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти тарих факультетига ўқишга кириб, уни



1969 йил имтиёзли диплом билан тамомлаган. 1969—1984 йилларда шу институтнинг тарих факультетида ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1984 йилда «Ривожланаётган мамлакатларга Ўзбекистоннинг Миллий кадрлар тайёрлашдаги ҳиссаси (1960—1980 йиллар)» мавзусида тарих фанлари номзоди илмий даражасини олган. 1985 йилдан 1990 йилгача Тошкент Ҳалқ ҳўжалиги институти «Иқтисодий тарих» кафедрасида доцент бўлиб ишлаган.

1990—1992 йилларда шу институтнинг докторантурасида ўқиб, 1993 йилда «Ўзбекистоннинг бозор иқтисоди муносабатларига ўтиши даврида меҳнат жамоаси ижтимоий функцияларининг ўзгариши» мавзусида фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олган. 1995 йилдан 1997 йилга қадар Тошкент авиаация институти «Ўзбекистон тарихи» кафедрасининг мудири лавозимида фаолият кўрсатган.

1996 йилда «Олий таълим аълочиси» нишони билан тақдирланган.

1997 йилдан 2000 йил февралига қадар Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Ўзбекистон тарихи» кафедрасининг мудири, 2000 йил февралидан 2001 йил 18 январига қадар Термиз Давлат университети ўкув ишлари проректори лавозимида ишлаган. 2001 йил 18 январидан ҳозирги кунгacha эса Тошкент кимётехнология институти маънавий-маърифий ишлар проректори лавозимида ишлаб келмоқда.

Б. Алиев раҳбарлигида 2 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган.

У 4 та монография, 6 та ўкув қўлланма, 130 дан ортиқ мақола ҳамда тезис ва оммабоп китобларнинг муаллифидир.

## АФЗАЛОВ ЗОКИР ШОКИРОВИЧ

Зокир Шокирович Афзалов техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи ва такомиллаштирувчи.

1947 йил 1 майда Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани зиёли оиласида таваллуд топган. 1964 йилда 1-мактабни тугатгач Тошкент Алоқа Электротехника институтига кириб, 1969 йил радиоалоқа ва радио эшитириш муҳандислигини битирган. 1983 йилгача Кибер-

нетика илмий текшириш институтида муҳандис, ки-чик илмий ходим, катта илмий ходим лавозимларида ишлаган. Техника фанлари номзоди, сўнгра 1992 йилда техника фанлари доктори илмий даражасига эга бўлган. Металлга ишлов беришнинг усуллари ва уларни амалда тадбиқ этиш бўйича 200 га яқин илмий мақола ва 50 га яқин ихтиrolари мавжуд.

1983 йилда Тошкент Ҳалқ хўжалиги институтида, сўнгра янги ташкил қилинган Тошкент Молия Институтида педагогик ва илмий фаолиятини давом эттирган.

Олим Тунис, Марокаш, Ливия, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Туркия мамлакатларида хизмат сафарда бўлган.

«Ислом бобидан мумтоз намуналар», «Жаннат қалити» китобларини ўзбек китобхонларига тақдим этган. Ҳозирги кунгача Молия институтининг «Иқтисодий Информатика» кафедрасида профессор лавозимида рус ва ўзбек гуруҳларида маъruzалар ўқимоқда.

### АҲМЕДОВ ДУРБЕК ҚУДРАТИЛЛАЕВИЧ

Дурбек Қудратиллаевич Аҳмедов иқтисод фанлари доктори, профессор.

1963 йилнинг 19 ноябррида, Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1980 йилда Тошкент шаҳридаги 110-ўрта мактабни тамомлаган. Шу йили Тошкент Ҳалқ хўжалиги институтига «Ҳалқ хўжалигини режалаштириш» мутахассислиги бўйича ўқишга кирган. 1984 йили шу институтни аъло баҳолар билан тугатгач, «Ҳалқ хўжалигини режалаштириш» кафедрасида асистентликка қолдирилган.

1984 йилнинг октябридан 1986 йилнинг майига қадар ҳарбий хизматда бўлган.



Ҳарбий хизматдан қайтгач, Тошкент Халқ хўжалиги институти «Халқ хўжалигини режалаштириш» кафедрасининг асистенти лавозимида ишни давом эттирган. 1987 йилнинг январида аспирантуранинг кундузги бўлимига қабул қилинган.

1987 йилнинг январидан 1989 йилнинг декабрига қадар Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлиги қошидаги хорижий тиллар бўйича маҳсус курсларда инглиз тили мутахассислигига ўқиган.

1989 йилда «Ўзбекистон пахтачилигида ИТПнинг самарадорлиги» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муддатидан аввал ёқлаган.

1990 йилнинг январидан Тошкент Халқ хўжалиги институтининг кафедрасида асистент сифатида ишни давом эттирган. 1990 йилнинг июлидан 1992 йилнинг январига қадар Тошкент Давлат иқтисодиётуниверситети кафедраси доценти лавозимида ишлаган.

1990 йилнинг апрелида Ленинград халқаро менежмент институти қошида «Ташқи иқтисодий фаолият асослари» бўйича курсни тамомлаган.

1991 йилнинг январида Жорж Мэсон номли Университет (АҚШ) томонидан Югославиянинг Дубровник шаҳрида ўtkазилган «Жамоат сайлови назарияси» дастури бўйича ўқиган.

1992 йилда конкурс танлов натижасига кўра АҚШ, КО, Вашингтон шаҳри Жоржтаун Университети қошидаги Пью Экономик Фридом Феллоуз дастурига қабул қилинган. Ушбу курсни тутатгач, Жаҳон Банкининг Вашингтон шаҳридаги Марказий Осиё ва Қозогистон бўлимига стажировкага юборилган.

1992 йилнинг июнь-июлида Жаҳон Банкининг Иқтисодий Ривожланиш Институтида Банк менежменти курси бўйича таълим олган.

1992 йилнинг август-октябрида Жаҳон Банкининг Марказий Осиё ва Қозогистон бўлимида Орол денгизи муаммолари бўйича биринчи миссияси доирасида маслаҳатчи бўлиб ишлаган.

1993 йилнинг апрелидан июлига қадар Вашингтон шаҳридаги Пахтачилик бўйича Халқаро Консультатив Кўмитада маслаҳатчи-тадқиқотчи бўлиб ишлаган.

1993 йилнинг октябридан 1994 йилнинг мартаға қадар Жаҳон Банкининг маслаҳатчиси бўлиб ишлаш билан бирга Жаҳон Банкининг Иқтисодий Ривожла-

ниш Институтининг Марказий Осиё ва Қозогистон бўйича Координатори вазифасини бажарган.

1994 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган. 1995 йилнинг январидан Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг (ТДИУ) илмий ишлар бўйича проректори лавозимида 2001 йил майигача фаолият кўрсатган. Ҳозирда Макроиктисодиёт ва статистика Вазирлиги қарамоғидаги Самарали иқтисодий сиёсий Марказга раҳбарлик қилмоқда.

Илмий-тадқиқот натижаларига кўра 1995 йил ва 1996 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлигининг Фахрий Ёрлиқлари билан мукофотланган.

1995 йилнинг февралидан 1998 йилга қадар ТДИУ илмий ишлар бўйича проректори лавозимида ишлаб туриб, Жаҳон Банкининг Иқтисодий Ривожланиш Институти билан биргаликда ташқил этилган Банк Ўқув Марказига раҳбарлик қилган. 1995 йилнинг сентябрiddан Бирлашган Вена Институтининг Ҳудудий Маркази устидан умумий раҳбарликни амалга ошириб келмоқда.

ТДИУ қошидаги докторлик диссертациясини ёқлаш бўйича Ихтисослашган Кенгаш раиси ўринbosари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Давлат ва жамият қурилиш академиясидаги докторлик диссертациясини ёқлаш бўйича Ихтисослашган Кенгаш аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулкини Бошқариш Қўмитасининг илмий-методик кенгаши аъзоси.

«Фидокор» Миллий Демократик партияси Марказий Назорат тафтиш комиссияси раиси, ТДИУ қошидаги «Фидой ва иқтидорли ёш иқтисодчилар» клуби Президенти вазифаларини ҳам бажариб келмоқда.

Проф. Д. К. Аҳмедовнинг 150 б/т. дан зиёд илмий, ўқув методик қўлланмалари ва мақолалари чоп этилган.

#### **Асосий илмий ишлари:**

1. «Эффективность функционирования хлопководства Узбекистана». Т., 1994.
2. «Эффективность функционирования переходной экономики». Т., 1996.
3. «Макроэкономика». (Ўқув қўлланма), Бишкек, 1999.
4. «Молиявий менежмент». (Ўқув қўлланма), Т., 1999.

5. «Аудит» (Ўкув қўлланма), Фарфона, 1999.
6. «Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти». (Дарслик), Т., 2000 ва бошқалар.

## АҲМЕДОВ ЭРКИН АЪЗАМОВИЧ



Эркин Аъзамович Аҳмедов иқтисод фанлари доктори, профессор, Мехнат ва аҳоли бандлиги Халқаро академиясининг академиги.

1930 йил 20 январда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топган. 1954 йилда Тошкент Давлат педагогика институтини имтиёзли диплом билан тутатган. 1951—1958 йилларда Тошкент шаҳар мактабларида ўқитувчилик қилган. 1960 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иқтисодиёт институти аспирантурасини

тутатгач, 1968 йилга қадар шу институтнинг ўзида кичик илмий ходим, катта илмий ходим лавозимларида ишлаб, кейинчалик бўлим мудиригача кўтарилиган. 1962 йилда номзодлик, 1990 йилда докторлик диссертациясини ёқлаган. 1990 йилда Мехнат ва аҳоли бандлиги Халқаро академиясининг академиги этиб сайланган.

Э. А. Аҳмедов меҳнат фаолияти даврида Ўзбек энциклопедияси иқтисодиёт муҳарририятида (1968—1970), Ўзбекистон Республикаси Давлат план кўмитаси хузуридаги иқтисодиёт илмий тадқиқот институтида (1970—1986), Ўзбекистон Фанлар академияси ишлаб чиқарувчи кучларни тадқиқ қилиш кенгашида (1986—1993), Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлиги хузуридағи меҳнат, аҳоли бандлиги ва ижтимоий муҳофазаси муаммоларини ўрганиш Республикаси илмий марказида (1993—1999) бўлим мудири бўлиб ишлаган. 1999 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига профессорлик лавозимига ишга ўтди.

1997 йилдан бери ўриндошлиқ йўли билан Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида ҳам профессорлик лавозимида ишлаб келмоқда.

Э. Аҳмедов қатор халқаро илмий анжуманларда (Франция, Венгрия, Тошкент, Москва, Ленинград, Киев, Ростов-Дон, Рига, Вильнюс, Олма-Ота, Душанбе) иштирок этган.

Э. Аҳмедов илмий раҳбарлигида олтита иқтисод фанлари номзоди етишиб чиқди. Бир неча йил давомида у Ўзбекистон Фанлар академияси хузуридаги ишлаб чиқарувчи кучларни тадқиқ қилиш илмий кенгашининг номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган кенгаш аъзоси бўлиб келди. Ҳозир Ўзбекистон Миллий университетида ана шундай ихтисослашган кенгаш аъзоси. Э. Аҳмедов кўпдан-кўп фан доктори ва номзодлик диссертацияларига оппонентлик қилган.

Э. Аҳмедов қатор китоблар, рисолалар ва мақолалар муаллифи. Унинг нашрдан чиққан ишлари сони 200 га яқинлашди; уларнинг умумий ҳажми эса 300 босма тобоққа тенг. Э. Аҳмедов қаламига мансуб ишлар ўзбек, инглиз, испан, француз, рус, эстон, латиш, қозоқ тилларида чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллигига бағишилаб 1992 йили З. Сайдаминова ҳаммуаллифлигида «Ўзбекистон Республикаси» номли китobi ўзбек, рус тилларида чоп этилди. Шундан бери ўтган давр ичида ушбу китоб янги маълумотлар билан тўлдирилиб, қайта-қайта 4 марта нашрдан чиқди. Яқинда С. Гуломов, Р. Убайдуллаевалар ҳаммуаллифлигида рус, инглиз тилларида тайёрланган «Мустақил Ўзбекистон» китоби нашрдан чиқди.

## АЮПОВ ЛУТФУЛЛА ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ

Лутфулла Файзуллаевич Аюпов техника фанлари доктори, профессор.

1942 йил 2 апрелда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўрта мактабни 1959 йилда битиргач, шу йили институтга ўқишга кирган. Институтни 1966 йилда «Автоматика ва телемеханика» мутахассислиги бўйича битириб, Ўзбекистон ФАнинг Кибернетика институтига йўлланма олган.



1966—1967 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1969 йилда аспирантурага кирган ва Украина ФА-нинг «Кибернетика» институтига ўқишига юборилган. 1975 йилда техника фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқдаган. 1977—1979 йилларда «Шёлк» махсус конструкторлик бюросида бўлим бошлиги бўлиб ишлаган. 1979 йилдан то шу даврга қадар ТДИУ да ишлаб келмоқда. 1998 йилда техника фанлари доктори илмий дараҷасини олиш учун диссертация ёқдаган. 1982 йилдан университетда доцент, 1999 йилдан профессор лавозимида ишламоқда.

Олимнинг эллиқдан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

### АЮПОВ РАВШАН ҲАМДАМОВИЧ

Равшан Ҳамдамович Аюпов иқтисод фанлари доктори, профессор.

1950 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1968 йилда 141-урта мактабни тутатган.

1968 йили Тошкент Политехника институтига кириб, 1972 йилда Физика-электроника мутахассислиги бўйича тутатган. 1982 йилда «Кибернетика» илмий илмий чиқариш бошқармасида номзодлик диссертациясини, 1992 йилда эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1985 йилдан 1991 йилгача Тошкент Халқ хўжалиги институтида доцент лавозимида ишлаган. 1991 йилда Тошкент Молия институтида «Информатика» кафедраси мудири лавозимига ишга ўтган ва ушбу лавозимда 1999 йил июнь ойигача ишлаган. 1998 йилда Бельгия Лей Вен Университети магистратурасини тутатган. 1999 йил сентябрь оидан бошлаб «Информатика» кафедраси профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

Р. Х. Аюповнинг 90 дан ортиқ илмий мақолалари, 3 та монографияси, 12 та ўқув қўлланмаси ва 40 дан ортиқ ўқув-методик қўлланмалари чоп этилган.

Ҳозирги пайтда ўзбек, рус ва инглиз тилларида «Информатика», «Маркетинг», «Молиявий бошқарув», «Бозор иқтисодиёти асослари», «Қимматбаҳо қофозлар бозори» фанларидан маъruzалар ўқийди ва бир қанча илмий оммабоп қўлланмалар ёзган. «Тадбиркорлик асослари», «Амалий маркетинг», «Янги педагогик технологиялар», «Интернет ва амалий программавий дастурлар» шулар жумласидандир.

## БЕКМУРОДОВ АТҲАМ ШАРИПОВИЧ

Атҳам Шарипович Бекмуродов иқтисод фанлари доктори, профессор.

1964 йил 1 апрелда Бухоро вилояти Фиждувон туманида ишчи оиласида туғилган. 1981 йил ўрта мактабни «Олтин медаль» билан тугатиб, Тошкент Халқ хўжалиги институтига ўқишига кирган. 1985 йилда имтиёзли диплом билан тугатган ва йўлланмага кўра Бухоро вилоятига ишга юборилган. 1986 йил 1 январдан кундузги бўлим аспиранти бўлиб ўқишига кирган.

1986 йил июлидан то 1987 йил ноябригача ҳарбий хизматни Новосибирск шаҳрида ўтаган. 1990 йил 5 апрелда Москва Халқ хўжалиги институтида «Ишлаб чиқариш воситалари маркетинги самарадорлиги» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1992 йилда «Маркетинг: основы современного бизнеса» (17 босма табоқ) монографияси чоп этилган. 1992—1994 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиётуниверситети докторантурасида таҳсил олган.

1994 йилда «Ўзбекистон машинасозлик комплекси-



да маркетинг тизими самарадорлиги» соҳасида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1995 йилда Европа Иттифоқи ТАСИС дастурида асосида Бельгиянинг Луевен университети бизнесни бошқариш магистри илмий даражасига сазовор бўлган.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида «Маркетинг» фанини ўқитиши, «Ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш ва божхона иши» кафедраси фаолиятини йўлга кўйиш ҳамда университетда ўкув-услубий ишларни халқ стандартлари асосида амалга оширишга катта ҳисса қўшган.

Илмий-педагогик фаолияти давомида 90 босма табоқдан иборат 80 га яқин илмий асарлар яратган. АҚШ, Германия, Япония, Голландия, Франция, Жанубий Корея Республикаси, Словения ва Таиланд давлатларида инглиз тилида қатор маъruzalар қилган, мақолалар чоп эттирган.

1986—1997 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида аспирантликдан ўкув ишлари проректори лавозимигача кўтарилган. 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонида етакчи консультант лавозимида, ҳозирда эса Жаҳон иқтисодиёт ва дипломатия университети ректорининг биринчи муовини лавозимида ишламоқда.

У докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш Кенгаши аъзосидир. Бугунги кунда ташқи иқтисодий сиёсат, халқаро рақобатбардошлиқ, иқтисодий хавфсизлик масалаларига доир илмий асарлар устида ишламоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника қўмитаси «Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик асослари» дарслигини яратиш дастури раҳбари, Америка ва Германия университетлари ва давлат ташкилотлари, Халқаро ташкилотлар грантларига сазовор бўлган иқтисодчи олимларимиздан-дир.

## **БАДАЛБОЕВ ИКРОМ САЙФУЛЛАЕВИЧ**

Икром Сайфуллаевич Бадалбоев физика-математика фанлари доктори, профессор.

1943 йил 23 октябрда Фрунзе (ҳозирги Бешкек) шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1950—1960 йил-

ларда Фрунзе шаҳридаги А. Навоий номли ўрта мактабда таҳсил олган.

1960 йилда Ўрта Осиё Давлат Университетининг механика-математика факультетига ўқишига кириб, 1965 йилда уни муваффақиятли тугатган. Меҳнат фаолиятини 1965 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В. И. Романовский номидаги математика институтида бошлаган. У аспирант, кичик илмий ходим, катта илмий ходим, бўлим бошлиги вазифасини бажарувчи лавозимларида ишлаган.

1968—1970 йилларда ҳарбий хизматда бўлган.

1971 йилда Математика институтининг илмий кенгашида «Бир типли заррачали бир жинсли тармоқланувчи жараёнларнинг баъзи теоремалари» мавзусида физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлаган.

1982 йилда эса «Тармоқланувчи тасодифий жараёнларда заррачалар сонига боғлиқ функционаллар учун лимит теоремалар» докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Унинг илмий йўналиши физик, биологик, деграфик, иқтисодий ва тармоқланувчи жараёнларни ўрганишда муҳим роль ўйнайдиган тармоқланувчи жараёнларни ўрганишга бағишилган.

1986 йилда ТДИУга «Эҳтимоллар назарияси ва ҳисоблаш математикаси» кафедрасига мудир қилиб ўтказилган.

Олим И. С. Бадалбоевнинг саксондан зиёд илмий ишлари чоп этилган.



### ВАҲОБОВ АЛИШЕР ВАСИҚОВИЧ

Алишер Васиқович Ваҳобов иқтисод фанлари доктори, доцент.



1963 йил 12 майда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1980 йилда ўрта мактабни тугатиб, шу йил Тошкент Давлат университетининг «Фалсафа-иқтисод» факультети, «Иқтисодий назария» бўлимига ўқишига кирган. 1985 йилда тугатиб, Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Иқтисод» кафедрасига ишга юборилган.

1991 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган.

1994 йилдан бошлаб кафедра доценти лавозимига эга бўлган.

Иш фаолияти давомида жамоат ишларида фаол қатнашиб, 1998 йилда кафедра мудири, 1999 йил сентябрь ойидан бошлаб «Молия-иқтисод» факультети декани лавозимида ишлаб келмоқда.

1996 йилда Москвада, 1997 йил Ҳиндистонда, 2000 йилда АҚШда тажриба алмашиб келган.

А. В. Ваҳобовнинг мустақил Республика мизда бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодий ислоҳотларни такомиллаштиришга оид 30 дан ортиқ илмий мақолалари, 2 та ўқув қўлланмаси чоп этган.

### **ВОСИҚОВА МАМЛАКАТ СОБИРОВНА**

Мамлакат Собировна Восиқова юридик фанлари доктори, профессор. Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби.

1924 йил 25 декабрда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топган.

1941 йилда 139-урта мактабни тугатиб, Тошкент юридик институтига ўқишига кирган ва уни 1946 йилда тутатган.

1946—1949 йиллар давомида «Жиноят хукуқи» кафедрасининг аспиранти, 1947 йилнинг сентябрь ойидан 1950 йил июнь ойи давомида Тошкент юридик

институтининг «Жиноят ҳуқуқи» кафедрасининг асистенти бўлиб ишлаган.

1950 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1950 йилнинг июнь ойидан 1952 йилнинг июнь ойи давомида катта ўқитувчи сифатида хизмат қилган. 1952 йил июнь ойигача Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири нинг ўринбосари, 1957 йил март — 1960 йил август ойлари давомида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари бўлиб хизмат қилган.

1960 йил август ойидан 1964 йилнинг июнь ойигача Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ҳайъати раёсати юридик бўлими мудири, 1964 йил июнь 1970 йил ноябрь ойлари давомида Республика юридик комиссияси раиси, 1970 йил 23 ноябрдан 1984 йилнинг 15 августигача Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири лавозимларида ишлаган. 1984 йилдан иттифоқ миёси-даги шахсий пенсиянер.

1974 йилда юридик фанлари доктори даражасини олиш учун диссертация ёқлаган.

Йирик ҳукуқшунос олим М. С. Восиқова мамлакат олдидаги катта хизматлари учун ҳукумат томонидан қатор орден ва медаллар билан тақдирланган.

М. С. Восиқованинг юздан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

Мамлакат Собировна Восиқова 1997 йил 12 январда вафот этган.



## ЖАЛОЛОВ ЖАМОЛ

Жамол Жалолов иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълим ходими.

1940 йил 27 июнда Тошкент вилоятининг Чиноз



шахрида таваллуд топган. Ўрта мактабни битиргач, 1959 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтига қабул қилинган. 1964 йилда институтни аъло баҳолар билан тугатгач, «Саноат иқтисодиёти» кафедрасига асистентлик лавозимига таклиф қилинган. 1966 йилда Москвадаги Г. В. Плеханов номли Халқ хўжалиги институти аспирантурасига ўқишига кирган ва 1969 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган. Шу йилдан Ж. Жалолов ТХХИ «Моддий-техника таъминотининг

иқтисодиётини ташкил этиш ва режалаштириш» кафедрасида катта ўқитувчи, доцент, 1977 йилдан эса кафедра мудири лавозимларида ишлаган. 1987 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Ж. Жалолов АҚШнинг Мичиган университети, Германиянинг Бремен олий иқтисодиёт мактаби, Туркиянинг Анқара, Малайзиянинг Куалампур, Киев, Ленинград, Москва, Тбилиси, Шимолий Кореянинг Пхенъян университетларида хизмат сафарларида бўлган.

Проф. Ж. Жалоловнинг илмий фаолияти алоҳида диққатга молик. У ўнлаб фан докторлари ва номзодлари тайёрлабсан. Кўплаб диссертацияларга расмий оппонентлик қилган. Унинг 200 босма табоқдан ортиқ ўқув ва илмий ишлари чоп этилган. У «Ташқи иқтисодий фаолият», «Хорижий инвестициялар» ҳақидаги қонунлар муҳокамасида ўзининг фикр-мулоҳазалари билан иштирок этган. «Ташқи иқтисодий фаолият», «Инвестициялар маркетинги» мутахассислари бўйича давлат стандартлари, ўқув режалари, дастурлари ишлаб чиқишида иштирок этган. 1985—1995 йилларда университет касаба уюшмаси раисининг муовини вазифасини бажарган.

Ҳозирда Ж. Жалолов ТДИУ, ТАЙДУ илмий кенгашлари, Ўзбекистон Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг ўқув-услубий кенгаши аъзоси, Республи-

ка тест маркази нортификация эксперти сифатида фаол хизмат қилмоқда. 1989 йилдан «Маркетинг ва ташқи иқтисодий фаолият» кафедрасига раҳбарлик қилиб келмоқда.

#### **Асосий илмий ва ўқув-услубий ишлари:**

1. Совершенствование материально-технического снабжения. Т., «Узбекистан», 1979.
2. Халқ ҳўжалигининг моддий-техника таъминотини ташкил этиш ва планлаштириш (Дарслик). Т., «Ўқитувчи» 1981.
3. Эффективность регионального материально-технического обеспечения Т.: «Меҳнат», 1989.
4. Маркетинг: проблемы и решения. Т.: «Меҳнат», 1991.
5. Бозор иқтисодиёти: Туркия моделининг сири. Т., «Адолат» 1994.
6. Маркетинг (Ўқув кўлланма), Т., 1999.
7. Маркетингни бошқариш (Дарслик). Т., «Адолат», 2000 (Ҳамкор.) ва бошқалар.

### **ЖАББАРОВ ЭЛИБОЙ ЖАББАРОВИЧ**

Элибой Жаббарович Жаббаров иқтисод фанлари доктори, профессор.

1950 йил 1 августда Самарқанд вилоятида туғилган. 1972 йилда Самарқанд Давлат педагогика институтини тутатган. 1983 йилда номзодлик, 1993 йилда эса докторлик диссертацияларини ёқлаган.

Иш фаолиятини 1972 йилдан бошлаб, 1994 йилгача Тошкент Давлат университети, Кибернетика институти ва Тошкент Давлат Халқ ҳўжалиги институтида илмий ходим, катта ўқитувчи, ҳисоблаш маркази директори лавозимларида ишлаб келган.

1994 йилнинг апрел ойидан ҳозирги вақтгача Марказий банкда ишлаб келмоқда. Шу давр ичидаги компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш бошқармаси бошлиғи; Компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш Бош



бошқармаси бошлиғи; Ахборотлаштириш департаменти директори ва Марказий банк Ахборотлаштириш департаментининг Марказий банк ва тижорат банклари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси бошлиғи; Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти директори ўринбосари лавозимларида ишлаб келган.

Э. Ж. Жаббаров Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унинг муассасаларини замонавий ҳисоблаш техникаси ҳамда банк технологиялари базасида зарур ахборот воситалари билан таъминлаш борасида ишлар олиб борган. Бу борада унинг раҳбарлигига «Тендер (халқаро савдо) ўтказиш тартиби низоми» ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг нақд пулсиз ҳисоб-китобларни электрон пластик карточкалар орқали амалга оширишда бошқариш ишларини олиб борган.

Республика банк тизимида электрон тўлов тизими ва локал ҳисоблаш тармоқларнинг 2000 йил муаммоси масалаларини ўрганиб чиқиш, синовдан ўтказиш ва тавсияномалар ишлаб чиқиш мақсадида ишчи гурӯҳи раҳбари бўлиб ишлаган.

Марказий банк интеграллашган ахборот-таҳлилий тизимининг Концептуал лойиҳасини яратишида ишчи гурӯҳ раҳбари ўринбосари лавозимида иш олиб борган.

Тижорат банкларининг Ахборот тизими бошқарувини ташкил этишида ишчи гурӯҳ раҳбари бўлиб тайинланган.

Иш жараёнида ахборотлаштиришнинг муҳим ва долзарб масалаларини тадқиқ қилишга лаёқатли мутахассис сифатида танилган.

Э. Ж. Жаббаров ақл-заковат, билимдонлик талаб этиладиган ҳар қандай ишда ўзини кўрсата олган ва дадиллик билан ҳарақат қилган. У ишда ташаббускор, журъатли, ўз ходимларига нисбатан доимо ғамхўр.

Ўттиздан ортиқ илмий ишлари бўлиб, жами 35 босма табоқдан иборат. Масалан, «Моделирование процессов управления производительности и оценка деятельности инфраструктуры в отрасли»; «Моделирование показателей производительности труда в хлопчатобумажной промышленности» ва бошқалар.

## ЖАББОРОВ НАИМ

Наим Жабборов иқтисод фанлари доктори, профессор.

1955—1958 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Иқтисод» кафедрасининг катта ўқитувчиси, 1959 йилдан доцент ва 1966 йилдан эса унинг мудири лавозимларида ишлаб келмоқда.

У 30 дан ортиқ илмий асарлар муаллифи. Н. Жабборов асарларида шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги иқтисодий муносабатлар, Ўзбекистон тарихига оид масалалар ва айниқса, янги ерларни сугориш ва ўзлаштиришга оид муаммолар ёритилган.

Олимнинг «Развитие орошения в Узбекистане и его перспектив» (1968), «Янги ерларни сугориш ва ўзлаштиришнинг иқтисодий муаммолари» (1969) ва «Экономические закономерности развития орошаемого земледелия и вопросы эффективности вложений» (1971) номли монографияларида Ўзбекистонда сугоришга асосланган деҳқончиликни ва янги ерларни ўзлаштиришга оид муҳим назарий ва амалий масалалар муфассал тасвирланган. Н. Жабборов юқорида айтилган масалалар бўйича Республика ташкилотлари учун тайёрланган қатор тавсияларнинг ҳам муаллифидир.

Халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун олий малакали иқтисодчи мутахассислар тайёрлашда Н. Жабборовнинг хизматлари катта. У ўнлаб иқтисодчи олимларнинг меҳрибон устозидир.

## ЖУМАБОЕВ ЙЎЛДОШ

Йўлдош Жумабоев фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

1933 йилда Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл туманида таваллуд топган. Ўрга мактабни тутатгач, Хоразм пединститутида таҳсил олган. Ўқиши муваффақиятли тутатгач, Тошкентга аспирантурада ўқишига йўлланма берилган. Номзодлик диссертациясини Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноати институтида муваффақиятли ёқлаб, шу даргоҳда ўқитувчилик лавозимида ишга қолдирилган.

1975 йилда докторлик диссертациясини ёқлаган.

Й. Жумабоев Ўзбек халқининг тарихий хотирасини



тиклашга, унинг фалсафий-ахлоқий меросини ўрганишга катта ҳисса күшган. 1975 йилда «Ўрта Осиёда ахлоқий фикрлар тарихидан» номли рисоласи чоп этилган.

Й. Жумабоев 1977—1979 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги қошидаги Ижтимоий фанлар бошқармасига раҳбарлик қилган, ҳамда Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти «Фалсафа» кафедрасини бошқарган. 1979 йилдан умрининг

охиригача Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Фалсафа» кафедрасига раҳбарлик қилган.

Унинг раҳбарлиги остида ўнлаб аспирантлар, докторантлар ва мустақил изланувчилар номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар.

Проф. Й. Жумабоев ўз ҳаёти фаолияти жараёнида 100 б/т.дан зиёд юз элликдан ортиқ илмий асарлар ёзиб қолдирган.

Йирик олим Йўлдош Жумабоев 1998 йил 21 марта вафот этган.

### ЖУМАҚУЛОВ ТОҒАЙМУРОД ТЎЛАГАНОВИЧ

Тоғаймурод Тўлаганович Жумақулов иқтисод фанлари доктори, профессор.

1942 йил 13 январда Тошкент вилояти Юқори Чирчик туманида туғилган. Ўрта мактабни тутатгач, 1961 йилда Тошкент Молия институтининг «Қишлоқ хўжалик иқтисоди» факултетига ўқишига кирган ва уни 1968 йилда имтиёзли диплом билан тутатган, 1961—1964 йиллар мобайнида ҳарбий хизматда бўлган.

Т. Жумақулов 1968 йилда аспирантурага кириб, 1972 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

1971 йил декабрь ойидан бошлаб, дастлаб асистент, 1973 йилдан катта ўқитувчи, 1979 йил февраль ойидан эса доцентлик лавозимига сайланган. 1985—1990 йилларда Тижорат факультетининг декани лавозимида ишлаган.

1992 йилда Санкт-Петербург иқтисодиёт ва молия университетида «Хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллиги шароитида иқтисодий муносабатлари ва уларни рўёбга чиқариш механизмлари» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1992—1993 йилларда «Иқтисодиёт назарияси» кафедрасининг мудири лавозимида ишлаган. 1996 йил октябрдан Тошкент Молия институтига ишга ўтиб «Умумиқтисодиёт назарияси» кафедрасининг мудири лавозимида 2000 йил октябрь ойигача ишлаган.

Меҳнат фаолияти давомида проф. Т. Жумақуловнинг Иқтисодиёт назарияси фани бўйича дарсликлари, ўкув-услубий қўлланмалари, монографиялар ва кўплаб мақолалари чоп этилган.

## ЖУМАНОВ ОЛИМБЕК МЎМИНБЕКОВИЧ

Олимбек Мўминбекович Жуманов иқтисод фанлари доктори, профессор.

1952 йил 12 марта Тошкент вилояти, Оққўргон тумани ҳозирги Гулистон жамоа хўжалигига туғилган.

1969 йилда 4-ўрта мактабни тутатгач, 1970—1972 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1973—1977 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтида ўқиган. Сўнгра шу институтнинг «Бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил» кафедрасида асистентлик лавозимига қолдирилган.

1981—1984 йилларда Москвада Россия Федерацияси ҳукумати ҳузуридаги молия академияси аспиранту-





расида ўқиган. 1994 йилда номзодлик диссертацияси ни ҳимоя қилган. 1994 йилда эса М. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1994 йилда кафедра доценти, 1995—1996 йилда ТДИУ қошидаги мала-ка ошириш институти «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси мудири, 1996 йилдан ТДИУ «Мо-лия ва солиқлар» кафедраси мудири этиб тайинланган.

1995 йилдан Қозогистон Республикаси Академиясининг академиги ва бир неча илмий кенгашлар аъзосидир.

О. Жумановнинг 150 та илмий ишлари, яъни монография, ўқув дарслиги, қўлланма, ўқув услубий қўлланмалари ва мақолалари нашр қилинган.

### **ЗОИДОВ МИРФИЁС АББОСОВИЧ**

Мирфиёс Аббосович Зоидов иқтисод фанлари доктори, профессор.

1930 йил 13 майда Тошкент шаҳрида туғилган.

1947 йилда ўрта мактабни, 1955 йили Тошкент Давлат Педагогика институтини тамомлаган.

М. Зоидов ўқиши билан меҳнатни бирга қўшиб олиб борган. Меҳнат фаолиятини 1948 йилдан бошлаб, турли ташкилотларда ишлаган.

1963—1978 йиллар Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмаси кенгashi раиси, кейин бир неча йил маориф вазири ўринбосари, Давлат меҳнат қўмитаси раиси лавозимида ишлаган.

1986—1988 йиллар Тошкент Xalq xўjалиги институти (ҳозирги Тошкент Давлат иқтисодиёт университети) ректори, 1988—1990 йиллар Ўзбекистон Xalq таълими вазири, 1990—1992 йиллар Тошкент Давлат Пе-

дагогика институти ректори лавозимларида фаолият күрсатди.

Профессор М. Зоидов меҳнат жараёнини фаол илмий-изланиш ишлари билан қўшиб олиб борди ва иқтисодиёт соҳасида 100 дан ортиқ монография, китоблар, рисолалар ва мақолалар яратди.

1963 йили иқтисод фанлари доктори илмий даражасига ва 1988 йили профессор илмий унвонига эга бўлди.

Ҳозирги кунда нафақада.



### **ЖЎРАЕВ НУРИДДИН ЮСУПОВИЧ**

Нуриддин Юсупович Жўраев иқтисод фанлари доктори, профессор.

1957 йил 28 октябрда Самарқанд вилоятининг Булунгур туманида таваллуд топган. 1980—84 йилларда Тошкент халқ хўжалик институтида «Бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолиятининг таҳлили» мутахассислиги бўйича таҳсил олган. Институтни имтиёзли диплом билан тугаллагач, йўлланма билан Булунгур туманидаги «Интернационал» давлат хўжалигига бўлим бухгалтери лавозимида иш бошлаган.

1986—89 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтиning аспирантурасида «Бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятининг таҳлили» ихтисослиги



бўйича ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таҳсил олган ва 1990 йилда Москва Молия институтида номзодлик диссертациясини мувафақиятли ҳимоя қилган.

Аспирантурани тугаллагач, 1990 йил январдан то 1993 йил сентябргача Файзула Хўжаев номли Самарқанд Қишлоқ хўжалиги институтининг «Бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолиятининг таҳлили» кафедрасида ассистент лавозимида ишлади.

1993 йил сентябрдан 1996 йил декабр ойигача М. В. Ломоносов номли Москва Давлат Университетининг «Ҳисоб, таҳлил ва аудит» кафедраси докторантурасида таҳсил олган ва «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит» ихтиосолиги бўйича докторлик диссертациясини мувафақиятли ҳимоя қилган.

1997 йилдан ҳозирга қадар Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Ташқи иқтисодий фаолиятда бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Н. Ю. Жўраев 2 та монография, 3 та рисола, 40 га яқин илмий мақола ва 20 дан ортиқ ўкув-услубий ишлар муаллифиdir.

#### **Асосий илмий ишлари:**

1. Совершенствование учета затрат в сельском хозяйстве при становлении рыночных отношений. (Монография) М., МГУ, 1996 г. 8,0 б. т.
2. Изменения в бухгалтерском учете в Республики Узбекистан. Журнал «Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий», М., № 2 1996 г. 0,5 б.т.
3. Организация учета и контроля материально-технического снабжения. Журнал «Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий», М., № 6, 1996 г. 0,5 б.т.
4. Учет и контроль материальных ценностей. Журнал «Экономика и статистика», М., № 8, 1996 г. 0,5 б.т.
5. Процесс реформирования бухгалтерского учета в РУз. Журнал «Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий», М., № 2, 2001 г. 0,5 б.т.

## **ИБРАГИМОВ ФАРҲОД**

Фарҳод Ибрагимов кимё фанлари доктори, профессор.

1931 йил 12 июня Тошкент шаҳрида туғилган. 1950 йилда Тошкентдаги 40-ўрта мактабни тамомлаган. 1955 йилда Ўрта Осиё Политехника институтининг кимё-

технологияси факультетининг «Узум виноларини ишлаб чиқиш технологияси мұхандиси» мутахассислигидан тамомлаган. 1959 йилда Денау шаҳридаги 8-винзаводда ишлаган.

1959 йилда ЎзР ФА Полимерлар кимёси институттида илмий ходим, шу институт аспиранти ва 1965 йилда Москвада Н. Д. Зелинский номидаги Органик кимё институттида номзодлик диссертациясини ёқлаған.

ЎзР ФА Полимерлар кимёси институттида 1959 йилдан то 1973 йилгача катта илмий ходим, 1973 йилдан то 1977 йилгача Среда ЖИТКИПищепром институттида лаборатория мудири вазифасида ишлаган.

1977 йилдан то 1979 йилгача Тошкент Тұқымачи-лик ва енгил саноат институттида «Умумий ва ноанор-ганик кимё» кафедрасида асистент, 1979 йилдан Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Саноат ишлаб чиқариш технологияси» кафедрасида доцент. 1993 йилда кимё фанлари доктори илмий даражасига эга бўлган.

2000 йилдан шу кунгacha ТМЙнинг «Микроқтисо-диёт» кафедрасида профессор лавозимида ишламоқда.

Элликдан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

## ИМИНОВ ТОҲИРЖОН КАРИМОВИЧ

Тоҳиржон Каримович Иминов иқтисод фанлари доктори, профессор.

1950 йилда туғилган. 1967 йилда ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлагач, Тошкент Политехника институтига ўқишига кирган. Институтни имтиёзли равища тамомлаб, 1972—1984 йилларда ЎзР ФА Иқтисод институттида тадқиқотчи-изланувчи, аспирант, кичик илмий ходим ва катта илмий ходим бўлиб ишлаган.

1984—1985 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институти Андижон бўлими кафедра мудири, 1986—1992 йиллар давомида Тошкент Халқ хўжалиги институти Андижон бўлими директори лавозимида, 1992—1995 йилларда эса Андижон Иқтисод ва бошқарув институти ректори лавозимида ишлаган.

1995—1998 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ахборот-таҳлил марказида

етакчи консультант, Иқтисодий-ижтимоий масалалар бўйича етакчи консультант, Фан, ўқув юртлари ва ижтимоий масалалар бўйича бош консультант лавозимларида ишлаган.

1998—1999 йилларда Олий ва ўрта маҳсус мактаб муаммолари институти директори бўлиб ишлаган. 1999 йилдан ҳозиргacha Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бошқарма бошлиги лавозимида ишлаб келмоқда.

1992 йилда Ўзбекистон Республикаси «Фахрий ёрлиғи» билан мукофотланган.

Т. К. Иминовнинг олтмишдан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

## ИШМУҲАММЕДОВ АНВАР ЭГАМҚУЛОВИЧ



Анвар Эгамқулович Ишмуҳаммедов иқтисод фанлари доктори, профессор, Узбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи.

1936 йил 22 июнда Тошкент вилояти Бўка туманида хизматчи оиласида туғилган. 1956 йилда Тошкент тоғ техникумини ва 1961 йилда эса Тульск Тоғ институтини туттаган.

1964—67 йилларда аспирантурада таҳсил олган. 1968 йилда номзодлик диссертациясини ва 1982 йилда эса иқтисод фанлари бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1986 йилдан ҳозирга қадар ТХХИ (ТДИУ) «Макроиктисодиёт ва ижтимоий соҳани башорат қилиш ҳамда тартибга солиш» кафедрасининг мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва «Устоз» фондининг «Устоз» фахрий унвони нишондори бўлган.

Йирик иқтисодчи олим А. Э. Ишмуҳаммедов Финляндия, Венгрия, Туркия, АҚШ, Англия, Россия каби күнгина хорижий давлатларда малака ошириш курсларида иштирок этган.

1995 йилдан эътиборан Жаҳон Банки иқтисодий тараққиёти институтининг маслаҳатчиси ҳамдир.

Олимнинг бевосита раҳбарлигига учта фан доктори ва ўн олтига номзодлик диссертацияси ёқланган.

Иқтисодчи олим А. Э. Ишмуҳаммедовнинг 15 та монографияси ва 100 дан зиёд илмий мақолалари чоп этилган.

#### **Асосий илмий ишлари:**

1. Экономическая эффективность механизации и автоматизации. Т., «Фан», 1974 (Ҳамкор.).
2. Экономические проблемы добывающей промышленности (на примере Среднеазиатского экономического района). Т., «Узбекистан», 1974.
3. Использование минерально-сырьевых ресурсов (на примере Средней Азии). Т., «Узбекистан», 1977.
4. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. Т., «Ўқитувчи», 1996 (Ҳамкор.).
5. «Лойиҳа таҳлили». Ўқув қўлланма, ТДИУ, 1998, (Ҳамкор.).
6. «Стратегическое планирование» (Ўқув қўлланма), Т., ТДИУ, 2000, (Ҳамкор.).
7. «Жаҳон иқтисодиётига интеграция». ТДИУ, 2000, (Ҳамкор.).
8. «Макроэкономика». Учебник для дистанционного обучения в сети Интернет. Т., ТДИУ, 2001, (Ҳамкор.) ва бошқалар.

### **ЗАЙНУТДИНОВ ШАВКАТ НУРИТДИНОВИЧ**

Шавкат Нуритдинович Зайнутдинов иқтисод фанлари доктори, профессор.

1961 йили Тошкент Ҳалқ хўжалиги институтини туғаллаган. 1961—1964 йилларда Тошкент самолётсозлик заводида инженер-иктисодчи бўлиб ишлаган. 1965—1967 йилларда Тошкент Ҳалқ хўжалиги институтида аспирантурада ўқиган. 1965 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1968—1970 йилларда декан мувовини, 1970—1977 йилларда факультут декани бўлиб ишлаган. 1979 йилда «Мехнатни илмий ташкил этиш ва бошқариш» кафедраси мудирлигига сайланган. 1988 йилда Ш. Н. Зайнутдинов «Илмий-техника тараққиёти шароитида меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш»



мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган. 1989 йилдан ҳозиргача «Менежмент» кафедрасининг мудири бўлиб ишламоқда.

Профессор Ш. Н. Зайнутдинов ўзининг 40 йиллик илмий педагогик фолиятида 152,5 б/т., шу жумладан, 6 монография, 3 ўқув қўлланма чоп эттирган.

#### Асосий илмий ишлари:

1. Научная организация труда и рабочее время. Т., «Ўзбекистон» 1967.
2. Мехнат экономики (Дарслик). Т., «Ўқитувчи», 1977.
3. Ишлаб чиқариши бошқаришининг илмий асослари. (Ўқув қўлланма). Т., «Ўқитувчи», 1978.
4. Труд и социальная программа. Т., «Ўзбекистон», 1988.
5. Управление предприятием в условиях рынка. ТГЭУ, 1993.
6. Основы менеджмента. Т., «Ўқитувчи», 1996, (Хамкор.).
7. Менеджмент ва бизнес асослари. Т., «Ўқитувчи», 1998, (Хамкор.).
8. Менеджмент асослари (Дарслик). Т., 2001 ва бошқалар.

## ЙЎЛДОШЕВ СУЛТОН ШУКУРОВИЧ

Султон Шукурович Йўлдошев иқтисод фанлари доктори, профессор.

1948 йилда 3 ноябрда Тошкент шаҳрида таваллуд топган.

1966 йилда 45-урта мактабни тугатган, 1970 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтини имтиёзли диплом билан тамомлаган. 1970 йил август ойида «Бухгалтерия ҳисоби» кафедрасига асистент лавозимига ишга қабул қилинган. 1971—1972 йилларда ҳарбий хизматда бўлган.

1974 йилда Москва Давлат Университетига аспирантурага кирган ва 1977 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1977 йилдан «Ишлаб чиқаришда бухгалтерия ҳисоби ва таҳлили» кафедрасида асистент лавозимида ишлаган. 1979 йилдан катта ўқитувчи, 1984 йилдан эса доцентлик лавозимига сазовор бўлган. 1989 йилдан

«Хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқаришда ҳисоб, назорат ва таҳдил» кафедрасига доцент лавозимига ўтган. 1990—1993 йилларда Россия аудит тизимини яратишда иштирок этган. 1993—1995 йилларда «Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига ўтиш назарияси ва амалиёти» дастурининг «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» бўлимини ишлаб чиқишида қатнашган.

1993 йил докторлик диссертациясини ёқлаган ва кафедра мудири лавозимига тайинланган.

1994 йилда «ТИФда бухгалтер ҳисоби ва ХФТ» кафедрасига профессор лавозимига қабул қилинган. 1995—1997 йилдан бошлаб «Делойт и Туш» Халқаро аудит фирмасининг директор муовини лавозимида ишлаган. 1996 йил «Аудит» кафедрасига мудир этиб тайинланган.

Иқтисодчи олим С. Ш. Йўлдошевнинг 100 б.т. дан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

1997 йил 1 январда вафот этган.

### ЙЎЛДОШЕВ МУТТАЛИБЖОН ИБРОҲИМОВИЧ

Муталибжон Иброҳимович Йўлдошев иқтисод фанлари доктори, профессор.

1942 йилда Андижон шаҳрида туғилган.

1970 йилда Тошкент Давлат университетининг юридик факультетини тамомлаган.

1980—1997 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Иқтисодий назария» кафедрасида аввал катта ўқитувчи, сўнг доцент лавозимларида ишлаган.

1994 йилда «Меҳнат бозорини шакллантириш ва бошқариш услубларининг минтақавий омиллари» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган. 50 дан ортиқ илмий мақолалар, 6 та брошюра, 3 та монография ва 3 та дарсларлик ҳамда ўкув кўлланмалар муаллифи. «Молия хукуқи» 1998 йил, «Солиқ хукуқи», 1999 йил, 2000 йил дарсларлари муаллифи.





мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган. 1989 йилдан ҳозиргача «Менежмент» кафедрасининг мудири бўлиб ишламоқда.

Профессор Ш. Н. Зайнутдинов ўзининг 40 йиллик илмий педагогик фолиятида 152,5 б/т., шу жумладан, 6 монография, 3 ўқув қўлланма чоп эттирган.

#### Асосий илмий ишлари:

1. Научная организация труда и рабочее время. Т., «Ўзбекистон» 1967.
2. Мехнат экономики (Дарслик). Т., «Ўқитувчи», 1977.
3. Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг илмий асослари. (Ўқув қўлланма). Т., «Ўқитувчи», 1978.
4. Труд и социальная программа. Т., «Ўзбекистон», 1988.
5. Управление предприятием в условиях рынка. ТГЭУ, 1993.
6. Основы менеджмента. Т., «Ўқитувчи», 1996, (Хамкор.).
7. Менеджмент ва бизнес асослари. Т., «Ўқитувчи», 1998, (Хамкор.).
8. Менеджмент асослари (Дарслик). Т., 2001 ва бошқалар.

## ЙЎЛДОШЕВ СУЛТОН ШУКУРОВИЧ

Султон Шукурович Йўлдошев иқтисод фанлари доктори, профессор.

1948 йилда 3 ноябрда Тошкент шаҳрида таваллуд топган.

1966 йилда 45-урта мактабни тутатган, 1970 йилда Тошкент Xalq xўjалиги институтини имтиёзли диплом билан тамомлаган. 1970 йил август ойида «Бухгалтерия ҳисоби» кафедрасига асистент лавозимига ишга қабул қилинган. 1971—1972 йилларда ҳарбий хизматда бўлган.

1974 йилда Москва Давлат Университетига аспирантурага кирган ва 1977 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1977 йилдан «Ишлаб чиқаришда бухгалтерия ҳисоби ва таҳлили» кафедрасида асистент лавозимида ишлаган. 1979 йилдан катта ўқитувчи, 1984 йилдан эса доцентлик лавозимига сазовор бўлган. 1989 йилдан

«Хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқаришда ҳисоб, назорат ва таҳлил» кафедрасига доцент лавозимига ўтган. 1990—1993 йилларда Россия аудит тизимини яратишда иштирок этган. 1993—1995 йилларда «Узбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига ўтиш назарияси ва амалиёти» дастурининг «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» бўлимини ишлаб чиқишида қатнашган.

1993 йил докторлик диссертациясини ёқлаган ва кафедра мудири лавозимига тайинланган.

1994 йилда «ТИФда бухгалтер ҳисоби ва ХФТ» кафедрасига профессор лавозимига қабул қилинган. 1995—1997 йилдан бошлаб «Делойт и Туш» Халқаро аудит фирмасининг директор муовини лавозимида ишлган. 1996 йил «Аудит» кафедрасига мудир этиб тайинланган.

Иқтисодчи олим С. Ш. Йўлдошевнинг 100 б.т. дан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

1997 йил 1 январда вафот этган.

### ЙЎЛДОШЕВ МУТТАЛИБЖОН ИБРОҲИМОВИЧ

Муталибжон Иброҳимович Йўлдошев иқтисод фанлари доктори, профессор.

1942 йилда Андижон шаҳрида туғилган.

1970 йилда Тошкент Давлат университетининг юридик факультетини тамомлаган.

1980—1997 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Иқтисодий назария» кафедрасида аввал катта ўқитувчи, сўнг доцент лавозимларида ишлган.

1994 йилда «Меҳнат бозорини шакллантириш ва бошқариш услубларининг минтақавий омиллари» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган. 50 дан ортиқ илмий мақолалар, 6 та брошюра, 3 та монография ва 3 та дарсларлик ҳамда ўкув қўлланмалар муаллифи. «Молия хукуки» 1998 йил, «Солиқ хукуки», 1999 йил, 2000 йил дарсликлари муаллифи.



«Ишсизлик, бандлик, меҳнат бозори ва уни моделлаштириш» илмий монографияси 1996 йил АҚШ «Евроязия» фонди томонидан ўтказилган танловда грантга сазовор бўлган.

Ҳозир Узбекистон Республикаси Банк-молия академияси «Иқтисодий тарих ва ҳуқуқ» кафедрасининг мудири, Банк иши факультетининг декани.

## ЙЎЛДОШЕВ НУРИДДИН ҚУРБОНОВИЧ



Нуриддин Курбонович Йўлдошев иқтисод фанлари доктори, профессор.

1950 йил 22 февралда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган. 1967 йилда 180-ўрта мактабни тутатгач, 1968—1972 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Савдо иқтисодиёти» мутахассислигига таҳсил олган.

1972—1978 йилларда шу институтда дастлаб асистент, сўнгра стажёртадқиқотчи ва аспирант бўлган. 1979 йилда номзодлик диссертациясини ва

1992 йилда эса докторлик диссертациясини ёқлаган.

1986—1988 йилларда ТХХИ «Савдо иқтисоди» кафедраси мудири бўлиб ишлаган. 1988 йилдан ТХХИ «Саноатда бухгалтерия ҳисоби ва таҳдили» кафедраси доценти ва 1990 йилдан эса ТДИУ «Савдо менежмент» кафедраси мудири лавозимларида фаолият кўрсатиб келмоқда.

1990 йилда профессорлик унвонига эга бўлган.

Олим Н. К. Йўлдошевнинг бевосита раҳбарлигига учта фан доктори ва бешта номзодлик диссертацияси тайёрланган.

Н. К. Йўлдошевнинг бир неча монографияси ва ўқув методик қўулланмаси ҳамда 50 дан зиёд илмий мақолалари чоп этилган.

### **Асосий илмий ишлари.**

1. Прогрессивные формы торговли в Узбекистане. 1973.
2. Теория и практика рыночных отношений в Средней Азии. 1992.
3. Управление торговлей в период формирования рынка. 1992.
4. Менеджмент. Т., 2001 ва бошқалар.

### **КАРИМОВА ВАСИЛАХОН МАМАНОСИРОВНА**

Василахон Маманосировна Каримова психология фанлари доктори, профессор.

1955 йил 18 августда Фаргона вилоятининг Учкўприк қишлоғида оддий хизматчи оиласида таваллуд топган. 1972 йилда 50-ўрта мактабни «олтин медаль» билан тамомлаб, Тошкент Давлат университетига талabalari сафига қабул қилинган. 1977 йилда эса Москва Давлат Университетини психолог мутахассислиги бўйича муваффақиятли тамомланган.

В. Каримованинг педагогик фаолияти Тошкент Давлат университетидан бошланган. Сўнгра у Фаргона Давлат университетида 20 йиллик фаолияти жараёнида оддий ўқитувчиликдан университетнинг маънавий-маърифий ишлари бўйича биринчи проректори даражасигача кўтарилиб, ҳақли равишда кўпчиликнинг эътиборини қозонди. 1998 йилдан Василахон Каримова Тошкент Давлат иқтисодиётуниверситети «Ижтимоий психология» кафедрасига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Хозирда унинг раҳбарлигига 3 та докторлик, 10 дан зиёд номзодлик ишлари ҳимояяга тайёрланмоқда. 2000 йил 6 июлдан Республика «Оила» илмий-амалий Марказига директор этиб тайинланди.

В. Каримова шу пайтгача 50 га яқин илмий мақо-



лалар ва 20 га яқин ўқув қўлланма ва дарсликлар ёзган.

**Асосий илмий ишлари:**

1. Ўзбек аёли шахсининг шаклланиши. Т., «Билим», 1986.
2. Ижтимоий психология (Университет талабалари учун ўқув қўлланма). Фарғона, 1993.
3. Ижтимоий психология асослари. Университет ва пединститутларнинг талабалари учун кўлланма. Т., «Ўқитувчи», 1994.
4. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. Ўқув қўлланма. Т., 1999.
5. Ташкилий хулқ. Маърузалар матни. Т., 1999.
6. Мустақил фикрлаш (Ўқув қўлланма). Т., «Шарқ», 2000.

**КАРИМОВ  
КОМИЛ КАРИМОВИЧ**



Комил Каримович Ка-  
римов тарих фанлари док-  
тори, профессор.

1944 йилда Андижон шаҳрида ҳарбий хизматчи оиласида туғилган. 1960—1963 йилларда 125-заводда слесарь бўлиб ишлаган. 1968 йилда Тошкент Давлат университетини битирган. 1969—1972 йилларда ЎзР ФА Тарих институти кундузги аспирантурасида ўқиган. 1972 йилда диссертация ёқлаб, тарих фанлари номзоди илмий даражасини олган.

1981—1991 йилларда Тошкент Давлат Тиббиёт институтида кафедра мудири бўлиб ишлаган. 1990 йилда диссертация ёқлаб, тарих фанлари доктори илмий даражасини олган. 1991—1996 йилларда Тошкент Давлат юридик институтида кафедра мудири бўлиб ишлаган. 1993 йилда профессор увонига эга бўлган.

1993—1994 йилларда К. Каримов Ўзбекистон Тадбиркорлар уюшмаси раиси муовини ва Тошкент тадбиркорлар уюшмаси раиси бўлиб сайланган.

1997 йилдан то ҳозирги кунгача Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Ўзбекистон тарихи» кафедрасида профессор лавозимида ишлаб келмоқда.

Профессор К. Каримовнинг 41 та илмий ишлари чоп этилган; 2 монография, 10 рисола; 250 дан ортиқ илмий мақолалари нашр этилган.

### КАМИЛОВ ШУҲРАТ МИРЗААҲМЕДОВИЧ

Шуҳрат Мирзааҳмедович Камилов иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи.

1945 йил 10 марта Ташкент шаҳрида туғилган. 1959—1963 йилларда Ташкент Политехникумуда ўқиган. 1964—1969 йилларда Ленинград Техник академиясини «Автоматлаштирилган бошқариш системалари» мутахассислиги бўйича битириб, Ўзбекистон ФАсининг «Кибернетика» институтига йўлланма олган ва ўша йили аспирантурага кирган. 1973 йилда иқтисод фанлари бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1973—1985 йилларда Ўзбекистон мебель саноати қошидаги Бош Ҳисоблаш маркази директори бўлиб ишлаган. 1987 йилда иқтисод фанлари бўйича докторлик диссертациясини ёқлаган. 1988 йилда профессор лавозимига эга бўлган. 1991 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи» унвонига сазовор бўлган. 1987 йилдан то шу даврга қадар Ташкент Давлат иқтисодиёт университетидаги «Ҳисоблаш техникаси» кафедрасининг мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Олимнинг саксондан зиёд илмий ишлари чоп этилган.



## КОМИЛОВА ФЕРУЗА ҚҰЧҚОРОВНА



Феруза Құчқоровна Комилова иқтисод фанлары доктори, профессор.

1955 йили 7 іюнда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилған. 1972 йилда ўрта мактабни олтін медаль билан битириб, Тошкент Халқ хўжалиги институтининг (ҳозирги ТДИУ) иқтисодий кибернетика факультетига ўқишига кирган. Уни 1977 йилда имтиёзли диплом билан тугатиб, ушбу институтда ишга қолдирилған.

1982—1985 йилларда аспирантурада ўқиган. 1985 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қылған.

1997 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Ўзбекистон истеъмол бозори ва унинг ривожланишида демографик омилларнинг аҳамияти» мавзусида докторлық диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қылған.

Москва, Санкт-Петербург, Донецк, Рига, Олмара, Хиндистон, Миср ва бошқа бир қатор ўзга мамлакатлардаги илмий анжуманларда ўз фикр-мулоҳазалари билан қатнашған.

1994 йилда Ҳиндистоннинг Дәхли шаҳридаги «Халқаро менежмент» институтида 10 ҳафталик инглиз тилидаги дастурда, Миср Араб Республикасида 2000 йилда «Туризм маркетинги» дастури бўйича малака ошириб қайтган. Бир қатор сертификат ва дипломлар муаллифи дидир.

Ҳозирги кунда «Туризм маркетинги» кафедрасининг мудири бўлиб хизмат қилмоқда.

Иқтисод фанлари доктори, профессор Ф. Комилова 70 дан ортиқ илмий ишлар ва бир қатор ўқув-услубий қўлланмалар муаллифи дидир.

### **Асосий илмий ишлари:**

1. Демографический потенциал Узбекистана. Т., «Ўзбекистон». 1991.
2. Чакана товар обороти ва унинг таҳдили (Ўқув қўлланма). Т., ТДИУ, 1992.
3. Социально-демографические факторы развития торговли и потребительского рынка Узбекистана. Т., 1993.
4. Прогнозирование развития торговли и потребительского рынка Узбекистана. Т., 1994.
5. Жизненный потенциал и потребительский рынок. Т., «Фан», 1996.
6. Халқаро туризм бозори. (Ўқув қўлланма). ТДИУ, 2000 ва бошқалар.

### **ЛУТФУЛЛАЕВ ҲИКМАТУЛЛА САҶДУЛЛАЕВИЧ**

Ҳикматулла Саҷдуллаевич Лутфуллаев техника фанлари доктори, профессор.

1946 йилнинг 28 июнида Тошкент шаҳрида туғилган. 1964 йилда ўрта мактабни тугатган. 1969 йилда Москва Электротехника институтини тамомлагандан сўнг ЎзРФА «Кибернетика» институтида 1971 йилгача илмий ходим сифатида фаолият кўрсатган.

1971 йилда собиқ Бутуниттироқ илмий ва техникавий ахборотлар институти аспирантурасининг кундузги бўлимига ўқишига кириб, 1974 йилда «Техникавий кибернетика ва ахборотлар назарияси» мутахассислиги бўйича номзодлик диссертациясини муддатидан олдин муваффақиятли ҳимоя қилган. Шу пайтдан бошлаб ЎзРФАниң «Кибернетика» ИИЧБда кичик илмий ходим, катта илмий ходим ва 1977 йилдан бошлаб «Директив органлар учун ахборотларни қайта ишлашнинг автоматлаштирилган тизими» лабораториясининг мудири лавозимларида ўз фалиятини давом эттирган.



1986 йилда X. С. Лутфуллаев «Ижтимоий ва иқтисодий тизимларда бошқарув» деган мавзуда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. 1984 йилдан ТошДТУда дарс берган, республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сиёсатшунослик ва бошқарув институтида кафедра ташкил қилиб, унга раҳбарлик қилган. У ўнга яқин фан номзодларини етиштириб чиқарган.

1986 йилдан бошлаб у ТДИУнинг «Иқтисодий информатика ва АБТ» кафедрасида профессорлик лавозимида ишлаб келмоқда.

1991 йилда X. С. Лутфуллаев Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонида сектор мудири лавозимида ишлаган.

1993 йилдан бошлаб профессор X. С. Лутфуллаев ТДИУ қошидаги «Иқтисодиёт, бизнес, малака ошириш ва ходимларни қайта тайёрлаш институти»га ўқув ишлари бўйича директор муовини лавозимига ишга таклиф қилинади. Шу билан бирга у Жаҳон банки, Осиё банки ва ТАСИСнинг халқаро лойиҳаларида фаол иштирок этади.

1995 йилда у Европа Ҳамжамиятининг ТАСИС лойиҳаси доирасида ташкил қилинган магистратуруни инглиз тилида муваффақиятли битирган ва унга «Бизнес бошқаруви магистри» даражаси берилган.

1996 йилда унинг ташаббуси билан ТДИУда Ихтиослашган Олий бизнес мактаби ташкил қилинди ва X. С. Лутфуллаев унинг биринчи директори этиб тайинланган.

X. С. Лутфуллаев АҚШ, Англия, Италия, Франция, Жанубий Корея, Малайзия, Таиланд, Дания, Югославия, Белгия ва бошقا мамлакатларда тажриба оширган.

1999 йилда у Парижда ЮНЕСКО тарафидан ташкил қилинган биринчи бутунжаҳон университетларининг конгрессида иштирок этган.

1999 йилдан бошлаб у АҚШ давлати билан ҳамкорликда амалга оширилаётган USIDE лойиҳасида Ўзбекистон томонидан директор этиб тайинланган.

1975 йилда Республика Ёшлар уюшмасининг фан ва техника бўйича лауреатлик нишони билан, 1996—1997 йилларда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Фахрий ёрлиқлари ва 1999 йилда «Олий таълим фидокори» нишони билан тақдирланган. 1996 йилда унга ТДИУнинг «Фахрий профессори» унвони берилган.

Х. С. Лутфуллаев 1998 йилнинг февралида ТДИУнинг ўкув ва услубий ишлар бўйича проректори этиб тайинланди ва шу лавозимда 2000 йил декабрь ойигача фаолият кўрсатди.

1998—1999 йилларда Х. С. Лутфуллаев ТДИУ вактинча ректори вазифасини бажариб келган.

2000 йилнинг декабрь ойидан бошлаб Х. С. Лутфуллаев ўз фаолиятини Республика олдида турган долзарб масала — кичик ва ўрта бизнесни юқори малакали кадрлар билан таъминлашга қаратиб ТДИУнинг Олий бизнес мактаби директори ва Республика бизнес мактаблари тизимиning бирлашган илмий-услубий Кенгаши раиси лавозимларида фаол меҳнат қилиб келмоқда.

Х. С. Лутфуллаев 5 та монография ва дарслклар ҳамда 60 га яқин мақолалар чоп қилган.

#### **Асосий илмий ишлари:**

1. Основы функционирования АСОИ органов государственного управления. Т., «Фан», 1979.
2. Информационное обеспечение принятия решений в органах государственного управления. Т., «Фан», 1991.
3. К вопросу моделирования процесса принятия решений в органах административного управления. В сб. «Вопросы РАСУ», ИК с ВЦ АН Уз ССР. Вып. 22, Ташкент, 1980.
4. Вопросы внедрения новой информационной технологии в ОГУ. XI Всесоюзное совещание по проблемам управления. Ташкент, 1988 г. Тезисы докладов. Москва, 1989.
5. Привлечение иностранных инвестиций в Узбекистане. Современные информационно-коммуникационные технологии в экономике, науке, образовании. Сборник научных трудов ТГЭУ, 1998.
6. Иқтисодиётда ахборот технологияси ва тизимлари. Т., «Жаҳон», 2001 ва бошқалар.

## **МАШАРИПОВ ОЗОД**

Озод Машарипов тарих фанлари доктори, иқтисодиёт магистри, профессор.

1941 йил 9 январда Хоразм вилояти, Бофот туманида туғилган. 1961 йилда Хоразм Давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетини тугатган.

1998 йили Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг халқаро бизнес ихтисоси бўйича магистратурасини тугатган.



1979 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1991 йилда «Меҳнаткашларнинг ижтимоий манфатларини ҳимоя қилишида Ўзбекистон касаба уюшмаларининг фаолияти. 1970—1990 йиллар» мавзууда докторлик диссертациясини ёқлаган. 1992 йилдан профессор.

О. Машарипов сермаҳсул олимлардан. 6 та монография, 3 та ўқув қўлланмаси, 30 дан ортиқ рисола, 50 дан ошиқ ма-

қолалар О. Машарипов қаламига мансуб. Олимнинг жами ижодий маҳсули 195,5 б.т.дан кўпроқдир. Унинг бевосита раҳбарлигига 1 та докторлик ва 6 та номзодлик диссертацияси муваффақиятли ёқланди.

О. Машарипов буғунги кунда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг Урганч ўқув-маслаҳат марказининг директори, Тошкент Давлат иқтисодиётуниверситети «Ўзбекистон тарихи» кафедрасининг профессори лавозимида унумли меҳнат қилмоқда.

### МАЛИКОВ ТОҲИР САТТОРОВИЧ

Тоҳир Сатторович Маликов иқтисод фанлари доктори, профессор.

1958 йил 20 февралда Қашқадарё вилояти Шаҳри-сабз туманидаги Улоҷ қишлоғида дэҳқон оиласида туғилган. 1975 йилда Алишер Навоий номли мактабни туттаган. 1976 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг Молия-иктисод факультетига қабул қилинган ва унинг учинчи курсини 1979 йилда туттагач, 1979—1981 йилларда Ленинграддаги академик Н. А. Вознесенский номидаги Молия-иктисод институти (ҳозирги Санкт-Петербург иқтисодиёт ва Молия университети)нинг Молия-иктисод факультетида ўқиган ва уни имтиёзли диплом билан туттаган.

1981—1984 йилларда шу институтнинг аспиранту-

расида ўқиган ва 1984 йилнинг декабрида «Молия, пул муомаласи ва кредит» мутахассислиги бўйича ихтинослаштирилган кенгашда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1985—1991 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Молия» кафедрасида ассистент, доцент, Молия-иктисод факультети деканининг муовини вазифаларида ишлаган.

1993 йилнинг февралида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

1993—95-йилларда Тошкент Давлат иқтисодиётуниверситети «Молия» кафедрасида, 1995—96 йилларда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси «Молия, кредит ва валюта муносабатлари» кафедрасида мудирлик қилган. 1996 йилнинг июлидан 1998 йилнинг октябрингача Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг ўқув ишлари бўйича проректори лавозимида ишлаган ва бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси «Молия, кредит ва валюта муносабатлари» кафедрасига раҳбарлик қилган. 1998—2000 йилларда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректорининг биринчи ўринbosари лавозимида ишлаган. 2000 йилнинг май ойидан ҳозиргача Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси «Молия, кредит ва валюта муносабатлари» кафедрасининг мудири бўлиб ишлаб келмоқда.

Унинг раҳбарлигига бир неча аспирантлар илмий иш олиб бормоқда. 5 та шогирди иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига эгадир.

1994—2001 йиллардан АҚШ (Вашингтон), Италия (Милан, Реджио Эмилия), Германия (Мюнхен, Франкфурт-на-Майне), Буюк Британия (Лондон), Туркия (Истанбул), Миср (Қохира), Франция (Париж), Гол-



ландия (Гаага)да бўлиб ўтган ва банк-молия менежменти, солиқлар ва солиққа тортиш масалаларига бағишиланган халқаро семинарларнинг иштирокчисидир.

Професор Т. С. Маликовнинг 100 босма табоқдан зиёд илмий ишлари чоп этилган. Жумладан, Молиявий менежмент. Т., «Академия», 1999; Тўлов тизими Т., «Маънавият», 2001; Молиявий қарор қабул қилиш асослари. Т., «Шарқ» 1996; Замонавий молия-банк атама ва ибораларининг инглизча-русча-ўзбекча эквиваленти лугати. Т., «Шарқ» 1996; Молия механизми: муаммо ва ечимлар. Т., «Ўзбекистон», 1991; Бозор иқтисадиётига ўтиш шароитида молия механизмини такомиллаштириш масалалари. Т., «Фан» 1992 ва бошқалар.

### МАМАТОВ НОРМУРОД МАМАТОВИЧ



Нормурод Маматович Маматов фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент Молия институти «Фалсафа ва политология» кафедрасининг мудири.

1942 йили Сурхондарё вилояти Термиз тумани Пахтаобод қишлоғида туғилган.

1967 йилда Ленинград давлат университетининг Фалсафа факультетини туттади. 1967—1970 йиллар Термиз Давлат педагогика институтида 1970 йилдан Тошкент Политехника институти «Фалсафа» кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1975 йили «Илмий техника революцияси шароитида зиёлилар» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади. 1976 йилдан Тошкент вилояти Давлат педагогика институтида ўкув ва илмий ишлар бўйича проректори вазифасида, 1983

йилдан Москвада социология институтида катта илмий ходим сифатида хизмат қилди.

Тошкент Халқ хўжалиги институти «Фалсафа» кафедрасида дастлаб доцент, кейин профессор вазифасида хизмат қилиб келди. 1991 йилдан ҳозиргacha Тошкент Молия институти «Фалсафа» кафедрасининг мудири сифатида ишлаб келмоқда. 1990 йили «Агросаноат интеграцияси шароитида қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг ижтимоий равнақи ва улар фаолияти эффективлигининг ортиши муаммолари» мавзууда докторлик диссертациясини ёқлади. Илмий тадқиқот мавзуи доираси жамият социал структураси ва унинг ўзгариш тенденциялари, миллий истиқбол мағкурасининг назарий ва амалий муаммолари, маънавият ва унинг ривожланиш қонуниятлари кабилар ҳисобланади. Бугунги кунга қадар мазкур муаммоларга багишланган 200 дан ортиқ монография, рисола, мақолалар чоп эттириди. Шулар орасида «Агропромышленная интеграция и социальная структура сельского населения СССР». М., Наука, 1988; «Возрастание роли кадров специалистов сельского хозяйства в условиях агропромышленной интеграции». Т., «Фан», 1985; «Ўзбекистон миллий истиқбол мағкураси». Т., «Ўқитувчи», 1994 ва бошқалар бор.

## МАМЕДОВ БУХОРИДДИН

Бухориддин Мамедов филология фанлари доктори, профессор.

1947 йил 28 майда Сирдарё вилояти Сайхунобод туманида хизматчи оиласида туғилган.

1965 йилда 9-ўрта мактабни тутатгач, 1969 йилда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетини муваффақиятли битиргач, 1978 йилгача 9-ўрта мактабда ўқитувчи



лавозимида ишлаган. 1978 йилдан 1996 йилгача Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти «Ўзбек классик адабиёти» кафедрасида дастлаб лаборант, сўнгра ўқитувчи ва доцентлик лавозимларида ишлаган. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда шу кафедра сиртқи аспирантурасини тугатган.

1996—1998 йилларда Тошкент Давлат юридик институти «Ўзбек тили» кафедраси мудири лавозимида ишлаган.

1982 йилда «Бобур ва халқ оғзаки ижоди» мавзусида номзодлик диссертациясини ва 1991 йилда «16 аср ўзбек адабиёти» бўйича докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

1998 йил сентябрь ойидан Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Фалсафа» кафедрасида профессор лавозимида ишлаб келмоқда.

Олимнинг 5 та алоҳида китоби ва қўлланмалари, 50 дан зиёд илмий мақолалари чоп этилган.

### МАМАЖОНОВ МУТОЛЛИБ ҚОДИРОВИЧ



Мутоллиб Қодирович Мамажонов иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Халқ таълими ходими.

1927 йилда таваллуд топган. ТДИУ «Халқ хўжалиги ва иқтисодий таълимотлар тарихи» кафедрасида 1963 йилдан бошлаб доцентлик лавозимида ишлай бошлаган. «Иқтисодий тарих» фанидан дарс берган. 1974—1987 йилларда кафедра мудири, 1987—

1990 йилларда профессор лавозимларида ишлаган. 1976 йилдан «Чет эл мамлакатлари иқтисодий тарихи» (20 босма табоқ) ўкув қўлланмасини чоп этишда фаол иштирок этган. 1982 йилда докторлик диссертациясини Москвада ҳимоя қилган. Илмий-тадқиқот ишлари асо-

сан Хоразм Халқ Республикаси иқтисодиёти тарихига бағишиланган. 1974 йил «Фан» нашриётида 9,75 босма табоқ ҳажмда нашр этилган.

Бир қанча ўқув, ўқув-услубий материаллар муаллифидир.

1991 йилдан бошлаб Тошкент Молия институтида «Иқтисодий тарих» фани бўйича профессор лавозимида ҳам ишлаган.

М. Қ. Мамажонов 2000 йилда вафот этган.

### МАҲМУДОВ НОСИР

Носир Маҳмудов иқтисоди фанлари доктори, профессор.

1950 йилнинг 3 ноябрида Бухоро вилоятининг Вобкент туманида таваллуд топган. 1968—1973 йилларда Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтида ўқиб, иқтисодчи-муҳандис мутахассислигига эга бўлган. 1973—1974 йилларда Марғilon тўқимачилик техникумидаги ўқитувчи, 1974—1975 йилларда Бухоро Ип-газлама комбинатида катта иқтисодчи, 1975—1977 йилларда Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтиning «Ҳисоблаш математикаси» кафедрасининг илмий тадқиқотчisi, 1977—1980 йилларда Д. С. Коротченкономидаги Киев Халқ хўжалиги институтиning «Иқтисодий математик усуллар» кафедраси аспиранти, 1980 йилдан бошлаб Тошкент Халқ хўжалиги институтида «Иқтисодий кибернетика» кафедраси ассистенти, кеёйинчалик доцент ва профессор унвонига эга бўлган. 1981 йилнинг декабрида номзодлик диссертациясини ва 1994 йилда эса докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган.

1993 йилнинг май ойидан 1998 йилгacha университет

Илмий Кенгашининг илмий китоби, 1994 йилдан 1996 йилгача Илмий-иктисодий ахборотлар марказининг директори, 1997 йилдан 1998 йилнинг февраль ойигача «Ташқи иқтисодий фаолиятни муқобиллаштириш ва божхона иши» кафедрасининг мудири ва 1998 йилнинг февраль ойидан 2001 йилнинг апрелигача иқтисодий мутахассисликлар магистратурасининг директори лавозимида ҳамда 2001 йилнинг майидан илмий ишлар бўйича ректор мувонини лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. 1994 йилнинг сентябрь ойида «Шуҳрат» медали нишондори, шунингдек, университет миқёсида 4 та мақтov ёрлиқ билан тақдирланган.

Англияниг Нотингем Университетида, Москвадаги Статистика институтида, Божхона қўмитасида, Россия Иқтисодий академиясида ўз малакасини ошириб, диплом ва халқаро сертификатларига эга бўлган.

Н. Маҳмудов ўзининг илмий-педагогик фаолияти давомида 35 босма табоқдан ортиқ ўкув услубий ишларни чоп этган. Жумладан, 15 босма табоқли «Ижтимоий прогнозлаштириш усуллари» ўкув қўлланмаси, «Бозор фаолиятини моделлаштириш» 5 босма табоқли ўкув қўлланмаси ва 8 та ўкув услубий қўлланма, диплом ёзиш қўлланмаси ва бошқа кўплаб илмий мақолалар музаллифиdir.

Професор Н. Маҳмудов ўзининг илмий, тадқиқотчилик фаолияти даврида 70 дан ортиқ (60 б/т.) илмий ҳамда ўкув-услубий ишлари чоп этилган. Жумладан, 3 та монография, 2 та ўкув қўлланмаси, 5 та рисола ва 60 дан ортиқ мақолаларни киритиш мумкин: «Пахтани қайта ишлаш саноатлари ишлаб чиқариш ва иқтисодий жараёнларини моделлаштириш» (Т., «Фан», 1992), «Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигининг таҳлилий тизими» (Т., «Ўзбекистон», 1993); «Ижтимоий-иктисодий жараёнларни прогнозлаштириш усуллари». (Т., «Ўзбекистон», 1994) ва бошқалар.

**МИРЗАЕВ  
ИМОМНАЗАР ҚАЛАНДАРОВИЧ**

Имомназар Қаландарович Мирзаев иқтисод фанлари доктори, профессор.

1957 йил 17 августа Фарғона вилояти Бешариқ

туманидаги Қурама қишлоғида деңқон оиласида туғилган.

Үрта мактабни тамомлагандан сүнф 1975—1980 йилларда ТошДУ (Хозирги Ўзбекистон Миллий университети) математика факультетида ўқиган. 1980 йилгача ЎзФА «Кибернетика» институтидан муҳандис бўлиб ишлаган.

1983—1986 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети (Тошкент Халқ хўжалиги институти) «Эҳтимоллар назарияси ва ҳисоблаш математикаси» кафедрасида кундузги аспирантурада ўқиган. 1986 йилдан 1991 йилгача шу университетда асистент, илмий ходим лавозимларида ишлаган. 1991 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаб, физика-математика фанлари номзоди бўлган.

1991—93 йилларда Тошкент Молия институтининг «Математика» кафедрасида асистент, 1993—95 йилларда катта ўқитувчи лавозимларида ишлаган.

Математиканинг иқтисодиёт соҳасига тадбифи муаммоларига доир илмий ишлар олиб бориб, 1995—97 йилларда дастлаб Россия Фанлар академияси Марказий иқтисод-математика институтининг докторантурасида ўқиган. 1997—99 йилларда эса Санкт-Петербург Иқтисодиёт ва молия университетининг докторантурасида ўқишни давом эттирган. 1999 йилда «Иқтисодиётнинг реал секторида унумдорликни бошқариш» мавзусида диссертация ёқлаб, иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олган.

1999 йилнинг майидан октябригача Тошкент Молия институтининг «Банк иши» кафедрасида доцент лавозимида фаолият кўрсатган. 1999 йил октябрдан 2001 йил апрелгача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг етакчи мутахассиси вазифасида ишлаган. Ҳозирги пайтда Вазирлар Маҳкамаси Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Рес-



публика кенгаши хузуридаги гурӯҳ раҳбари лавозимида ишламоқда.

Асосий илмий ишлари эҳтимоллар назарияси, математик статистика, меҳнат иқтисодиёти, ишлаб чиқариш самарадорлигини бошқариш ва тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларига бағишиланган. 40 га яқин илмий ва ўқув-услубий ишлари, жумладан, 2 та рисола чоп этилган ва бошқалар.

## МУСАЕВ МАҲМУД



Маҳмуд Мусаев тарих фанлари доктор, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

1919 йил 17 ноябрда Хўжанд шаҳрида таваллуд топган. Мактабда ўқитувчилик қилишдан ўз меҳнат фаолиятини бошлаган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.

1948 йилда Тошкент Давлат юридик институтини муваффақиятли туттаган. 1954—1956 йилларда Москвада Ижтимоий фанлар академиясида таҳсил олган. Тарих фанлари номзодлиги илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлаган. 1961 йилдан М. Мусаевнинг бутун меҳнат фаолияти ҳозирги Тошкент Давлат иқтисодиётуниверситети билан узвий боғланган. У бу ерда 26 йил давомида «Тарих» кафедрасини бошқарган, 24 йил «Ижтимоий фанлар» кафедралари кенгашига раҳбарлик қилган.

1965 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1966 йили унга профессорлик, 1972 йилда эса «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» юксак унвонлари берилган. 1967 йилда ТошДУ қошида ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институти (1993 йилдан Олий Педагогика Институти) ташкил этилгач, М. Мусаев ундаги «Тарих» кафедраси профес-

сори вазифасида ўриндошлиқ асосида ҳозирга қадар узлуксиз ишлаб келмоқда.

Проф. М. Мусаев етакчилигидаги ТДИУ «Тарих» кафедраси жамоаси илмий ишларни тайёрлаш ва нашр этишга ҳамиша катта эътибор бериб келган. У шундай асарлардан ўн иккитасининг тақризчисидир. Булар орасида «Ўзбекистон тарихи» (тўрт жилдли, у мазкур асарнинг ҳаммуаллифи ҳисобланади), «Тожикистон тарихи», «Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи», «Ўзбекистон интеллигенцияси» (икки жилдли) сингари фундаментал асарлари бор.

Проф. М. Мусаев ёш тадқиқотчиларнинг гамхўр устози сифатида уларнинг илмий ишларига раҳнамолик қилиб келади. Унинг раҳбарлигида умумий ҳажми 297,5 босма табоқ бўлган 24 та монография нашр этилган.

Олимнинг раҳбарлигига 59 нафар киши номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Ҳозирда унинг шогирдлари республикамизнинг ва унинг ташқарисида фидойилик билан меҳнат қилмоқдалар.

М. Мусаев Мадрид (Испания), Измир (Туркия) университетларида, Бомбей илмий марказида (Хиндистан), Коломбо (Шри-Ланка)да ва бошқа жойларда маърузалар билан чиқиб, Ўзбекистонимизнинг нуфузини қутариш, дунё халқларининг тарихимиз, маданиятимиз ва маънавиятимизга бўлган қизиқишини орттиришга муносиб ҳисса қўшган.

## НЕХАЙ ВАЛЕНТИНА СТЕПАНОВНА

Валентина Степановна Нехай — иқтисод фанлари доктори, профессор, 1930 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган.

Мактабни тутатганидан сунг 1948 йилда Тошкент Молия-иқтисод институтига ўқишга кирди, 1952 йилда мазкур ўқув юртини тугаллаб, «Пул ва кредит» ихтисослигини эгаллади. Шу йили Давлат банкининг Қозоғистон Республикаси Жамбул вилоятидаги Ново-Троицк бўлимидаги кредит инспектори лавозимида меҳнат фаолиятини бошлади.

1953 йилдан 1959 йилгача Жамбул шаҳридаги ёшлар ташкилотларида хизмат қилган.

1961 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институти сиёсий иқтисод кафедраси аспирантурасининг сиртқи бўлимига ўқишга киради ва Жамбул вилоятининг режалаштириш бошқармасига ишга ўтади. Кейинчалик аспирантурадаги ўқишини кундузги бўлимда давом эттириб, 1967 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади.

Кафедрада асистент, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида хизмат қиласди. 1974 йилда докторантурага ўтказилади ва уни тутгатганидан кейин кафедрада яна доцент бўлиб ишлади.

1990 йилда «Аҳолининг эҳтиёжлари, уларнинг ўсиши қонуниятлари ва бундай эҳтиёжларни қондириш муаммолари» мавзууда докторлик диссертациясини ёқлади.

1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан В. С. Нехайга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими» унвони берилди.

1993 йилда профессор унвонига сазовор бўлди. Икки нафар фарзанди ва тўртта невараси бор.

Хозирги вақтда Г. В. Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академиясининг Тошкент ўқув-илмий марказида профессор лавозимида меҳнат қиласди.

### МУҲИТДИНОВ ДИЁР МУТАЛОВИЧ



Диёр Муталович Мухитдинов иқтисод фанлари доктори, профессор.

1961 йилда 65-сон мактабни битириб, 1961—1964 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1964—1965 йилларда Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти қошидаги илмий тадқиқот институтида ишлаган. 1966—1969 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтида ўқиган ва 1969 йилда «Моддий техника таъминоти ва иқтисодиёти» кафедрасида асистент бўлиб ишлаган.

1970 йилда Москвадаги Г. В. Плеханов институти аспирантурасига ўқишига кирган ва уни 1973 йилда тугатиб, номзодлик диссертацияни ҳимоя қилган. «Моддий техника таъминоти ва иқтисодиёти» кафедрасига ишга келиб, у ерда катта ўқитувчи, сўнгра доцент лавозимида ишлаган.

1989 йилда докторлик диссертациясини ёқлаган.

1990 йилда Москвадаги Г. В. Плеханов институти қошидаги менежерлар курсини битириб диплом олган. 1990—2000 йилларда «Ишлаб чиқариш воситалари тижорат ва маркетинги» кафедрасида мудир лавозимида ишлаган. 1992 йилда Туркияда, 1997 йилда АҚШда, 1998 йилнинг ноябрь ойида Англияда, декабрь-январь ойларида Малайзия университетида малака ошириб келган.

1989 йилда «Пахта компаниясида ишлаб чиқариш инфратизимининг самарадорлиги» деган монографияси, 1990 йилда профессор Д. Т. Новиков ва С. Панич ҳамкорлигига «Теория и практика маркетинга», 1992 йилда Р. Абдуллаева ҳамкорлигига «Маркетинг — как новая организация и управление промышленностью», 1993 йилда «Маркетинг — бозор шароитида корхоналар фаолиятининг бош йўналиши», 1996 йилда «Корхона тижорат фаолияти» деган ўқув қўлланмани профессор А. Ш. Бекмуродов билан нашрдан чиқарган. 1996 йилда «Логистика» ўзбек ва рус тилларида, 1997 йилда «Маркетинг — рыночная концепция управления» номли қўлланмаси нашр этилган. 1997 йилда «Менежмент ва бизнес» деган дарсликда қатнашган. 1999 йилда чоп этилган «Маркетинг бошқаруви бозор концепцияси» номли ўқув қўлланмаси муаллифидир.

### НАБИЕВ ЭЛШОД ФАНИЕВИЧ

Элшод Фаниевич Набиев иқтисод фанлари доктори, профессор.

1952 йил 26 февралда Тошкент шаҳрида туғилган. 1974 йили Тошкент Халқ хўжалиги институтининг Савдо иқтисодиёти факультетини тугатган.

1977—1980 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институти аспиранти бўлган. 1982 йилда номзодлик ва 1995 йилда докторлик диссертацияларини ёқлаган.



Меҳнат фаолиятини 1976 йил Тошкент Халқ хўжалиги институти, (ҳозирги Тошкент Давлат иқтисодиёт университети) – нинг «Иқтисод» кафедрасида стажер-тадқиқотчиликдан бошлаган. ТХХИ аспиранти (1977–1980), «Иқтисод» кафедраси асистенти (1980–1984), Хорижлик талабалар декани (1985–1992), ТДИУ докторанти (1992–1995). «Бозор иқтисодиётига ўтиш назарияси ва амалиёти» кафедраси мудири (1995–1996). Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиш академияси «Кадрлар ва бошқарув илми» кафедраси профессори (1996 йил январдан).

Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия академияси «Бошқарув» кафедраси профессори, Академия танлов гуруҳи раҳбари (1996 йил июнь–ноябрь).

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси «Менежмент» кафедраси мудири (1996 йил ноябрдан).

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси «Бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари» факультети декани (1997 йил июнь – 2000 йил апрель).

Э. Ф. Набиев докторлик диссертацияси ҳимояси бўйича Академия қошидаги Д. 005.10.02 рақамли Бирлашган Ихтисослашган кенгаш аъзоси. Ўзбек Миллий энциклопедияси Бош таҳририяти аъзоси.

2000 йил 24 апрелдан ҳозирги давргача проф. Э. Ф. Набиев Тошкент Молия институти биринчи проректори.

#### **Асосий илмий ишлари:**

1. Сфера услуг в национальном воспроизводстве. (Монография). – Т., 1993.
2. Экономические преобразования и развитие сферы услуг. (Монография), – Т., 1994.
3. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти (Ўқув қўлланмаси). – Т., ДЖҚА, 2000.

4. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т., «Ўзбекистон», 2000 ва бошқалар.

## НАЗАРОВА ГУЛЧЕҲРА ФОЗИЕВНА

Гулчехра Фозиевна Назарова иқтисод фанлари доктори, профессор.

1955 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топган. 1972 йилда ўрта мактабни «Олтин медаль» билан битиргач, шу йили Тошкент Халқ хўжалиги институтига кириб, 1977 йилда уни тутатган. Меҳнат фаолиятини ушбу институтда бошлаган.

1985 йилда номзодлик ва 1991 йилда эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Евropa университетларининг иқтисод бўйича Магистри дипломларига, хорижий давлатларнинг 24 та диплом ва гувоҳномаларига эга. Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро тажрибалардаги билимдонлиги туфайли Г. F. Назарова Меҳнат ва Бандлик бўйича Халқаро Академиянинг академиги этиб сайланган.

Олиманинг бевосита раҳбарлигига 10 та иқтисод фанлари номзоди ва 2 та иқтисод фанлари доктори тайёрланган. 1998 йилда «Шухрат» медали билан тақдирланган. 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Аёллар Кўмитасининг «Энг фаол аёл» кўрик танлови фолибидир.

Хозирда проф. Г. F. Назарова лицей, колледжлар ва маркетинг хизматлари бўйича проректор лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Инглиз тилини мукаммал эгаллаган олима Г. F. Назарованинг 100 дан ортиқ монография, ўкув қўлланмалар ва илмий мақолалари чоп этилган.



## НАБИЕВ ҲАМИДУЛЛА



Ҳамидулла Набиев иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ҳалқ таълими ходими.

1941 йил 31 январда Тошкент шаҳрида ўқитувчи оиласида туғилган. 1957 йилда 24-ўрта мактабни тутатган. Икки йил ишлаб чиқаришда иштирок этиб, 1960 йилда Тошкент Молия институтининг «Саноатда бухгалтерия ҳисоби ва

**ХФТ**» мутахассислиги

бўйича ўқишига қабул қилинган. 1965 йилда институтни имтиёзли диплом билан тамомлаган ва ассистент лавозимига тавсия этилган. 1965 йил ноябрь оидан 1966 йилнинг декабрь ойигача ҳарбий хизматда бўлган. 1967—1969 йилларда «Статистика» кафедрасининг ассистенти, тадқиқотчиси вазифаларида ишлаган. 1969—1972 йилларда «Статистика» кафедрасининг аспиранти, 1972 йилда «Рентабеллик ва уни Ўзбекистоннинг пахта тозалаш саноатида ошириш йўллари» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1972—1986 йиллари ТХХИнинг «Статистика» кафедраси катта ўқитувчиси, доценти вазифаларида фалият кўрсатган.

1986—1988 йиллари ТХХИнинг катта илмий ходими ва 1988—1990 йиллари «Статистика» кафедрасининг доценти вазифасида ишлаган.

1990 йил 1 июнь куни Москва Иқтисодий статистика институтининг ихтисослашган илмий кенгашида «Ишлаб чиқаришни интенсивлаш даражасини статистик ўрганиш методологияси» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган.

1991 йилдан ҳозирги кунгacha Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Статистика» кафедрасининг профессори ва «Сиртқи ҳисоб-иқтисод мутахассисликлари» факультетининг декани вазифаларида ишлаб келмоқда.

Республика Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикасининг Статистика ҳақида»ги Конунини ишлаб чиқариш ва ҳаётга тадбиқ қилишда фаол иштирок этган. Ўзбекистон Республикаси статистика фани ва амалиётини жаҳон андозаларига ўтқазиш борасида ишларни амалга оширган. «Статистика» фани бўйича бакалаврият ва магистратура даражасида Давлат стандартларини ишлаб чиқишида фаол иштирок этган.

«Бозор кўнгилмаларини ривожлантириш» марказида ТАСИС дастури асосида «Талабаларни дистанцион ўқитиши йўналиши» бўйича малака оширган. Шу давр ичидаги Туркия ва АҚШ мамлакатлари олий ўқув юртларида стажировкадан ўтган.

Х. Набиевга «Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган халқ таълими ходими» унвони берилган ва у бир неча марта Республика Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва ТДИУнинг фахрий ёрликлари билан мукофотланган.

Х. Набиев умумий ҳажми 60 босма табоқдан ортиқ 40 та илмий иш муаллифи.

#### Асосий илмий ишлари:

1. Интенсификация и рост производительности труда в промышленности Узбекистана (методология статистического анализа). Т., «Фан», 1987.
2. Экономико-статистический анализ факторов производительности труда и рентабельности производства. 1988.
3. Статистическое исследование интенсификации производства региональной экономики. Т., «Фан», 1990 ва бошқалар.
4. Миллий ҳисоблар тизими. Т., «Ўқитувчи», 1997.

## ОБЛОМУРОДОВ НАИМ ҲАЛИМОВИЧ

Наим Ҳалимович Обломуродов тарих фанлари доктори, профессор.

1952 йил Самарқанд вилояти Ургут тумани Охунбобоев жамоа ҳўжалигига деҳқон оиласида туғилган.

1969 йилда А. Навоий номидаги ўрта мактабни битириб, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих факультетига ўқишига кириб, уни 1974 йилда битирган.

1974—1982 йиллар Ўзбекистон Фанлар Академия-



сининг Тарих институтида лаборант, кичик илмий ходим бўлиб ишлаган. 1976—1977 йиллар ҳарбий хизматда бўлган.

1982 йилдан Сирдарё педагогика институтида катта ўқитувчи, 1984—1991 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтида катта ўқитувчи, доцент, 1991 йилдан Тошкент Молия институтида «Ўзбекистон тарихи» кафедрасида доцент, «Молия-иктисод» факультетида деканнинг тарбиявий ишлари бўйича ўринбосари, институт мураббийлар

кенгашиning раиси, 1996—2000 йилларда Тошкент Молия институти ректорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи ўринбосари, ҳозирги кунда «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси мудири бўлиб ишляпти.

1981 йилда номзодлик, 1994 йилда докторлик диссертациясини ёқдаган.

60 босма табоқдан зиёд илмий ва ўкув-услубий ишлари чоп этилган.

### ОЛИМЖОНОВ ОДИЛ ОЛИМОВИЧ

Одил Олимович Олимжонов иқтисод фанлари доктори, профессор.

1957 йил 29 майда туғилган. Ўрта мактабни тугатиб, 1974—1978 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институти молия-иктисод факультетида таҳсил олган. 1984 йилда Москва молия институтида номзодлик ва 1992 йилда Санкт-Петербург иқтисодиёт ва молия университетида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Мехнат фаолиятини 1978 йилда лаборантликдан бошлаб, кейин Тошкент Халқ хўжалиги институти

ассистенти, доценти ва Андижон филиали директори ўринбосари, Андижон Иқтисодиёт ва бошқарув институти проректори лавозимларида фаолият кўрсатган.

1992—1999 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Вазирлар Маҳкамаси, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирликларида меҳнат қилган. 1999 йилдан шу кунга қадар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига Мажмуа раиси ўринбосари (молия бошлиғи) лавозимида ишламоқда.

О. Олимжонов қатор ҳалқаро учрашув ва симпозиумлар иштирокчиси бўлиб, унинг 100 дан ортиқ мақола ва 12 та китоби чоп этилган.



### ОРОНЮК БОРИС ЛАЗАРЕВИЧ

Борис Лазаревич Оронюк тарих фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ҳалқ таълими ходими.

1926 йилда туғилган. «Ҳалқ хўжалиги ва иқтисодий таълимлар тарихи» кафедрасида 1964 йилдан доцентлик лавозимида ишлай бошлаган. «Иқтисодий тарих» фанидан дарс берган. Шу фан бўйича бир қанча ўқув, ўқув-услубий қўлланмалар муаллифидир.



Докторлик диссертациясини 1985 йил Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти қошидаги ихти-сослашган Илмий Кенгашда ҳимоя қилган. 1986 йилдан кафедра профессори, 1987—1990 йилларда кафедра мудири лавозимида ишлаган.

Республика ва Халқаро миқёсидаги конференцияларда ўз илмий маъruzalari билан фаол иштирок этган.

Б. Л. Оронюк З та монография, 50 дан зиёд илмий мақолалар чоп этган. Илмий-тадқиқот ишлари асосан халқларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлигига бағишиланган.

Тарихшунос олим Б. Л. Оронюк 1990 йилда вафот этган.

## ОТАНИЁЗОВ БОЛТАБОЙ

Болтабой Отаниёзов иқтисод фанлари доктори, профессор.

1948 йил 21 январда Хоразм вилоятининг Бофот туманида зиёли оиласида туғилган.

1954—1965 йилларда Бофот туманидаги «Янгиқадам» ўрта мактабида таҳсил олган. 1965 йилда А. Навоий номли Самарқанд Давлат университетининг механика-математика факультетига ўқишига кириб, 1970 йилда муваффақиятли тутатган.

Меҳнат фаолиятини 1970 йилдан Ўзбекистон

Республикаси Фанлар академиясининг ҳисоблаш маркази «Кибернетика» институтида бошлаган. У катта лаборант, муҳандис лавозимларида ишлаган.

1970—1972 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1972 йилда собиқ иттифоқ ФА Марказий Иқтисод-математика институтининг аспирантурасига кирган. 1978 йилда «Сув захираларидан оқилона фойдаланиш муаммо-



лари» мавзусида иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун номзодлик диссертациясини ёқлаған.

1979 йил июнь ойидан бошлаб, ТДИУда катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида ишлаб келмоқда.

1994 йили ЎзР ФА «Кибернетика» ИИЧБ Махсус кенгашида иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун «Иқтисодий-экологик тизим ривожланишини бошқариш» мавзусида диссертация ҳимоя қилған.

Унинг бевосита раҳбарлигида 3 нафар аспирант диссертация ҳимоя қилған.

Муаммоли-координацион кенгаш аъзоси сифатида «Эконометрика ва статистика» мутахассислиги бўйича тайёрланаётган номзодлик ва докторлик диссертациялар муҳокамасида фаол иштирок этмоқда. Қатор диссертациялар ҳимоясида расмий оппонентлик қилған.

Олим Б. Отаниёзов 3 та монография, қатор ўкув ва методик қўлланмалар, 40 дан зиёд илмий мақолалар чоп этган.

### РАШИДОВ ЎКТАМ ЮНУСОВИЧ

Ўқтам Юнусович Рашидов иқтисод фанлари доктори, профессор.

1941 йил 15 октябрда Фарғона вилояти, Фурқат туманида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, 1962 йилда Ленинград Политехника институтининг «Иқтисодчи-муҳандис» факультетига ўқишига кириб, уни 1968 йилда тугатган. 1968 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Кибернетика» институтида иш фаолиятини бошлаган. Ушбу институт-



да аввал кичик, кейин катта илмий ходим бўлиб ишлаган. 1974 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1976 йилдан бошлаб Тошкент Халқ ҳўжалиги институтида иш бошлаган. Бу ерда «Халқ ҳўжалигини режалаштириш» кафедрасида аввал катта ўқитувчи, кейин эса доцент лавозимларида ишлаган.

1989 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

1987—1991 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида ректорнинг ўкув ишлар бўйича муовини бўлиб ишлаган.

1995—1997 йилларда Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва Статистика вазирлиги қошидаги маракана ошириш ўкув марказида директорнинг биринчи муовини, директор лавозимларида ишлаган. 1998 йилдан бошлаб Тошкент Давлат иқтисодиётуниверситетида «Халқаро молия ва банк иши» кафедрасида профессор лавозимида ишлаб келмоқда.

15 тадан ортиқ фан номзодларини тайёрлаган.

Олимнинг кўплаб монографиялари, қўлланмалари ва илмий ишлари чоп этилган.

### РАҲМАТОВ МУРТАЗО АҲМЕДОВИЧ



Муртазо Аҳмедович Раҳматов иқтисод фанлари доктори, профессор.

1958 йил 15 майда Бухоро вилояти Фиждуон тумани, Фришкент қишлоқ кенгаши, Зарафшон жамоа ҳўжалигида жойлашган Янгиработ қишлоғида таваллуд топган. 1975 йилда ўрта мактабни битирган.

1976 йилда Тошкент Халқ ҳўжалиги институтига ўқишга кириб, 1980 йилда мазкур институтнинг «Бухгалтерия ҳисоби»

мутахассислигини имтиёзли диплом билан тугатган. 1980—1981 йилларда Ўзбекистон Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигида бош иқтисодчи-муҳандис бўлиб ишлаган. 1981—1983 йилларда ҳарбий хизматни ўтаган. 1983—1993 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида аспирант, асистент, катта ўқитувчи ва доцент вазифаларида ишлаган. 1993—1998 йилларда Санкт-Петербург Давлат иқтисодиёт ва Молия университетида катта илмий ходим вазифасида (докторантурада) бўлган.

1998 йилда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида профессор вазифасини бажарувчи лавозимида ишлаган. 1999 йил январь ойидан 2000 йил июлигача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш дастурлари бўлимида бош мутахассис лавозимида ишлаган. 2000 йил 20 июлидан то ҳозирга қадар Ўзбекистон Кимё саноати корхоналари уюшмаси раисининг ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

М. А. Раҳматовнинг қирқдан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

## РАИМОВ ХОТАМЖОН

Хотамжон Раимов иқтисод фанлари доктори, профессор.

Ўз меҳнат фаолиятини 1959 йил март ойидан бригада ҳисобчиси лавозимида бошлаган. 1962—1965 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1967 йилда Тошкент Xалқ хўжалиги институтига ўқишига кирган. Ўқишини имтиёзли диплом билан тамомлаган.

1973—1976 йилларда аспирантурада ўқиган. 1979 йил 9 Февралда Москвада номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Х. Раимов 1979—1981 йилларда Тошкент Xалқ хўжалиги институтида асистент, катта ўқитувчи лавозимларида ишлаган. 1982—1984 йиллар институт раҳбарияти



тавсияси билан институтнинг Андижон филиалидаги «Тармоқлар иқтисоди» кафедрасига раҳбарлик қилган. 1984 йилда «Моддий-техника таъминоти» кафедрасига доцент лавозимига танлов асосида ишга қайтган. 1990—1992 йиллар катта илмий ходим лавозимига ўтказилган.

1994 йил 13 январда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1994—1996 йилларда Андижон Муҳандислик иқтисодиёт институтининг «Тижорат кафедра»сида профессор, бир вақтнинг ўзида институт илмий-услубий маркази бошлиғи лавозимларида ишлаган.

1996 йил октябрь ойидан Тошкент Молия институтининг малака ошириш институтида факультет декани лавозимида ишлаган ва «Молиявий менежмент», «Маркетинг асослари» фанларидан дарс берган.

1999 йил 22 февралядан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг кадрлар, илм-фан, педагогик кадрлар тайёрлаш Бош бошқарма бошлиғи ўринбосари лавозимида ишламоқда. Бир вақтнинг ўзида «Ишлаб чиқариш воситалари тижорати ва маркетинги» кафедрасига раҳбарлик қилмоқда.

Х. Раимов етмиш беш мақола, рисола, ўкув дастурлари ва ўкув-услубий кўрсатмалар муаллифиdir.

## САИФНАЗАРОВ ИСМОИЛ

Исмоил Саифназаров фалсафа фанлари доктори, профессор.

1948 йил 10 июнда Тошкент вилояти Янгийўл туманида деҳқон оиласида туғилган. 1966 йилда Янгийўл шаҳридаги «Алишер Навоий» номли 4-ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Давлат университети фалсафа ва иқтисод бўлимига ўқишга кирган ва уни 1971 йилда муваффақиятли тугатиб, Тошкент Халқ хўжалиги институтининг (ҳозирги ТДИУ) «Фалсафа» кафедрасига асистентлик лавозимига ишга тайинланган ва ундан кейинги бутун ҳаёти шу олий ўкув юрти билан чамбарчас боғлиқ.

1990—1993 йилларда фалсафа кафедраси мудири.

1993—1997 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги Республика иқтисодиёт ли-

цейи директори ва 1997 йилдан шу кунгача Тошкент Давлат иқтисодиёт университети Маънавий-маърифий масалалар бўйича биринчи проректори ва «Фалсафа» кафедраси мудири лавозимларида меҳнат қилмоқда.

1983 йили «Шахснинг ҳар томонлама ривожланишида ишлаб чиқариш жамоаларининг роли» мавзусида номзодлик диссертациясини, 1992 йилда эса «Ҳозирги замон меҳнат жамоаларининг ижтимоий-ахлоқий моҳияти» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган. 1994 йилдан профессор унвонига эга бўлган.

**АҚШ**, Чехословакия, Малайзия каби хорижий мамлакатларда илмий анжуманлар ва семинарларда ўз маърузалари билан қатнашган.

И. Саифназаров жамоатчилик асосида қўйидаги вазифаларни бажармоқда: Ўзбекистон Фалсафа Жамиятининг вице-президенти, ихтисослашган Илмий Кенгаш аъзоси ва Чилонзор тумани маънавият ва маърифат Маркази раҳбари ҳамда 1990 йилда Чилонзор туманидан Олий кенгашга сайлов округига, 1994 йилда эса Олий Мажлисга сайлов округига раислик қилган.

1976 йилда «Шавкатли меҳнати учун» медали, 1991 йилда «Олий таълим аълочиси» ва 1998 йилда «Олий ва ўрта маҳсус таълим аълочиси» кўкрак нишонлари ва кўплаб фахрий ёрликлар, ташаккурнома ва бошқа мукофотлар билан тақдирланган.

Ижтимоий фалсафа, диншунослик, маънавият масалаларида 80 дан ортиқ монография, брошюралар, илмий ва оммабоп мақолалар, менежмент ва маънавият асослари курслари бўйича ўқув-методик қўлланмалар, фалсафа, инсон ва жамият, диншунослик, маданиятшунослик, маънавият асослари курслари бўйича ўқув дастурлари, тестлар тўплами ва ўқув модуллари ишлаб чиқишга раҳбарлик қилган ва нашр этган.



### **Асосий илмий ишлари:**

1. Маънавият буюк келажак пойдевори. ТДИУ, 1997.
2. Ватанпарварликнинг миллий ва умуминсоний жиҳатлари. Т., «Меҳнат», 1997.
3. Маънавиятимизнинг умрбоқий сарчашмалари. Т., «Меҳнат», 1997.
4. Менежмент асослари (Лицей ва коллежлар учун ўкув қўлланма). ТДИУ, 1998.
5. Оила барқарорлигининг маънавий асослари. ТДИУ, 1999.
6. Маънавият ва билим — баркамоллик қанотлари. ТДИУ, 1999.
7. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. Т., «Шарқ», 2001.
8. Основы менеджмента. «Учебник для лицеев и колледжей». Т., 2001 ва бошқалар.

### **РАЗЗОҚОВ АБДУҲАЛИЛ АБДУҲОЛИҚОВИЧ**



Абдуҳалил Абдуҳолиқовиҷ Рazziқов иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

1939 йил 4 октябрда туғилган.

ТДИУ «Халқ хўжалиги ва иқтисодий таълимотлар тарихи» кафедрасида 1971 йилдан бошлаб, дастлаб катта ўқитувчи, 1974 йилдан доцент лавозимларида ишлаган. 1971 йилда номзодлик диссертацияси-

ни, 1990 йилда эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1990 йилнинг мартаидан буён кафедра мудири лавозимида ишлаб келмоқда. Кафедрада «Иқтисодиёт тарихи», «Иқтисодий таълимотлар тарихи», «Жаҳон иқтисодиёти» курслари бўйича дарс беруб, шу фанлар бўйича зарурий ўкув, ўқув-услубий қўлланма, модуль ва бошқа хужжатларни тайёрлаган. Бу материаллардан барча ўкув юртларида кенг фойдаланилмоқда.

А. Раззоқов ижодида хориж давлатлари тажрибасини ўрганиш ва уларнинг ижобий томонларини тарғиб қилиш алоҳида ўрин эгаллади. 1988 йилда Югославия (Македония), 1995 йилда Дания (Копенгаген), 1997 йилда АҚП, 1998 йилда Италия (Венеция)да ва Голландия (Утрехт)да бўлган. Марказий Осиёни ўрганиш бўйича Европа жамияти (ESCAS) аъзоси, шу жамиятнинг 10 ва 11-конференцияларида иштирок этган, маъруза қилган ва материаллари инглиз тилида чоп этилган.

А. Раззоқовнинг 354 дан ортиқ номда монография, рисола ва илмий, илмий-оммабоп мақолалари чоп этилган.

Шулардан 22 таси монография, рисола ҳисобланади.

#### **Асосий илмий ишлари:**

1. Ўзбекистонда мелиорация тарихи. Т., «Фан», 1978.
2. Ўзбекистонда қўриқ ерларни ўзлаштириш ва мелиорацияларини тарихи. Т., «Фан», 1984.
3. Сув ва ҳаёт. Т.; 1991.
4. Иқтисодий таълимотлар тарихи (ўкув қўлланма). Т.; «Фан», 1997.
5. Жаҳон иқтисодиёти 20—21 асрлар бўсагасида. Т., 1998.
6. Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти лауреатлари. Т., 1998 ва бошқалар.

## **САИДОВ АНВАР**

Анвар Сайдов иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

1938 йил 12 апрелда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган. 1955 йилда ўрта мактабни тутгатган. 1960 йилда Тошкент Молия-иктисод институтини тамомланган. 1960 йилдан 1968 йилгacha Ўзбекистон Молия вазирлиги туризмида бухгалтер, иқтисодчи, тафтишчи, бош иқтисодчи ва Ангрен шаҳар молия бўлими бошлиги лавозимларида ишлаган.

1968 йилнинг март ойида Ангрен шаҳар ижроия қўмитасининг раис муовини лавозимига сайланган. 1972 йилнинг март ойида Янгиобод шаҳар ижроия қўмитасининг раиси лавозимига сайланган. 1978 йил сентябрь ойида Тошкент вилояти Нашриёт, матбуот ва китоб савдоси бошқармасининг бошқаруви вазифасида ишлаган.



1984 йилнинг сентябррида Ўзбекистон Республикасининг сайёхлик ва экскурсия советининг раиси лавозимига ишга ўтган. 1992 йилда «Ўзбектуризм» миллий компанияси тузилиши муносабати билан, шу компаниянинг раис муовини лавозимига тасдиқланган.

1993 йилнинг ноябрь ойидан ҳозиргача «Чевар — Орли» савдо уйининг бош директори бўлиб ишлаб келмоқда.

1981 йилда иқтисод фанлари номзоди ва 1995 йилда иқтисод фанлари

доктори диссертацияларини ёқлаган. Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Ташқи туризм иқтисоди» кафедрасида профессорлик лавозимида ёш мутахассислар тайёрлашга ўзининг илмини, иш тажрибасини, куч-кувватини бағишлиб келмоқда.

Анвар Сайдов Ҳукуматимизнинг жуда кўп орден, медаллари ва фаҳрий ёрликлари билан тақдирланган.

Проф. А. Сайдовнинг 50 б/т.дан ортиқ ишлари чоп этилган. Шулардан 4 таси монографиядир.

### САЛИМОВ БАХТИЁР ТОЖИЕВИЧ

Бахтиёр Тожиевич Салимов иқтисод фанлари доктори, профессор.

1948 йилда Самарқанд вилояти Каттакўргон туманида туғилган. 1976 йилда Самарқанд Давлат университети амалий математика факультетини тутатиб, университет қошидаги ҳисоблаш марказида программист бўлиб ишлаган.

1978—1979 йилларда собиқ иттифоқ ФА Сибирь бўлимига қарашли «Саноат ишлаб чиқаришининг иқтисоди ва ташкил қилиши» илмий-тадқиқот институтида

изланувчи-тадқиқотчи бўлиб ишлаган.

1980—1982 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Иқтисодий кибернетика» кафедраси аспиранти бўлган.

1983 йилдан бошлаб ушбу кафедранинг ассистенти сифатида ўз ишини бошлаган. 1985 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

1987 йилдан мазкур кафедрада доцент лавозимида ишлаган. 1989—1993 йилларда университет қошидаги «Регион иқтисодиёти муаммолари» лабораторияси мудири вазифасида ишлаган. 1993 йилда «Регион ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш ва уни моделлаштириш» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган.

1994 йилда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси қошидаги «Ўзикиқболстат» қўмитасининг «Регион ривожи» бўлими бошлиги ўринбосари лавозимида ишлаган.

1994 йилдан Тошкент Давлат иқтисодиёт универсиитети «Иқтисодиётни бошқариш» кафедрасида доцент, 1995 йилдан профессор лавозимида ишлаган. 1996—1997 йилларда «Илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш» бўлими бошлиги вазифасида ишлаган.

1997 йилдан эса «Микро ва агроиқтисодиёт» кафедраси мудири бўлиб ишлаб келмоқда.

Б. Т. Салимов олтита номзодлик ишларига раҳбарлик қилган. У 50 босма табоқча яқин илмий ишлар чоп этган. Иккита монография ва «Микроиқтисодиёт» фанидан дарсликнинг ҳаммуаллифларидан биридир.



## САЛИМОВ ХОЖИ АКБАР

Хожи Акбар Салимов иқтисод фанлари номзоди, география фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон



Республикасида хизмат күрсатган иқтисодчи, Республика халқ маорифи аълочиси, «ЕвроАзия» иқтисодиёт Академиясининг академиги.

1930 йилда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган. 1947 йилда ўрта мактабни тамомлаган.

Х. Салимов 1952—1956 йилларда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг География факультетида таҳсил олган ва уни имтиёзли тамомлаган.

Х. Салимов 1957 йил-

дан бошлаб Тошкент Молия институтининг «География» кафедрасида ассистентлик лавозимида ишлаган. 1959 йилда Узбекистон Халқ маорифи вазирлиги томонидан «Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси» унвони билан тақдирланган.

1959 йилдан бошлаб Тошкент Халқ хўжалиги институтида катта ўқитувчи лавозимида ишлаган. 1961 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг тавсиясига биноан Ўзбекистон Олий таълим вазирлиги номидаги Ростов-Дон Молия институтининг «География» кафедрасига мақсадли аспирантурага юборилган.

1964 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

Х. Салимов 1964—1973 йилларда 1 та монография, 3 та брошюра ва 20 га яқин илмий мақолалар чоп этирган.

1979 йили 14 декабрда Ленинград университети география факультетидаги Илмий Қенгашида география фанлари доктори илмий даража учун («Ўрта Осиё ахолисининг ривожланиши ва жойланиши масалалари» мавзусида) диссертация ёқлаган.

1993 йилда чоп этилган «Иқтисодий географияни ўрганиш усуслари» (6,5 б/т.) ва 1995 йилда «Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш фанидан курс иш-

ларини ёзиш усуллари» (2,5 б/т.) китобларида мамла-  
катимизнинг мустақиллик шароитида жаҳон мамлакат-  
лари билан иқтисодий-географик алоқалар ва ишлаб  
чиқаришнинг янги турларини барпо қилишда фаннинг  
роли ва уни ўрганишда талабанинг вазифаси батафсил  
ёритилган.

Олимнинг юздан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

### САЛИҲОВ СУРЪАТ АКРОМОВИЧ

Суръат Акромович Салиҳов биология фанлари доктори, профессор, Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори.

1939 йил 14 январда Тошкент шаҳрида зиёли оиласида туғилган. 1956 йилда Тошкент шаҳридағи Наримонов номли 15-үрта мактабни, 1961 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг Мева, сабзавот ва узумчилик факультетини тугатган.

1961—1963 иили Тошкент фармацевтика институтининг «Ботаника» кафедраси ассистенти, 1963—1966 йилда ЎзР ФА Ботаника институти аспирантурасида таҳсил олган.

1966—1967 йилда Ботаника институтида кичик илмий ходим, 1967 йилда ЎзР ФА Президиуми Кимё-технология ва биология бўлимининг илмий котиби, 1968—1969 йилда Ботаника институтида кичик илмий ходим ва 1969—1983 йилда катта илмий ходим лавозимида фаолият курсатган.

1967 йилда биология фанлари илмий даражасини олиш учун номзодлик ва 1990 йилда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. 1983—1988 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Товаршунослик ва савдони ташкил этиш» кафедраси доценти,



1988—1991 йилларда ЎзР ФА Ботаника институтида катта илмий ходим, 1991—1993 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Товаршунослик» кафедрасининг мудири, 1993—1995 йилларда ТДИУ қошидаги малака ошириш институти «Кичик ва ўрта бизнес иқтисодиёти» кафедрасининг профессори, 1995—1997 йилларда ЎзР ФА Ботаника боти директори, 1997—1998 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги малака ошириш институтида «Хизматлар маркетинги» кафедраси мудири, 1998 йилдан ТДИУнинг «Маркетинг ва ташқи иқтисодий фаолият» кафедраси профессори лавозимида ишламоқда.

С. Салиҳовнинг 108 та илмий ишлари чоп этилган. Шулардан 1 монография, 17 та ихтиrolар муаллифи, 11 та норматив-техник хужжатлар ва 12 та ўқув-услубий ишлар ва бошқа ўнлаб илмий мақолалар муаллифидир.

## САИДМУРОДОВ САИДАЗИЗ



Сайдазиз Сайдмуродов иқтисод фанлари доктори, профессор.

1957 йилда Тошкент Тўқимачилик институти «Инженер-технолог» мутахассислигини муваффақиятли тутатгандан сўнг, Ўзбекистон Тўқимачилик илмий-текшириш институти илмий ходими бўлиб ишлаган. 1958 йил сентябрдан бошлаб, Ўзбекистон Илмий-техника Кўмитаси, илмий-техника ахбороти институтида илмий ходим бўлиб ишлаган.

1958 йил октябрь ойида Ўзбекистон Фанлар академияси йўлланмаси билан Москва Тўқимачилик институти аспирантурасига юборилган. Аспирантурани тутатгач номзодлик диссертациясини 1963 йили ҳимоя қилган.

С. Сайдмуродов 1966—1980 йилларда Тошкент Тұқымачилик институти «Ипак технологияси» кафедрасыда доцентлик лавозимида, сұнг Пахта саноат вазирлиги Республика ҳисоблаш марказыда директор мувини, сұнгра Кимё саноати вазирлигига қарашли илмий-тадқықот институтида катта илмий ходим бўлиб ишлаган.

С. Сайдмуродов 1982 йилдан бошлаб Тошкент Халқ хўжалиги институти «Товаршунослик» кафедрасыда доцент лавозимида, 1992 йилдан ҳозирга қадар «Ишлабчиқариш воситалари тижорати ва маркетинги» кафедрасыда профессорлик лавозимида ишламоқда. У ўзининг илмий савиясини мунтазам равишда ошириб бормоқда. Халқаро, Бутуниттифоқ ва Республика илмий конференцияларида 1963, 1966, 1974, 1984, 1988 йилларда маъруза қилган. У жами 48 та илмий ва ўкув-методик ишлар муаллифидир. Булардан 15 таси ўкув-методик комплекс ва қўлланмалар.

### САФАЕВ АҲМАД САФАЕВИЧ

Аҳмад Сафаевич Сафаев филология фанлари доктори, профессор.

1915 йил 12 апрелда Тошқовуз шаҳрида туғилган. 1941 йилда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтини тамомлаган. 1941—1942 йилларда Андижон вилоят Олтинқўл туманида мактаб директори визфасида ишлаган. 1943—1946 йилларда иккинчи жаҳон урушида қатнашган. 1942—1943, 1946—1949 йилларда Тошқовуз ўқитувчилар институтида катта ўқитувчи, кафедра мудири вазифасида ишлаган. 1949—1954 йилларда Тошкент театр-рассомчилик институтида, 1954—1962 йилларда ТДУда ишлаган. 1962 йилдан 1980 йилга қадар Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Рус тили» кафедрасига мудирилик қилган. 1980—1984 йилларда ЎзР ФА Тил ва Адабиёт институтида катта илмий ходим вазифасида ишлаган.

1959 йилда номзодлик ва 1969 йилда эса докторлик диссертациясини ёқлаган. Кўплаб Халқаро ва Республика анжуманларида қатнашган. Юзга яқин илмий, ўкув-услубий ишлари чоп этилган.

Проф. А. С. Сафаев 1984 йилда вафот этган.

## САФАЕВА ҚУМРИ



Кумри Сафаева иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат курсатган фан арбоби ва Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

1937 йилда Фарғона вилоятнинг Риштон туманида деҳқон оиласида туғилган. 1955 йилда Янгийўл шаҳрида ўрта мактабни олтин медаль билан тугатган. 1960 йилда эса ТошДУнинг механика-математика факультетини муваффақиятли битиргач, Математика институти қошидаги ҳисоблаш марказига ишга қабул қилинган.

Москва Ҳисоблаш марказида аспирантурани 1966 йилда тутатгач, номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

К. Сафаеванинг кейинги илмий ишлари математиканинг иқтисодиётда қўлланишига бағишиланган.

1990 йилда К. Сафаева иқтисод фанлар доктори илмий даражасига эга бўлган. Диссертация мавзуси бўйича бажарилган ишлар натижалари 40 мақола, 3 та монография, 30 тадан ортиқ илмий анжуманларда қилинган маъруза тезислари сифатида чоп этилган.

Диссертация ҳимоясидан сўнг К. Сафаева бозор иқтисодиётини моделлаштириш муаммоларини ҳал қилиш борасида иш олиб бормоқда. Бу борада 1 та монографияси, 15 та мақола ва маъруза тезислари чоп этилган.

К. Сафаева 1974 йилда доцентлик ва 1992 йилда профессорлик унвонига эга бўлган.

У 1968—1991 йилларда Тошкент Халқ ҳўжалиги институтида катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, профессор лавозимларида ишлаган. 1991 йилдан бошлаб Тошкент Молия институтининг «Математика» кафедраси мудири сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. У 5 та ўқув қўлланма ва 20 тадан ортиқ ўқув-методик

қўлланмалар муаллифидир. К. Сафаева раҳбарлигида 2 та докторлик ва 3 та номзодлик диссертациялари тайёрланган.

Профессор К. Сафаеванинг ўкув, илмий-методик ва тарбиявий ишларида қўлга киритган ютуқлари давлат, вазирлик ва институт раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланган.

## СОБИРОВ ҲИКМАТ

Ҳикмат Собиров иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи.

1922 йил 27 апрелда Тошкентда зиёли оиласида таваллуд топган. 1942 йилда Тошкент Молия институтини имтиёзли диплом билан тамомланган. 1943 йил сентябрь ойида Тошкент Молия институтининг аспирантура сига қабул қилинган. У Тошкент Халқ хўжалиги институтида 30 йил давомида (1959—1989) «Молия» кафедрасининг мудири лавозимида ишлаган.

1949 йилда номзодлик диссертациясини ва 1968 йилда эса докторлик диссертациясини ёқлаган. 1970 йилда унга профессор унвони берилган. 1966 йилда «Ўзбекистон молия тарихи» номли рус тилида йирик монография нашр қилган.

Ярим асрдан кўпроқ давр ичida проф. Ҳ. Собиров 400 га яқин монография, рисолалар, мақола, дарслик ва қўлланмалар эълон қилган. Буларнинг умумий ҳажми 300 б/т.дан ошади.

1972 йилда кўп йиллик самарали фаолияти тақдирланиб, унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи» фахрий унвони, 1992 йилда «Мустақиллик» нишони ва кўплаб фахрий ёрлиқлар берилган. 1998 йилда



Ҳ. Собировга Тошкент Молия институтининг «Фахрий профессори» унвони берилган.

**СОАТОВ  
НҮЙМОН МУҲАММАДЖОНОВИЧ**



Нўймон Муҳаммаджонович Соатов иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

1934 йил 15 январда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топган. 1951 йилда Тошкентдаги 24-ўрта мактабни аъло баҳолар билан битказгандан сўнг, Тошкент Молия-иқтисод институти статистика бўлимида таҳсил олган. 1955 йилда имтиёзли диплом билан та-

момлагач, «Статистика ва математика» кафедрасида ўқитувчилик фаолиятини бошлаган.

1959—1961 йилларда кафедра қошидаги аспирантурада ўқиган. 1963 йил 3 майда номзодлик диссертациясини ёқлагач, Н. Соатов 1962—1963 йилларда «Статистика» кафедрасида катта ўқитувчи, 1964 йилдан доцент лавозимида ишлаган.

1971 йилдан то 1997 йилгача «Статистика» кафедрасига раҳбарлик қилган. 1998 йилдан бошлаб ҳозиргacha ушбу кафедра профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

1977 йилда Москва иқтисодий-статистика институти Илмий Кенгашида «Суғорма далачилик статистикаси муаммолари» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган.

Иқтисодий статистика бўйича ўзбек олимлари орасида биринчи фан доктори унвонига эга бўлган проф. Н. Соатов раҳбарлиги остида 5 фан доктори ва 23 фан номзодлари тайёрланган.

Олимнинг илмий ишлари 250 босма табоқдан ошиқроқдир.

### **Асосий илмий ишлари:**

1. Мирзачўл ва Марказий Фарғонани ўзлаштириш ва сугоришга капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлиги. (1967).
2. Ўзбекистонда мелиорация хизмати ва унинг фаолияти самара-дорлигини баҳолаш. (1971).
3. Суформа далачилик статистикаси муаммолари (Монография). 1975.
4. Статистика асослари (Дарслик). 1979.
5. «Умумий назарий статистикадан» (ўкув қўлланмалар, 1—2 қисм, 1980—1983).
6. Макроиқтисодий кўрсаткичлар тизими. (Ўкув қўлланма) 2000.
7. Статистика (Дарслик). Т., 2001 ва бошқалар.

### **ТОЛИПОВ ФАРҲОД МАЪРУФОВИЧ**

Фарҳод Маъруфович Толипов физика-математика фанлари доктори, профессор, Нью-Йорк Фанлари академияси аъзоси.

1955 йил туғилган. 1978 йилда Тошкент Давлат университетини битирган. 1978—1989 йилларда «Ярим ўтказгичлар муаммолари» лабораториясида илмий ходим, аспирант, ТошДУ «Умумий физика» кафедрасида катта ўқитувчи, доцент.

1995—98 йилларда II Тошкент Тиббиёт институти «Тиббиёт физикаси ва информатика» кафедрасининг мудири.

1984 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1995 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1998—99 йилларда «Нормал физиология, тиббий физикаси ва информатика» кафедрасининг профессори лавозимларида ишлаган.

Ф. Толипов 1999 йилда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Олий математика» кафедраси профессори.



Ф. Толипов томонидан 100 дан ортиқ илмий ва ўқув методик ишлар чоп этилган, ҳамда 7 та муаллифлик гувоҳномасини олган.

## ТОШМУРАТОВ ТОЗАБЕК



Тозабек Тошмуратов иқтисод фанлари доктори, профессор.

1948 йил 20 августда Самарқанд вилояти Зомин туманида ўқитувчи оиласида таваллуд топган. 1-ўрта мактабни «Олтин медаль» билан тамомланган, Тошкент тўқимачилик институтининг Иқтисод факультетига «Саноат иқтисоди» мутахассислигига ўқишига кирган ва уни «Имтиёзли диплом» билан тамомлаган.

Институтни битиргач, ўўланма бўйича Марғилон «Атлас» фирмасида иқтисодчи бўлиб ишлаган. 1972—1973 йилларда ҳарбий хизматда бўлган.

1975 йил аспирантурани тутатгач, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Тошкент Халқ ҳўжалик институтида асистент, катта ўқитувчи, доцент, профессор бўлиб «Макроиқтисодиёт» кафедрасида ишлаган. 1990 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган, 1989 йилдан 2000 йилгacha «Халқаро туризм иқтисоди» кафедраси мудири бўлиб ишлаган.

Профессор Т. Тошмуратов 1998 йилдан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг миллий эксперти лавозимида «Туризмни барқарор ривожлантириш режаси» бўйича илмий ва амалий ишларни бажарайпти. Унинг бошчилигига туризм бўйича қилинаётган амалий ишларни ва тайёрлаётган кадрларнинг сифатини ҳисобга олган ҳолда, 1994 йилдан бошлаб, «Халқаро туризм иқтисоди» кафедраси «Бутун Жаҳон туристик ташкилот»ларига (кадрлар тайёрлаш ташкилотлар қаторига) аъзо бўлишга мусассар бўлишган. Профессор Т. Тошмуратов илмий раҳбарлигига 6 та аспирант ва 1 та

докторант туризм бўйича илмий даражада олганлар. Ҳимоя қилган аспирантларнинг 3 таси Корея, Алжир ва Турция фуқаролари бўлиб, улар кафедра қошида ўқишиган ва ўз вақтида ҳимоя қилишган.

Охирги 5 йил давомида профессор Т. Тошмуратов 18 та чет давлатларда «Туризм» бўйича бўлган илмий анжуманларда маъруза билан қатнашиб, улар билан халқаро алоқаларни ўрнатишга эришган.

Т. Тошмуратов 118 та илмий мақолалар чоп этиб, улардан 12 таси монография, дарслик ва ўқув қўлланмалари, 9 таси бошқа давлатларда инглиз тилида чоп этилган мақолалар, 7 таси туризм соҳаси бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалариидир.

### ТЎЛАХЎЖАЕВА МУНАВVAR МАҲКАМОВНА

Мунаввар Маҳкамовна Тўлахўжаева иқтисод фанлари доктори, профессор.

1953 йил 8 апрелда Сирдарё вилояти, Гулистан шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Ўрта мактабни 1969 йилда олтин медаль билан тугатиб, Тошкент Темир йўл муҳандислар институти Иқтисод факультетига ўқишига кирган ва уни 1973 йилда туттаган. Шу йили Сирдарё вилояти Ўрта Осиё темир йўлининг Ховос бўлимида катта бухгалтер, 1976 йилда Тошкент шаҳридаги Ўрта Осиё темир йўлининг Тошкент бўлимида тафтишчи, 1977 йилдан 1989 йилгacha Тошкент метрополитени бошқармасида бош бухгалтер лавозимларида ишлаган.

1983—1987 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг сиртқи аспирантурасида ўқиган, 1988 йил 20 февралда М. В. Ломоносов номли Москва Давлат университетида «Метрополитенда таннархнинг бухгал-



терия ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1989 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби, назорат ва ХФТ», 1992 йилда Тошкент Молия институтининг «Бухгалтерия ҳисоби ва назорат» кафедрасида кафедра мудири, 1994 йилда Тошкент Молия институтининг «Иқтисод» факультетида катта илмий ходим ва 1997 йилдан «Аудит» кафедрасида кафедра мудири лавозимида ишламоқда.

1994—1997 йилларда Тошкент Молия институтининг катта илмий ходими бўлған. 1998 йил 22 ноябрда докторлик диссертациясини ёқлаган. Проф. М. М. Тўлахўжаеванинг олтмишдан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

#### **Асосий илмий ишлари:**

1. Корхона молиявий аҳволининг аудити. Т., 1996.
2. Ўзбекистонда молиявий таҳлил назорати тизими. Т., 1998.
3. Аудитни ташкил қилиш ва ривожлантириш муаммолари. Т., 2000.
4. Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисоби. Т., 2000.
5. Аудит финансового состояния предприятия. Т., 1996. (Ўзбек ва рус тилларида).
6. Аудит кассовых операций. Т., 1997 ва бошқалар.

## **ТЎРАЕВ ХУДОЙҚУЛ**

Худойқул Тўраев тарих фанлари доктори, профессор.

1948 йилда Қарши Давлат педагогика институтини тугаттагач, ўз меҳнат фаолиятини 1971 йилда Термиз педагогика институтида ўқитувчилик лавозимидан бошлаган.

1974 йилда Тошкент Давлат университетида кундузги аспирантурасини битириб, тарих фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган.

1980 йилдан бошлаб эса Тошкент Политехника институтида педагогик фаолиятини давом эттирган. 1990 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилиган.

У бутун илмий фаолиятини жаҳон ёшлирининг ҳамкорлиги, дўстлиги, иқтисодий алоқаларига бағишилади. X. Тўраев 1989 йилдан бошлаб Тошкент Халқ хўжалиги институтида, 1991 йилдан Молия институтида «Ўзбе-

кистон халқлари тарихи» кафедрасида доцент лавозимида ишлаган.

1992 йил сентябрь ойидан бошлаб Термиз Давлат университети тарих факультети декани вазифасида то 1996 йил декабрь ойига қадар меҳнат қилган.

Х. Тўраев 100 дан ортиқ илмий-услубий асар, рисола ва мақолалар муаллифидир. Жумладан, 25 рисола, 26 қўлланма, 2 дарслик, 7 монография, 200 босма табоқдан ошиқ ишлари матбуотда эълон қилинди. Ёш аспирантларга ўзининг билим ва тажрибасини ўргатиш билан бирга 3 фан номзодига устозлик вазифасини ўтаган.

Х. Тўраев 1997 йилдан Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги Республика иқтисодиёт лицейи директори лавозимида талабаларнинг ўкув, таълим, тарбия ишларида жонбозлик кўрсатиб, ташаббускор ва тадбиркор раҳбар сифатида кўпгина хайрли ишларни амалга оширмоқда. У раҳбарлик қилаётган лицей 1999 йилда академик лицей мақомини олишга сазовор бўлган.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг мустақиллик йилларида унинг бир қатор, шу жумладан, «Истиқлол — иқбол чироғи» асари, юбилей йилида «Истеъдодли ёшлар — келажагимиз эгалари» номли йирик монографияси чоп этилди.

### УСМОНОВ ҚАМАРИДДИН

Қамариддин Усмонов 1935 йил 7 ноябрда Самарқанд (ҳозирги Жиззах) вилоятининг Фориш туманида туғилган.

1961 йилда Самарқанд давлат университетининг тарих факультетини тугатган. 1961—1964 йилларда Бухоро вилоятининг Фиждувон туманида ва Жиззах вилояти-





нинг Фориш туманида мактабда тарих ўқитувчи-си бўлиб ишлади.

1964—1967 йилларда Тошкент Халқ ҳўжалиги институтида аспирантура-да таҳсил кўрди ва ном-зодлик диссертациясини ёқлаб, мазкур институтда ассистент, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири бўлиб ишлади. 1990 йилда Ўзбекистонда зиёли кадр-ларнинг шакланиши тарихига доир докторлик диссертациясини ёқлади ва

1991 йилда унга профессор унвони берилди.

1993—1997 йилларда ТошДУ қошидаги Олий педагогика институтида илмий ишлар бўйича директор ўринбосари ва «Ўзбекистон тарихи» кафедраси мудири бўлиб ишлади.

Профессор К. Усмонов мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихининг долзарб масалаларини тадқиқ этиш, ўкув масканларида Ўзбекистон тарихини ўқитишни та-комиллаштириш, дастур, ўкув қўлланмалари ва дарс-ликлар тайёрлашда фаол қатнашмоқда. Унинг раҳбар-лигига «Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси», Олий ўкув юртлари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари, умумий ўрта таълим мактаблари учун «Ўзбекистон тарихи» фани ўкув дастурлари ишлаб чиқилди ва нашр этилди.

1998 йилда 11-синф учун нашр этилган «Ўзбекистон тарихи. Миллий истиқбол даври» дарслигининг, «Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб»нинг (2000 йил) ҳаммуаллифи. Унинг илмий таҳрири ос-тида 5-синф учун «Ватан тарихидан ҳикоялар» дарсли-ги, 9-синф учун «Ўзбекистон тарихи» дарслиги нашр этилди.

Профессор К. Усмонов мустақил Ўзбекистон давла-тининг бунёд этилиши, унинг мустақил тараққиёт йўли тарихини ёритишга доир бир қатор рисола ва китоб-ларнинг муаллифи. «Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида» (1994), «Ўзбекистон қарамлик ва мустақиллик йилларида» (1996), «Мустақиллик Ўзбекистонга нима

берди» (2000), «Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили». «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти курси бўйича ўқув қўлланма»нинг (1999), «Асрларга тенг йиллар» рисоласининг (2001) ҳаммуал-лифидир.

Қ. Усмонов раҳбарлигига 5 киши докторлик ва номзодлик диссертацияларини ёқлади.

У Республика таълим маркази қошидаги Ўзбекистон тарихи фанидан дарслик ва қўлланмалар тайёрлаш бўйича илмий-методик кенгаш раиси, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Ўзбекистон тарихи бўйича ихтисослашган илмий Кенгаш раисининг ўринbosari вазифаларини жамоатчилик асосида бажармокда.

Қ. Усмонов «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим аълочиси», «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим фидоийси» нишони билан мукофотланган.

### ФАЙЗИЕВ ОҚИЛЖОН ОДИЛОВИЧ

Оқилжон Одилович Файзиев фалсафа фанлари доктори, профессор.

1936 йил 13 сентябрда Тошкент вилоятининг Тўй-Тепа шаҳрида ўқитувчилар оиласида туғилган. 1956 йил ўрта мактабни тутатгач, Тошкент Давлат университетининг биология факультетига кирган, 1961 йилда химия-биология ўқитувчиси ва биолог-эколог тадқиқотчи мутахассислигини битирган. 1961—1962 йил ўрта мактабда химия-биология фанларидан дарс берган.

1962—1963 йил Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институтида кичик илмий ходим бўлиб ишлаган. 1963—1966 йилларда собиқ иттифоқ



Фанлари Академиясининг «Фалсафа институтида аспирант; 1966—1968 йилларда ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институтида кичик илмий ходим бўлиб ишлаган. 1968 йилда «Генетик код информацииси ва унинг методологияк аҳамияти» мавзуси бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1968—1971 йиллар Фалсафа ва ҳуқуқ институтида катта илмий ходим бўлиб ишлаган. 1971—1976 йиллар Тошкент Давлат врачлар малакасини ошириш институтида «Фалсафа» кафедрасининг мудири, 1976—1978 йиллар «Фалсафа» кафедрасининг доценти, 1978—1981 йиллар ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институтида катта илмий ходим бўлган. 1981—1996 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида доцент, 1990 йилдан эса профессор лавозимларида ишлаган. 1990 йил «Комплекс йўналишнинг назарий ва амалий аҳамияти» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1996—1998 йиллар ЎзФА «Фанум» ўқув-илмий марказида «Фалсафа ва фан методологияси» кафедрасининг мудири, 1998—2000 йиллар ЎзРИИВ Академиясининг профессори; 2000 йил Ўзбекистон Республикаси Кишлoқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий ишлаб чиқариш маркази қошидаги «Фалсафа миллий истиқлол гояси ва фан методологияси» кафедрасининг мудири лавозимида ишлаган.

Проф. О. О. Файзиев 1 монография, 6 брошюра ва 50 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифидир.

### ХОЛМЎМИНОВ ШАЙЗОҚ РАҲМАТОВИЧ

Шайзоқ Раҳматович Холмўминов иқтисод фанлари доктори, профессор.

1957 йил 11 марта Самарқанд вилояти Ургут туманининг Ишчан қишлоғида дәхқон оиласида туғилган. 1974 йилда 20-урта мактабни тугатган. 1975 йилда Тошкент Xalq xўjалиги институтининг «Иқтисодий кибернетика» факультетига ўқишига кириб, уни 1980 йилда имтиёзли диплом билан битирган. 1980—1982 йилларда ҳарбий хизматда бўлган.

1983—1986 йилларда «Кибернетика» институти аспирантурасининг кундузги бўлимида таҳсил кўрган. 1987

йилнинг май ойида «Қишлоқ меҳнат ресурслариининг шаклланиши ва улардан фойдаланишини моделлаштириш» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган.

Ш. Холмўминов 1987 йилдан буён «Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси» кафедрасида асистент, доцент ва профессор лавозимларида фолият кўрсатиб келмоқда. У 1998 йилда «Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланишини ва ривожланишини моделлаштириш» мавзусида иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилган.

Ш. Холмўминов Халқаро меҳнат ва бандлик академиясининг ҳақиқий аъзоси.

Ҳозирги пайтда «Меҳнат бозори» шаклланиши ва ривожланиши ҳамда уларни моделлаштириш» мавзусида илмий-тадқиқот ишларини давом эттироқлоқда.

Проф. Ш. Холмўминов 1999 йилнинг октябрь ойидан буён ТДИУ Иқтисодиёт ва статистика факультетининг декани лавозимида ишлаб келмоқда.

Ш. Холмўминовнинг 80 босма табоқ илмий ишлари, шу жумладан, 3 та монография, 10 та рисола, 3 та дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳамда 40 дан ориқ илмий мақолалари нашр этилган.

### ШОДМОНОВ ШЕРҚУЛ ШОДМОНОВИЧ

Шерқул Шодмонович Шодмонов иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи.

1941 йил 10 майда Самарқанд вилояти Фаллаорол тумани Гулбулоқ қишлоқ кенгашига қарашли Миср қишлоғида туғилган.





1958 йилда ўрта мактабни битирган. 1958—1964 йилларда Гулбулоқ давлат хўжаликларида оддий ишчи, статистик вазифаларида ишлаган. 1964 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтига кириб, 1968 йилда имтиёзли диплом билан битирган. 1968 йилдан то ҳозиргacha «Иқтисодиёт назарияси» кафедрасида дастлаб асистент, сўнгра катта ўқитувчи, доцент, профессор ва кафедра мудири лавозимларида ишлаб келмоқда.

1973 йилда номзодлик, 1987 йилда докторлик диссертацияларини ёқлаган. Олимнинг 120 б/т.дан ортиқ илмий, ўкув-услубий ишлари эълон қилинган. Улардан «Кўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимлаш», «Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш» (1993), «Иқтисодиёт назарияси». Ўкув кўлланма (2000) каби китоблари нашр қилинган. Унинг раҳбарлигига ўндан ортиқ ўкув дастурлари тайёрланган. 12 та фан номзодларини тайёрлаганлар. Ҳозирги кунда проф. Ш. Шодмонов Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг биринчи проректори бўлиб ишламоқда.

### ШВЕЦОВ ВЛАДИМИР ЯКОВЛЕВИЧ

Владимир Яковлевич Швецов иқтисод фанлари доктори, профессор, Халқаро илмийшунослик Академиясининг академиги.

1935 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1953 йилда ўрта мактабни битирган. 1958 йилда Москва Тоф институтини битирган. 1958—1968 йилгача у Тошкент шаҳрида САИГИМСда кичик, катта илмий ходим ва лаборатория раҳбари бўлиб ишлаган. 1968 йилдан 1997 йилгача Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг

«Саноат иқтисоди» (хозирги «Ишлаб чиқариш ва бизнес иқтисоди»), «Экология ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш» кафедраларида доцент ва 1994 йилдан профессор бўлиб ишлаган.

1997 йилдан бугунгача Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт Академияси ўқув-илмий марказининг «Тадбиркорлик ва Ҳисоб» кафедраси мудири бўлиб ишлаб келмоқда.

В. Я. Швецов 1965 йилда номзодлик диссертациясини, 1993 йилдан эса иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилинган.

В. Я. Швецов раҳбарлигига 5 номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган.

Олим томонидан 100 б/т. ҳажмдаги 160 дан ортиқ илмий ишлар ва ўқув-услубий ишланмалар эълон қилинган.



### ШЕРМУҲАМЕДОВ АББОС ТОИРОВИЧ

Аббос Тоирович Шермуҳамедов иқтисод фанлари доктори, профессор.

1944 йил 6 декабрда Тошкентда туғилган. 1968 йилда Москва электротехника алоқа институтини битириб, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида ишлай бошлаган. Ҳисоблаш марказининг «Ҳисоблаш техникаси» кафедрасида асистент бўлиб ишлаган. Аспирантурани Москва электротехника алоқа институтида ва Прага электротехника институтида ўтаган. Махсус курсларни тутатган. Ҳукуматлараро шартномаларга мувофиқ А. Шермуҳамедов Жазоирдаги Орак технология университетида доцент бўлиб ишлаган. Олий даражадаги маъruzалар ўқиши ва семинар машғулотлари учун



Жазоирда у Ўзбекистон Республикаси «Халқ маорифи аълочиси» нишони билан мукофотланган. 1992 йил докторлик диссертациясини ёқлаган ва унга шу йили профессор унвони берилган. 1998 йил Нью-Йорк Фанлар Академиясининг академиги бўлиб сайланган.

1994—1995 йиллар Прованс ва Руана университетларида ўқиган. «Стратегия» иқтисоди мутахассислиги бўйича иқтисодчи дипломини олган. 1999

йил Москвадаги Ҳукуқ ва тадбиркорлик институтининг юридик факультетини ҳам битирган ва юрист дипломини олган.

Жаҳон банки, Европа Иттифоқи (ТАСИС ва ТРАСЕКА), Европа Менежментлари иттифоқи маҳсус программаларида қатнашган. Уэльс политехника университетида (Англия), Туркия божхонаси, Луизиан Университетида (АҚШ) стажировкада бўлган. Хитой, Германия, Чехия, Туркия, Италия, Австрия, Финляндия, Жанубий Корея халқаро конференцияларида қатнашган. ЮНЕСКО ва миллий ТАСИСнинг олий маълумотли экспертидир.

Давлат ихтирочилар қўмитасининг ўндан ортиқ муаллифлик гувоҳномаларига ҳам эга. Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан мақтov ёслиги билан мукофотланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва Давлат қўмитасининг Давлат бюджети фанлари бўйича масъул ижрочиси ва раҳбари ҳисобланади.

А. Шермуҳамедов томонидан 2 та монография, 2 та дарслик ва ўқув қўлланмаси, 140 дан ортиқ мақолалар республика ва халқаро журналларда нашр этилган.

#### Асосий илмий ишлари:

1. «Халқаро юқ ташиш» — «Транспорт». М., 1993.
2. «Иқтисодий информатика» Т., «Мехнат» 1999.

3. «Транспорт экспертизаси, ташқи савдоны транспорт билан таъминлаш» Т., «Меҳнат», 1999.
4. «Халқаро транспорт сұғартаси», ТДИУ, 2000.
5. «Божхона ҳуқуқи». Москва тадбиркорлик ва ҳуқуқ институти, 1998.
6. «Сұғурта иши». Москва тадбиркорлик ва ҳуқуқ институти, 1998.
7. «Халқаро транспорт операциялари». ТДИУ, 1992 ва бошқалар.

## ШОРАҲМЕДОВ ШОТУРГУН ШОПҮЛАТОВИЧ

Шотургун Шопүлатович Шораҳмедов физика-математика фанлари доктори, профессор.

1947 йилда туғилған. У 1966 йилда Тошкент шаҳар 82-ўрта мактабни битирған. 1971 йилда Тошкент Давлат университетининг механика-математика факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаган.

1971—73 йилларда Тошкент Давлат университетида, 1973—82 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Математика институтидаги илмий ходим булиб ишлаган. 1982 йилдан Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Эҳтимоллар назарияси ва ҳисоблаш математикаси» ҳамда «Олий математика» кафедраларида катта ўқитувчи, доцент ва профессор, 2000 йилдан «Олий математика» кафедраси мудири лавозимларида ишлаб келмоқда.

Ш. Шораҳмедов педагогик фаолиятини доимий илмий изланиш билан биргаликда олиб борган. 1981 йилда «Кучсиз боғланған тасодифий миқдорлар тақсимот функцияларини баҳолаш» мавзусида номзодлик, 1997 йилда «Тасодифий миқдорларнинг биргалиқдаги тақсимотлари учун умумий күринишлар ва уларнинг татбиқлари» мавзусидаги докторлық диссертациясини ҳимоя қилған.



Ш. Шораҳмедовнинг 60 дан ортиқ илмий мақолалари Ўзбекистон, Россия, Германия, Украина, Швейцария, Америка каби давлатларнинг нуфузли журналларида чоп этилган.

У дунё миқёсида ўтказиладиган йирик халқаро конференция, конгресс ва симпозиумларининг доимий иштирокчисидир. Ш. Шораҳмедов 1999 йилда статистикларнинг Буюк Британия қироллик жамияти аъзолигига таклиф қилинган. У жаҳон эҳтимоллари назарияси ва математик-статистикларининг Бернулли Жамияти аъзоси.

Ш. Шораҳмедов эҳтимоллар назарияси ва математик статистика бўйича Республикаизда танилган олим сифатида Ўзбекистон Математикаси доирасида (ilmий раҳбар, эксперт, тақризчи, консультант, оппонент, математикадан докторлик диссертацияси бўйича маҳсус кенгаш аъзоси сифатида) фаол иштирок этиб келмоқда.

## ШОДИЕВ ТУРСУН



Турсун Шодиев иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

1965 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтини битирган.

1969 йилда Москва Халқ хўжалиги институти «Иқтисодий кибернетика» кафедрасининг кундузги бўлими аспирантурасини битириб, номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Иш фаолиятини 1965 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтида илмий тадқиқотчи бўлиб бошлаган. 1969 йилдан бўён «Иқтисодий кибернетика» кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи, доцент ва профессор лавозимларида ишлаган. 1980 йилдан бошлаб «Иқтисодий кибернетика» кафедрасида мудирлик лавозимида ишлаб келмоқда.

1988 йилда Т. Шодиев докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

1992 йилда Анқара Давлат университетида, 1993 ва 1996 йиллари АҚШда Жаҳон Банкининг иқтисодий ривожланиш институтида, 1994 йилда Мичиган Давлат университетида, 1995 йилда Австрияниг Вена шахридаги Бирлашган Вена институтида, 1994—1995 йиллари ТАСИС дастурининг магистратурасида, 1995 йилнинг кузидаги Англия, Бельгия ва Францияниг бизнес марказларида малакасини оширган.

У 1995 йили Лувен Католик Университети (Бельгия) ва Реннис Олий бизнес мактаби (Франция)нинг магистратурасини (МВА дастури бўйича) битириб, Европа ҳамжамиятининг магистр дипломига сазовор бўлган.

Т. Шодиев ҳозирги кунда университет талабаларига «Иқтисодий-математик усуллар ва моделлар», «Иқтисодий кибернетика», «Сунъий интеллект» фанларидан, Иқтисод, бизнес, кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида «Микроиқтисод» фанидан маъruzalar ўқийди. Шулар билан бир қаторда Ихтиносослашган Олий бизнес мактабида инглиз тилида «Экономикс», «Бизнес стратегияси ва сиёсати» фанларидан маъruzalар ҳам ўқиб келмоқда.

Т. Шодиев раҳбарлиги остида иккита фан доктори, 11 та фан намзоди тайёрланган.

Проф. Т. Шодиев томонидан «Эконометрика», «Иқтисодий кибернетика», «Ишлаб чиқаришни режалаштиришда математик усуллар», «Иқтисодий-математик усуллар ва моделлар» номли ўкув қўлланмалари ва саксондан зиёд илмий мақолалари чоп этилган.

## ХЎЖАЕВ НУТФИЛЛО

Нутфилло Хўжаев иқтисод фанлари доктори, профессор, Россия Меҳнат ва Банк академиясининг академиги.

1942 йил 4 январда Бухоро вилояти, Ромитан тумани «Пойжўй» қишлоғида туғилган. 1959 йилда 10-синфни битириб, шу йили Бухоро Педагогика институтининг физика-математика факультетига ўқишига кириб, 1964 йилда имтиёзли диплом билан тугатган. 1964—1965 йилларда ҳарбий хизматда бўлган.



1968 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Иқтисодий кибернетика» кафедрасига илмий изланувчи бўлиб ишга қабул қилинган. 1970—1973 йилларда М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг кундузги аспирантурасида ўқиган.

1975 йилда номзодлик, 1989 йилда эса докторлик диссертациясини ёқлаган.

1974 йилдан «Иқтисодий кибернетика» кафедрасида асистент, катта ўқитувчи, доцент, профессор лавозимида фаоли-

ят кўрсатган. 1991—1999 йилларда институт Тайёрлов факультетида декан муовини, 1992—1994 йилларда «Умумий математика ва информатика» кафедрасининг мудири, 1994—1997 йилларда эса, «Иқтисодий кибернетика» кафедрасида профессор лавозимида ишлаган. 1997 йил 25 августдан бошлаб, «Иқтисодий таълим педагогикаси» кафедрасининг мудири бўлиб ишламоқда.

Битта фан доктори ва учта фан номзодини тайёрлаган олимдир.

Н. Хўжаевнинг 360 б.т.дан ортиқ илмий мақола, рисола, 3 та монография, дарслік, ўкув қўлланма ва бошқа ўкув методик ишлари чоп этилган.

### ШИБАРШОВА ЛЮДМИЛА ИВАНОВНА

Людмила Ивановна Шибаршова иқтисод фанлари доктори.

1953 йил Семипалатинск шаҳрида ҳарбий хизматчи оиласида таваллуд топган.

1997 йил Тошкент электротехника алоқа институтини тугатиб 1982 йилгача ушбу институтда асистент лавозимида ишлаган. 1982 йилдан 1988 йилгача шаҳар-

лараро ва халқаро алоқа бошқарув марказида инженер бўлиб ишлаган.

1991 йилда аспирантурани ва 1998 йилда докторантурани Тошкент Давлат иқтисод университетида битирган. 2001 йилнинг январ ойида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

1987 йилдан ҳозирги вақтгача Тошкент Давлат иқтисодиёт университети Макроиктисод кафедрасида профессор лавозимида ишлаб келмоқда.

Бутун Жаҳон Банклари Институтида (1993, 1994, 1996 Вашингтон шаҳрида), Халқаро Валюта Фондлари Институтида (1994 Вашингтон, 1998 Тошкент) Макроиктисод, Ўтиш даври иқтисоди ва молия сиёсати соҳасида ўз малакасини оширган. 1997 йил Москва, 2000 йил Бишкек ва 2001 йили Тошкент шаҳарларида Бутун жаҳон банклари институти интернет технологияси соҳасида тренининг ўтган.

1996 йилдан ҳозирги вақтгача Ўзбекистон Макроиктисод ва Статистика вазирлигига қарашли Макроиктисод ва социал изланиш институтида бошқарувчи илмий ходим сифатида ишлаб келмоқда. 1993 йилдан ҳозирги кунгача бирлашган Вена институти (Тошкент Давлат институтида) Макроиктисод блоки раҳбари лавозимида ишламоқда. 1993 йилдан ҳозирги кунгача Бутун Жаҳон Банклари Институтида ўтиш даври иқтисоди соҳасида, 2000 йилдан дистанцион ўқитиш соҳасида семинар раҳбари ва консультанти бўлиб келмоқда. 2001 йилнинг июн ойида Ахборот технологиясини ривожлантириш бошқармаси ва республика Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигидаги дистанцион ўқитиш бўлими бошлиги лавозимида фаолият кўрсатмоқда.



## ЭРГАШЕВ ҚҰЛДОШ



Құлдош Эргашев тарих фанлари доктори, профессор.

1949 йилнинг март ойида Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани, Қизил Юлдуз жамоа хўжалигининг Тезоб қишлоғида таваллуд топган. У 1954 йилдан 1965 йилгача ўрта мактабда ўқиган.

1965 йилда Шахрисабз туманидаги ўрта мактабни муваффақиятли тамомлаб, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти тарих факультетида таҳсил ола бошлаган. 1967 йилдан бир вақтнинг ўзида «Ўзбекфильм» қошидаги кино актёрлар тайёрлаш кечки курсига кириш имтиҳонларидан ҳам муваффақиятли ўтиб, икки ихтисослиқда ўқий бошлаган. 1970 йилда икки касбни ҳам бир вақтда эгаллаб, «аъло» баҳоларга ўқиганлиги сабабли Низомий номли ТДПИга ёш мутахассис сифатида ишга олиб қолинган.

У 1976—79 йилларда ЎзР ФА Тарих институти қошида аспирантурада таҳсил олган. 1980 йилда «Ўзбекистонда қишлоқ аҳлининг билими, маданий-техника савиясининг ўсиб бориши» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1984—92 йиллар давомида Педагогика институти тарих кафедрасида катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаган. У 1983 йилда «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» нишони билан мукофотланган.

У 1992—94 йилларда Низомий номли ТДПИ қошидаги «Халқ таълими ташкилотчилари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети»га деканлик қилган. 1994—96 йилларда эса шу институт ректорининг биринчи муовини сифатида фаолият кўрсатган.

Қ. Эргашев 1996 йилда «Ўзбекистон халқ таълими: муаммолар, ечимлар ва истиқболлар» мавзусида докторлик диссертация ёқлаган.

Қ. Эргашев 1997 йилдан бўён Тошкент Давлат иқти-

содиёт университети «Ўзбекистон тарихи» кафедраси профессори лавозимида хизмат қилмоқда.

Қ. Эргашев томонидан «Ўзбекистонда халқ таълимининг ривожи» (1989), «Мактаблар қайта куриш йўлида» (1992), «Мустақил Ўзбекистон мактаблари такомиллашув йўлида» (1996), «Ўзбекистонда халқ таълими ривожи тарихи» (1998) номли монографиялар, 4 та ўкув-услубий қўлланмалар, 20 га яқин рисолалар ва 60 дан ортиқ илмий, ўкув-услубий мақолалар эълон қилинган.

### ЎЛМАСОВ АҲМАД

Аҳмад Ўлмасов иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

1954 йилда Ўзбекистон Миллий университети (собиқ Ўрта Осиё Давлат университети)ни, 1957 йилда Собиқ СССР Фанлар Академияси Иқтисодиёт институти қошидаги аспирантурани тутатган. 1958 йили иқтисод фанлари номзодлиги, 1969 йилда эса иқтисод фанлари докторлиги учун диссертация ёқлаган.

Проф. А. Ўлмасов «Иқтисодиёт назарияси», иқтисодий таълимотлар ва халқ хўжалиги тарихи соҳасида илмий мактаб яратган, 32 та фан номзоди ва 4 нафар фан доктори тайёрлаган.

1976—1991 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Хисоб-молия» ихтисосликлари учун «Иқтисод» кафедраси мудири бўлиб ишлаган.

А. Ўлмасов қаламига мансуб 200 га яқин илмий ишлар чоп этилган, шулардан 10 таси чет элда, жумладан, инглиз, француз, испан ва араб тилларида нашр этилган. У 6 та монография ва 5 та рисола муаллифи-дир.



Биринчилар қатори ғарб адабиётида Ўзбекистон иқтисодининг баҳоланиши тадқиқ этилган. Мустақиллик йилларида профессор А. Ўлмасов иқтисод субъектларининг табақалашуви, мулкий муносабатлар, кўп укладли иқтисод муаммоларини таҳдил этиш билан шуфулланган.

Проф. А. Ўлмасовнинг 90-йиллардаги илмий фаолияти дарсликлар ёзиш ва хонадон иқтисодининг таҳдили билан боғлиқ бўлди. 1995 йили А. Ўлмасов ва М. Шарифхўжаевларнинг «Иқтисодиёт назарияси» деб номланган дарслиги чоп этилди. Бу асар биринчи фундаментал миллий дарсликлар қаторидан ўрин олди.

1997 йилда проф. А. Ўлмасовнинг «Иқтисодиёт асослари» деб номланган ўқув қўлланмаси ғоят катта тиражда нашр этилди. Бу китоб оммабоп қўлланма бўлиб, «1998 йилнинг энг яхши дарсликлари» танловининг ғолиби деб топилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг мукофотини олган.

1998 йил проф. А. Ўлмасов «Оила иқтисоди» деб номланган рисолани чоп этди, бу Ўзбекистонда хонадан хўжалиги иқтисодининг таҳдилига бағишланган энг биринчи асар бўлди.

Проф. А. Ўлмасов бир неча илмий грантлар танловининг ғолиби бўлган. Биринчи марта (1994 йил) Ўзбекистон Республикаси Давлат фан ва техника қўмитасининг, икки марта (1993, 1998 й.) АҚШ «Евроазия» фондининг грантини танлов орқали олишга муюссар бўлган.

Проф. А. Ўлмасов иқтисодиёт назариясини ўқитишининг янги технологиясини видеосюжетлар таҳдили технологиясини яратган, 8 қисмдан иборат «Ҳаммабоп иқтисод» номли видеофильмлар ижодкоридир.

## КОРИЕВ МУҲАММАДЖОН МУРОДОВИЧ

Муҳаммаджон Муродович Қориев иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган фан арбоби.

1906 йилда Фаргона вилояти, Кўқон шаҳрида туғилган.

1929 йилда қишлоқ хўжалик банки йўналиши бўйича

курсга — Самарқанд шаҳрига юборилган. Курсни тутатгандан сўнг Фарғона вилояти Кудаш райони қишлоқ хўжалик банкига раис этиб сайланган.

1933—1940 йиллар мобайнида Тошкент шаҳридаги Давлат банкининг Ўрта Осиё крайконторасида ишлаган.

1940 йилнинг августидаги Фарғона вилояти Давлат банки идорасига бошқарувчи ўринbosари лавозимига тайинланган.

1941—1947 йилларда Давлат назорат халқ қўмитаси тизимида ишлаган. Бош назоратчидан бошлаб то халқ қўмитасининг ўринbosаригача лавозимларида ишлаган. 1947 йилда Республика Молия вазирининг Давлат даромадлари бошқармасининг раҳбари этиб тайинланган.

1949 йилда М. Қориев Тошкент Молия-иктисод институтини тутатган. Шу йилнинг ўзида Ленинград шаҳрида Молия Академиясига ўқишга борган. Академияни тутатиб, 1951 йилда Республика Молия вазирлигининг ўринbosари лавозимига тайинланган.

1953 йил сентябрь ойидан Тошкент Молия-иктисод институтининг ректори бўлган. Бу лавозимда 20 йилдан зиёд фаолият кўрсатган.

1954 йилда номзодлик диссертациясини, 1971 йилда эса докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

М. М. Қориевнинг Тошкент Молия-иктисод институтини Халқ хўжалиги институтига айлантиришда хизматлари жуда каттадир. Бу институт нафақат Республика учун, балки бутун Ўрта Осиё минтақаси учун ҳам иқтисодчи кадрларни тайёрлаш бўйича ҳақиқий кадрлар ўчогига айланди. Унинг ташаббуси билан бир қанча янги факультет ва кафедралар очилган, уларда иқтисодиётнинг янги йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш амалга оширилган. Шунингдек, институтнинг моддий-техника базаси анчагина мустаҳкамланган.



Профессор М. Қориев илмий-педагогик кадрларнинг ўсишига, илм-фаннинг ривожига, иқтисодиётнинг мавқеининг оширилишига алоҳида эътибор берган.

Профессор М. Қориевнинг кўплаб дарсликлари, монографиялари, ўкув услубий ишлари ва мақолалари чоп этилган.

## ҚОДИРОВ МАЛИК



Малик Қодиров тарих фанлари доктори, профессор.

1923 йилда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган.

М. Қодиров дастлабки меҳнат фаолиятини 1941—1942 йилларда Сариосиё туманидаги тўлиқсиз ўрта мактабнинг ўқитувчилигидан бошлаган. 1942—1947 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1949—1950 йилларда Тошкент вилояти қурилиш бригадирлари тайёрлаш курсининг директори бўлиб ишлаган.

М. Қодиров 1954—1955 йилларда Узбекистон гўшт-

сут саноати вазири ўринбосари лавозимида ишлаган. 1961—1970 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари ходимлари ва ўқитувчилар касаба уюшмаси қўмитасининг раиси, 1970—1984 йилларда Тошкент Фармацевтика институтида кафедра мудири, 1985—1991 йилларда Тошкент Халқ ҳўжалиги институти кафедра мудири лавозимларида фаолият кўрсатган.

М. Қодиров ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда 1950—1953 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти тарих факультетида таҳсил олган.

М. Қодиров меҳнат фаолиятини илмий-тадқиқот

ишилари билан ҳам узвий боғлаган. 1980 йилдан докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қылган.

М. Қодиров тарих, сиёсатшунослик масалаларига доир бир қанча монография, рисола, илмий-услубий қўлланмаларнинг муаллифи ҳисобланади.

Заҳматкаш олим М. Қодиров эл-юрт олдидаги хизматлари учун орден, 10 дан ортиқ турли медаллар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиги билан муносаб тақдирланган.

М. Қодировнинг эллиқдан зиёд илмий ишилари чоп этилган.

Тарих фанлари доктори, профессор М. Қодиров 1991 йилда вафот этган.

## ҚОДИРОВ АШУР

Ашур Қодиров иқтисод фанлари доктори, профессор.

1953 йил 23 сентябрда Бухоро вилояти, Фижувон шаҳрида ишчи оиласида туғилган.

1970 йили ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Халқ хўжалиги институтининг ҳисоб-иктисод факультети «Банкларда бухгалтерия ҳисоби, таҳдили ва тафтиши» мутахассислигига ўқишига кирган. 1974 йилда имтиёзли диплом билан тугатиб, шу институтда «Пул муомаласи ва кредит» кафедрасининг асистенти лавозимида иш бошлаган. 1977 йил июнидан 1978 йил ноябригача ҳарбий хизматда бўлган. Сўнгра яна «Пул муомаласи ва кредит» кафедрасида иш фаолиятини давом эттирган.

1980 йили 1 сентябрдан Москва Молия институти «Пул муомаласи ва кредит» кафедраси қошидаги аспирантурага кирган. «Корхона ва ташкилотлар тўлов қобилиятларини мустаҳкамлаш масалалари» мавзусида



номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1983 йил августидан бошлаб Тошкент Халқ хўжалиги институти «Пул муомаласи ва кредит» кафедрасининг асистенти. 1984 йил декабрдан мазкур кафедранинг доценти лавозимида иш фаолиятини давом эттирган. 1991 йил декабрида Санкт-Петербург Иқтисод ва молия университети «Пул муомаласи ва кредит» кафедрасига докторантурага қабул қилинган.

1993 йил октябрда «Тижорат банклари ва улар хўжалик фаолиятининг таҳлили» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Докторантурада ўқиб юрган кезларида «Эффект Банк» ҳиссадорлик тижорат банкида маслаҳатчи бўлиб ишлаган. Докторантурадан кейин Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Халқаро валюта ва кредит муносабатлари» кафедраси профессори лавозимида ишлаган. 1996 йил январидан ҳозирги кунгача Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Раисининг ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда. Ўттиздан ортиқ илмий ишлари бўлиб, жами 51,3 б/т. дан иборат: «Сущность банков и их хозрасчетная деятельность», I-II қисм, 7,1 б/т.; «Тижорат банклари, корхона ва ташкилотлар фаолиятларининг таҳлил масалалари» 8,4 б/т.; «Коммерческие банки и анализ их хозяйственной деятельности» 10 б/т. ва бошқалар.

### ҚОСИМОВА МАФИРАТ СОБИРОВНА

Мафират Собировна Қосимова 1953 йил 22 апрелда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1970 йил Тошкент шаҳри 28-ўрта мактабини битиргач Тошкент Халқ хўжалиги институтига ўқишга кирган.

1974 йилда «Савдо иқтисоди» мутахассислигини имтиёзли диплом билан битиргач 1974—1976 йилларда шу институтнинг «Савдо иқтисоди» кафедрасида стажёр изланувчи, 1976—79 йилларда кундузги аспирантурани битиргач номзодлик диссертациясини ҳимоя қиласди. Кейинчалик доцент, профессор лавозимида ишлаб, 1993 йилда иқтисод фанлар докторлик диссертациясини ҳимоя қиласди ва шу йилдан бошлаб шу кафедра профессори мудири лавозимига тайинланди.

М. С. Қосимова «Маркетинг» йўналишини ташкил

этган. Халқаро бизнес, тадбиркорлик, кичик бизнесни бошқариш каби фанларни ўзлаштирган ва шу фанлардан дарс беради. Йинглиз тили мутахассиси дипломига эга. Чет эл университетларида малака ошириб келган. 1995 йилда Пенсильвания (АҚШ), Нюренберг-Эрлангент (Олмония) Университетида дарс берган. Қатор илмий-методик ишлари чоп этилган. У бошқараётган кафедрада 1 фан доктори ва 6 фан номзоди, 20 дан ортиқ магистрлар тайёрланган.

Олий таълим системасида жаҳон тажрибасига эга. 14 хорижий давлатлар дипломи ва сертификатларини олган. 1995 йил Кохран стипендияси (АҚШ) совриндори, Жаҳон банки, ТАСИС ТЕМПУС дастурларида иштирок этган. Олмония Бавар Шарқ-Фарб марказининг Ўзбек-Олмония марказини ташкилотчиси ва миллий эксперти.

М. С. Қосимова Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўми-таси аъзоси. Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва Ўзбекистон Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси хузуридаги ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси.

М. С. Қосимова «Устоз» фондида Республика худудларида жаҳон андозасига тажрибасини Олий таълим тизимида жорий этиш бўйича доимий семинарларда дарс бериб келмоқда. Шунингдек, у «Бозор кўникмалари» марказининг қатор семинарларини ташкил этган.

Олий таълим тизимида меҳнати инобатта олиниб «Ўзбекистон Республикаси таълим аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланган. Ҳозирда у Халқаро бизнес факультети декани.



## ҚҰЧҚОРОВ АБДУВАЛИ ҲУСАНОВИЧ



Абдували Ҳусанович  
Құчқоров иқтисод фанла-  
ри доктори, профессор.

1939 йилда Фарғона  
вилояти, Охунбобоев ту-  
манида дәхқон оиласида  
туғилған.

1956 йил Тошкентдаги  
Саноат-иктисод техникуми-  
ни имтиёзли диплом би-  
лан тамомлаб, Марғilon  
ипак комбинатида иқти-  
садчи лавозимида ишлаган.

1964 йилда Москвада-  
ги Плеханов номли Ҳалқ  
хўжалиги институтининг

иқтисодчи-кибернетик мутахассислигини тугаллаган.  
1964 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иқти-  
садиёт илмий текшириш институтида катта илмий хо-  
дим вазифасида ишлаган. 1966—1969 йилларда Россия  
Фанлар академияси қарамоғидаги Марказий иқтисод-  
ий математика илмий текшириш институти аспиран-  
турасида ўқиган. 1969 йилда номзодлик, 1991 йилда  
эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1970—  
1987 йилларда Қишлоқ хўжалиги институтида «Иқти-  
садий кибернетика» кафедраси мудири, 1990 йилдан  
буён Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг  
«Ижтимоий соҳаларда бухгалтерия ҳисоби, назорат ва  
ХФТ» кафедрасида доцент, 1998 йилдан бошлаб про-  
фессор лавозимида, ҳозирда эса «Аудит» кафедрасида  
ишламоқда.

А. Құчқоров кафедрада ҳар ўқув йилида 5—8 та тала-  
балар илмий ишларига раҳбарлик қилади. Унинг раҳ-  
барлигига 10 дан ортиқ иқтисод фанлари номзоди, шу  
жумладан, 3 таси чет әл фуқароси номзодлик диссера-  
тациясини ҳимоя қилишган. Кафедрадаги ёш ўқитувчи  
аспирантларга услугбий йўлланмалар бериб келмоқда.

Умумий иш стажи 48 йил, шу жумладан Олий ўқув  
юритида 31 йил. У чоп этган илмий, ўқув-услубий иш-  
лар 70 тадан ошиқ, жумладан, 11 дарслик, 16 услугбий  
қўлланма ва бошқалар.

### Асосий илмий ишлари:

- Если подойти комплексно. Т., 1993.
- Рынок и анализ. Т., 1994.

3. Ишлаб чиқаришни режалаштиришда математик усуллар. Т., 1995.
4. Бозор ва иқтисодиёт. Т., 1996.
5. Менежер имкониятлари. Т., 2000 ва бошқалар.

## ФАНИХҮЖАЕВ РАСУЛ НАБИЕВИЧ

Расул Набиевич Фанихўжаев физика-математика фанлари доктори, профессор.

1945 йил 19 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилган. 1963 йилда Тошкент Давлат университетининг механика-математика факультетига кириб, 1971 йилда тутатган. 1965 йилдан 1967 йилгача ҳарбий хизматда бўлган. 1971—1974 йилларда «Функционал анализ» кафедрасида аспирантурада ўқиган. 1975 йилдан 1993 йилгача асистент, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаган. 1993 йилдан ТошДУ қошидаги Олий Педагогика институтида кафедра мудири, сўнг директор мувонини вазифасида 1998 йилгача ишлаган. 1998 йилнинг октябридан Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Олий математика» кафедрасида ишламоқда.

1978 йил физика-математика фанлари номзоди, 1995 йилда физика-математика фанлари доктори илмий даржаларига эришган.

Р. Фанихўжев илмий раҳбарлигида учта фан номзоди тайёрланган. У Нью-Йорк Фанлар академияси, Америка математиклар Жамияти аъзолари.

Расул Набиевич Фанихўжаев 1992 йилдан Республика Фан ва техника Давлат қўмитасининг илмий гранти бўйича ишлаб келмоқда ҳамда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент Молия институти талабалари учун умумий ва маҳсус курслар ўқимоқда.

Йирик олим Р. Н. Фанихўжаев элликдан зиёд дарслик ва ўқув қўлланмалар ҳамда илмий мақолалар муаллифидир.



## ФУЛОМОВ САИДАҲМАД



Саидаҳмад Фуломов иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган ҳалқ таълими ходими.

1910 йил Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1930 йилдан Ўрта Осиё режа-иқтисодиёт институтида ўқий бошлади ва бир вақтнинг ўзида Тошкент Тиббиёт институти, сўнг Қишлоқ хўжалик институтида иқтисодиёт фанидан дарс бера бошлаган. 1945 йил юридик институтида ҳам дарс берган. 1948 йил

Москва Ҳалқ хўжалиги институти қошидаги ихтисослашган кенгашда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

С. Гуломовнинг ўқув, илмий ва жамоатчилик фаолияти Тошкент Молия институти, кейинчалик Тошкент Ҳалқ хўжалиги, сўнгра Иқтисодиёт университети билан чамбарчас боғлиқ. 1963 йилда С. Гуломовнинг ташаббуси билан минтақада ҳанузгача ягона «Ҳалқ хўжалиги ва иқтисодий таълимотлар тарихи» кафедраси очилган ва унга 1963—74 йилларда мудирлик қилган. 1975 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

С. Гуломов ўқитувчилик фаолиятини илмий ишлар билан чамбарчас боғлаган ҳолда олиб борган. Илмий ишлари мамлакатимиздаги аграр муносабатлар, кооперациялар ҳаракати, бозор муносабатларига ўтиш муаммоларига бағишинланган. Домла қаламига 3 та монография, 2 та ўқув қўлланма, кўплаб илмий мақолалар мансубdir. Битта китоби хорижда (Японияда) инглиз тилида чоп этилган. «Чет эл мамлакатларининг иқтисодий тарихи» (20 б/т. 1976 й.) ўқув қўлланмаси ва бошқалар.

С. Гуломов иқтисодий тарих соҳасидаги катта олим сифатида ўз мактабини яратди. У кишининг бевосита раҳбарлиги остида 3 та фан доктори ва 10 дан ортиқ фан номзодлари етишиб чиққан.

Йирик иқтисодчи олим С. Фуломов 1994 йилда вафот этган.

## ҲАКИМОВ НАЗАР

Назар Ҳакимов фалсафа фанлари доктори, профессор.

1951 йилнинг 30 июнида Қашқадарё вилоятининг Фузор туманида туғилган. 1973 йилда Тошкент Давлат университетининг тарих факультетини тугатган.

Н. Ҳакимовнинг педагогик фаолияти 1973 йил 1 сентябрдан Тошкент Давлат консерваториясида тарих ўқитувчиси сифатида бошланган. 1977—1980

йилларда аспирантурада таҳсил олган. 1981 йил 5 марта «Санъатнинг тарбиядаги ўрни» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёқлаб, тарих фанлари номзоди илмий даражасини олган. Шу йили Тошкент Халқ хўжалиги институтида ўз соҳаси бўйича ассистент сифатида иш фаолиятини давом эттирган.

1982—1983 йилларда катта ўқитувчи, 1984—1990 йилларда доцент, чет эллик талабалар декани, 1983—1990 йилларда иқтисодий ва социал режалаштириш факультети декан муовини лавозимларида меҳнат қилган.

1991 йил Тошкент Халқ хўжалиги институти асосида Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ташкил бўлганидан кейин, 1991—1993 йилларда университет ўқув бўлими бошлиғи лавозимида ишлай бошлаган. 1991 йил июнь ойида «Шахснинг сиёсий маданиятини шакллантириш» мавзусидаги докторлик диссертациясини ёқлаб, фалсафа фанлари доктори илмий даражасига эришган.

1993—1997 йилларда «Тарих» кафедраси мудири, Халқаро бизнес факультетининг декани, Университет ректорининг биринчи муовини лавозимларида ишлаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг



қарорига биноан 1997 йил 31 январдан Қарши Давлат университети ректори ва айни вақтда «Сиёсатшунослик» кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Профессор Н. Ҳакимов раҳбарлигидаги 1 киши докторлик ва 2 киши номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 7 киши номзодлик диссертацияси устида ишламоқда.

Н. Ҳакимов Ўзбекистон Республикаси Фахрий Ёрлиғи, Ўзбекистон Республикаси нишони (2000 йил январь) билан мукофотланган.

Профессор Н. Ҳакимов Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Сиёсатшунослик, ҳуқуқ фанларидан докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш Илмий Кенгаши аъзоси, Ўзбекистон Республикаси «Устоз» жамгармаси бошқарув ҳайъати, Қашқадарё вилояти ҳокимияти ижтимоий масалалар бўйича ҳайъати аъзоси, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Фахрий» профессори, Қашқадарё вилояти халқ депутати этиб сайланган.

Олим 1999 йил декабридан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатидир. Инглиз, рус тилларини мукаммал билади.

Профессор Н. Ҳакимов 6 та монография, 12 та рисола, журналлар ва илмий тўпламларда 50 дан ортиқ мақола, 20 дан ортиқ дарслик ва ўқув-услубий ишлар муаллифидир.

## ҲАМИДОВ ҲОЖИАКБАР

Ҳожиакбар Ҳамидов тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

1949 йил 3 октябрда Тошкент шаҳрида оддий ишчи оиласида туғилган. 1956—66 йилларда 162-ўрта мактабни тутатган. 1967—78 йилларда Тошкент Давлат университети тарих факультетининг сиртқи бўлименин туғатган.

1974—75 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1975 йилдан то 1986 йилгача Тошкент Давлат педагогикауниверситетида аввал катта лаборант, кейин тарих факультети сиртқи бўлими методисти лавозимларида иш-

лаган. 1980 йилдан «Тарих» кафедрасида аввал тадқиқотчи, сўнгра аспирантурасида ўқиган. 1985 йилда «Ўзбекистонда 1971—80 йиллардаги ҳаваскорлик санъати тарихи музей» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқдаган. 1986 йилдан Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Тарих» кафедрасига ассистент лавозимига ишга қабул қилинган. 1989 йилда доцентлик лавозимига ўтказилган. 1994—97 йиллар давомида докторантурасида ўқиган. 1997 йил июль ойида «Ўзбек анъанавий қўшиқчилик маданияти тарихи» мавзусида докторлик диссертациясини ёқдаган.

Ҳозирда «Ўзбекистон тарихи» кафедраси профессори лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ҳ. Ҳамидов юқоридаги фаолияти билан айни вақтда республикамиз халқи орасида ўзининг моҳир қўшиқчилик қобилияти билан 30 йилдан ортиқ хизмат қилиб келмоқда.

Олимниг 50 дан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

#### **Асосий илмий ишлари:**

1. Ўзбек анъанавий қўшиқчилик маданияти тарихи. Т., «Ўқитувчи», 1996.
2. Мусиқа-қўшиқчилигимиз маданияти тарихидан. Т., «Ўқитувчи», 1995.
3. Марказий Осиё халқларининг илк ўрта асрлар санъати тарихидан. Т., «Ёзувчи», 1995.
4. И. Каримовнинг «XXI аср бўсағасида» асари бўйича семинар ўтишда талабаларга ёрдам. Т., «Фан», 1998.
5. Донишмандлар оила ҳақида. Т., «Фан», 1999 ва бошқалар.

### **ХОДИЕВ БАҲОДИР ЮНУСОВИЧ**

Баҳодир Юнусович Ҳодиев иқтисод фанлари доктори, профессор.





1960 йил 22 январда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган.

1967 йил Тошкент шаҳридаги 12-ўрта мактабга кириб, уни 1977 йил тамомлаган. 1982 йилда ТХХИнинг «Иқтисодий ахборотни механизация асосида ташкил этиш» ихтинослигини тамомлаган ва «Иқтисодий информатика» кафедрасида кичик илмий ходим лавозимида ишлай бошлаган. 1982—84 йилларда ҳарбий хизматни ўтаб, шу кафедрада асистент лавозимида ўзишини давом эттирган.

1987 йилда кундузги аспирантурага ўқишига кириб, 1990 йилда «Қишлоқ хўжалиги экинларини ернинг унумдорлиги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда мақсадга муовониқ равишда моделлаштиришни асослаш» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1991 йилдан 1994 йилгача катта ўқитувчи, 1995 йилда кафедра доценти, 1998—2000 йилларда «Иқтисодий информатика» кафедраси мудири ва 2000 йил декабридан ўқув ишлари бўйича ректор муовини лавозимларида фаолият кўрсатиб келмоқда.

1995 йилда АҚШнинг Вашингтон шаҳрида «Банк фаолиятининг самарадорлиги» бўйича халқаро семинарда иштирок этган. 1996 йилда яна шу шаҳарга «Банк ва молия бошқариш» бўйича семинарда гурӯҳ раҳбари бўлиб қатнашган.

1998 йилда Буюк Британиянинг Нотингем Университети «Макроиктисодиётда менежмент» бўйича семинарда фаол иштирок этган.

2000 йилда «Ўзбекистон иқтисодида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлаштириш» мавзусида «Эконометрика ва статистика» ихтинослиги бўйича докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

Иқтисодчи олим Б. Ю. Ҳодиевнинг саксондан ортиқ илмий ишлари чоп этилган.

### **Асосий илмий ишлари:**

1. Проектирование современных информационных технологий. Учебное пособие по курсу «Современные информационные технологии». ТГЭУ, 1994.
2. Повышение адаптивности программного обеспечения АРМ. Сборн. научных трудов. ТГЭУ, 1995.
3. «Хусусий талбиркорлик ва давлат». «Фан ва турмуш», 4-сон, 1999.
4. «Развитие приватизации и формирование класса собственников». «Рынок, деньги и кредит», 1999, 7–8-сонлар.
5. «Иқтисодиёт одимлари: экспорт ва рақобатдошлиқ». «Фан ва турмуш», 1999, 5–6-сонлар.

### **ҚОДИРХОНОВ САЙДКАРИМ**

Сайдкарим Қодирхонов иқтисодчи олим, иқтисод фанлари номзоди, профессор.

1930 йилнинг 15 январида Тошкентда хизматчи оиласида туғилган.

С. Қодирхонов 1948 йилда ўрта мактабни битиргач, Молия-иқтисод институтининг ҳисоби-иқтисод мутахассислиги факультетида ўқиган ва уни имтиёзли диплом билан тамомлаган.

1953 йилда С. Қодирхонов институтнинг бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил кафедрасининг аспирантурасига қабул этилган. Аспирантурани тамомлагандан сўнг 1956 йилдан бошлаб, шу кафедранинг ўқитувчиси вазифасида ишлай бошлаган.

1961 йилда номзодлик диссертациясини ёқдаган. 1962 йилнинг апрель ойидан Тошкент Халқ хўжалиги институтига «Бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил» кафедрасига ишга ўтган. Шу йили ҳисоб-иқтисодий факультети деканининг ўринбосари лавозимига тайинланган.

1963 йилдан эса шу факультетнинг декани лавозимига сайланган. Деканлик вазифасида 1969 йилгacha иш-



лади ва шу йилнинг сентябридан бошлаб, «Бухгалтерия ҳисоби» кафедраси мудири лавозимига сайланган.

С. Қодирхоновнинг жонкуярлиги ва тадбиркорлиги натижасида охирги ўн йилликда кафедра аъзолари ичидан 15 дан ортиқ иқтисод фанлари номзодлари тайёрланган. Шулардан 6 таси С. Қодирхоновнинг бевосита раҳбарлигига илмий даражага эга бўлган.

Олим С. Қодирхоновнинг ўттиздан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

С. Қодирхонов 1998 йил 5 майда вафот этган.

### НАЗАРОВ АЗАМАТ ШОҲНАЗАРОВИЧ



Азамат Шоҳназарович Назаров иқтисод фанлари номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими.

1942 йил 1 апрелда Қашқадарё вилоятининг Бешкент туманига қарашли Денов қишлоғида зиёли оиласида туғилган. 1960 йилда Тошкент вилоятининг Бўка туманига қарашли Наримонов номли 6-урта мактабни тутатган. 1963 йилда Самарқанд шаҳрида Темир йўл техникиумини тутатган.

1963—1966 йиллари Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Меҳнат иқтисоди» мутахассислигининг 1, 2 ва 3-курсларида ўқиган, 4-курсдан Г. В. Плеханов номли Москва Халқ хўжалиги институтида ўқишни давом эттирган ва шу институтни 1968 йилда тутатган.

1973 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1974—1991 йилларда «Меҳнат иқтисоди ва социологияси» кафедрасининг катта ўқитувчиси, доценти вазифаларида фаолият кўрсатган. 1976 йилдан 1987 йил-

гача Тошкент Давлат иқтисодиёт университети сиртқи факультетнинг декан муовини, 1988 йилдан то 1999 йил 6 июлгача шу факультетнинг декани лавозимлигига фаолият кўрсатган.

1999 йил 7 июлдан Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг Бирлашган касаба уюшмаси раиси лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетидаги ишлган даврида умумий ҳажми 85 табоқдан ортиқ 60 га яқин монография, дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар чоп этилган: «Качество и материальное стимулирование», Т., «Ўзбекистон», 1976; «Саноатда меҳнатни нормалаш», Т., «Ўзбекистон», 1978; «Саноатда меҳнатни илмий ташкил этиш» (Ўқув қўлланма). Т., «Ўзбекистон», 1981 ва бошқалар.

## ҲАМДАМОВ ҚОСИМЖОН

Қосимжон Ҳамдамов —  
қишлоқ хўжалик фанлари  
номзоди, профессор.

1940 йилнинг 1 январида Фарғона вилояти, Фарғона туманининг Ёрмазор қишлоғида (ҳозирги Фарғона шаҳри Ёрмазор маҳалласида) косиб оиласида дунёга келган.

1957 йилда ўрта мактабни битириб, Тошкент Молия-иқтисод институти режа-иқтисод факультетининг 1-курсига ўқишига кирган ва «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» мутахассислигини имтиёзли диплом билан битирган. Институтни битиргандан кейин илмий кенгаш қарори билан «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» кафедрасига ассистентлик лавозимига тавсия этилган.

1964 йилда шу кафедра қошидаги аспирантурага қабул қилинган.

1968 йили «Чорвачиликни интенсивлаштиришнинг



иқтисодий самарадорлиги» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қылган.

1968—1970 йилларда «Қишлоқ хұжалик иқтисоди» кафедраси мудири лавозимини бажарған.

1970—1976 йилларда «Қишлоқ хұжалик иқтисоди» факультетінің деканы мувовини лавозиміда ишлаган.

1975 йилдан то 1996 йилгача «Қишлоқ хұжалиги иқтисоди» (хөзирги «Агробизнес») кафедрасында мудирик қилиб келған.

Проф. Қ. Ҳамдамов Туркияning Анқара Университетінде 1992 йилда қишлоқ хұжалигини ривожлантириш муаммоларига бағищланған илмий анжумандада маңруза билан қатнашған.

1954—1958 йилларда Енгил саноат вазирлигінде Бөш пахта тайёрлаш бошқармасында агроном лавозиміда ишлаган. 1958—1961 йилларда Шолицилиқ илмий-тадқиқот институтидегі илмий ходим бўлиб ишлаган. 1961—1963 йилларда Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг аспирантурасында ўқиган.

Проф. Қ. Ҳамдамов ўзининг педагогик фаолияти да-вомида 100 дан ортиқ (250 босма табоқ) илмий, ўкув ва методик ишлар тайёрлаган ва нашр қылған. Шулар жумласидан олий ўкув юртлари талабалари учун 2 та дарслік, 3 та ўкув қўлланма, кўплаб услубий ишлар мавжуд.

## ҲАМДАМОВ ТАЛЪАТ БАҲРОМОВИЧ

Талъат Баҳромович Ҳамдамов педагогика фанлари номзоди, профессор.

Т. Ҳамдамов ўз иш фаолиятини 1961 йилда Андижон шаҳрида бошлаган. Тошкент Давлат иқтисодиёт университетінде 1962 йилдан бери ишлаган. Шу давр ичида у асистент лавозимидан профессор, кафедра мудири лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтган. 1973 йилда педагогика фанлари номзоди бўйича диссертация ёқлаган.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетінде 1973—1984 йилларда декан мувовини, 1988—1992 йилларда «Чет тиллар» кафедраси мудири, 1993—1995 йилларда Халқаро иқтисодий муносабатлар факультетінің деканы ва яна 1995 йилдан хөзирги кунгача «Чет тиллар» ка-

федраси мудири лавозимларида ишлаб келмокда. Икки марта 1989 ва 1999 йилларда «Олий таълим аълочиси» унвони билан, «Устоз» фонди фахрий ёрлиги билан тақдирланган.

Ўз малакасини 1969—1972 йилларда собиқ итти-фоқнинг Эрондаги элчихонасида таржимон сифатида, 1975—1976 йилларда Лондон университетида, 1991 йили Американинг Жоржтаун университетида оширган. Ундан ташқари, 1979—1984 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтини сиртдан тутатган, 1993 йилда эса Россия Федерацияси Дипломатия академиясининг қисқа мuddатли курсини тутатиб, халқаро муносабатлар мутахассислигини эгаллаган.

Т. Ҳамдамовнинг 60 б.т.дан ортиқ илмий ишлари чоп этилган.

### ЗАГОРОДНЮК ОЛЕГ ПОЛИКАРПОВИЧ

Олег Поликарпович Загороднюк иқтисод фанлари номзоди, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи.

1927 йил 27 марта Россиянинг Перм шаҳрида ҳарбий хизматчи оиласида туғилган. 1928 йилда Тошкентга оиласи билан кўчиб келишган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчisi.

1946 йилда Тошкент Молия-иқтисод институтига кирган ва ушбу институтни 1950 йилда имтиёзли тутатган. Йўлланма орқали «Тоштўқимамаш» заводига ишга жойлашган ва катта ҳисобчи, ишлаб чиқариш диспетчерлик бўлими бошлигининг муовини лавозимларида ишлаган. 1955 йилда Тошкент Молия-иқтисод институтининг «Бухгалтерия ҳисоби ва таҳлили» кафедрасининг кундузги аспирантурасига кирган.



1962 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиган. 1963 йилда «Учётни механизациялаш ва ҳисоблаш техникаси» кафедрасига кафедра мудири вазифасини бажарувчи ва кейинчалик кафедра мудири қилиб тайинланган. 1970 йилда «Иқтисодий ахборотларни механизациялашган қайта ишлишни ташкил қилиш» кафедраси мудири қилиб сайланган. 1979 йилда эса «Ахборотларни автоматлаширилган қайта ишлиш тизимлари» кафедрасига мудир қилиб сайланган. 1966 йил доцентлик унвонини, 1977 йил эса профессор унвонига сазовор бўлган.

Аспирантларга раҳбарлик қилиб, Республикаизда 17 та иқтисод фанлари номзоди тайёрлаган. 25 тадан ортиқ ўкув кўлланма ва кўрсатмалар чоп этган. 1985 йилдан буён нафақада. 1988—1992 йилларда Республикаларо статистика бўйича кадрлар малакасини ошириш институтида профессор лавозимида ишлаган.

13 марта Ҳукумат томонидан мукофотланган.

### АБДУЛЛАЕВ НУСРАТ АБДУЛЛАЕВИЧ



Нусрат Абдуллаевич Абдуллаев иқтисод фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган Халқ маворифи ходими, «Фахрий профессор».

1929 йил 15 январда Наманган шаҳрида туғилган. 1949 йилда Тошкент молия техникумини имтиёзли диплом билан битирган ва у шу йили Ўзбекистон ҳукумати бир гурӯҳ ёшлари сафида Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) Молия-иктисод институтига юборилган. 1953 йилда институтнинг Молия-педагогика факультете-

тини муваффақиятли битирган. 1953—1955 йилларда Саларқанд Молия техникумидаги ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1957—1960 йилларда Тошкент Молия-иқтисод институти (ҳозирги Иқтисодий Университети)нинг аспиранти, 1960 йилдан катта ўқитувчи, 1967 йилдан эса доцент лавозимларида ишлаган, 1967—1981 йиллари молия факультети декани мувовини, 1983—1991 йилларда шу факультет декани лавозимида ҳам ишлаган.

Н. А. Абдуллаев кўп йиллар давомидаги илмий-педагогик ва ўқув-тарбиявий ишларни такомиллаштиришга қўшган ҳиссаси ва фидокорона фаол меҳнати ва хизматлари учун Республика Ҳукуматининг бир қатор мукофотлари билан тақдирланган: «Меҳнат ветерани» медали, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Фаҳрий Ёрлиғи билан мукофотланган.

Н. А. Абдуллаев Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши ҳақидаги йирик монографик китобнинг муаллифларидан биридир. Унинг ўнлаб мақолалари турли илмий журналларда, Ўзбекистон Энциклопедиясида чоп этилган.

### АБДУЛЛАЕВ СУЮН АРТИҚОВИЧ

Суюн Артиқович Абдуллаев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1963 йилда Жиззах вилояти Бахмал туманида таваллуд топган. 1980 йилда ўрта мактабни тамомлаб, 1980 йилгача Гулбулоқ жамоа хўжалигида ишлаган.

1983 йилда Тошкент Давлат университетининг «Фалсафа ва иқтисод» факультетига ўқишига кирган, 1988 йилда шу факультетнинг иқтисод бўлимини муваффақиятли тамомланган. 1988 йилда Низомий номли Тошкент Давлат



педагогика институти «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси ўқитувчилигига ишга қабул қилинган.

1993 йилда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетига «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси аспирантурасига ўқишига кирган. 1996 йил аспирантурани тугатиб, шу университет «Иқтисодиёт назарияси» кафедрасига катта ўқитувчи лавозимига қабул қилинган.

1999 йил 7 октябрда илмий ишини муваффакиятли ҳимоя қилган.

1998—1999 ўқув йилларида университет мураббийлар кенгашиning аъзоси, 1999—2000 ўқув йилларида Халқаро иқтисодий муносабатлар факультетида мураббийлар кенгашиning раиси.

Ҳозирги кунда С. Абдуллаев «Иқтисодиёт назарияси» кафедрасида кафедра мудирининг мувонини, доцент лавозимида ишлаб келмоқда. ХИМ факультет кенгаши аъзоси сифатида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Суюн Артиқович Абдуллаевниң шу кунгача чоп этган илмий мақолалари ва услубий қўлланмалари 10 босма табоқдан зиёд.

### АБДУЛЛАЕВА ДИЛОРА КУЙСУНОВНА



Дилора Куйсуновна Абдуллаева иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1957 йил 22 августда Тошкентда туғилган. 1974 йилда ўрта мактабни имтиёзли битириб, Тошкент Халқ хўжалиги институти иқтисодий кибернетика факультетига ўқишига кирган ва уни 1979 йилда туттагтган.

Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Иқтисодий кибернетика» кафедрасига ишга қолдирилган. Аспирантурани битирганидан сўнг асистентлик лавозимига ўтказилган.

Хозирда эса шу кафедрада доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

1991 йили номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1993 йилда Жаҳон Банки томонидан Вашингтонда малакасини ошириб келган. Шундан сұнг шу ташкилот томонидан ташкил этилган Бирлашған Вена Институтида фаол ишлаб келмоқда. 1999 йилда Истанбул шаҳрида иқтисодий ўсиш бүйіча малакасини Богазичи университетида ошириб келган.

Тошкент Халқ хұжалиги институтидаги йигирма иккі йиллик иш фаолиятида йигирмадан ортиқ илмий, илмий-методик ишлари чоп этилған: «Иқтисодий математик усуллар ва моделлар», «Ноаниқлиқ шароитида қарор қабул қылиш математик усуллары», «Маркетинг ва бизнес асослари» каби ўкув құлланмалар муаллифидір.

### АБДУЛЛАХОНОВА ГУЛБАҲОР САТТАРОВНА

Гулбаҳор Саттаровна Абдуллахонова фалсафа фанлари номзоди, доцент.

1963 йил 6 февралда хизматчи оиласыда туғилған.

1985 йилда Тошкент Давлат университетининг фалсафа мутахассислигини тугатған. 1987—1989 йилларда Тошкент Халқ хұжалиги институти «Фалсафа» кафедрасининг аспирантурасыда ўқыған.

1990 йилда Ўзбекистон Республикаси ФА Фалсафа ва хуқуқ институтиның ихтисослаштырылған Илмий Кенгашида номзодлик диссертациясини муваффақиятлы ҳимоя қилған.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида 1987 йилдан бери ишлаб келмоқда. «Фалсафа» кафедрасыда



дастлаб асистент, катта ўқитувчи ва 2000 йил июль оидан эса доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

1994 йил ўн ой мабайнида Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти Республика тил ўрганиш марказида чет (инглиз) тилидан малакасини оширган.

1995 йил октябрь ва ноябрь ойларида ТАСИС (ТЭМ-ПУС) лойиҳаси бўйича ҳам инглиз тилидан малакасини оширган.

1998—2001 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги Иқтисодиёт, бизнес мутахассисларининг малака ошириш институтида ҳам малакасини оширган.

Г. С. Абдуллаханова бир нечта ўкув кўлланмалар ва рисолалар ҳамда мақолалар муаллифидир.

## АБДУРАШИДОВ МУХТОР



Мухтор Абдурашидов фалсафа фанлари номзоди, доцент.

1947 йил 9 апрелда Андижон вилояти, Избоскан туманида туғилган. Ўрта мактабни тутатгач, 1966 йилда Тошкент Давлат Университетининг тарих факультети қошидаги фалсафа-иқтисод бўлимига «Фалсафа» мутахассислиги бўйича ўқишга кирган ва уни 1971 йилда тутатгач, йўлланма асосида Тошкент политехника институти «Фалсафа» кафедрасига

ишга юборилган ва бу ерда кафедра асистенти, катта ўқитувчи лавозимларида 1977 йил декабригача ишлаган.

1977—1979 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва хуқуқ институти аспирантурасида ўқиган.

1989 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1980—1984 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Президиумининг Фалсафа, иқтисод ва хуқуқ фан-

лари бўлимининг илмий котиби, 1992 йилдан ТДИУ Ҳисоб-иктисод факультети декани мувонини, 1993—1998 йилларда Иктиносидиёт факультети декан мувонини лавозимларида ишлаган.

1988 йил 17 январидан эса Тошкент Давлат иктиносидиёт университети «Фалсафа» кафедрасининг катта ўқитувчиси, сўнгра доценти лавозимида ишлаб келмоқда.

**Асосий илмий ишлари:**

1. Мағкура, маънавият, маърифат (Конференция материаллари). Т., 1996.
2. Логика (Талабалар учун дастур ва методик тавсиялар). Т., 1994. (Ҳамкор).
3. Умумиқтисодий қадриятлар ва унинг таълим-тарбия жараёнидаги ўрни. Т., 1997 (Апрель илмий конференция материаллари).
4. Мантиқ фанидан методик тавсия ва тестлар (Ҳамкор). Т., 2001 ва бошқалар.

**АБДУРАҲМОНОВ  
МИРЗАТИЛЛА АБДУЛЛАЕВИЧ**

Мирзатилла Абдуллаевич Абдураҳмонов иктиносид фанлари номзоди, доцент.

1952 йил 25 марта Тошкент вилоятида туғилган. 1969 йилда ўрта мактабни битирган. 1971—1976 йилларда Тошкент Давлат университетининг Амалий математика факультетида ўқиган. 1976—79 йилларда ЎзРФА Кибернетика институтида илмий ходим лавозимида ишлаган. Академик В. Қобулов раҳбарлигидаги Республикада автомат тизимини бошқариш жараёнини ривожлантиришда фаол қатнашган. 1980—1982 йилларда Москвада аспирантурада таҳсил олган.

1988—1990 йилларда Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги қошидаги мала-



ка ошириш институтида катта ўқитувчи бўлиб ишлган. 1990 йилдан Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Статистика» кафедрасида доцентлик лавозимида ишламоқда.

М. А. Абдураҳмонов тўртта ўқув қўлланма ва 30 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

### **АЗЛАРОВ АҲРОР АЗЛАРОВИЧ**



Аҳрор Азларович Азларов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1946 йил 24 апрелда Чиноз шаҳрида туғилган. 1964 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтига ўқишга кириб, 1968 йилда тутатган. 1978 йилда Москва Давлат университетида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1980 йилдан «Бухгалтерия ҳисоби» кафедрасида доцент, 1990 йилдан 2000 йилгача «Ижтимоий соҳаларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасининг мудири, 2000 йилдан то

шу кунгacha Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Агроиктисодиёт ва менежмент факультетининг декани лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

А. А. Азларов учта фан номзоди тайёрлаган (Улардан бири Иордания фуқароси).

А. А. Азларов 250 босма табоқдан ортиқ мақолалар, рисолалар, ўқув қўлланмалари, дарсликлар муаллифи.

### **АЗАМАТОВ ОБИД ХОЛХЎЖАЕВИЧ**

Обид Холхўжаевич Азаматов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1959 йил 6 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган.

1976 йилда Тошкент шаҳар Чилонзор туманинг 131-сонли ўрта мактабни тутатган.

1977 йилда Тошкент Xалқ хўжалиги институти-нинг Иқтисодий кибернетика факультетига кириб, уни 1982 йилда муваффақиятли битирган.

1982 йилда ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач, Тошкент Xалқ хўжалиги институтининг «Автоматлаштирилган ахборот тизимлари» бўлимида муҳандислик лавозимида ишлаган. Педагогик фаолиятини 1985 йилда «Иқтисодий ахборотларни қайта ишлашни автоматлаштириш тизимлари» кафедрасида асистент лавозимидан бошлаган.

1990 йил январь ойида тадқиқотчи-стажёр ва октябрь ойидан эса Ленинград иқтисодчи-муҳандислар институти (1992 йилдан Санкт-Петербург иқтисодчи-муҳандислик академияси)нинг кундузги аспирантурасида ўқиган. 1994 йил февраль ойида иқтисод фанлари бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаган ва шу йилдан «Иқтисодий ахборотларни қайта ишлашнинг автоматлаштирилган тизимлари» (ҳозирги «Ахборотлар технологияси») кафедрасида катта ўқитувчи, 2000 йилдан доцент ва 1999 йил июнь ойидан эса Умумиқтисодиёт сиртқи факультети декани мувонини лавозимида ишлаб келмоқда.

О. З. Азаматовнинг ўттиздан зиёд илмий ишлари чоп этилган.



### **АЪЗАМОВ ТУРОБ МАҲМУДОВИЧ**

Туроб Маҳмудович Аъзамов иқтисод фанлари номзоди, доцент, «Фахрий профессор».



1938 йил 17 июнда ишчи оиласида туғилган.

1947 йилдан 1957 йилгача Тошкентдаги Нариманов номли 15-мактабда ўқиган. 1962 йилда Тошкент тұқымачилик ва енгил саноат институтининг муҳандис-иктисодчи факультетини тутаттан. Шу йили йүлланма бўйича Наманган ип-йигириув фабрикасида иқтисодчи лавозимида ишлаган. 1963 йил декабрдан Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Иқтисод институтига ишга кириб, дастлаб кичик илмий ходим, сўнгра аспирант ва катта илмий ходим лавозимларида ишлаган.

1971 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаб, иқтисод фанлари номзоди даражасига эга бўлган. 1973 йилдан 1975 йилгача Енгил саноат вазирлиги қошидаги марказий лойиҳа конструктори-технология бюросида бўлим бошлиғи лавозимида ишлаган. 1975 йилдан «Хўжалик фаолиятининг таҳлили», «Саноатда бухгалтерия ва хўжалик фаолиятининг таҳлили» ва «Аудит» кафедраларида катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида ишлаган.

Т. Аъзамов 1979—1984 йилларда институт маҳаллий қўмитаси аъзоси ва раис мувонини сифатида ҳам ишлаган. 10 йилдан ортиқ даврда ҳисоб-иктисод факультетининг декан мувонини бўлиб ишлаган. 1996 йилдан бошлаб ТДИУ ўқув-услубий бўлим бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда. Бунда у «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишда фаол қатнашиб, таълим стандартлари, ўқув режалари, намунавий ва ишчи дастурлар тайёрлашда услугубий ишларни бажаришда жонбозлик кўрсатиб, университет кафедраларида ўқитиладиган фанлардан маъруза матнларини яратиш ва чоп этишда масъул ишларни бажариб келмоқда.

Т. Аъзамов Мехнат фахрийси. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг бир неча фахрий ёрликлари билан тақдирланган.

Т. Аъзамовнинг 25 босма табоқдан ортиқ илмий, ўқув-услубий қўлланмалари чоп этилган.

**АКРАМОВА  
ФЕРУЗА АКМАЛОВНА**

Феруза Акмаловна Акрамова психология фанлари номзоди, доцент.

1958 йил 23 апрелида Тошкент шаҳаридаги хизматчи оиласида таваллуд топган.

1975 йилда 173-ўрта мактабни «олтин медаль» билан тамомлаб, Тошкент Давлат Техника университетига талабалар сафига қабул қилингандан. 1980 йилда имтиёзли диплом билан тамомлаб, математик-программист мутахассислиги бўйича АБС факультети Ҳисоблаш марказига ишга тайинланган. Педагогик фаолиятини ўз фокусларни Амалий математика кафедрасида бошлаган. 1992—1994 йиллар мобайнида лицеї-мактабда тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаган. 1994—1995 йилларда эса Ҳалқ таълими тизимида амалиётчи-психологлар тайёрлаш курсларида ўқиб, иккинчи мутахассислик бўйича диплом ишини аъло даражада ёзган. Психология фанлари бўйича Республика миқёсида ўtkazilgan аспирант, докторант, илмий изланувчиларнинг конкурссида иштирок этиб, 1-ўринга сазовор бўла олган ва 1997 йилда иккинчи мутахассислик бўйича фан номзоди илмий даражасига эришган.

1997—1998 йиллар мобайнида Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига қарашли Миллий лицейда аввал ўқув ишлари бўйича директор муовини, сўнгра эса директор лавозимларида фаолият кўрсатиб келган.

1998 йилда ТДИУ ва «Ижтимоий психология» кафедрасига ишга таклиф этилган. Ўзбекистон Республи-



ликаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан «Олий таълим аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Олима 15 та илмий мақола, 3 та ўқув қўлланма ёзган. 2000 йилда В. М. Каримова билан ҳаммуаллифликда Психология бўйича бакалавриат тизимидағи талабалар учун маъruzalap матнини ёзган.

**Асосий илмий ишлари:**

1. Мақсад — оиласвий ҳаётта тайёрлаш. «Софлом авлод» журнали, 1996.
2. Ёшларда севги-муҳаббат ҳисларининг намоён бўлиши. «Халқ таълимни» журнали, 1996.
3. Ташкилий хулқ (Маъruzalap матни). Т., 1999.
4. «1001 саволга психологнинг 1001 жавоби». Т., «Меҳнат», 2000. (Ҳамкор) ва бошқалар.

**АЛИЕВ  
МАННОН ФАФФОРОВИЧ**



Маннон Фаффорович Алиев иқтисод фанлари номзоди, доцент, Узбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи.

1945 йил 19 сентябрда туғилган.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда 2-Тошкент мебель фабрикасида дурадтор сифатида бошлаган. 1965 йилда Тошкент қурилиш техникумининг кечки бўлимини тутатиб, сўнгра Тошкент Халқ хўжалиги институтини режа-иктисод факультетига ўқишига кирган.

1969 йилда мазкур институтни имтиёзли диплом билан тутатган ва «Халқ хўжалигини режалаштириш» кафедрасида дастлаб асистент, кейинчалик катта ўқитувчи сифатида фаолият кўрсатган.

М. Алиев 1967—1973 йиллар давомида Тошкент Халқ хўжалиги институтининг ёшлар ташкилотига раҳбарлик қилиган.

1985—1993 йилларда Менежментлар тайёrlаши Республика марказида директор сифатида, 1993—1996 йилларда Тошкент Молия институти проректори лавозимида ишлаган.

М. F. Алиев 1996 йилдан эътиборан Европа Иттифоқи, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Туркия хукумати ва банклари уюшмаси томонидан Тошкент шаҳрида ташкил этилган янги типдаги ўкув масканы — Минтақавий Банк ўкув марказига раҳбарлик қилиб келаяпти. М. F. Алиев раҳбарлиги остида бу даргоҳ Марказий Осиё минтақасида энг нуфузли ўкув масканига айланди ва чет элларга ҳам танилди. Шунингдек, Марказга йирик миқдорда чет эл инвестициялари фаол жалб қилинди. Бутунги кунда Марказ «JICA» Япония агентлиги, Миср Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги техник ёрдам кўrsatiш Жамғармаси ва бошқа кўлгина давлатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. 1998 йили Марказ МДҲлари орасида биринчилардан бўлиб, EBTN — қароргоҳи Амстердам шаҳрида жойлашган Европа банк ўкув муассасалари тармогига аъзо сифатида қабул қилинган.

М. F. Алиев — иқтисод фанлари номзоди, халқаро ва республика даражаларида ташкил этилган конференцияларда қилинган маъruzalар, мақолалар, 15 дан ортиқ рисола ва 3 та монографияни ўз ичига олган 100 дан ортиқ илмий асарлар муаллифи. Фақат сўнгги 5 йил мобайнida M. Алиев томонидан «Ўзбекистонда қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш» мавзууда монография, «МДҲ ва Ўзбекистон иқтисодиёти», «Жаҳон минтақаларининг иқтисодиёти ва молияси қиёсий рақамларда», «Банк таълими тизимида ахборот технологиялари» номли рисолаларни ўз ичига олган 15 дан ортиқ илмий ишлар эълон қилинган, M. F. Алиевнинг молия бозорини ривожлантиришга оид асарлари АҚШ, Германия, Россия ва Украинада ҳам нашр этилган.

## АЛЛАХВЕРДИЕВА ЛЕЙЛА МАДАТ ҚИЗИ

Лейла Мадат қизи Аллахвердиева иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1960 йил 26 августда Боку шаҳрида зиёли оиласида



туғилған. 1977 йилда ўрта мактабни тугатиб, у Азарбайжон Халқ хұжалиги институтига ўқишиңа кирған. Институтни 1981 йилда имтиёзли диплом билан тугатған.

1982 йилдан 1985 йилгача Л. М. Аллахвердиева аспирантурада таълим олған. «Худудий камxaрапат эркин меңнат ресурслари ни режалаштириш асосида бошқариш» мавзусида номзодлик диссертацияси ни ҳимоя қылған.

1986—87 йилларда Л. Аллахвердиева Москва шаҳрида Қишлоқ хұжалиги вазирилиги қошидаги Технология илмий текшириш институтида кичик илмий ходим бўлиб ишлаган. Тошкент шаҳрига қўчиши муносабати билан 1987—91 йиллар мобайнида Ўзбекистон Меңнат вазирилиги қошидаги Тошкент шаҳар касбга йўналтириш марказининг «Касбий қўникиш ва компьютерлаштириши» бўлимида етакчи мутахассис бўлиб ишлаган.

1991—93 йиллар мобайнида Л. Аллахвердиева Меңнат вазирилиги қошидаги Ижтимоий илмий текшириш марказининг «Ижтимоий этник» бўлимининг етакчи мутахассиси бўлиб ишлаган.

1993—95 йилларда Ўзбекистонда меңнат, аҳоли бандлиги ва ижтимоий ҳимоялаш муаммоларини ўрганиш илмий марказининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш» бўлимини бошқарган.

Л. Аллахвердиева 1995 йилдан бўён Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Меңнат иқтисодиёти ва социологияси» кафедрасининг доценти бўлиб ишлайди. 1997 йилда у Г. В. Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академиясининг «Меңнат иқтисодиёти» кафедрасида малака ошириб қайтган.

Бир неча йиллардан бўён у турли хилдаги Давлат илмий техникавий дастурларнинг ижрочиси ҳам ҳисобланади. 1994—95 йилларда у «Аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилишнинг амалий механизмини ишлаб чиқиши» мавзусидаги лойиҳаси учун Давлат Фан ва техника қўмитасининг грантига сазовор бўлган.

Доцент Л. Аллахвердиева ўзининг педагогик фаолиятини ҳам фаол намоён қила олди. У 2000 йилда Олий ўкув юртлари ўқитувчилари ўртасида бўлиб ўтган конкурсда иштирок этиб, «Социология» секцияси бўйича «Устоз» жамғармасининг гранти совриндори бўлган.

### АЛИЕВ АСҚАР КАМОЛОВИЧ

Асқар Камолович Алиев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1931 йил 28 майда Тошкент вилоятининг Чиноз туманида туғилган.

Ўрта мактабни тугатгач, 1948—53 йилларда Ўрта Осиё Политехника институтининг кимё-технология факультетида таҳсил олган.

У Тошкент Халқ хўжалиги институтига киргунча, Янги йўл ёф заводида смена муҳандиси бўлиб ишлаган. Сўнгра Тошкент «Ўртоқ» қандолатчилик фабрикасида цех бошлиғи, бош муҳандис ва раҳбар бўлган. Ўзбекистон халқ хўжалиги ва Ўрта Осиё халқ хўжалиги советининг меҳнат ва иш ҳақи бўлимида бошқарувчи, Тошкент вилоят касаба уюшма кенгашида ишлаб чиқариш ва иш ҳақи бўлим бошлиғи, Ўзбекистон Министрлар Советининг фан, техника ва илфорлар тавсияларини ишлаб чиқаришга жорий этиш бўлимида референт, «Республика пиво — алкогиз саноат трести»да раҳбар лавозимида ишлаган.

А. К. Алиев 1970 йилдан бошлаб Тошкент Халқ хўжалиги институтини «Саноат иқтисоди» кафедра доценти лавозимида сайланган ва ҳозиргacha «Халқаро туризм менежменти» кафедраси доценти лавозимида фолият кўрсатиб келмоқда.



1996 йилда А. К. Алиевга ТДИУ «Фахрий профессори» унвони берилди.

1971 йилда «Ўзбекистон ёғ-мой саноатида асосий фондларни ишлатишда иқтисодий самарадорлик» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган.

Проф. А. К. Алиев бир неча марта чет элларда ўз малакасини оширган. Унинг меҳнатлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва Республика Касаба уюшмаси федерацияси томонидан муносиб тақдирланган.

А. К. Алиевнинг 60 босма табоқдан зиёд ҳажмда «Уруғларнинг ёғлилиги ва ёғ ишлаб чиқариш самарадорлиги», «Қишлоқ хўжалик хом ашёсини тайёрлаш йўллари», «Ўрта Осиё қандолат саноати», «Тошкент яхна ичимликлар ишлаб чиқариш корхонасини ижарага ўтказишида кўлланадиган методик тавсиялар» каби элликка яқин номда илмий ишлари чоп этилган.

### АЛИЕВА МАҲБУБА ТОЙЧИЕВНА



Маҳбуба Тойчиевна Алиева иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1967 йил 4 февралда Туркистон шаҳрида ишчи оиласида туғилган. 1983 йилда ўрта мактабни тамомлагач, Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтига кириб, уни 1988 йилда тамом қилган. 1988 йилдан 1990 йилгacha институт йўлланмаси бўйича «Средастрой» трестига қарашли «СМП-194» корхонасида ишлаган.

Сўнгра Ўзбекистон Фанлар академияси Ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш институтининг кундузги бўлимига аспирантурага ки-

риб, 1994 йилда иқтисод фанлари номзоди бўйича диссертация ёқлаган.

1994 йилдан 1999 йилгача Макроиқтисодиёт институтида катта илмий ходим лавозимида ишлаган.

1999 йил сентябрь ойидан ТДИУ «Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ» кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

Олиманинг ўндан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

### АЛИМОВА ФАРИДА АБДУЖАЛИЛОВНА

Фарида Абдужалиловна Алимова иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1956 йил 24 майда Тошкент шаҳрида зиёли оиласида туғилган. 1973 йилда ўрта мактабни битирган. 1978 йилда Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг «Инженер-иктисодиёт» факультетини имтиёзли тутагтан.

1988 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Иқтисод институтининг Илмий Кенгашида номзодлик диссертацияси ни муваффақиятли ёқлаган. 1991 йилда Тошкент Давлат иқтисодиёт универсиитети «Туризм иқтисоди» кафедрасига ўтган.

1997 йил сентябрда Фулбрайт олимлар алмашув дастури грантининг соҳибаси бўлиб, АҚШга Девер Университетида 10 ой малака оширишга юборилган. 1999 йил ноябрь ойидан «Туризм маркетинги» кафедрасида доцент лавозимида ишламоқда.

Ф. А. Алимованинг ўндан зиёд илмий ишлари чоп этилган.



## АБДУГАНИЕВ ҲОЖИ



Ҳожи Абдуганиев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1925 йил 5 майда Тошкент шаҳрида туғилган.

1957 йилда ТХХИни муваффақиятли тамомланган. 1943 йилда Орджоникидзе туман Молия бўлимида ҳисобчи-бухгалтер, 1944 йилдан 1947 йилгача солиқ инспектори, 1952 йилгача район молия мудирининг муовини бўлиб ишлаган.

1952 йилдан Тошкент Юқори Чирчиқ район молия бўлимининг мудири, 1959 йилдан 1971 йилгача Тошкент шаҳар молия бўлимида бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган. 1964—1969 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси иқтисодиёт институтининг сиртқи аспирантурасида ўқиган.

1969 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1977 йилдан Тошкент Халқ хўжалиги институтида «Иқтисодиётни бошқарув» кафедрасида доцент лавозимида фолият кўрсатган. 1997 йилдан нафақада.

Ижтимоий ва жамоат ишларида доим ўрнак кўрсатганилиги учун хукумат томонидан кўп мукофотланган.

Кўплаб илмий ишлари чоп этилган.

## АРХАНГЕЛЬСКАЯ ЕЛЕНА ГЕННАДЬЕВНА

Елена Геннадьевна Архангельская юридик фанлари номзоди, доцент.

1960 йил 1 январда Тошкент шаҳрида таваллуд топган.

1981 йилда Тошкент Давлат университетининг юридик факультетини имтиёзли тамомлаган. 1981—82 йиллар давомида Тошкент университетининг Юридик факультети «Криминалистика» кафедрасида тадқиқотчи-стажёр сифатида хизмат қилган.

1982 йилнинг 1 ноябрида ТошДУ юридик факуль-

тети аспирантурасига ўқишига кириб, уни 1985 йилда муваффақиятли тамомлаган. 1986 йилнинг сентябрь ойида «Эксперт-криминалистнинг хulosага келиш жараёнида олиб борган тадқиқотлари натижаси ва уларнинг шаклланишига баҳо бериш» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1986 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Хуқуқшунослик» кафедраси ассистенти, 1987 йилдан катта ўқитувчиси ва 1995 йилдан эса доцент лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бир қанча илмий мақолалари Тошкент суд экспертизаси илмий-текшириш институтининг илмий тўпламларида чоп этилган.

### АРЗИҚУЛОВ БАҲРОМ ЭШМУРОДОВИЧ

Баҳром Эшмуродович Арзиқулов иқтисод фанлари номзоди.

1965 йил 26 июлда Самарқанд вилояти Булунгур туманида ишчи оиласида туғилган.

Ўрта мактабни 1982 йил тутатиб, Булунгур туманида «Савдо матлубот» бошқармасида бухгалтер лавозимида ишлаган. 1984—1986 йиллари ҳарбий хизматда бўлган. 1986 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институти қошидаги тайёрлов курсида ўқиган.

1987 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Ҳисоб-иқтисод» факультетида «Саноатда бухгалтерия ҳисоби» мутахассислиги бўйича ўқишига кирган ва 1991 йилда имтиёзли диплом билан тутатган. Шу йили Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Саноатда бухгалтерия ҳисоби, таҳдили ва назорати» кафедрасига асистентлик лавозимига қабул қилинган. 1995 йилда аспирантурага қабул қилинган.



Бир даврнинг ўзида 1995—1998 йиллари Москва шаҳрида «Сенатор» номли халқаро банкда ҳисобчи ва ФБК аудиторлик фирмасида аудитор бўлиб ишлаган. 1999 йил 18 февралда М. В. Ломоносов номли Москва Давлат Университетида «Инвестицияга оид компанияларида аудитнинг усуслари ва ташкил этилиши» мавзуси бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1999 йил апрель ойидан бошлаб, то шу кунгача Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Аудит» кафедрасининг мудири муовини лавозимида ишлаб келмоқда. Жами нашр қилинган ўқув услубий ва илмий тадқиқот ишлари ҳажми 7 босма табоқни ташкил этади:

1. Становление аудита в Узбекистане. Т., 1994.
2. Больше доверяй, четко проверяй. Т., 1998.
3. Ответственность за качество аудиторской проверки. Т., 1998 ва бошқалар.

### АЮБЖОНОВ АББОС ҲОСИЛОВИЧ

Аббос Ҳосилович Аюбжонов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1954 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топган.

1971 йилда 28-урта мактабни тамомлаган. Шу йили Тошкент Халқ хўжалиги институтининг Иқтисодий кибернетика факультетига ўқишига кирган. 1974—1976 йилларда ўқишини Ленинград Давлат университети Иқтисодиёт факультетининг «Иқтисодий кибернетика» мутахассислиги бўлимида давом эттирган. Олий ўқув юртини тугатиб, 1976 йил август ойида Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Статистика» кафедрасига асистент лавозимига ишга қабул қилинган. 1976—1977 йилларда ҳарбий хизматни ўтаган. 1977 йил декабрь ойидан 1980 йил декабрь ойига қадар ТХХИ «Статистика» кафедрасида асистент лавозимида ишлаган.

1980 йил декабрь ойидан бошлаб эса Москва Иқтисодиёт-статистика институтида аспирантурада таҳсил олган. 1983 йил 17 ноябрда номзодлик диссертацияси мувваффақиятли ҳимоя қилган. 1983 йил декабрь ойидан бошлаб яна ТХХИда асистент лавозимида ишлай

бошлаган. 1994 йилдан доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

Доцент А. Ҳ. Аюбжонов ТДИУда ишлаш билан бирга ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиларига «Ташқи иқтисодий алоқалар статистикаси» ва Тошкент Давлат Ислом институти талабаларига «Иқтисодий статистика» фанларидан маъruzалар ўқиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида А. Ҳ. Аюбжонов томонидан 30 га яқин илмий мақолалар чоп этилган.

«Халқаро статистика», «Ташқи иқтисодий фаолият статистикаси», «Статистика тарихи», «Статистика фани ривожининг асосий йўналишлари» фанлари бўйича А. Ҳ. Аюбжонов томонидан намунавий ўқув дастурлари тузилган ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиб келинмоқда. Шунингдек, доц. А. Ҳ. Аюбжонов ҳамкорликда «Статистиканинг умумий назарияси» фанига доир бир неча ўқув қўлланмаларни яратишда ҳам қатнашган.

### АҲМАДЖОНОВ КАРИМЖОН БОҚИЖОНОВИЧ

Каримжон Боқижонович Аҳмаджонов иқтисод фанлари номзоди.

1971 йил 26 январда Тошкент шаҳрида туғилган.

1989 йилда Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетининг «Ҳисобиқтисод» факультетида, «Саноатда бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолиятининг таҳлили» мутахассислиги бўйича ўқишига кирган ва уни 1994 йилда имтиёзли диплом билан тугатган. Шу йилдан «Саноатда бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолиятининг таҳлили» кафедрасида ассистент лавозимида ишлай бошлаган.

1996 йилда Тошкент Давлат иқтисодиёт универси-



тетининг кундузги бўлим аспирантурасига қабул қилингандан. 1997—1999 йилларда «Катта бешлик»га кирувчи «Делойт ва Туш» Тошкент Халқаро аудиторлик компаниясида бош бухгалтер лавозимида ишлаган.

2000 йил 9 июнда Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия академияси қошидаги Бирлашган ихтинослашган Кенгашда «Хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган корхоналарда молиявий ҳисоб ва аудитни такомиллаштириш йўллари» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1999 йил феврал ойидан бошлаб ҳозирги кунга қадар Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Аудит» кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда. Жами нашр этилган дарслик, ўқув-услубий ва илмий мақолалар ҳажми 5,8 б.т.ни ташкил этади. Жумладан, «Бухгалтерия ҳисоби». Дарслик. Т., «Меҳнат», 1999 ва бошқалар.

## АҲМЕДОВ ТОШНИЁЗ



Тошниёз Аҳмедов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1953 йилда Самарқанд вилояти, Нурота туманида туғилган. 1970 йилда ўрта мактабни тутатган.

1977 йилда Тошкент Политехника институтини аъло баҳолар билан битирган. У ўзининг дастлабки меҳнат фаолиятини ЎзРФАнинг Кибернетика институтида бошлаган, кейин эса Фанлар академиясининг Иқтисод институтида, сўнгра Тошкент шаҳар «Бош ҳисоблаш маркази»да ишлаган.

1987 йилда иқтисод фанлари номзоди илмий дараҷасини олиш учун диссертация ҳимоя қилган.

Т. Аҳмедов 1985 йилдан Тошкент Халқ хўжалиги ва 1991 йилдан Тошкент Молия институтида ишлаб келмоқда.

Т. Аҳмедов 1996 йилдан Тошкент Молия институти қошида ташкил этилган Республика Молия лицейига раҳбарлик қилиб келмоқда. У «Таълим тұғрисида»ғи қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ўрганиш, ҳаётта тадбиқ этиш соҳасида катта ташкилий ва маърифий тадбирларни амалга оширмоқда.

Т. Аҳмедов Иқтисодиёт йұналишдаги Академик лицейлар учун намунавий ұқув жараёни жадвали ва режасини ишлаб чиқиши, иқтисодиёт йұналишидаги фанлар учун ұқув дастурларини тайёрлаш бүйіча Республика комиссияси таркибида бевосита иштирок этиб келмоқда.

Т. Аҳмедов айни пайтда Тошкент шаҳар кенгашининг депутати, шаҳар парламентариясининг «Ёшлар сиёсати ва соглом авлод» масалалари бүйіча доимий комиссиясининг аязоси сифатида фаол хизмат қилиб келмоқда.

У үзининг илмий-педагогик фаолияти давомида 30 дан ортиқ турли илмий мақолалар, ұқув-услубий құлланмалар, дарсلىклар чоп этган. Уларнинг умумий ҳажми 60 босма табоқдан ошиқ.

### БАБАЕВА ЖАМИЛА БАЙМАМЕТОВНА

Жамила Баймаметовна  
Бабаева иқтисод фанлари  
номзоди, доцент.

1955 йил 9 ноябрда Сурхандарё вилоятининг Жарқұрғон шаҳрида зиёлилар оиласида туғилған. 1972 йилда ўрта мактабни олтін медаль билан тутаттан ва шу йили Тошкент Халқ хўжалиги институти Молия факультетининг кундузги бўлимiga ўқишига кирган ва уни 1976 йилда тутатиб, шу институтда «Ахборотни қайта ишлаш ва тарқатиш» бўлимида меҳнат фаолиятини бошлигаган.



1979—1984 йилларда институт қошидаги аспирантурада таҳсил олган. 1993 йилда «Бозор иқтисодиётiga ўтишнинг ташкилий иқтисодий муаммолари» мавзусида иқтисод фанлари номзодлиги учун диссертация ёқлаған.

1997 йил доцент унвонига эга бўлган.

Олиманинг «Ижтимоий таъминот ва маҳалла хайрия жамғармаларини бошқариш» (7 б/т; ҳамкор), «Валюта, молия, кредит ва сувурта муаммолари» (9 б/т.; ҳамкор), «Сувурта иши». 2000 й., (7 б/т.), илмий, ўкув услубий ишлари чоп этилган. 40 га яқин илмий мақолалари матбуотда эълон қилинган. «Бозор иқтисодиётини ишлаб чиқариш ва айирбошлиш муносабатларини такомиллаштиришдаги роли», «Бозор иқтисодиёти шароитида эркин баҳоларга ўтишнинг айрим муаммолари», «Солиқ системасини такомиллаштирайлик», «Молия бозори», «Қимматли қофозлар бозори», «Сувурта бозори» ва бошқа мақолалар муаллифидир.

### БАЛТАЕВА ЛОЛАХОН РАСУЛОВНА



Лолаҳон Расуловна  
Балтаева иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1953 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1971 йилда 208-ўрта мактабни олтин медаль билан таомомлаб, Тошкент Халқ хўжалиги институти Иқтисодий кибернетика факультетига ўқишга кирган. 1976 йилда имтиёзли диплом билан битирган.

Тошкент Халқ хўжалиги институтини битиргандан сўнг, Ўзбекистон Республика Фанлар академияси Кибернетика институтига ишга кирган ва шу институтда аспирантурани битириб, «Социал инфраструктура тармоқларини моделлаштиришда иқти-

содий-математик усуллар ва компьютер технологияларни кўллаш» мавзуси бўйича диссертация ёқлаган.

1988 йил танлов асосида иқтисодиёт ва нормативлар илмий-текшириш институтига ишга қабул қилинган.

1991 йилдан бошлаб Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида ишламоқда. Дастрлаб малака ошириш институтида катта ўқитувчи бўлиб, сўнгра «Иқтисодий кибернетика» кафедрасида иш фаолиятини бошлаган.

1995 йилдан доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

Ишлаш жараёнида «Эконометрика» фанидан методик қўлланма, компьютер тизимлар бўйича ўқув қўлланмалар, «Илмий изланиш асослари», «Иқтисодий-математик усуллар» фанларидан маъруза матнлари ва бошқа илмий ишлари чоп этилган. (Умумий ҳажми 25 б/т.).

### БАРАТОВ НАРИМАН ЙЎЛДОШЕВИЧ

Нариман Йўлдошевич Баратов фалсафа фанлари номзоди.

1938 йил 6 апрелда Олма-Ота вилояти Чунджа қишлоғида туғилган.

1946—56 йилларда Чунджа ўрта мактабида ўқиган. 1958—63 йилларда Ўрта Осиё Давлат университети шарқшунослик факультетида ўқиган ва арабшунош-шарқшунос тарихчи мутахассислигига эришган.

1963—64 йилларда Миср давлатида, Асуан тўғони қурулишида таржимон сифатида иштирок этган.

1965—82 йилларда Фалсафа ва хуқуқ институтида кичик илмий ходим, катта илмий ходим лавозимида ишлаган.

1991 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1982—92 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтида «Фалсафа» кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаган.

Н. Баратовнинг йигирмадан зиёд ишлари чоп этилган.

## БАУБЕКОВА ЗАМИРА ДЖУРАЕВНА



Замира Джураевна Баубекова педагогика фанлари номзоди, доцент.

1955 йил 29 октябрда Фаргона шаҳрида туғилган. 1977 йилда Улугбек номли Фаргона пединститутини битириб, шу йили Т. Н. Қори Ниёзий номли Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-текшириш институтига аспирантурага кирган. 1978 йилда Москвада ўқишини давом эттирган. 1984 йили Қозон шаҳрида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. 1984 йилдан катта илмий ходим, 1985—

1987 йилларда Т. Н. Қори Ниёзий номли ЎзПФИИда бўлим бошлиги бўлиб ишлаган.

1993—1997 йиллари ЎзПФИИда докторантурада ўқиган. 1995 йилдан ТДИУда «Иқтисодий таълим педагогикаси» кафедрасида доцент бўлиб ишлаб келмоқда.

Педагогика фанида халқ педагогикаси ва педагогика тарихи ўйналишида тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

З. Баубекова Халқ педагогикаси Халқаро Ассоциациясининг аъзосидир. Олимнинг эллик босма табоқдан зиёдроқ илмий ишлари чоп этилган.

4 монография, 3 қўлланма, 3 ўқув дастурлари ва 100 дан ортиқ илмий мақолалар хусусан: «Ўзбек халқ педагогикаси». Т., 2000, (Ҳамкор); «Этнопедагогика». Т., 2000; «19 аср охири ва 20 аср бошларидағи Ўрта Осиё мутафаккирларининг педагогик ғоялари». Т., 1995. ва бошқалар муаллифидир.

## **БАҲОДИРОВ ОТАХЎЖА САИДХЎЖАЕВИЧ**

Отахўжа Сайдхўжаевич Баҳодиров фалсафа фанлари номзоди, «Фахрий профессор».

1940 йил 10 январда Тошкент вилояти, Оққўрғон туманида хизматчи оиласида туғилган. 1956 йил ўрта мактабни тугатган. 1958—1963 йилларда Ўрта Осиё Давлат университетининг Тарих факультетини битиргач, 1963—1966 йилларда Оққўрғон тумани 6-сон ўрта мактабда тарих ва жамиятшунослик ўқитувчиси лавозимида ишлаган.

1966—1973 йилларда Тошкент Давлат Тиббиёт институтида дастлаб ассистент, сўнгра катта ўқитувчи лавозимида ишлаган. 1973—1998 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институти (ҳозирда ТДИУ) «Фалсафа» кафедрасида катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаган.

1996 йилда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Фахрий профессор»и унвони берилган.

1999 йилдан эса Тошкент Давлат иқтисодиётуниверситети «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

О. С. Баҳодиров 25 б.т. ҳажмида монография ва рисолалар, 15 б.т. ўқув ва услубий қўлланмалар, 10 б.т. илмий мақолалари чоп этилган.



## **БАҲРОМОВ АҶЗАМХОН УСМОНОВИЧ**

Аҷзамхон Усмонович Баҳромов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1960 йилда Жиззах вилоятининг Фаллаорол туманида деҳқон оиласида туғилган.



А. Баҳромов ўз меҳнат фаолиятини 1977 йилда Жиззах вилоятининг Фаллаорол сув қурилиш трестида бетончиликдан бошлаган, 1979—1981 йилларда ҳарбий хизматда бўлган.

1986 йилда Тошкент Халқ ҳўжалиги институтини муваффақиятли туталлаган.

1986—1992 йилларда мазкур институтда асистент бўлган. Аспирантурасида ўқиган ва номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган.

1992—1995 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг катта ўқитувчиси, доценти ва декан ўринбосари лавозимида ишлаган.

1995—1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси худудий-ташкилий бўлимининг катта эксперти, Ахборот-таҳлил бошқармасининг бош мутахассиси, шуъба мудири бўлиб ишлаган.

1998—2000 йилларда Ахборот-таҳлил бошқармасининг бошлифи ўринбосари — Худудлар ва тармоқларни ривожлантириш дастурлари бўлимининг бошлифи бўлган.

2000—2001 йилларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Котибиятининг мудири бўлиб ишлаган.

Ҳозирги вақтда Макроиқтисод ва статистика вазирининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

Давлат бошқарув органларида самарали меҳнат қилганилиги учун «Меҳнатда ўrnак кўрсатганлиги учун» медали билан тақдирланган.

А. У. Баҳромовнинг ўндан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

### БАҲРОМОВ БАҒДОД МАҲМУДОВИЧ

Бағдод Маҳмудович Баҳромов физика-математика фанлари номзоди, «Фахрий профессор».

1936 йилда Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида туғилган. 1953—1954 ўкув йилида ўрта мактабни тутатиб, Низомий номидаги ТДПИнинг физика-математика факультетига кириб ўқиган. Институтни тутатиб, Оққўрғон туманидаги ўрта мактабда физика-математика фани бўйича ўқитувчи бўлиб, 1961 йилгача дарс берган. Сўнгра 1961—1967 йилларда ТДПИда лабораториялар мудири бўлиб ишлаган. 1968—1970 йилларда аспирантурада ўқиган.



1971 йилда Ўзбекистон

Фанлар академиясига қарашли Сейсмология институтининг «Ҳисоблаш математикаси ёрдамида сейсмик ҳолатларни моделлаштириш» лабораториясида илмий ходим бўлиб, 1973 йилгача хизмат қилган. 1973 йилдан эса Тошкент Xалқ хўжалиги институтига (ҳозирги ТДИУ) катта ўқитувчилик вазифасига таклиф этилган. 1975 йилдан «Олий математика» кафедрасига мудирик қилган (1985 йилгача ишлаган). Ҳозир ҳам шу кафедрада профессор лавозимида ишлаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва университет маъмурияти томонидан «Ўзбекистон Республика халқ таълими аълочиси», «Олий ўқув юртлари аълочиси», «Меҳнат галиби», «Меҳнат фаҳрийси» кўкрак нишонлари ва кўплаб фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Олимнинг 120 б/т. дан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

### БАҲРОМОВ АСҚАР БАҲРОМОВИЧ

Асқар Баҳромовиҷ Баҳромов иқтисод фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ морифи ходими.



1929 йил Тошкент шаҳрида туғилган. 1946 йилда еттинчи синфни битириб, Тошкент Савдо техникумига кирган ва 1949 йилда уни туталлаб, Москвага Плеханов номидаги Халқ хўжалиги институтига ўқишга кирган. 1954 йил институтни битириб, тақсимот бўйича Тошкент Савдо техникумига ўқитувчилик лавозимида қабул қилинган.

1954—1964 йиллари Тошкент Савдо техникумida бўлим мудири лавозимида ишлаган.

1964 йил 1 сентябрдан бошлаб Тошкент Халқ хўжалиги институтида «Технология» кафедрасида асистент бўлиб ишлаган.

1965 йилдан катта ўқитувчи, 1967 йилда «Савдо ва давлат таъминоти иқтисодиёти» кафедраси мудири вазифасини бажарувчи, 1968 йилда шу кафедрага танлов асосида кафедра мудири лавозимида сайланган. 1971 йилда кафедра бўлиниши муносабати билан, «Савдо иқтисодиёти» кафедрасига доцент лавозимида ўтказилган.

1975—1976 йилларда Савдо иқтисодиёти факультетига декан муовини ва декани бўлиб ишлаган. 1981 йилда янги ташкил бўлган «Товаршунослик ва савдони ташкил этиш» кафедрасига мудир лавозимида сайланган.

1989 йилдан собиқ иттилоқ савдо вазирлиги қошидаги савдо раҳбар ходимлари ва мутахассисларининг малакасини ошириш институтига «Савдо иқтисодиёти фанлари» сўнгра «Маркетинг» кафедраси мудирлигига сайланган. Бу кафедра 1993 йилгача ишлаган. 1993 йилдан нафақада.

Ўқитувчилик фаолияти даврида «Савдо ходимлари аълочиси», «Иттилоқ Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги аълочиси», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими» фахрий унвони ҳамда, «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

А. Баҳромовнинг 50 дан ошиқ дарслер ва ўқув методик қўлланмалари ҳамда мақолалари чоп этилган.

**БЕГАЛОВ  
БАҲОДИР АБДУСАЛОМОВИЧ**

Баҳодир Абдусаломович Бегалов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1968 йилда Тошкент вилояти, Бекобод шаҳрида туғилган.

1985 йилда ўрта мактабни олтин медалга битириб, Тошкент Халқ хўжалиги институтининг Иқтисодий кибернетика факультети «Иқтисодий ахборотларни автоматлаштирилган усулда қайта ишлашни ташкил қилиш» мутахассислигига ўқишга кирган.



1986—1988 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1988—1989 йилларда институтда ўз ўқишини давом эттирган.

1989 йили институт раҳбарияти Б. Бегаловни Москва Иқтисод-статистика институтига ўқишга юборган. У талабалик йилларида илмий изланиш натижалари юзасидан бир неча мақолалар чоп этган. 1992 йилда институтни муваффақиятли битиргач, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Ҳисоблаш маркази»га муҳандис бўлиб ишга қабул қилинган.

1992 йилда Умурrossия Молия-иқтисод институтининг аспирантурасига қабул қилинган.

1996 йилда «Компьютерлашган рекламани алгоритм, модел ва технологияларини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиши» (Ахборот маҳсулотлари ва хизматлари мисолида) мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

1996 йилнинг апрель ойидан Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Иқтисодий информатика ва АБТ» кафедрасида ишлаган.

1997 йилнинг февраль ойидан Иқтисодий информатика факультети деканининг «Ўқув ва илмий ишлар бўйича» мувонини лавозимида ишлаб келмоқда.

У ўзининг устозлари раҳбарлигига дарслик, ўқув қўлланма ва ўқув-услубий қўлланмаларга муаллифдош-

лик қилиб келмоқда ҳамда ўндан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

## БЕККУЛЬБЕКОВ ФАРИД



Фарид Беккульбеков иқтисод фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган Ҳалқ маорифи ходими, «Фахрий профессор».

1926 йилда Тошкент шаҳрида туғилган.

1942—1946 йилларда 191-ҳарбий заводда устанинг ёрдамчиси бўлиб ишлаган. 1946—1950 йилларда Тошкент Молия-иқтисод институтида ўқиган. 1950—1958 йилларда Тошкент шаҳар туманларининг молия бўлимларида инспектор, бош

инспектор, молия бўлими мудири вазифаларида ишлаган.

1958 йилдан бошлаб Ҳалқ хўжалиги институтида ассистент, катта ўқитувчи, 1968 йилдан доцент вазифасида ишлаб келмоқда. 1980—82 йилларда Беруний номидаги Тошкент Политехника институтида «Иқтисод» кафедрасининг мудири. 1967—1980 йилларда Тошкент Ҳалқ хўжалиги институтида сиртқи факультетининг декани бўлиб ишлаган. 1996 йилда Университетнинг «Фахрий профессор»и унвони берилган.

Ф. Беккульбеков 1964 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти эксперtlари лавозимига номзодлар тайёрлайдиган икки йиллик курсни (инглиз тилида) ва 1997 йил Англияда менежментлар курсини тутатган. У бир неча унвонлар, фахрий ёрлиқлар ва медаллар билан мукофотланган.

1959 йилда Ўзбекистон Республикаси Фахрий Ёрлиги билан мукофотланган.

Маҳаллий аҳамиятдаги шахсий нафақаҳўр. Олимнинг икки монографияси, уч рисола ва ўндан зиёд илмий мақолалари чоп этилган.

### БЕРЖАНОВ САЙМАН АЙМАНОВИЧ

Сайман Айманович Бержанов иқтисод фанлари номзоди, профессор.

1937 йил 5 июлда Қоқрақалпогистон Республикаси Кегейли тумани Халқобод қишлоғида туғилган.

1957 йилда ўрта мактабни тутатгач, Тошкент Молия-иқтисод институтига кирган ва уни 1962 йилда битирган. 1967 йилда ТХХИ аспирантурасига кирган. 1974 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган.

ТХХИ (ТДИУ) «Халқаро молия ва банк иши» кафедрасида 1970 йилдан катта ўқитувчи ва 1977 йилдан доцент, 1991 йилдан эса кафедра мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

1992 йилда профессор унвонига эга бўлган.

Проф. С. А. Бержанов кўпгина хорижий давлатларда малакасини ошириб қайтган.

Олим С. А. Бержановнинг етмишдан зиёд илмий ишлари чоп этилган.



### БОЕВ ХАБИБУЛЛА ИСМОИЛОВИЧ

Хабибулла Исмоилович Боев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1950 йил 10 сентябрда Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида зиёли оиласида таваллуд топган.



1957 йилда ўрта мактабга ўқишига бориб, 1967 йилда тутатган. Шу йили Тошкент шаҳридаги 153-Курилиш трестида ишчи бўлиб, меҳнат фаолиятини бошлаган. 1968 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтига ўқишига кириб, 1973 йилда муваффақиятли тутатган ва давлат тақсимоти комиссиясининг қарорига биноан Институтда асистент лавозимида ишга қолдирилган.

1974—1975 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1975 йилда аспирантурага қабул қилинган. 1984 йилда иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олган ва 1988 йилда доцент унвонига эга бўлган.

Х. Боев 1995—1996 йилларда «Халқаро иқтисодий муносабатлар» факультетининг илмий ишлар бўйича декан муовини лавозимида ишлаган.

1996—1997 йилларда Университет қошидаги Иқтисодий гимназия директори лавозимида ишлаган. 1997 йилда университет Илмий Кенгашининг котиби ва «Иқтисодчи» газетасининг муҳаррири вазифаларида 2000 йил августигача ишлаган. 1997 йил апрель оидан бошлаб, «Суғурта иши, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси» кафедрасининг мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Тошкент шаҳрида Давлат мулкини хусусийлаштириш дастурини ишлаб чиқишида қатнашган. Булардан ташқари юзлаб ахборотлар билан халқаро конференция материалларида илмий изланиш ишларини чоп эттирган.

Олимнинг 110 дан ортиқ илмий, ўқув-услубий ишлари чоп этилган.

#### **Асосий илмий ишлари:**

1. Развитие кооперативной собственности в условиях АПК. Т., «Ўзбекистон», 1987.
2. Бозор иқтисодиёти шароитида мулк шаклларининг ривожланиб бориши. Т., «ФАН», 1992.

3. Влияние изменения форм собственности на формирование рыночной инфраструктуры Узбекистана. Т., «ФАН», 1993.
4. Аҳолини турли мулкчилик шароитида ижтимоий ҳимоялашни ташкил этиш ва бошқариш. Т., 1995.
5. Ижтимоий таъминот ва маҳалла хайрия жамғармасини бошқариш муаммолари. Т., 1995.
6. Кичик ва хусусий тадбиркорлик асослари. (Дарслик). Т., 1996.
7. Тадбиркорларга лугат — қўлланма. Т., 1996.
8. Валюта, молия, кредит, банк ва сугурта муаммолари.— Т., 1997.
9. Мулкий ва шахсий сугурта (Ўқув қўлланма). Т., 2000 ва бошқалар.

## БОБОЖОНОВ ОРТИҚБОЙ

Ортиқбой Бобожонов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1944 йил 19 августда Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Вазир қишлоғида дехқон оиласида туғилган.

У 1960 йилда ўрта мактабни битириб, 1962 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент Давлат иқтисодиёт университети)га ўқишига кириб, уни 1969 йилда имтиёзли диплом билан тутатган. 1963—1966 йилларда ҳарбий хизматда бўлган.

1969 йилда Давлат тақсимот комиссиясининг тақлифига асосан «Бухгалтерия ҳисоби» кафедрасида асистент лавозимида ишга қолдирилган. 1972—1975 йилларда ушбу кафедра қошидаги кундузги бўлим аспирантурасида таҳсил олган ва 1978 йилда Москва Молия институти қошидаги илмий кенгашда иқтисод фанлари номзоди бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1978—1985 йилларда «Қишлоқ хўжалик корхонала-



рида бухгалтерия ҳисоби, таҳлили ва назорати» кафедрасида катта ўқитувчи ва 1985 йилдан доцент лавозимларида ишлаган.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимиning миллий стандартларини ва Бухгалтерия ҳисоби счёtlари режасини ишлаб чиқувчи ишчи гурухининг аъзосидир.

Кўп йиллик ва самарали хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фахрий ёрлиги» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим фидойиси» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Ортиқбой Бобожонов илмий-услубий ишларда ҳам фаол қатнашмоқда ва ижод қилмоқда. 145 босма таъбодан ортиқ илмий, ўкув-услубий қўлланмалар ва дарсликлар ҳамда рисолалар унинг қаламига мансубдир.

## БОЙЗОҚОВ АСРОР



Асрор Бойзоков техника фанлари номзоди, доцент.

1945 йил 13 апрелда Самарқанд вилояти Пойариқ туманининг Жўрабой қишлоғида туғилган. 1961 йилда 2-ўрта мактабни битириб, Самарқанд Давлат университетининг механика-математика факультетига ўқишга кирган.

1964—1967 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1970 йилда СамДУ механика-математика факуль-

тетини тутатган. 1971—1972 йилларда Пойариқ туманиндағи 7-ўрта мактабда ўқитувчи, 1973—1981 йилларда ЎзФА Кибернетика институтида мұхандис, кичик илмий ходим лавозимларида ишлаган.

1981 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1981 йилдан ҳозиргача ТДИУ «Эҳтимоллар назария-

си ва ҳисоблаш математикаси» кафедрасида катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаб келмоқда.

А. Бойзоқов иш фаолияти давомида 15 дан ортиқ илмий мақолалар ва 3 та методик қўлланма ёзган.

2000 йилда «Ҳисоблаш математикаси асослари» номли қўлланмаси чоп этилган ва бошқалар.

### БУТИКОВ ИГОРЬ ЛЕОНИДОВИЧ

Игорь Леонидович Бутиков иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1958 йил 24 сентябрда Термиз шаҳрида туғилган.

Ўрта мактабни тутагач, 1979 йилда Тошкент Xалқ хўжалиги институтига кирган ва уни муваффакиятли битирган. 1984—1987 йилларда Москва Молия институтида аспирантурада ўқиган ва номзодлик диссертациясини ёқлаган. Сўнгра Тошкент Xалқ хўжалиги институти «Пул муомаласи ва кредит» кафедрасида дастлаб ассистент, катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида ишлаган. 1994—1996 йилларда Республика фонд биржаси Бошқарма раисининг биринчи муовини лавозимида ишлаган.

И. Л. Бутиков қўпгина хорижий мамлакатларда ўз малакасини ошириб қайтган.

Хозирги вақтда доцент И. Л. Бутиков Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қарамоғидаги бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш илмий-тадқиқот институтининг директори лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Иқтисодчи олим И. Л. Бутиков томонидан 100 дан ортиқ илмий ишлар чоп этилган.



## **БОЯЗИТОВА НОИЛА АҲМЕДОВНА**



Ноила Аҳмедовна Боязитова филология фанлари номзоди, доцент.

1925 йил 12 ноябрда Оренбург вилоятининг Соль-Илецк шаҳрида туғилган. 1941 йилда ўрта мактабни тугатгач, Тошкент ўқитувчилар институтининг 1-курсида ўқиган. 1942—1944 йилларда Фаргона вилояти Киров туманида ўрта мактабда ўқитувчи вазифасида ишлаган. 1945—1947 йилларда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида ўқиган. 1948—1956 йилларда Тошкент

шаҳридаги 24-ўрта мактабда дарс берган ва 1953—1956 йилларда Ўз ФА Тил ва адабиёт институти қошидаги аспирантурада ўқиган.

1956 йилдан 1994 йилга қадар Тошкент Халқ хўжалиги институти (ҳозирги ТДИУ)нинг «Рус тили» кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент вазифаларида ишлаган.

1961 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган.

30 га яқин илмий-услубий ишларнинг муаллифи.

Бир неча Халқаро ва Республика анжуманларида иштирок этган. 1978—1983 йиллар давомида институтнинг кўп сонлик «Иқтисодчи» газетасига муҳаррирлик қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаши Президиумининг Фахрий ёрликлари (1959 ва 1974 йиллар) билан тақдирланган.

Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси Н. А. Боязитова 30 га яқин илмий ишлар муаллифидир.

### **Асосий илмий ишлари:**

1. Будущее время глагола в русском и узбекском языках. (Пособие для преподавателей русского языка в узбекских группах вузов). ТХХИ, 1958.

2. Учебное пособие по русскому языку для нерусских студентов. I—II қисмлар, Т., 1984.
3. Действующие лица студенты. «Русский язык и литература в узбекской школе», 1984.
4. О некоторых эквивалентах в узбекском языке совершенного и несовершенного вида русского глагола. (ТДИУ, мақолалар тўплами). 1988.
5. Учебные материалы по русскому языку для самостоятельной работы студентов-иностранцев. ТХХИ, 1992.

### ВОҲИДОВ СОДИҚ ВАЛИЕВИЧ

Содиқ Валиевич Воҳидов иқтисод фанлари номзоди, профессор.

1941 йилнинг 5 январида Херсон области, Каҳовка районида туғилган. 1962 йилнинг 1 сентябринда Тошкент Ҳалқ хўжалиги институти «Саноатда бухгалтерия ҳисоби» мутахассислиги бўйича Ҳисоб-иқтисод факультетининг 1-курсига қабул қилинган ва уни 1967 йилда имтиёзли диплом билан тугаллаган.

Олий даргоҳни тугаллаганидан сўнг иқтидорли ёш мутахассис сифатида Тошкент Ҳалқ хўжалиги институти «Саноатда бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолияти таҳлили» кафедрасига ассистент лавозимига қабул қилинган.

1974 йилда Г. В. Плеханов номидаги Ҳалқ хўжалиги институти «Бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолияти таҳлили» кафедрасида кундузги аспирантурани битирган.

1974 йилда иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилган ва шу йилдан Тошкент Ҳалқ хўжалиги институти «Бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолияти таҳлили» кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишини давом эттирган.



1979 йилдан доцент, 1992 йилдан эса профессор.

1971—81 йилларда «Ҳисоб-иқтисод» факультетида ўқув-услубий ишлар бўйича декан муовини лавозимида, 1981—90 йилларда Халқ хўжалиги мутахассислари малакасини ошириш факультети декани, 1991—96 йилларда эса кундузги Ҳисоб-иқтисод факультетида декан лавозимида ишлаган.

1996 йилдан ҳозирги кунгача «Бухгалтерия ҳисоби» кафедраси мудири, 1998 йилдан эса университет ўқув жараёнини назорат этиш инспекцияси бошлиғи лавозимида фаолият юритмоқда.

Проф. С. В. Воҳидов бир неча бор ўзининг малакали молиявий, иқтисодий мутахассисларни тайёрлаш, илмий, ўқув-услубий ва жамоатчилик соҳаларида фаол иштироки учун Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган. 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси «Фахрий Ёрлиги», 1999 йилда «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси», 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим фахрийси совриндори бўлган.

Проф. С. В. Воҳидов томонидан 5 та ўқув дарсликлиари, халқ хўжалиги тармоқларида бухгалтерия ҳисоби бўйича масалалар тўплами чоп этилган. Муаллиф раҳбарлиги остида БМТ томонидан МДҲ мамлакатлари учун тавсия этилган «Халқаро стандартлар бўйича янги бухгалтерия счётлари режаси» ўзбек тилига таржима этилган. Умуман олганда 175,3 б. т. ҳажмда молиявий, бошқарув ҳисоби ва молиявий ҳисоботни такомиллаштириш масалалари доирасида ўнлаб илмий мақолалари чоп этилган.

### ГРИГОРЬЕВА ВАЛЕНТИНА ФЁДОРОВНА

Валентина Фёдоровна Григорьевна юридик фанлар номзоди, доцент.

1927 йилда Тошкентда туғилган. Ўрта мактабни туттагач, 1947 йилда Тошкент юридик институтига ўқишига кирган. 1951 йилда битиргач, юрист-маслаҳатчи бўлиб ишлаган. Сўнгра Тошкент вилояти адвокатлар коллегиясида адвокат лавозимида фаолият кўрсатган.

1966 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтини

ҳам (иккинчи мутахассис-лик бўйича) битирган. 1962 йилда ТХХИ «Фалсафа» кафедрасида ассистент ва 1963 йилдан эса «Хукуқ» кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида фаолият кўрсатган.

1969 йилда Воронеж Давлат университетида номзодлик диссертацияси ни ёқлаган.

1972 йил апрелидан ёътиборан Тошкент Халқ хўжалиги институти «Хукуқ» кафедрасида доцент бўлиб ишлаб келмоқда.

В. Ф. Григорьеванинг йигирмадан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

Хозирда нафақада бўлишига қарамай ТДИУдаги Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясида «Хўжалик хукуқи» фанидан талабаларга дарс берабириб келмоқда.



### ГАБЗАЛИЛОВ ГИЛЬМУТДИН ФАХРЕТДИНОВИЧ

Гильмутдин Фахретдинович Габзалилов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1920 йилда Бошқирдистон АР Стермитамак тумани Шареево қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, 1937 йилда Тошкент Молия-иқтисод институтига ўқишига кириб, уни 1941 йилда имтиёзли битирган. 1941 йил ноябрьда ҳарбий хизматга чақирилган. Иккинчи Жаҳон урушида иштирок этиб, кўпгина орден



ва медаллар билан тақдирланган. Урушдан сүнг Чита шаҳрида Ташқи ишлар вазирлиги муассасаларида ишлаган.

1957 йилдан ТХХИга ишга келган. 1961 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1965—75 йилларда ТХХИ «Саноат иқтисоди» кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатган.

Г. Ф. Габзалиловнинг ўндан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

Иқтисодчи олим Г. Ф. Габзалилов 1975 йилда вафот этган.

### ГОЛЫШЕВ ВЯЧЕСЛАВ АРКАДЬЕВИЧ



Вячеслав Аркадьевич Голышев иқтисод фанлари номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи.

1951 йил 4 майда туғилган. 1972 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Халқ хўжалигини режалаштириш» мутахассислигини битирган ва 1974 йилдан ушбу институтда ўқитувчи бўлиб ишлай бошлаган. 1976—1979 йилларда М. В. Ломоносов номидаги МДУ аспирантурасида ўқиган. 1980 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1980—82 йилларда ТХХИ «Халқ хўжалигини режалаштириш» кафедрасида дастлаб асистент, сўнгра катта ўқитувчи лавозимларида ишлаган. 1982 йилдан бошлаб Иқтисодиёт илмий-тадқиқот институтида сектор мудири лавозимида ишлай бошлаган.

1990 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонида ишлай бошлаган. 1993—94 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарамоғидаги худудлараро муаммолар стратегик институти директори муовини ва директори вазифасини бажарувчи лавози-

мида ишлаган. 1994 йилдан Давлат Кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатган.

1995 йилдан ҳозиргача Ижтимоий-иктисодий ва сиёсий масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси лавозимида ишлаб келмоқда. Бир вақтнинг ўзида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети «Жаҳон иқтисодиёти» кафедрасининг профессори, шунингдек, Иқтисодий тадқиқот координацион кенгаши Маркази раиси лавозимларида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Профессор В. А. Голышевнинг 60 дан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

### ДАДАБОЕВ ҚЎЧҚОР АБДУЛЛАЖАНОВИЧ

Қўчқор Абдуллажанович Дадабоев иқтисод фанлари номзоди, профессор.

1948 йили 9 июнда Тошкент шаҳрида туғилган. 1967 йилда ўрта мактабни тутатиб, Тошкент Халқ хўжалиги институти (Моддий техника таъминоти мутахассислиги)га кирган ва уни 1971 йилда битирган. 1972 йилдан «Моддий ресурсларни бошқариш ва улгуржи савдени ташкил этиш» кафедрасида ассистент лавозимига қолдирилган. 1976—1979 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг кундузги бўлим аспирантурасида ўқиган. 1982 йилда иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган. 1984 йили доцентлик ва 1992 йили профессор унвонига эга бўлган. 1994 йилдан ҳозирги кунгacha Тижорат факультетининг декан муовини лавозимида ишлаб келмоқда.

Унинг чоп этган илмий ва методик ишлари 167 б.т.дан зиёд.



### **Асосий илмий ишлари:**

1. Менежмент ва бизнес асослари (Дарслик). Т.: «Меҳнат», 1997.
2. Моддий ресурслар билан бошқаришда ҳозирги замон логистикасининг элементлари. (Ўқув қўлланма). ТДИУ. 1998.
3. Современные элементы логистики в управлении материально-техническим обеспечением. (Учеб. пос). ТДИУ, 1996.
4. Корхона тижорат фаолияти (Ўқув қўлланма). Т.: «Меҳнат» 1996 (Ҳамкор).
5. Маркетинг стратегиясини такомиллаштириш йўллари (Ўқув қўлланма). ТДИУ, 1997 (Ҳамкор) ва бошқалар.

### **ДАДАБОЕВА РАЬНО АКРАМОВНА**

Раъно Акрамовна Дадабоева иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1945 йил 18 июлда туғилган. 1968 йилда ТошПИ муҳандис-иктисодчи мутахассислигини битирган. 1974 йилда аспирантурани тутатгач, номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган.

1975 йилда доцент унвонига эга бўлган. Кўпгина хорижий давлатларда ўз малакасини оширган.

1968 йилдан ҳозиргacha ТДИУда ишлаб келмоқда.

Доцент Р. А. Дадабоеванинг қирқдан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

### **ДЖУРАЕВ ТУРОБЖОН ИКРОМОВИЧ**

Туробжон Икромович Джураев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1966 йил 22 февралда Сурхондарё вилояти, Сурхон жамоа хўжалигига туғилган.

1986—1990 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институти Ҳисоб-иктисод факультетининг «Саноатда бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятининг таҳлили» мутахассислиги бўйича таҳсил олган.

1990—1992 йилларда мазкур институтнинг «Саноатда бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятининг таҳлили» ва «Ташқи иқтисодий фаолиятларда бухгалтерия ҳисоби» кафедраларида асистент лавозимида ишлаган.

1992—1995 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиёт

университети аспирантурасининг кундузги бўлимида ўқиган ва 1995 йил 23 июнда М. В. Ломоносов номли Москва Давлат университетида иқтисод фанлари номзодлиги диссертациясини ҳимоя қилган.

1995—1997 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Аудит» кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаган. Шу даврларда Ҳисоб-иқтисод факультети деканининг ўкув ишлари бўйича муовини ва «Аудит» кафедрасининг вақтингчалик бошқарувчиси вазифасини бажариб борган.

1997 йил Университет илмий кенгаши тавсияси билан М. В. Ломоносов номли Москва Давлат университетига амалийтга юборилган. 1998 йил мазкур университетнинг докторантурасига кирган. Шу иили Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот услубияти» бошқармаси бошлиғи лавозимига ишга таклиф қилинган.

2000 йилдан ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

Т. И. Джураевнинг ўттиздан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

### ДАКИБОЕВ БАҲОДИР АБДУВОИТОВИЧ

Баҳодир Абдувотович Дақибоев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1966 йилда Тошкент вилояти Қибрай туманида туғилган.

Ўрта мактабдан сўнг 1984—1986 йилларда ҳарбий хизматда бўлган.





1989 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтини битирган. 1989—1991 йилларда ТХИИнинг «Бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил» кафедрасида асистент бўлиб ишлаган. 1994 йилда Москва Давлат университети аспирантурасини битирган ва номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1995 йилда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Иқтисодий таҳлил» кафедраси доценти, 1996—1997 йилларда РИАТБ «Фаллабанк»-нинг «Иқтисодий таҳлил»

бўлимида бош мутахассис, бўлим бошлиги, «Қимматбаҳо қоғозлар» бўлимининг бошлиги, бошқарма бошлигининг муовини, 1997—2000 йилларда РИАТБ «Фаллабанк» Қимматбаҳо қоғозлар бошқармасининг бошлифи лавозимларида фаолият кўрсатган.

2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши академиясини битирган.

Б. А. Дакибоев 2000 йил ноябрдан бўён РИАТБ «Фаллабанк» Бошқаруви Раисининг ўринбосари лавозимида ишлаб қелмоқда.

У ўндан зиёд илмий мақолалар муаллифидир.

### ДАНИЛОВ АЛЕКСАНДР СЕРГЕЕВИЧ

1924 йил 21 августда туғилган. 1941 йилда ўрта мактабни битирган. 1942 йил армия сафига чақирилиб, Серпуховскдаги авиатехника ўкув юртига жўнатилиди.

1943 йилда ўкув юртини битиргач ҳаракатдаги III Украина фронтидаги жангларда иштирок этади.

1948 йил Тошкентдаги Молия-иктисод институтига ўқишга кириб уни 1952 йил туталлади. 1963 йил номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. У томонидан

кўплаб илмий-методик ва ўқув қўлланмалар, рисолалар, илмий мақолалар ёзилган.

А. С. Данилов 1963 йилдан то 1987 йилгача Тошкент Халқ хўжалиги институти Иқтисодий режалаштириш факультети декани лавозимида сидқидилдан меҳнат қилиб, кўплаб иқтисодчи кадрларни тайёрлашда фаоллик кўрсатди.

1981 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», 1988 йилда эса Университетнинг «Фахрий профессори» увоннига сазовор бўлди. Данилов Александр Сергеевич қатор орден ва медаллар билан тақдирланган.

Данилов Александр Сергеевич ҳозирги кунда ҳам Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети «Макроиқтисодиёт» кафедрасида самарали меҳнат қилмоқда.

### ДОРОФЕЕВА ТАТЬЯНА ГЕННАДЬЕВНА

Татьяна Геннадьевна Дорофеева фалсафа фанлари номзоди, доцент.

1958 йилда хизматчи оиласида туғилган. 1983 йилда М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат Консерваториясини тутатган.

1990 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида 1983 йилдан бери «Фалсафа» кафедрасида стажер-тадқиқотчи, аспирант, ас-



систент, катта ўқитувчи ва ҳозирда доцентлик вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Унинг йигирмадан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

## Асосий илмий ишлари:

1. Ислам и искусство. ТГЭУ, 1998.
  2. Художественная культура 20 века. Искусство модернизма. ТГЭУ, 1998.
  3. Культура Древнего Египта. ТГЭУ, 1998.
  4. Культура Древней Индии. ТГЭУ, 1998.
  5. Культура Древнего Китая. ТГЭУ, 1998.
  6. Культура Древней Греции. ТГЭУ, 2001.
  7. Культура Древнего Рима. ТГЭУ, 2001 ва бошкадар.

**ДУРСУНОВ  
ЖАББОР ЧАХОЕВИЧ**



Жаббор Чахоевич Дурсунов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1955 йил 12 апрелда Тошкент вилоятида туғилған. 1978 йилда Тошкент Халқ хұжалиги институти-нинг Иқтисодий кибернетика факультетини битирған. 1978—1980 йилларда Гулистан шаҳрида вилоят автомобиль трести ҳисоблаш марказыда катта мұхандис-программист лавозимидан ишлаган. 1980—1983 йилларда Тошкент Халқ хұжалиги институтида асистент лавозимидан ишлаган. 1983—1986 йил-

ларда Москва Молия институтида кундузги аспирантурасида ўқыб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1987 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтига қайтиб келиб ассистент лавозимида ишлай бошлаган. 1988 йилда конкурс асосида доцентлик лавозимига сайланган. 1990 йилда доцентлик унвонини олган. 1990 йилда конкурс асосида Германия Федератив Республикаси

ликаси (ГФР) DAAD академияси стипендиясига сазовор бүлган ва 1990—1991 йилларда Вюрцбург махсус олий мактабни менежмент, маркетинг ва информатика бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борган. 1993—1994 йилларда Иқтисодий информатика ва менежмент факультетида декан муовини лавозимида ишлаган. EUROSIS дастури бўйича конкурсдан ўтиб (ноябрь 1994 йилдан, 1995 август), ГФРни Целле шаҳридағи Немис менежмент академиясида маркетинг ва менежмент йўналиши бўйича ўқиб, амалиётини тўрт ой давомида Венадаги (Австрия) Хернштайн интернационал менежмент институтида ўтган.

Дунё Данкининг иқтисодий ривожланиш институти дастурида қатнашиб (июль 1996 йилда Олма-Отада, октябрь 1996 йилда Тошкентда, январь-февраль 1997 йилда Вашингтонда) молиявий менежмент, банк ишини компьютерда моделлаштириш бўйича малакасини оширган. Июль-август 1997 йилда Мичиган Давлат университетида (АҚШ) малакасини оширган.

Ж. Ч. Дурсуновнинг 1990 йилдан бўён талабалар учун учта ўқув қўлланма ва тўртта методик қўлланма тайёрлаган. 20 дан ортиқ мақола ва тезислари чоп этилган.

### ЕРГЕШЕВ ЕРКИН ЕРГЕШОВИЧ

Еркин Ергешевич Ергешев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1944 йил 19 январда Қозогистон Республикасининг Чимкент вилояти ишчи оиласида туғилган. 1960 йили ўрта мактабни тутатгандан сўнг, шу йили Тошкент Молия-иқтисод институтига қабул қилинган. 1966 йили Тошкент Xалқ хўжалиги институтини муваффақиятли тамомлаб, шу институтининг «Хўжалик фаолиятининг



таҳлили» кафедрасида асистентлик лавозимида иш бошлаган. 1973 йилда Москва Давлат университетига аспирантурага кирган. 1986 йилда номзодлик диссертациясини ёқлагач, Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Бухгалтерия ҳисоби ва таҳлили» кафедрасида катта ўқитувчи ва доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

Е. Е. Ергешевнинг 60 б.т.дан зиёд дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳамда илмий мақолалари чоп этилган.

### ЁҚУБОВ ИСКАНДАР ОДИЛОВИЧ



Искандар Одилович  
Ёқубов иқтисод фанлари  
номзоди, доцент.

1959 йилда Тошкент  
шахрида туғилган.

1976 йилда ўрта мактабни олтин медаль билан тугатгандан сўнг Тошкент Халқ хўжалиги институтининг Иқтисодий Кибернетика факультетига ўқишга кирган. 1981 йилда ушбу факультетни имтиёзли диплом билан тугатгач, ТХХИнинг «Халқ хўжалигини режалаштириш» кафедрасига ишга олиб қолинган.

И. Ёқубов кафедранинг асистентлигидан то доцентлик даражасигача бўлган йўлни босиб ўтган. Ҳозирда И. Ёқубов Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Макроиктисодиёт ва ижтимоий соҳанинг режаланишини прогнозлаш ва тартибга солиш» кафедрасининг доценти бўлиб ишламоқда.

Доцент И. Ёқубов 1988—1993 йилларда Иқтисодиёт ва статистика факультети деканининг муовини бўлиб ишлаган. 1993 йилдан то бугунга қадар «Макроиктисодиёт» кафедраси мудирининг муовини, факультет илмий кенгаш аъзоси.

Доцент И. Ёқубов 50 дан ортиқ илмий мақолалар

«Макроиқтисодиёт асослари», «Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиёти», «Баланс муаммолари» каби дарслик ва ўқув қўлланмаларининг муаллифидир. «INTERNET» ва халқаро СОРОС фонди семинарларида малака оширган, ва ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда фаол иштирок этмоқда. Республика матбуотида унинг бозор иқтисодиётига таалуқли қўплаб илмий ва илмий-оммабоп мақолалари нашр қилинган. У Ўзбекистон Республикасида илк бор ўтказилган биринчи миллий ЙНТЕРНЕТ фестивалининг номинанти.

### ЁҚУБОВ СОБИТЖОН

Собитжон Ёқубов физика-математика фанлари номзоди, доцент.

1948 йил 29 августда Тошкент шаҳрида туғилган. 1966 йилда ўрта мактабни тугатиб, Тошдунинг механика-математика факультетига қабул қилинган.

1971 йилда университетни тугатиб, йўлланма билан ЎзР ФА Математика институтига ишга борган. Институтда аввал тадқиқотчи-изланувчи, аспирант (Москва Давлат Университети), сўнгра кичик илмий ходим бўлиб ишлаган.

1980 йил «Параболик тенгламалар учун чегараси номаълум бўлган масалалар» мавзусида физика-математика фанлари илмий даражасини олиш учун диссертациясини ҳимоя қилган.

1981 йил ЎзР ФАнинг Механика институтига йўлланма билан ишга ўтган. Механика институтида 1981—84 йилларда катта илмий ходим, 1984—86 йиллар институтнинг илмий котиби бўлиб ишлаган. Шу давр ичida бир неча бор институтнинг Ёш олимлар кенгаши раиси қилиб сайланган. 1988 йил танлов асосида Тошкент Халқ хўжалиги институтининг (ҳозирги



ТДИУ) «Олий математика» кафедрасига доцент лавозимиға қабул қилинган.

1992—94 йилларда Ҳисоб-иқтисод факультетининг Касаба уюшмасининг раиси, 1992—95 йилларда шу факультетнинг илмий ишлари, 1995—96 йилларда эса ўкув ишлари бўйича декан муовини бўлиб ишлаган.

1999 йилда Ўзбекистон Республикаси «Олий таълим аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотланган.

1997 йилда Тошкент Молия институти қошида янги очилган Солик лицейига директор этиб тайинланган.

Доцент С. Ёкубовнинг ўттиздан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

### ЖАЛОЛОВА ИРОДА АМРИДДИНОВНА



Иродада Амриддиновна Жалолова иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1951 йилда Самарқанд шаҳрида зиёли оиласида туғилган.

1968 йилда ўрта мактабни битиргач, Самарқанд кооператив институтининг Иқтисодиёт факультетига ўқишига кирган. 1972 йилда институтни туттаган.

1985 йилда аспирантурани муваффақиятли битириб, иқтисод фанлари бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1989 йилдан бошлаб, И. А. Жалолова ТДИУ «Савдо иқтисодиёти ва бизнес» кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

И. А. Жалолова кўпгина Халқаро дастурларда қатнашган.

Европа Иттифоқи ТАСИС дастури томонидан ташкил қилинган, «Ўзбекистонда менежмент трейнинги» ўрганиш дастурида 1995 йилда қатнашиб, маъмурий бизнес магистрлиги дипломига эга бўлган (МБА).

1998 йилда ТАСИСНИНГ Бозор кўникмаларини ри-  
вожлантириш Маркази томонидан ташкил қилинган  
«Халқаро маркетинг стратегияси» дастурида иштирок  
этган.

1999 йилда Г. В. Плеханов номидаги Россия Иқти-  
садиёт академиясининг «Иқтисодиётда бакалавр ва ма-  
гистрларнинг методологик аспектлар тайёрлаш» дасту-  
ридаги ўқитувчилар малакасини оширишда қатнашган.

2000 йил 4 ой мобайнида АҚШНИНГ Нью-Палътц  
Университети Бизнесни бошқариш факультетида мар-  
кетингни ўрганиш ва қўллаш бўйича малака ошириб  
келган.

И. А. Жалолованинг йигирмадан зиёд илмий ишла-  
ри чоп этилган.

### ЖАЛОЛОВА ЎЛМАС КАРИМОВНА

Ўлмас Каримовна Жа-  
ловова фалсафа фанлари  
номзоди, «Фахрий про-  
фессор».

1939 йил 3 декабря  
Чиноз туманида туғилган.  
1957 йилда ўрта мактабни  
тутатган. 1962 йилда Тош-  
кент Давлат университети  
Филология факультети-  
нинг журналистика бўли-  
мини имтиёзли диплом  
 билан тамомлаб, ўз иш  
фаолиятини Янгиер шаҳ-  
рида бошлаган.

1965 йилда Ўзбекистон  
Фанлар академияси Фал-  
сафа ва хукуқ институти-  
да аспирантурани тутатган.

1972 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.  
Ў. К. Жалолова 1972 йилдан бошлаб, то шу кунгача  
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Фалсафа»  
кафедрасида ишлаб келмоқда.

Ажойиб аёл Ўлмас Жалолова «Олий ва ўрта маҳсус  
таълим фидоийси» нишони билан тақдирланган. Уни-



верситетнинг «Фахрий профессор» унвонига сазовор бўлган.

Ў. К. Жалолованинг ўттиздан зиёд илмий ишлари чоп этилган. Олима «Билим — хазина ахлоқ, фазилат», «Ҳалоллик ва ростгўйлик» рисолалари, «Муомала маданияти—инсон зийнати», «Оила иқлимини аёл яратади», «Муаллим—миллат кўзгуси», «Миллий фурур — инсон фазилати», «Тадбиркорлик — санъат, ҳалоллик — фазилат, умр мазмуни», «Келин ҳам фарзанд» каби маънавий-маърифий мақолалар муаллифиидир.

## ЖОНБОҚИЕВ ХУДОЙБЕРДИ



Худойберди Жонбоқиев тарих фанлари номзоди, доцент.

1936 йилда Хитой Халқ Республикасида дехқон оиласида туғилган. 1959 йилда ўрта мактабни Коғозистонда тутатган. Шу йили Тошкент Давлат университетининг тарих факультетига ўқишига кириб, 1964 йилда муваффақиятли тутатган. Ўз иш фолиятини 1964—1966 йилларда Тошкент вилоятиning Тошкент районида ўқитувчи бўлиб ишлашдан бошлаган. 1966—1969 йилларда Тошкент Давлат

университетининг аспирантурасида ўқиган.

1973 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1973—1980 йиллар давомида катта ўқитувчи, ТДИУ «Иқтисодий тарих» кафедрасида 1980 йилдан доцентлик лавозимида ишлаб келмоқда. Рус, турк ва хитой тилларини яхши ўзлаштирган.

Х. Жонбоқиев томонидан 8 та рисола, 3 та ўқув кўлланма, 10 та услубий кўрсатма, 30 та илмий мақолалар эълон қилинган.

## **ЖОМБОҚИЕВ БАХТИЁР**

Бахтиёр Жомбоқиев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1939 йил 15 апрелда Хитой Халқ Республикасининг Фулжа шаҳрида туғилган. 1961 йилда 10-синфни тутатган ва Олма ота шаҳридаги оёқ-кийим тикиш фабрикасида ишлаган. Шу йили ҳарбий хизматга чакирилиб, 1964 йилгача Москва шаҳрида хизмат бурчини адо этган. 1964 йилдан 1965 йилга қадар олдинги ишлаган оёқ-кийим фабрикасида ишлашни давом эттирган.

1965 йили июль ойида Тошкент Давлат университетининг Ҳукуқшунослик факультетига ўқишга кирган. 1970 йилда ўқишни тутатгач, Тошкент Халқ хўжалиги институтига «Ҳукуқ асослари» кафедрасига асистент, кейин ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1945 йилдан 1977 йилгача шу кафедранинг тадқиқотчиси, 1979 йилдан 1995 йилгача Тошкент Давлат юридик институтининг «Мехнат ҳукуқи» кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1981 йил март ойида Ленинград университетида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1995 йилдан ҳозирги кунгacha Молия институтининг «Менежмент ва ҳукуқ» кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

Б. Жомбоқиевнинг ўн бешдан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

## **ЖУМАЕВ ХОСИЯТБЕК**

Хосиятбек Жумаев физика-математика фанлари номзоди, доцент.

1946 йил 3 марта Қашқадарё вилоятининг Бешкент туманида таваллуд топган ва уларнинг оиласи орадан кўп ўтмай Тошкент вилоятининг Бўка туманига кўчиб келишган. У 1964 йилда мактабни тугаллаб, Тошкент Давлат университетининг Механика-математика факультетига ўқишга кирган ва 1969 йилда ўқишни якунлагач, давлат тақсимот комиссияси томонидан мазкур университет қошидаги «Математик таҳлил» кафедрасида асистент сифатида ишга қолдирлган.



1969—71 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. Ҳарбий хизматдан сўнг яна ТошДУга қайтган ва 1971—73 йилларда стажёртадқиқотчи, 1973—76 йилларда эса аспирант бўлган. У «Оптимал бошқарувни математик усуллари» йўналишида илмий изланишлар олиб борган ва ўтизга яқин илмий, ўқув-методик ишлар чоп эттирган.

Х. Жумаев 1998 йилдан Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Эҳтимоллар назарияси ва ҳисоблаш математикаси» кафедрасида доцент лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

### ТУРОБ ЖУМАЕВИЧ ЖУМАЕВ



Туроб Жумаевич Жумаев иқтисод фанлари номзоди, доцент. 1938 йил 10 майда Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Тупор қишлоғида дехқон оиласида таваллуд топган. Ўрта мактабни туттагандан кейин 1956—1958 йилларда Термиз педагогика билим юритида ўқиб, уни имтиёзли диплом билан тамомлаган. 1958—1963 йилларда Тошкент Давлат университети география факультетида ўқиган ва ушбу университетни иқтисодчи-географ

иҳтинослиги бўйича имтиёзли диплом билан тугалланган. 1963—1965 йилларда Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги ўрта мактабларда география ўқитувчisi, туман ёшлар қўмитаси ташкилий ишлар бўлими мудири вазифаларида ишлаган. 1965—1968 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институти «Иқтисодий география» кафедраси аспиранти. 1968 йилда ирригация муаммолари лабораториясида катта илмий ходим, 1969 йилда «Иқтисодий география» кафедрасида асистент, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаб келмоқда.

1991 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институти Тошкент Давлат иқтисодиёти университетига айлантирилган «Иқтисодий география» кафедраси «Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш» кафедрасига, ушбу кафедра эса 2000 йилда «Минтақавий иқтисодиёт ва экология» кафедрасига айлантирилган.

Т. Ж. Жумаев 10 дан ортиқ намунавий дастурларнинг асосий муаллифларидан ҳисобланади. Ушбу фанлар бўйича чоп этилган 20 босма табоқ ҳажмидаги маърузаларнинг хаммуалифиидир.

Т. Ж. Жумаевнинг илмий тадқиқот ишларининг асосий мавзуси Ўзбекистон тоф зонасининг барқарор ривожланиши муаммоларига бағишлиланган. 1971 йилда Сурхондарё вилояти тоф зонаси қишлоқ хўжалиги ривожланиши ва жойлашиши муаммоларига бағишлиланган номзодлик диссертациясини ёқлаган. Домланинг 80 дан ортиқ ҳажми 50 босма табоқдан кўпроқ илмий ишлари, шу жумладан монография, рисолалари нашр этилган. Қатор илмий ишлари хорижий мамлакатларда (Россия, Латвия, Арманистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Тожикистон, Жанубий Корея) нашр этилган. Ҳозирги пайтда Т. Ж. Жумаевнинг Ўзбекистон тоф зонаси барқарор ривожланишига бағишлиланган докторлик диссертацияси кафедра мажлисида ҳимоя қилишга тавсия этилган.

Т. Ж. Жумаев Тошкент давлат иқтисодиётуниверситети жамоат ишларида фаол иштирок этади ва жамоада обрў қозонган, вижданан ишлайдиган домлалардан ҳисобланади. Меҳнат фахрийси медали билан мукофотланган. Кўп марта самарали меҳнат фаолияти учун ректорат томонидан тақдирланган.

#### Асосий ишлари:

- Горы Узбекистана: природа, хозяйства, отдых. Т., «Мехнат», 1989.

2. Ўзбекистоннинг төгли жойларида қишлоқ хўжалиги. Т., «Фан», 1982.
3. Тоғларимиз — даромад манбаи. «Иқтисод ва ҳисобот». 1996, № 2, 58—61-бетлар.
4. Тоғ зонаси иқтисодиётини ривожлантириш муаммолари. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар». 1996, № 1—2—3, 10—16-бетлар.
5. Проблемы социально-экономического развития горных районов. Доклады Академии наук Азербайджана. 1998, № 3—4, с. 130—137.
6. Миллий тоғ сиёсати тўғрисида. Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 20-жилд. 1999.
7. Иқтисодий география. Маъruzалар (ҳаммуаллифлар: К. Н. Абиров, Н. Р. Ражабов). ТДИУ. Т. 2000.

## ЖУМАНИЁЗОВ КАРИМБОЙ ҚУТИМОВИЧ



Каримбой Кутимович Жуманиёзов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1958 йил 25 июля Қоракалпогистон Республикаси Беруний шаҳрида туғилган. 1975 йилда 35-сонли ўрта мактабни тутатиб, Тошкент Ҳалқ хўжалиги институти Ҳисоб-иқтисод факультети «Саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолияти таҳлили ва назорати» мутахассислиги бўйича 1-курсга қабул қилинган.

1979 йилда мазкур институтни мувоффақиятли тутатиб, Беруний шаҳар пахта тозалаш заводига ўз мутахассислиги бўйича ишга борган. 1980—81 йилларда ҳарбий хизматда бўлган.

1985 йил 1 январдан Тошкент Ҳалқ хўжалиги институти «Саноатда бухгалтерия ҳисоби, таҳлили ва назорати» кафедрасига аспирантурага қабул қилинган.

1988 йил Москва Давлат университетида номзодлик диссертациясини мувоффақиятли ёқлаган.

1990—93 йиллар мобайнида Режа-мoliaя бўлимида бошлиқ, 1993—97 йилларда «Ташқи иқтисодий фаоли-

ятда бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасида мудир бўлиб ишлаган. 1997 йилдан ҳозирги пайтгача Халқаро иқтисодий муносабатлар факультетида декан лавозимида ишлаб келмоқда.

Шу йиллар давомида бир неча илмий мақолалар, ўқув-методик қўлланмалар чоп этган. Профессор С. К. Қодирхонов билан биргаликда «Бухгалтерский учет во внешнеэкономической деятельности» (Ўқув қўлланмаси). Т., 1995; «Молиявий ҳисоб» (1-қисм), 1995; «Молиявий ҳисоб» (2-қисм), 1995 ва ўнлаб илмий мақолалар муаллифири.

### ЖУМАЕВ КУРБОНМУРОД ХУРРАМОВИЧ

Курбонмурод Хуррамович Жумаев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1965 йил 21 апрелда Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани Кўкбулоқ жамоа хўжалигининг Бойкўрғон қишлоғида туғилган. 1982 йилда ўрта мактабни тамомлаган. 1983—1985 йилларда ҳарбий хизматда бўлган.

1986 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг Халқ хўжалигини режалаштириш факультетига ўқишга қабул қилинган ва 1990 йилда мазкур институтнинг «Халқ хўжалигини режалаштириш» мутахассислигини имтиёзли диплом билан тамомлаган. 1990 йилдан «Халқ хўжалигини режалаштириш» кафедрасида асистент лавозимида ишга қолган.

1993 йилдан 1996 йилгача ТДИУнинг кундузги аспирантурасида ўқиган ва 1997 йилда номзодлик дисертациясини ҳимоя қилган.

1997 йил сентябрдан ТДИУдаги «Муаммолар лабораториясида» илмий ходим ва катта илмий ходим лавозимларида, 1998 йил сентябрдан университетнинг «Ишлаб чиқариш иқтисоди ва бизнеси» кафедрасида



катта ўқитувчи, 1999 йил сентябрдан эса «Макроикти-содиёт» кафедрасида доцент лавозимида ишламоқда.

ТДИУда ишлаш давридаги илмий-педагогик фаллияти давомида ўн бешдан кўпроқ илмий мақола ва тезисларни чоп эттириш билан бирга ТДИУ қошидаги «Ўқитувчилар ва иқтисод соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини ошириш институтининг 1993 ва 1999 йилларда «Бозор иқтисоди» тайёрлаш, 1994 йили Республика тил ўрганиш марказида «Инглиз тили», 1995 йили Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бухгалтерлар ва аудитерлар ассоциацияси ҳамкорлигида ўтказган «Маҳсулот» (иш, хизмат)лар таннархига киритиладиган маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркибида ҳамда молиявий натижаларни шаклланиш тартиби тўғрисидаги Низомни қўллаш», 1998 йили «TACIS» программаси бўйича «Қишлоқ хўжалиги сиёсати таҳлили» курсларини тамомлаган.

### ЖУМАБОЕВ ҚУАНИШ ТОШКЕНБОЕВИЧ



Қуаниш Тошкенбоевич Жумабоев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Жумабоев Қуаниш Тошкенбоевич 1942 йил 16 октябрда Қозогистон Республикаси Қизил Орда вилояти Чинли туманида ишчи оиласида туғилган.

1963 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Маълумотларни машинада қайта ишлашни ташкил қилиш» мутахассислиги бўйича ўқишига кирган. 1968 йилда Институтни тутатгач, йўллан-

ма билан Марғилондаги Режа-иқтисод техникумига ишга юборилган. Дастреб ўқитувчи лавозимида, 1970 йилдан эса техникум ўқув бўлимни бошлиги лавозимида ишлаган. 1972 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг аспирантурасига ўқишига кирган.

1972—1989 йилларда Ўзбекистон Республикаси пахта тозалаш вазирлиги қошидаги Бош тармоқ ҳисоблаш Марказининг директори лавозимида ишлаган. 1985 йилда режадаги топширикъларни муваффақиятли бажаргани учун Ўзбекистон Республикаси пахта тозалаш вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

1978 йили Кибернетика институтида диссертация ҳимоя қилиб, иқтисод фанлари номзоди илмий дарајасига эга бўлган.

1990—1995 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг босмахонаси бошлиги бўлиб ишлаган.

Тошкент Давлат итисодиёт университетининг «Ахборот технологияси» кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

К. Т. Жумабоевнинг йигирмадан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

### ЖЎРАЕВ ЗОКИРЖОН НАЗАРОВИЧ

Зокиржон Назарович  
Жўраев иқтисод фанлари  
номзоди, доцент.

1947 йил 19 январда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1965 йилда ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент Политехника институтига ўқишга кирган ва уни 1970 йилда имтиёзли тамомлагандан сўнг раҳбарият берган йўлланма асосида меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Фанлар академиясининг Кимё институтида лаборант, кичик илмий ходим лавозимларидан бошлаган.

1972 йилда аспирантуррага кириб, 1975 йили номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1978—1983 йилларда Ўрта Осиё Озиқ-овқат саноати



илмий тадқиқот лойиҳаси ва конструкторлик институтида катта илмий ходим лавозимида меҳнат фаолиятини давом эттирган.

1983 йилдан бошлаб Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Товарщунослик» кафедраси катта ўқитувчиши, 1987 йилдан шу кафедра доценти, 1995 йилдан то шу вақтгача «Маркетинг ва ташқи иқтисодий фаолият» кафедрасининг доценти лавозимида меҳнат фаолиятини давом эттириб келмоқда.

З. Жўраев қатор йиллар (1986—2000) мобайнида ТДИУ қошидаги малака ошириш институтида «Ҳисоблаш техникаси», «Педагогик маҳоратни ошириш», «Бозор иқтисодиёти муаммолари» курсларини тамомланган.

З. Жўраев «Озик-овқат товарлари бўйича ситуациян масалалар», «Товарлар ва халқаро стандартлар» ва «Реклама асослари» фанлар модели, «Ишлаб чиқариш амалиёти дастури» каби ўкув-услубий ишларни ҳамда «Маркетинг тадқиқотлари» ўкув қўлланмаси муаллифи ҳисобланади.

З. Жўраевнинг 30 га яқин илмий мақолалари чоп этилган. Жумладан, «Умумий овқатланишни индустриялаш муаммолари» (1989), «Бозор иқтисодиёти шароитида кенг халқ истеъмоли товарларининг рақобатдошлиги ва сифатини ошириш» (1991), «Бозор иқтисодиётига ўтиш давомида маркетинг: муаммо ва ечимлар» (1997) ҳамда Халқаро илмий-амалий анжуман материалларида чоп этилган. Илмий иш натижалари 1986 йилда Бутундунё ўшлари фестивалида, 1987 йилда Ўзбекистон Республикаси XXЮКда диплом ва кўкрак нишони билан тақдирланган.

## ЖЎРАЕВ ТОШБОЛТА ТЎХТАЕВИЧ

Тошболта Тўхтаевич Жўраев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1956 йил 10 майда Жиззах вилояти Бахмал тумани «Тонготар» жамоа хўжалигида туғилган. 1977 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг қишлоқ хўжалиги иқтисоди факультетини имтиёзли диплом билан битирган. 1977—1983 йилларда Жиззах вилояти Бахмал туманининг турли қишлоқ хўжалик корхоналарида бух-

галтер, катта бухгалтер ва бош иқтисодчи лавозимларида ишлаган.

1983 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг Жиззах шаҳридаги филиалида ишлаш учун асистент лавозимига сайланган. 1987—1989 йилларда ТХХИ «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» кафедрасида аспирантурада ўқиган.

1990 йилдан «Қишлоқ хўжалик мақсадларидағи асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишининг иқтисодий самарадорлигини ошириш» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1991 йилдан катта ўқитувчisi, 1992 йилдан эса доцент лавозимларида ишлаган. 1997 йилдан ҳозирги кунгача Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Иқтисодиёт назарияси» кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда. Кўплаб халқаро, республика ва университет миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда қатнашиб маъruzалар қилган.

Т. Жўраев ўзининг илмий-педагогик фаолияти давомида 50 номдан кўпроқ 40 босма табоқдан ортиқ монография, ўкув ва услубий кўлланмалар, маъруза матнлари ҳамда илмий мақолалар чоп эттирган.

Т. Жўраев томонидан «Иқтисодиёт назарияси» фанидан тайёрланган маърузалар матни Давлат комиссияси томонидан ўкув кўлланма сифатида кўпайтиришга тасвия қилинган ва кўп нусхада чоп қилинган. У 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси «Олий таълим аълочиси» нишони билан тақдирланган.

#### Асосий илмий ишлари:

1. Ижтимоий инфраструктура: унинг моҳияти, ривожланиши ва истиқболлари. (Монография) Т., 1992.
2. Мулкчилик ва уни рўёбга чиқаришнинг иқтисодий шакллари. (Ўкув кўлланма) Т., 1992.
3. Мулкчилик тури шакллари шароитида тадбиркорлик фаолияти. (Ўкув кўлланма) Т., 1994.



4. Пул, капитал ва хазина мажбуриятлари бозори. Молия, кредит-банк тизими ва давлатнинг солиқ сиёсати. (Ўқув қўлланма) Т., 1994.
5. Жаҳон хўжалигининг иқтисодий ва оламшумул муаммолари. (Ўқув қўлланма) Т., «Ўқитувчи», 1994.
6. Иқтисодиёт назарияси фанидан тест савол-жавоблари. (Ўқув қўлланма) Т., 1998.
7. «Иқтисодиёт назарияси» маъruzалар матни. Т., 2000 ва бошқалар.

## ЖЎРАЕВ ШОКИР ЖУМАЕВИЧ

Шокир Жумаевич Жўраев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1961 йил 1 октябрда Қашқадарё вилояти, Фузор тумани Керайт қишлоғида дэҳқон оиласида туғилган. 1978 йилда ўрта мактабни олтин медалга туғатган. 1979 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтига ўқишига кирган. 1983 йилда институтнинг Ҳисоб-иктисод факультетини тугатган. 1983—1985 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1985 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институти «Бухгалтерия

ҳисоби» кафедрасида ассистент лавозимида ишлаган.

1987—1990 йилларда Москва Давлат Университетида аспирантурасида ўқиган ва номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1990—1993 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида ассистент, сўнгра доцент лавозимида ишлаган. 1993 йилда Трент университетининг (Англия) БМТ ва Британия Кенгashi томонидан уюштирилган «Бозор иқтисодиёти шароити», «Бухгалтерия ҳисоби» курсларини тамомлаган. 1997 йилдан ҳисоблаш ва тўлов тизими департаментида директор лавозимида ишлаган.



1998—2001 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасида регионида иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш дастури сектори мудири лавозимида ишлаган.

2001 йил январдан эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси худудий ва соҳавий тараққиёт дастури бўлими мудири, Ахборот-таҳдил бошқармаси бошлиги муовини лавозимида фаолият қўрсатиб келмоқда.

Ш. Ж. Жўраевнинг ўн босма табоқдан зиёд илмий, амалий ишлари чоп этилган.

### ЖЎРАЕВА КОММУНА ҲАЙДАРОВНА

Коммуна Ҳайдаровна Жўраева иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1958 йил 10 марта Тошкент туманида туғилган. 1975 йилда 21-ўрта мактабни олтин медаль билан тутатган ва шу йили Г. В. Плеханов номидаги Москва Халқ хўжалиги институтига кирган ва уни 1979 йилда имтиёзли тутатган. 1982 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1983 йилдан бошлаб Тошкент Халқ хўжалиги институтида ишлаб келмоқда. 1993—2000 йилларда АҚШда хизмат сафарида бўлган ва ўз малакасини ошириб қайтган.

К. Ҳ. Жўраева Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозогистон Республикалари тижорат банклари учун банк ходимлари тайёрлаш ва қайта тайёрлашда фаол иштирок этмоқда.

Доцент К. Ҳ. Жўраева томонидан 75 б/т.дан зиёд илмий ишлар чоп этилган.



## **ЗАЙНУТДИНОВ МУХИДДИН ҲУСАИНОВИЧ**

Муҳиддин Ҳусаинович Зайнутдинов иқтисод фанлари номзоди, доцент. «Фахрий профессор».

1927 йил 2 февралда Тошкент шаҳрида зиёли оила-да туғилган. 1950 йилда Тошкент Молия-иқтисод институтини тутатган. Аспирантурани битиргач, 1955 йили фан номзоди илмий даражасига эга бўлган.

М. Зайнутдинов университетимизда 45 йил хизмат қилган. Иш жараёнида асистент, доцент ва профессор лавозимларида ишлаган.

М. Зайнутдинов раҳбарлигида иккита фан номзоди тайёрланган. У киши «Режа-иқтисод» факультетининг декани (1958—1964), «Қишлоқ ҳужалик иқтисоди» факультетининг декани (1964—1966) ҳамда тайёрлов бўлимининг мудири лавозимларида ишлаган.

«Шуҳрат» медалининг совриндори ва бир неча Фахрий Ёрлиқлар билан тақдирланган.

Проф. М. Зайнутдинов бир неча дарслик, ўкув-услубий қўлланмалар ва илмий мақолалар муаллифидир. Чунончи: «Янгийўл район қишлоқ ҳужалигининг ривожланиши», «Большой резерв гектара», «Иқтисодий терминларнинг қисқача лугати» (ҳамкор.) ва бошқалар.

1994 йилдан шахсий нафақаҳўр.

## **ЗАПАРХЎЖАЕВ ШУКУРИЛЛА ФАТХУЛЛАЕВИЧ**

Шукурилла Фатхуллаевич Запархўжаев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1950 йил 22 апрелда Тошкент шаҳрида туғилган. 1967 йилда 10-синфи тутатгач, Тошкент Халқ ҳужалик институтига «Саноатни планлаштириш» мутахассислиги бўйича ўқишига кирган ва уни 1972 йилда тутатган. 1972—1973 йилларда ҳарбий хизматни ўтаган.

1974 йилдан эътиборан 1987 йилгача Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иқтисодиёт институтида катта лаборант, кичик илмий ходим ва илмий ходим лавозимларида меҳнат қилган. 1978—1981 йилларда ЎзР Фанлар академиясининг Иқтисодиёт институтида «Меҳнат иқтисоди» ихтисослиги бўйича аспирантурада ўқиган.

1982 йилда «Ўзбекистон саноатида меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари ва унинг тармоқлараро хусусиятлари» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган.

1988—1990 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Меҳнатни Илмий ташкил этиш ва бошқарув» кафедрасида доцентлик вазифасида хизмат қилган.

1991—1999 йилларда Тошкент Молия Институтида ўқув бўлими, 2000 йилдан бошлаб мазкур институтнинг «Менежмент ва хуқуқ» кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Илмий-педагогик фаолияти даврида 20 дан зиёд илмий, ўқув-услубий мақолаларни чоп этишга муваффақ бўлган.



### ЗИЁЕВ ТУРГУН МУСЛИМОВИЧ

Тургун Муслимович Зиёев иқтисод фанлари номзоди, доцент, «Фахрий профессор».

1936 йил 21 декабрда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган.

1955 йилда Тошкент шаҳридаги 41-мактабни битирган. 1959 йилда Тошкент Молия-иқтисод институтининг кредит бўлимини тутатган. 1959—1960 йиллари Бухоро вилояти Давлат банкида кредит бўлимининг инспектори лавозимида ишлаган.



1960—1962 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат банкининг Тошкент шаҳар бўлимида кредит инспектори, сўнгра катта инспектор лавозимида ишлаган. 1965 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг аспирантурасини тугатган.

Хозирда «Иқтисодиёт назарияси» кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

1973 йилда «Ўзбекистон саноатида асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1996 йилда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорининг буйруғи билан Т. Зиёевга Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Фахрий доктор»и унвони берилган.

Професорлар И. Саифназаров, Ш. Шодмоновлар билан ҳамкорликда Президент И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асарини ўрганиш бўйича ўкув-услубий моделини ёзган.

20 босма табоқдан ортиқ, 60 дан зиёд номда иммий ишлари чоп этилган.

### ЗОКИРОВ НОСИР ҚЎЧҚОРОВИЧ

Носир Қўчқорович Зокиров физика-математика фанлари номзоди, «Фахрий профессор».

1944 йил 3 июлда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1962 йилда ўрта мактабни олтин медалга тамомлаб, Тошкент Давлат университетининг Механика-математика факультетига ўқишига кирган. 1963—1966 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1970 йилда университетни муваффақиятли тамомлаб, Ўзбекистон Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг йўлланмаси билан



Тошкент Халқ хұжалиғи институтининг «Олий математика» кафедрасынан иштеген. Аввал кафедра асистенти лавозимда фаолият олиб борган. 1976—1979 йилларда аспирантурада ўқыган. 1983 йилда Москвада собиқ иттилоқ Фанлар академиясы қошидаги Марказий иқтисодий математика институти Илмий Кенгашыда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилған.

Н. Зокиров 1984 йилдан «Олий математика» кафедрасынин катта ўқытуvчиси, 1986 йилдан бошлаб ҳозиргача кафедра доценти лавозимда хизмат қилиб келмекта. У бир монография ва 40 га яқын илмий ва услубий мақолалар мұаллифи. Н. Зокиров Москва, Таллин, Тбилиси ҳамда Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтган конференцияларда қатнашган ва маъruzalар қилған.

### ЗИЁЕВ ФОФУРЖОН МУРОДОВИЧ

Фоғуржон Муродович Зиёев физика-математика фанлари номзоди, доцент.

Тошкент вилоятida 1954 йил 21 декабрда та-  
валлуд топған. 1976 йили Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика институтининг физика факультетини тамомлаган. 1976 йилдан 1999 йилгача Гу-  
листон Давлат Университетида турли лавозимлар-  
да фаолият күрсатған. 1979—1983 йилларда Моск-  
ва Давлат Университети-  
нинг аспирантурасыда таҳсил олған.

Кўп йиллик илмий изланишлари якуни сифатида 1990 йилда физика-математика фанлари номзоди ил-  
мий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилған.

30 дан ортиқ илмий рисола ва мақолалари хори-  
жий давлатлар ва республикамизнинг илмий журнал-  
ларида ва анжуман тўпламларида чоп этилган.



Ҳозирги пайтда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети Ихтисослашган Олий Бизнес мактабининг директори муовини вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

### ЗИЯТОВ АБДУРАҲМОН



Абдураҳмон Зиятов фалсафа фанлар номзоди, доцент.

1918 йилда туғилган.

Тошкент Педагогика институтининг тарих факультетини битирган. 1943—1952 йилларда Тош-Дуда, 1950—1952 йилларда Ўзбекистон халқлари музейида директор вазифасида, 1953—1973 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтида доцент бўлиб ишлаган. 1973 май ойидан бошлаб Тошкент консерваториясида «Фалсафа» кафедраси мудири лавозимида ишлаган.

Ўзбекистон Республикаси «Шуҳрат» медали совриндори.

А. Зиятовнинг ўттиздан ортиқ илмий ишлари чоп этилган.

### ЗУЛЬЯРОВ АБЛЕКИМ БАКРИЯРОВИЧ

Аблеким Бакриярович Зульяров юридик фанлари номзоди, доцент.

1941 йил 16 июнда Хитой Халқ Республикасининг Сумул шаҳрида туғилган.

1955 йилда Олма-Ота вилоятининг Уйгур тумани Галжат қишлоғига келишган ва шу ердаги ўрта мактабни 1961 йилда тамомлаган.

1961—1964 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1970 йилда Тошкент Давлат университетининг Юридик факультетини туфтан. 1970—1972 йилларда Беларусь ҳарбий окруғида офицер бўлиб хизмат қилган.

1972—1974 йиллари Олма-Ота вилоятидаги Энбекшиказак туманининг Жанашар қишлоғида Қишлоқ Кенгаси котиби вазифасида ишлаган. 1974—1976 йилларда Тошкент вилояти Ижтимоий таъминотида катта назоратчи-бухгалтер лавозимида ишлаган.

1976—1986 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва хуқуқ институтида кичик илмий ходим лавозимида ишлаган ва корхоналараро ташкилотларни ривожлантиришда банк кредитининг тутган ўрни бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1986—1991 йилларда эса Тошкент Халқ хўжалиги институтида катта ўқитувчи, 1991 йилдан то бугунга қадар Тошкент Молия институтида доцентлик лавозимида ишлаб келмоқда.

Илмий фаолиятида 3 та монография чиқаришда иштирок этган. «Банк хуқуқи» китоби ҳамда Республика журналларида 15 га яқин илмий мақолалари чоп этилган.

### ИБАДУЛЛАЕВА ХАБИБА

Хабиба Ибадуллаева тиббиёт фанлар номзоди, доцент.

1945 йил 22 апрелда Чимкент вилоятида туғилган.

1962 йилда Тошкент шаҳридаги 2-ўрта мактабни тамомлаган.

1964—1970 йилларда Тошкент Давлат Тиббиёт институтини битирган ва педиатр бўлиб 6-сонли тургукхонада ишлаган.





1975—1986 йилларда Тошкент педиатрия илмий-текширув институтида кичик ва катта илмий ходим лавозимларида ишлаган.

1985 йилда Москва шаҳридаги Педиатрия илмий-текширув институтида номзодлик диссертациясини ёқдаган.

1987 йилдан Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Махсус тайёрлов» кафедрасининг катта ўқитувчиси лавозимига қабул қилинган.

1992 йилдан эса «Махсус тайёрлов» кафедраси мудири лавозимида ишламоқда.

Х. Ибадуллаеванинг ўндан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

### **ИБРАГИМОВ АКРОМ ТУРСУНХЎЖАЕВИЧ**



Акром Турсунхўжаевич Ибрагимов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1974 йилда Тошкент Халқ ҳўжалиги институтини тугатган ва шу йилдан бошлаб, «Ҳўжалик фаолияти таҳлили» кафедрасида ассистентлик лавозимида ишлаган. 1983 йилда «Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва назорат» ихтисослиги бўйича номзодлик диссертациясини Москва Давлат Университети илмий кенгашида ҳимоя қилган. 1985 йилда доцентлик илмий

даражасини олган. 1990 йилдан бошлаб «Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби» кафедрасининг мудири, сўнгра Тошкент Молия институти ташкил этилгандан бошлаб ҳозиргacha «Молиявий таҳлил» кафедрасининг мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

А. Ибрагимов кўп йиллик меҳнат фаолиятида 50 тадан ортиқ номдаги турли илмий, услугбий асарлар муаллифи. Унинг «Меҳнат» нашриётида чоп этилган «Молиявий таҳлил» китоби ва «Иқтисодий таҳлил» фанидан масалалар тўплами амалий машғулотни олиб боришда услугбий қўлланма сифатида талабалар ўртасида кенг фойдаланилмоқда.

1990—2000 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатган чет эл дастурлари айниқса, ТАСИС лойиҳасида иштирок этиб, Италия, Гречия, Туркия, Россия ва Қозоғистон давлатларида ўз малакасини оширган ва тегишли сертификатларга эга бўлган. Чет эл дастурлари ёрдамида 10 б.т. ҳажмда 4 та номдаги илмий ва услугбий қўлланмалар чоп этган.

А. Ибрагимовнинг кўп йиллик самарали меҳнати ҳисобга олинган. У 1999 йилда «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим аълочиси» кўкрак нишони ва фахрий ёрлиги билан тақдирланган.

### ИБРАГИМОВ ЭРКИН УСМАНОВИЧ

Эркин Усманович Ибрагимов техника фанлари номзоди, доцент.

1934 йилда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган. 1954 йилда Кўкча даҳасидаги 40-ўрта мактабни тутатиб, Тошкент Политехника институти Энергетика факультетининг талабаси бўлган.

1960—1964 йиллар мобайнида В. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси заводида катта муҳандис лавозимида ишлаган. 1964 йилда Тошкент Политехника институтининг самолётсозлик факультетининг «Самолётсозликда ишлатиладиган электр асбоблар ва қурилмалар» мавзуси бўйича диплом ишини ёзib тутатган. 1964—1967 йилларда шу институтнинг «Информацион-ўлчов техникиаси» факультети аспиранти бўлган.



1972 йилда Кибернетика институтининг бирлашган илмий кенгашида «Магнит модуляцион силжиш датчиклари» мавзуси бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган.

1973 йилдан бошлаб Тошкент Давлат Халқ хўжалиги институти «Ҳисоблаш машиналари ва программалаштириш» кафедрасининг катта ўқитувчи, 1985 йилдан кафедра доценти лавозимида ишлаб келмоқда.

Э. У. Ибрагимовнинг юзга яқин илмий мақола, услубий қўлланмалар ва кўрсатмалар ёзиб, чоп эттирган.

### ИБРАГИМОВ МАҲМУД



Маҳмуд Ибрагимов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1932 йил 15 октябрда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1950 йилда 75-урта мактабни тамомлаб Тошкент Тўқимачилик институтининг механика факултетига кирган ва уни 1955 йилда тутатган. 1955—1957 йилларда Боёвут пахта корхонасида бўлим бошлифи ва корхона муҳандиси лавозимларида хизмат қўлган.

1958—1970 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иқтисод ин-

ститутида илмий ходим лавозимларида хизмат қилган. Шу даврда (1959—1961) институт аспирантурасида ўқиган.

1967 йилда иқтисод фанлари бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1970 йил апрель ойида Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Саноат иқтисодиёти» кафедрасига таклиф этилган ва шу кафедрада доцентлик лавозимида 27 йил хизмат қилган. Кафедрада «Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, режалаштириш ва бошқариш», «Макроиқтисодиёт» ва бошқа фанлардан маъruzалар ва амалиёт дарсларини олиб борган.

Ўз билимларини мустаҳкамлаш мақсадида 1976 йилда Ленинград Муҳандислик-иктисодиёт институтининг малака ошириш факультетида; 1983 йили Москва бошқариш институтида; 1990 йилда «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг режалаштириш бўлимида ва Тошкент Давлат Техника университетида тажриба ўрганган.

Маҳмуд Ибрагимов ўқитувчилик ва ташкилий ишлардан ташқари ҳаммуаллифликда бир қатор илмий ишлаб муаллифидир.

Булар монографиялар ва ўкув қўлланмалари ва илмий мақолалардир.

#### **Асосий илмий ишлари:**

1. «Экономика машиностроения Узбекистана», (Ҳаммуаллиф), Т., 1963.
2. «Эффективность капитальных вложений в промышленность Узбекистана», (Ҳаммуаллиф), Т., «Фан», 1969.
3. «Проблемы специализации машиностроения Узбекистана», (Ҳаммуаллиф), Т., «Фан», 1971.
4. «Саноат экономикаси», Ўкув қўлланма, (Ҳаммуаллиф), Т., 1972.
5. «Саноат корхоналари фаолиятини ташкил этиш, планлаштириш ва бошқариш», (Ҳаммуаллиф), Ўкув қўлланма, Т., «Ўқитувчи», 1979.
6. «Саноат ишлаб чиқариши: экономикаси, ташкил этилиши, планлаштирилиши», (Ҳаммуаллиф), Ўкув қўлланма, Т., «Ўқитувчи», 1989 ва бошқалар.

## ИБРАГИМОВ АБДУГАФУР КАРИМОВИЧ



Абдугафур Каримович Ибрагимов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1957 йил 1 ноябрда Жиззах вилояти, Бахмал тумани (Ўсмат посёлкаси)-да туғилган.

1964 йил шу тумандаги Усмон Юсупов номли 5-ўрта мактабга бориб, уни 1974 йили олтин медаль билан тутатган. 1974 йилдан Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Қишлоқ хўжалигига бухгалтерия ҳисоби, назорати ва таҳлили» ихтисослигига кирган. Уни 1978 йилда тутатиб, «Қишлоқ

хўжалигига бухгалтерия ҳисоби ва таҳлили» кафедрасига ассистент лавозимига ишга қолдирилган.

1983 йилда Москва Давлат университетининг иқтисад факультетига кундузги аспирантурага қабул қилинган.

1986 йилда «Агросаноат мажмуида норматив ҳисобини такомиллаштириш» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. Тошкент Халқ хўжалиги институтига яна ишга қайтиб келиб, «Қишлоқ хўжалигига бухгалтерия ҳисоби» кафедрасига ассистент лавозимига қабул қилинган. 1989 йилда шу кафедрада доцент лавозимига ўтган. 1991 йилда Тошкент Молия институти ташкил топиши муносабати билан «Бухгалтерия ҳисоби» кафедрасига доцент лавозимига қабул қилинган.

1996 йилда Банк Молия Академиясига «Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит» кафедраси мудири лавозимига ўтган. 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Миллий банкида Назорат тафтиш бошқармаси бошлифи вазифасида иш бошлади ва ушбу бошқарма кейинчалик «Ички аудит бош бошқармаси» деб номланиб юритилганда ҳам бошлиқ лавозимида ишлаган. 1998 йили

октябрь ойида Банк Молия Академиясининг «Илмий маркази» бошлиғи, 2000 йил февраль ойида «Бухгалтерия ҳисоби, таҳдил ва аудит» кафедраси мудири ла-возимига ўтказилган.

А. Ибрагимов ушбу даврда жами 48 та илмий мақола, монография, ўқув қўлланмаси, дастур ва бошқа илмий ишлар чоп қилинган. Уларнинг умумий ҳажми 51 босма тобоқни ташкил этади. Жумладан, «Ижара ва кичик корхоналарда бухгалтерия ҳисоби ҳамда иқтисодий назоратни ташкил этиш», «Қўшма корхоналарда бухгалтерия ҳисоби», «Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби» монографиялари чоп қилинганд. Ушбу даврда А. Ибрагимов раҳбарлигида иккита аспирант номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишган.

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича малака ошириш мақсадида Англия (1993), Австрия (1997), Туркия (1998), Голландия (1999), Малайзия (1999)да бўлиб, ушбу соҳадаги илмий янгиликлар ва илгор тажрибаларни ўрганиб келган.

## ИБРОҲИМХЎЖАЕВ ИСМОИЛХЎЖА

Исмоилхўжа Иброҳимхўжаев инглиз тили мутахассиси, филология фанлари номзоди, доцент.

1942 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган.

1959 йилда 28-мактабни битиргач, ҳарбий хизматда бўлган. 1963 йилда Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг инглиз тили факультетига кириб, уни 1968 йилда муваффақиятли тугатди ва мазкур институтнинг «Инглиз тили фонетикиаси» кафедрасига ишга таклиф этилган. Шу йил июль ойида Миср Араб Республикаси Қоҳира шаҳрига хизмат сафарига кетган. 1970 йили хориждан қайтгач,



педагогик фаолиятини давом эттирган. 1972 йилда Морис Торез номидаги Москва Давлат чет тиллар педагогика институтига стажировкага борган ва 1977 йилда ушбу институтнинг аспирантурасини тугатган.

1979 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади. Сўнгра Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг «Инглиз тили лексикологияси» кафедрасида ишлай бошлаган. 1982—1985 йилларда яна Миср Араб Республикаси Қоҳира шаҳрида хизмат сафарида бўлган.

Филология фанлари номзоди И. Иброҳимхўжаев 1986—1990 йилларда Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтида педагогик фаолиятини давом эттирган. 1991 йилдан бошлаб Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Тиллар» кафедрасига мудир этиб тайинланган. 1996 йилгача Республика Иқтисодиёт лицейида чет тиллари бўлимидага раҳбар ва 1996 йилдан эса мазкур университетнинг «2-сон чет тиллар» кафедраси мудири бўлиб ишлаб келмоқда.

И. Иброҳимхўжаев Университетда компьютердан фойдаланишни кенг йўлга кўйган ва компьютерда тилни ўрганиш бўйича маҳсус дастурлар тайёрлаган.

Хозирги пайтда компьютерда тил ўқитиш бўйича бир қанча чет элда чиқарилган маҳсус дастурларга эга, айниқса мультимедиадан фойдаланиш ва «TOEFL» бўйича талабаларни тайёрлашга катта эътибор беради. Инглиз тилини ўқитишда қўлланиладиган бир қанча тест тўпламлари ва илмий мақолалар чоп этган.

## ИВАТОВ ИРИСБЕК

Ирисбек Иватов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1950 йилнинг 7 октябрда Чимкент вилоятининг Сайрам тумани Қорамурт қишлоғида таваллуд топган.

1968 йил Самарқанд кооператив институтининг «Савдо иқтисоди» мутахассислиги бўйича ўқишига кириб, уни 1972 йилда имтиёзли диплом билан тугатган. 1972—1974 йилларда Москва кооператив институтининг педагогика факультетида ўқиган. Институтни муваффақиятли тугатиб, Фарғона кооператив техникумига «Савдо иқтисоди» мутахассислиги бўйича ишга юборилган.

1974—1976 йилларда Фарғона политехника институтида асистент лавозимида ишлаган. 1976—1979 йил Узбекистон Республикаси Фанлар академиясининг

Иқтисод институтида аспирантурада ўқиган ва 1982 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1980 йилдан 1990 йилгача шу институтда катта лаборант, кейин илмий ходим, катта илмий ходим, етакчи илмий ходим, бўлим мудири лавозимларида фаолият кўрсатган.

И. Иватов Тошкент Давлат иқтисодиётуниверситетида 1990 йилдан ишлай бошлаган. У «Савдо иқтисодиёти» кафедрасида доцент, Тижорат факультетида декан мувонини ва 1997 йилнинг августидан ҳозирга қадар Университетнинг «Иқтисодий билимларни тарқатиш маркази»га раҳбарлик қилиб келмоқда. 1994 йилдан «Халқаро туризм иқтисоди» кафедрасида доцент лавозимида ҳам фаолият юритмоқда.

ТДИУдаги «Иқтисодиёт ва таълим» илмий журналнинг масъул котиби лавозимини ҳам бажариб келмоқда.

У 1995—1996 йилларда Жаҳон Банкнинг Иқтисодий ривожланиш институти томонидан ташкил қилинган «Ижтимоий ҳимояда сиёsat, лойиҳа ва дастур» семинар-кенгашларида қатнашган. Москва, Вашингтон шаҳарларида маҳсус тайёрлов курсни тутатган. У 1997 йилда «Маркетинг ва менежмент» курслари бўйича Буюк Британиянинг Ноттингем Университетида ўз малякасини оширган.

Олимнинг элликдан зиёд илмий, илмий методик мақолалари чоп этилган. Унинг мақолалари Москва, Олма-Ота, Бишкек шаҳарларида ҳам чоп этилган. У 3 та монографиянинг муаллифи.

## **ИВАНОВА СВЕТЛАНА БОРИСОВНА**

Светлана Борисовна Иванова иқтисод фанлари номзоди, доцент.





С. Б. Иванова күргина хорижий мамлакатларда ўз малакасини оширган.

Доцент С. Б. Иванова томонидан бир неча ўкув кўлланмалар ва ўнлаб илмий мақолалар чоп этилган.

1958 йил 25 марта туғилган.

1975 йилда ўрта мактабни тугатган. 1982 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг Иқтисодий кибернетика факультетини битирган ва шу кафедрада ишга қолдирилган. 1983 йилда аспирантурага ўқишигга кирган.

1992 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган. ТДИУ «Иқтисодий кибернетика» кафедрасида дастлаб асистент, катта ўқитувчи ва ҳозиргача доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

## ИЛҲОМОВ МАҲМУД



Маҳмуд Илҳомов кимё фанлари номзоди, доцент.

1938 йилда Тошкент вилояти, Тошкент туманининг Ҳасанбой қишлоғида ишчи оиласида туғилган.

1956 йилда 19-сонли ўрта мактабни тугатган. 1962 йилда Ленинград Тўқимачилик институтини тугатган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Кимё институтида катта лаборант бўлиб ишлаган. 1970 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1972—1978 йилларда Озиқ-овқат илмий текшириш ва проектлаш институтида катта илмий ходим бўлиб ишлаган. 1978—1991 йилларда Халқ ҳўжалиги институтининг «Тармоқлар технологияси» кафедрасида аввал катта ўқитувчи, кейин доцент лавозимларида ишлаган. 1991 йилдан буён Тошкент Молия институтининг «Микроиқтисодиёт» кафедрасида доцент лавозимида ишламоқда.

Иш фаолияти даврида 35 тадан ортиқ илмий мақолалар, битта оммабон рисола чоп этган, 5 та муаллифлик гувоҳномасини олган. Ундан ташқари, талабалар учун 50 босма тобоқдан ортиқ методик кўрсатма ва қўлланмалар муаллифи. Жумладан, «Физикавий ва коллоид химиядан лаборатория ишлари учун методик кўрсатма» (Ҳамкор.), 1983; «Лабораторный практикум по физколлоидной химии» (Ҳамкор.), 1996; «Физикавий ва коллоид химиядан лаборатория ва контролъ ишларини бажариш учун методик кўрсатмалар» (Ҳамкор.), 1989; «Аналитик химиядан лаборатория ишларини бажариш учун методик кўрсатмалар» (Ҳамкор.), 1984; «Табиий офтальмология» ва «Табиатшунослик асослари» (Маърузалар матни) бошқа асарлар муаллифи.

### ИСТОМИН АЛЕКСАНДР АЛЕКСЕЕВИЧ

Александр Алексеевич Истомин 1942 йил Курск вилоятида туғилган. 1946 йилдан Тошкент шаҳрида ўрта мактабни, жисмоний тарбия институтини туттаган. Институтни туттагандан сўнг ушбу институтнинг спорт кураши кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, кафедра мудири лавозимларида ишлаган.

Бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон терма командасини дзюдо кураши бўйича 21 йил давомида бош тренерлиги вазифасини бажарган.

1988 йилдан бошлаб Иқтисодиёт университетида ишлаб келмоқда.

Университетда доцентлик илмий даражасини олган.

Илмий ва спорт фаолиятидаги ижобий кўрсаткичлари учун унга Иқтисодиёт университетининг «Фахрий доктори» унвони берилди.



А. А. Истомин университетнинг илмий-методик ишларига катта ҳисса кўшиб келмоқда. Унинг таҳрири остида 3 та ўкув қўлланмаси ва 30 дан ортиқ илмий-методик ишлар чоп этилган.

Дзюдо кураши бўйича ўкув қўлланмаси тренер ва спортчилар учун асосий китоб ҳисобланади.

А. А. Истомин «Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси» мудири, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазир-

лигининг масъул ходими ҳамда жисмоний тарбия ва спорт бўлимини бошқаради.

А. А. Истомин Республика дзюдо федерациясининг вице-президенти, университет футбол клубининг президенти, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигидаги илмий-методик кенгаш аъзоси.

А. А. Истомин 3 карра жаҳон чемпиони, хизмат кўрсатган спорт устаси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тренер, Халқ таълими аълочиси.

## ИНОМОВ ИКРОМЖОН



Икромжон Иномов иқтисод фанлари номзоди, профессор.

1930 йил 10 февралда Наманган вилояти, Тўракурғон тумани, Найманча қишлоғида таваллуд топган.

1954 йилда Тошкентдаги Ўрта Осиё Давлат университетини муваффақиятли тугатиб, Наманган вилоят мактабларида ўрта мактаб директори, Халқ таълимида инспектор

бўлиб ишлаган. 1959—1960 ўкув йилдан то ҳозиргача И. Иномов Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида ёшларга билим сирларини ўргатиб келмоқда.

Толмас педагог олим юздан зиёд илмий ишлар ёзган. Унинг «Ўзбекистон шаҳарларининг ривожланиши», «Ўзбекистон иқтисодиёт: муаммолар ва ечимлар», «Ўзбекистоннинг янги шаҳарлари», «Бозор иқтисодиёти: муаммолар ва ечимлар», «Иқтисодиёт назарияси фани бўйича» ўкув қўлланмалари каби илмий ишлари нашр этилган.

### ИСАМУҲАМЕДОВ СОДИҚ СОБИРОВИЧ

Содиқ Собирович Иса-  
муҳамедов физика-мате-  
матика фанлари номзоди,  
«Фахрий профессор».

1940 йилда 18 июнда  
Тошкент шаҳрида туғил-  
ган.

Мактабни аъло баҳолар  
билин тамомлагандан сўнг  
1959 йилда Тошкент Дав-  
лат университетининг Механика-математика фа-  
культетига ўқишига кирган.  
1964 йилда Университет-  
ни имтиёзли диплом би-  
лан тамомлаган.

1968—1986 йилларда С.  
Исамуҳамедов Ўзбекистон  
Фанлар академиясининг  
математика институтида ишлаган. 1975 йилгача кичик  
ilmий ходим, 1975 йилдан катта ilmий ходим бўлиб  
ишлаган. 1975 йилда «Иккинчи тур аралаш типдаги тен-  
гламалар учун чегаравий масалалар» номли мавзуда фи-  
зиқа-математика фанлари ilmий даражасини олиш учун  
номзодлик диссертациясини ёқлаган.

С. Исамуҳамедов 1986 йил апрель ойидан 2000 йил  
февраль ойигача Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Олий математика» кафедраси мудири вазифа-  
сида, сўнгра кафедрада доцент бўлиб ишлаб келмоқда.



С. Исамуҳамедовнинг илмий раҳбарлигида Ж. Орамов (1983), Н. Жўраев (1989), М. Акбарова (1995) физика-математика фанлари бўйича номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ёқлаганлар.

С. Исамуҳамедов 40 дан ортиқ илмий, илмий-методик ишларнинг муаллифидир.

**ИСЛОМОВ  
БАХТИЁР АНВАРОВИЧ**

Бахтиёр Анварович Исломов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1954 йил 6 январда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топган. Ўз иш фаолиятини 1971 йилда Тошкент Электротехника алоқа институтида лаборант сифатида бошлаган. Москва Давлат Халқаро алоқалар институтини битирган. Институтни тугатгандан кейин Фанлар Академияси қошидаги Жаҳон социал

тизимлар иқтисодиёт институтининг аспирантурасига тавсия қилинган ва 1981 йилда халқаро иқтисод бўйича диссертацияни ёқлаб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олган. 1981—1987 йилларда Тошкент Электротехника алоқа институтини «Сиёсий иқтисод» кафедрасида асистент сифатида ишлаган. 1983—1987 йилларда Ўзбекистон Республикаси Тащқи ишлар вазирлигига бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган. 1987—1988 йилларда Дипломатия Академияси қошидаги раҳбар дипломатик кадрлар малака ошириш курсларини битиргач, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиумидаги «Халқаро алоқалар» бўлимини бошқарган.

1990 йилда Ўзбекистон ҳукумати томонидан танланган З та олим ичидаги Гарвард университетига таклиф қилинган ва профессор лавозимида фаолият кўрсатган. 1993 йилдан бошлаб ТДИУда ишлаб кел-



моқда. Дастлаб доцент, «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро ривожланиш» кафедраси мудири, халқаро иқтисодий алоқалар бўйича проректор бўлиб ишлади. Кейинчалик Япониядаги Тохоку ва Хитоцубаши Университетига профессор сифатида таклиф қилинди. Ҳозирги пайтда «Ташқи иқтисодий фаолиятни муқобиллаштириш ва божхона иши» кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Марказий Осиёдаги мустақил давлатларининг иқтисодиётига оид 30 дан ортиқ илмий ишлар чоп этилган. Шу жумладан, «Марказий Осиё мустақил давлатлари 10 йил ўтгач: ривожланиш, трансформация ва глобализация муаммолари» монографияси, 2 та рисола, 20 дан ортиқ журналда чоп этилган мақолалар муаллифи.

### ИСЛОМОВ ҚАҲРАМОН АНВАРОВИЧ

Қаҳрамон Анварович Исломов физика-математика фанлари номзоди, доцент.

1947 йил 31 майдада Тошкент шаҳрида туғилган.

1965 йилда ТошДУ (ҳозирда Ўзбекистон Миллий университети) механика-математика факультетига ўқишига кирган ва 1970 йилда уни мувваффиятли битирган. 1971—1974 йилларда собиқ итифоқ Фанлар академияси Сибир бўлимининг Ҳисоблаш маркази қошидаги аспирантурада ўқиган (Новосибирск шаҳри). 1975 йилда физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлаган. Шу йилдан бошлаб у Ўрта Осиё Гидрометеорология институтида ва 1988 йилдан 1993 йилгача Ўзбекистон Фанлар академияси Математика институтида катта илмий ходим лавозимларида ишлаган.



1993 йил февраль ойидан Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги малака ошириш институтига ишга келган. Октябрь ойидан бошлаб ҳозирги пайтгача «Бизнесда математика ва информатика» кафедрасининг мудири лавозимида ишлаб келмоқда. 1996—97 йилларда шу институт директори муовини лавозимида ишлаган.

К. Исломовнинг педагогик фаолияти фақатгина малака ошириш институти билан чекланиб колмай, ТДИУнинг бошқа бўлимлари билан ҳам боғлангандир. У Халқаро бизнес факультетида ва МБА курсларида инглиз тилида маъruzалар ўқыйди.

К. Исломовнинг илмий изланишлари амалий математика, табиий муҳитни моделлаш, иқтисодиётдаги математика, қишлоқ хўжалик иқтисодиёти билан боғланган.

Унинг 30 дан ортиқ илмий ишлари Япония, АҚШ, Россия, Қозогистон ва Ўзбекистонда чоп этилган.

К. Исломов ТДИУнинг халқаро алоқалар фаолиятида фаол қатнашди. 1994 йилда у Euro CIS дастури бўйича (1994 йил май-октябрь ойларида) Франция ва (1994 йил ноябрь, 1995 йил февраль) Англияда бўлиб, бозор иқтисодиётини ва унга оид асосий фанларини ўрганди ҳамда чет эл фирмаларининг иш фаолияти билан яқиндан танишди.

Ундан ташқари, Жаҳон банки (1993, 1994, 1996) ва ТАСИС (1997, 1999) дастурлари семинарларида қатнашди.

К. Исломов Япониядаги Тохоку университети билан шартнома асосида 1997 йил июлдан 1998 йил 31 январгача «таклиф қилинган профессор» вазифасида Сендей шаҳрида ишлади ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига бўлаётган ўзгаришлар, ривожланишлар тўғрисида инглиз тилида монография ёзди ва халқаро конференциясида маъруза қилди. 1999 йилда у Токиода бўлди ва ЛИСА ваколатхонаси билан Хитоцубаши университетида маъruzalар ўқиди.

К. А. Исломовнинг элликдан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

## ИСХОҚОВ ИЛЁС

Илёс Исҳоқов фалсафа фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

1917 йил 23 февралда Қозоғистоннинг Сайрам қишилогида таваллуд топган. У ўрта мактабни туттагач, мактабда ўқитувчилик қилган. Иккинчи жаҳон уруши йиллари жараённида жанг майдонларида жасорат кўрсатганлиги учун кўпгина орден ва медаллар билан тақдирланган.

Илёс Исҳоқов 1943 йилда оғир ярадор бўлиб Ўзбекистонга қайтиб келган. Қатор йиллар Республиканинг раҳбарлик лавозимларида ҳамда сайлов ташкилотларида ишлаб келган.

1962 йилдан И. Исҳоқов Тошкент Халқ хўжалиги институти «Фалсафа» кафедрасида ишлай бошлаган. У номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Доцентлик лавозимида ишлаган.

1972 йилдан умрининг охиригacha (1984 йилгacha) «Фалсафа» кафедрасига раҳбарлик қилган.

Олимнинг ўн бешдан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

И. Исҳоқов 1984 йилда вафот этган.



## ЙЎЛДОШЕВ ЗОКИР

Зокир Йўлдошев иқтисод фанлари номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълим ходими.

1941 йил 18 декабрда Тошкент вилоятининг Паркент шаҳрида дәхқон оиласида туғилган.

Ўрта мактабни 1959 йилда тутатиб, Тошкент Халқ хўжалиги институтига ўқишга кирган. Институтни 1964



йили тугатгач, Республика қишлоқ хўжалиги вазирлиги ихтиёрига юборилган. У ердан қишлоқ хўжалигига раҳбар ходимлар тайёрлаш курсини тутатгандан сўнг Юқори Чирчик туманидаги «Юқори Чирчик» боғдорчилик хўжалигидаги иқтисодчи бўлиб ишлаган. 1965 йил май ойида Юқори Чирчик туман Машина ҳисоблаш станциясида бошлиқ бўлиб ишлаган. 1966 йил декабргача ҳарбий хизматда бўлган.

1967 йил февралдан бошлаб Тошкент Халқ

хўжалиги институтида стажёр-тадқиқотчи, аспирант, асистент, катта ўқитувчи, доцент ва профессор бўлиб ишлаган. 1973 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1991 йилдан бошлаб, «Макроиктисодиётни бошқариш ва режалаштириш» кафедрасининг профессори бўлиб ишлаб келган. Ўқитувчилик фаолиятини ташкилий иш билан қўшиб олиб борган. Хусусан, 1973 йилдан бошлаб факультет деканининг муовини, тайёрлов бўлимининг бошлиғи, факультет декани лавозимларида ишлаган. 1988 йилда Тошкент Халқ хўжалити институти ректорининг кечки ва сиртқи бўлимлари бўйича муовини, сўнгра ўқув-тарбиявий ишлар бўйича проректор ва ўқув-услубий ишлар бўйича биринчи проректор лавозимларида ҳам ишлаган.

1996 йил октябрь ойидан бошлаб Республика Олий таълим вазирлигининг фармойишига кўра Тошкент Молия институти ректорининг ўқув-услубий ишлар бўйича проректори лавозимида ишлаб келмоқда.

Республика Олий таълим аълочиси совриндори З. Йўлдошев раҳбарлигидага бешта фан номзодлари тайёрлаган.

Иқтисодчи олим З. Йўлдошев 129 б. т. да 101 номда илмий-услубий мақола чиқарган, 5 номдаги ўқув қўлланма муаллифиdir.

### **Асосий илмий ишлари:**

1. Иқтисодий ва Социал ривожланишни режалаштириш. (Дарслик). Т., «Ўқитувчи», 1990.
2. Бозор иқтисодиёти: Муаммолар ва ечимлар. Т., «Билим», 1990.
3. Бозор иқтисоди асослари, ТДИУ, 1992.
4. Мустақиллик шароитида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёти. «Билим». 1992.
5. Макроиқтисодиёт асослари. (Ўқув қўлланма). Т., «Ўқитувчи», 1994.
6. Республика Миллий иқтисодиёти. (Ўқув қўлланма.) Т., ТМИ ва бошқалар.

### **ЙЎЛДОШЕВ ШАРОФУЛЛА АТАУЛЛАЕВИЧ**

Шарофулла Атауллаевич Йўлдошев — профессор.

1927 йилда Оренбург вилояти Сарактош тумани Шашма қишлоғида туғилган.

1932 йилдан бери Ўзбекистонда яшайди.

1953 йилда Тошкент Молия-иқтисод институтини имтиёзли тугатган.

1954 йил сентябрь ойидан эътиборан ТХХИ ва Тошкент Молия институтида ишлаб келмоқда (дастлаб асистент, сўнгра катта ўқитувчи, доцент, профессор).

1967—86 йилларда «Меҳнатни илмий ташкил этиши ва бошқариш» кафедраси мудири ҳамда савдо иқтисод факультети декани лавозимида ишлаган.

«Макроиқтисодиёт» кафедраси профессори Ш. А. Йўлдашевнинг 150 б/тдан зиёд 100 номдан кўп илмий ишлари (2 монография, 5 та ўқув қўлланма ва 20 та рисола) чоп этилган.



## **ЙҮЛДОШЕВ ОЛИМ МАДАМИНОВИЧ**



Олим Мадаминович Йүлдошев тарих фанлари номзоди, доцент.

1955 йил 6 декабрда Фарғона вилояти Дангарга туманида ишчи оиласида туғилган.

1963—1973 йилларда «Нодира» номли 26-ўрта мактабни тугатган ва 1974—1976 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1976—1978 йилларда Дангарга туманидаги курилиш бошқармасида қурувчи бўлиб ишлаган. 1979—1984 йилларда Тошкент Давлат университетининг Тарих факультетини имтиёзли

диплом билан тугаллаган. 1985 йилдан Тошкент Халқ хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети)нинг «Тарих» кафедрасида ассистент, сўнгра катта ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1993 йилда «Ўзбекистонда экологик аҳвол ва унинг соғломлаштириш муаммолари» бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1999 йилда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Банк иши» мутахассислигини ҳам тугатган.

Ҳозирги кунда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти» кафедрасида доцентлик ловозимида ишлаб келмоқда. Шу йиллар давомида 10 босма табоқдан ортиқ ўқув ва илмий мақола ҳамда рисолалар чоп этган.

## **КАШАПОВ ҲАМИД КАШАПОВИЧ**

Ҳамид Кашапович Кашапов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1928 йилда Андикон шаҳрида туғилган. 1950 йилда Тошкент Молия-иқтисод институтини имтиёзли тутатған. 1950—63 йилларда Андикон Давлат банкида дастлаб инспектор, сўнгра бўлим бошқарувчиси лавозимларида ишлаган.

1968 йилда Тошкент Халқ ҳўжалиги институти аспирантурасини битирган. 1970 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1968 йилдан эътиборан ТХХИ да дастлаб ассистент, катта ўқитувчи ва сўнгра доцент лавозимларида ишлаб келган.

Ҳ. К. Кашаповнинг йигирмадан зиёд илмий ишлари чоп этилган.



### КАЛАНОВ БАҲОДИР ЗИКИРИЛЛАЕВИЧ

Баҳодир Зикириллаевич Каланов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1943 йил 19 январда Тошкент шаҳрида туғилган.

1967 йилда Тошкент Халқ ҳўжалиги институтини муваффақиятли битирган. 1969—1972 йилларда институтнинг кундузги аспирантурасида ўқиган. Аспирантурани тутатгач, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига эришган.

1979—1991 йилларда



тайёрлов бўлимининг мудири бўлган. 1991—1997 йилларда кечки факультетда декан бўлган. Илмий ишларида Ўзбекистон аҳолисини газ билан таъминлаш ва коммунал хўжалик тараққиётининг назарий, методологик, амалий томонлари ёритилган.

Б. Каланов майший хизмат кўрсатиш соҳасидаги АҚШ, Англия тажрибасини Ўзбекистон матбуоти саҳифаларида ёритган.

Б. Каланов Ўзбекистон Республикаси «Фахрий Ёрлиги» билан тақдирланган. 1998 йилдан бошлаб, ТДИУ маҳсус факультетининг декани лавозимида ишляпти.

#### **Асосий илмий ишлари:**

1. Эффективность основных фондов газовых хозяйств Узбекистана (монография). Т., «Узбекистан» 1975.
2. Проблемы развития жилищно-коммунального хозяйства, Т., «Узбекистан» 1984.
3. Состояние и основные направления развития жилищного хозяйства Узбекистана. Т., 1988.
4. Социальная защита населения Республики Узбекистан (Учебное пособие). Т., (Ҳамкор) ва бошқалар.

### **КАЛАНОВА МЎҶТАБАР ЗИКРИЛЛАЕВНА**



Мўътабар Зикриллаевна Каланова 1952 йили Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1969 йилда Тошкент шаҳрида ги 10-сонли ўрта мактабни битириб Тошкент Халқ хўжалиги институтига ўқишига киради ва уни 1973 йили имтиёзли диплом билан тутагтан.

1973—1975 йиллар илмий тадқиқотчи, 1975—1978 йиллар аспирант, 1978—1984 йиллар «Халқ хўжалигини режалаштириш» кафедраси ассистенти. 1983 йили номзодлик

диссертациясини ҳимоя қылган. 1986 йилдан ҳозирги кунгача «Макроиктисодиёт» кафедраси доценти лавозимида фаолият күрсатиб келмоқда.

М. Калонова томонидан 44 дан ортиқ илмий ва ўқув-методик ишлар, жумладын, битта монография ва иккита дарслык чоп этилган.

Вашингтон (АҚШ) шаҳрида инглиз тили интенсив курсини томомлаған ҳамда ТДИУ ва Мичиган (АҚШ) Давлат университети ўртасидаги алмашув дастурида қатнашган. Бундан ташқари, у халқаро валюта жамғармаси томонидан ташкил этилган (Австрия, Вена шаҳри) «Макроиктисодий таҳлил ва сиёсат» дастурини тутатди.

1996—1999 йиллари ТДИУ қошидаги «Келажак илми» Халқаро бизнес мактабининг Тошкент шаҳар ҳокимияти ходимларини ўқитиши дастурининг директори ва 1999 йилдан ҳозирги кунгача Евразия жамғармаси директори лавозимида муваффақиятли меңнат қилмоқда.

### КАРИМОВА ДИНОРА ЖАМАЛОВНА

Динора Жамаловна  
Каримова физика-математика  
файлари номзоди,  
доцент.

1940 йил 19 апрелда  
Самарқанд шаҳрида туғилган. 1957 йил Тошкент  
шаҳридаги 50-ўрта мактабни  
битирган.

Шу йили Ўрта Осиё  
Давлат университетининг  
механика-математика  
факультетига ўқишига кирди.  
1960 йилда ўқиши айло  
бўлгани учун М. В. Ломоносов  
номидаги Москва  
Давлат университети (Россия)  
га юборилган. 1963  
йилда Москва Давлат  
университети механика-математика  
факультетининг математика  
мутахассислигини тутатган.



1963—77 йилларда Ўзбекистон Республикаси ФА Кибернетика институтида дастлаб катта лаборант, сўнгра лаборатория мудири бўлиб ишлаган. 1966 йилдан 1969 йилгача аспирантурада ўқиган. 1972 йилда «Ҳисоблаш математика»си мутахассислиги бўйича физика-математика фанлари номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1978 йилдан Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида ишлаган. 1988 йилдан «Иқтисодий кибернетика», «Иқтисод ва ижтимоий меҳнат» кафедраларида катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси ФА Кибернетика институтида, Москва Бошқарув Академиясида, Республика Жаҳон тиллари Университети қошидаги Тил ўрганиш марказида ўз малакасини оширган. Тегишли сертификатларга эга. Кўп йиллар мобайнида ижтимоий-иқтисодий жарайёни моделлаштириш, автоматлаштириш муаммолари билан шуғулланган. Унинг учта монографияси, учта ўқув қўлланмаси, мақола ва маъруза матнлари чоп этилган; умумий сони 64 дан ошиқ бўлиб, 70 босма табоқдан ортиқдир.

### КАРИМОВ НОРБОЙ ФАНИЕВИЧ

Норбой Фаниевич Каримов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1967 йил 5 сентябрда Жizzах вилоятида ишчи оиласида таваллуд топган. 1984 йил ўрта мактабни тамомлаб, «Бахмал» жамоа хўжалигида иш фаолиятини бошлаган.

1985 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтига қабул қилинган. 1985—1987 йилларда ҳарбий хизматни ўтаган. 1991 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Молия-кредит» ихтисослигини имтиёзли диплом билан тамомлаган. 1991 йилдан Тошкент Молия институтининг «Халқ хўжалик тармоқлари молияси ва инвестициялар» кафедрасида асистент лавозимида меҳнат фаолиятини давом эттирган.

1995 йилларда Тошкент Молия институтининг аспирантурасида таҳсил олган.

1996—1998 йилларда «Ўзсаёҳатинвестбанк»да бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғи, раис муовини каби лавозимларда ҳам фаолият кўрсатган,

1998 йилда Банк-молия академиясида «Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига қўйиладиган хорижий инвестициялар ва уларнинг молиявий таъминоти» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1998 йил октябрь ойидан Тошкент Молия институтида «Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш» кафедрасига мудирлик вазифасига ўтказилди. «Лойиҳавий молиялаштириш» йўналиши бўйича Республикада биринчи бўлиб кадрлар тайёрлаш ташаббускори ва фаол иштирокчиси бўлган.

1999 йил сентябрь ойидан бошлаб Тошкент Молия институтининг сиртқи Кредит-иктисод факультетининг декани лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Н. Г. Каримовнинг ўндан зиёд илмий ишлари чоп этилган.



### КАРИМОВ ФАТҲУЛЛА

Фатхулла Каримов иқтисод фанлари номзоди, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи.

1944 йилда Тошкент шахрида туғилган. 1966 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтини тугатиб, мутахассислиги бўйича Тошкент қурилиш Бош бошқармасида катта муҳандис-иктисодчи лавозимида 1971 йилгача ишлаган. 1966 йилдаги зилзила оқибатларини бартараф қилишда фаоллик кўрсатганлиги учун 1970 йилда «Тошкент курувчиси» нишони билан тақдирланган.

1971—1973 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг аспиранти. 1974 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган. Шу йилдан бошлаб «Саноат иқти-



содиёти» кафедрасининг катта ўқитувчisi, 1977 йилдан эса кафедра доценти бўлиб ишлаб келган.

1975—1980 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг сиртқи-кечки факультетида декан мувонни, 1980—1991 йилларда эса шу факультетда декан вазифасида ишлаб ган.

1991 йилдан бошлаб Тошкент Молия институти ректори мувонни вазифасида ишлаб келмоқда.

Ф. Каримов юксак ма-

лакали педагог бўлиши

билан бир қаторда истеъдодли, ташаббускор раҳбар ҳамдир.

Ф. Каримов Ўзбекистон иқтисодиётининг долзарб муаммоларини республика оммавий ахборот воситалари орқали халқقا тарғиб қилишда фаол иштирок этиш билан бир қаторда, Америка, Италия ва Туркия каби хорижий давлатларда ўтказилган семинарларда ўз маърузалари билан иштирок этган.

Хозирги кунда Ф. Каримов Республика Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирилиги қошидаги «Молия ва кредит» ихтисослиги илмий методик кенгаши раисининг ўринбосари, Олий таълим муаммолар институтининг илмий кенгаши аъзоси.

Ф. Каримов иқтисодиёт, хусусан, микроиктисодиёт, кичик бизнес ва тадбиркорлик фани соҳасида салоҳиятли олимлардан ҳисобланади. У томонидан 20 дан ортиқ илмий рисолалар, ўқув қўлланма ва илмий мақолалар (70 босма табоқдан ортиқроқ) чоп этилган.

## КАРИМОВ АКРОМЖОН ТОЖИДИНОВИЧ

Акромжон Тожидинович Каримов иқтисод фанлари номзоди, профессор.

1943 йил 15 январда Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Олтиариқ қишлоғида туғилган.

1960 йилда Тошкент Молия-иктисод институтига ўқишига кириб, 1965 йилда битирган. 1965—1968 йилга қадар Фарғона вилояти Олтиариқ туманида машина-ҳисоблаш станциясининг бошлиғи бўлиб ишлаган.

1968—1969 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институти «Ҳисоблаш техники» кафедраси асистенти, 1969—1973 йилларда Москва Молия академияси аспиранти, 1973 йилдан Тошкент Халқ хўжалиги институтида асистент, катта ўқитувчи, доцент, 1992 йилдан эса кафедра профессори лавозимида ишлаган.

1982—1983 йилларда институт касаба уюшмаси раис муовини, 1984—1985 йилларда «АСОЭИ» кафедраси мудири, 1986—1997 йилларда иқтисодий информатика ва менежмент факультети декани, 1999 йилдан ҳозирги вақтгача Халқаро туризм факультети мутахассислар малакасини ошириш бўлими бошлиғи ва «Туризм менежменти» кафедраси профессори лавозимларда фаолият кўрсатмоқда.

1977 йилда Катовице Олий иқтисодий мактабда (Польша) илмий стажировка ўтаган. 1992 йилда Анқара университетида (Туркия), 1996 йилда Нью-Йорк университетида (АҚШ) малака ошириш курслари ва халқаро семинарларда иштирок этган.

1989 йилда Варна Университетида (Болгария)ги халқаро илмий конференцияда маъруза билан иштирок этган.

Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

А. Т. Каримовнинг қирқдан зиёд илмий ишлари чоп этилган.



## КАРИМОВ АКРОМ АББОСОВИЧ



Акром Аббосович Ка-  
римов иқтисод фанлари  
номзоди, доцент.

1953 йил 25 февралда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган. 1970 йилда ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Халқ хўжалиги институтига ўқишига кирган. 1974 йилда институтни тугатиб, Куролли кучлар сафида хизматидан сўнг, танлов асосида шу институтининг «Бухгалтерия ҳисоби, назорат ва таҳлил» кафедрасида ишга қолдирилган. 1980—1983 йиллар давомида Москва Давлат университетига кундузги аспирантурага кириб, диссертациясини муваффақиятли ёқлаб иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олган. 1987 йилдан бошлаб доцент лавозимига эга бўлган.

Иш фаолияти давомида жамоат ишларида фаол қатнашган. 1984 йилдан факультетда касаба уюшмаси раиси, 1987 йилдан 1991 йилгача Ҳисоб-иктисод факультети декани ўринбосари ва 1991 йилдан бошлаб Тошкент Молия институти Ҳисоб-иктисод факультети декани лавозимида ишлаб келмоқда.

1993 йилда Буюк Британияда, 1995 йилда АҚШда, 1997 йилда Италияда тажриба алмашиб, Республикализм иқтисодиётида бухгалтерия ҳисоби ва аудит масалалари бўйича ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш борасида малака ошириб келган. Ҳозирда олган билимларини ва тажрибасини ёш иқтисодчи мутахассисларини тайёрлашга қаратган.

Ўзбекистон Республикаси «Фахрий ёрлиги» билан тақдирланган.

Мустақил Республикаизда бухгалтерия ҳисоби, аудит ва бозор иқтисодиётга ўтиши масалаларига оид 50 дан ортиқ илмий асарлари ва мақолалари ҳамда 5 та ўқув қўлланмаси чоп этилган.

## КАРИМОВ ТОҲИР

Тоҳир Каримов фалсафа фанлари номзоди, доцент.

1946 йил 10 октябрда Хоразм вилояти, Янгибозор тумани, Чубаланчи қишлоғида таваллуд топган. 1963 йилда ўрта мактабни тугаллаган.

1966 йилда Тошкент Давлат университетининг фалсафа ва иқтисод бўлимига ўқишга қабул қилинган. 1971 йилда фалсафа бўлимини имтиёзли диплом билан тугаллаган. 1971 йил 1 сентябрдан бошлаб ЎзРФА Фалсафа ва хуқуқ илмий-тадқиқот институтида кичик илмий ходим бўлиб ишлаган.

1982 йилда «Илмий билишда реаллик муаммоси» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган. 1982 йил 19 январдан бошлаб Тошкент Халқ хўжалик институти (ҳозирги Тошкент Давлат иқтисодиёт университети) «Фалсафа» кафедрасида катта ўқитувчи, кейинчалик доцент лавозимларида ишлаб келмоқда.

Т. Каримов ўзининг ижодий фаолиятида кўплаб илмий мақолалар, рисолалар, китоблар чоп эттирган. Айниқса, кейинги пайтларда чоп эттирган мақолалари, китоблари орқали жамоатчиликка кенг танила бошланган олимдир. Хусусан, «Ижтимоий тараққиёт ва даврийизнинг жаҳоншумул муаммолари» (4,7 б. т.), Тошкент, 1997. «Муқаддас «Авесто» изидан», Т., «Чўлпон», 2000 ва бошқалар.

Умуман, Т. Каримов 150 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп, бадиий асарлар ёзиб чоп этдириган сермаҳсул ижодкор олимдир.



## КЕНЖАБОЕВ АМОН ТУРГУНОВИЧ



Амон Тургунович Кенжабоев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1959 йил 31 октябрда Жиззах вилояти, Фориш туманида ишчи оиласида таваллуд топган.

1977—1982 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институти «Иқтисодий кибернетика» факультетида таҳсил олган.

1982 йилда Кибернетикада илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида инженер.

1982—1984 йилларда ҳарбий хизматда.

1984—1986 йилларда

Кибернетика илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси инженери. 1986—1989 йиллар аспирантурада таҳсил олган; 1989—1990 йиллар кичик илмий ходим; 1991 йил илмий ходим;

1991 йил «Йирик саноат шаҳри ўсиш суръатларининг эконометрик моделлари» (Олмалиқ шаҳри мисолида) мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёқлаған;

1991 йил Тошкент Давлат иқтисодиёт университети Ҳисоблаш Маркази бошлиғи. 1992 йил Тошкент Иқтисодиёт университети «Жаҳон экологияси» кафедрасида доцент вазифасини бажарувчи. 1992 йил Тошкент Молия Институти ИАҚИАС кафедраси доценти.

1995 йилдан то ҳозиргача — Тошкент Молия институти «Информацион технологиялар ва моделлаштириш» кафедраси мудири.

1997 йилда Институт Илмий кенгаши қарори билан «Институтда хизмат кўрсатган доцент» унвони берилган. 2000 йил Молия-кредит йўналиши бўйича «УСТОЗ» фонди грант совриндори. Фонд мультиплікатори.

А. Т. Кенжабоев 60 дан ортиқ илмий ишларини

нашриётда чоп этган. 2 та монография, 2 та ўқув кўлланма ва 56 дан ортиқ ўқув-услубий ишлари, илмий мақолалари мавжуд.

### КИМ ЛЕВ ВАСИЛЬЕВИЧ

Лев Васильевич Ким физика-математика фанлари номзоди, доцент.

1943 йил 4 февралда Хоразм вилояти Гурлан туманида туғилган. 1960 йилда ўрга мактабни битириб, ТошДУнинг механика-математика факультетига кирган ва уни 1965 йилда тугатган. ЎзР ФА Математика институтидага кичик илмий ходим бўлиб ишлаган. 1974 йилда аспирантурани тугатган ва 1975 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган. Шу институтда катта илмий ходим бўлиб ишлай бошлаган.

2000 йил февралидан бошлаб ТДИУ «Олий математика» кафедрасида доцент лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Л. В. Кимнинг эҳтимоллар назарияси ва математик статистикага оид қирқдан зиёд илмий ишлари чоп этилган.



### КОЗИМОВА ГУЛЧЕХРА ВОҲИДОВНА

Гулчехра Воҳидовна Козимова иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1954 йил 12 майда Тошкент шаҳрида туғилган. 1971 йилда мактабни битириб, Тошкент Халқ хўжалиги институти «Иқтисодий кибернетика» мутахассислигига ўқишга кирган. 1976 йилда институтни муваффақиятли



битириб йўлланма бўйича «Кибернетика» илмий текшириш институтига ишга олинган. 1982 йилда шу институтда аспирантурага кириб, 1985 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Шу йилда Тошкент Халқ ҳужалиги институтига «Кибернетика» кафедрасига асистент бўлиб қабул қилинган. 1990 йилда доцент лавозимига ўтказилган ва ҳозирги вақтгача шу лавозимда меҳнат қилиб келмоқда.

1993 йилда «Жаҳон банки» программасида қатнашиб АҚШга малака оширишга юборилган. Сертификатга эга бўлиб, Давлат хизматларини «Бозор иқтисодиёти назарияси» бўйича Жаҳон банкини ўкув дастурларида етакчи лектор сифатида фаол қатнашган.

Унинг бир қанча илмий, илмий-методик ишлари, «Иқтисодий-математик усуллар ва моделлар», «Режалаштириш ва бошқарувда математик усуллар», «Эконометрика» каби ўкув қўлланмаларини нашр этган.

### **КОМИЛОВ ҚЎЧҚОР КОМИЛОВИЧ**

Қўчқор Комилович Комилов 1927 йилда Тошкент шаҳрида, ишчи оиласида туғилди. Ўрта мактабни аъло баҳолар билан битириб, заводда ишчи бўлиб ишлади.

1949 йилда Тошкент Давлат Педагогика институтининг математика факультетига ўқишга кирди ва уни мувффақиятли тугатди.

Ўқитувчилик фаoliyatini Тошкент шаҳар Чилонзор туманига қарашли 90-ўрта мактабда математика фанидан дарс бериш билан бошлади.

1955 йилда Тошкент Молия-иқтисод институтининг «Статистика ва математика» кафедрасига ўқитувчи бўлиб ишга кирди. 1992 йилгача ушбу Университетда фаoliyat кўрсатди.

40 йилга яқин ТДИУ-да ёшларга ғамхұр мұраббай, математика сирларини талабаларға диктат билан үргатувчи педагог сиғатида меңнат қылди. Ижтимоий тадбирларда фаол қатнашгани учун бир неча бор фахрий ёрлиқтар билан мукофотланған.

Қ. К. Комилов узоқ үйлар давомида ҳалол ва сермахсул меңнати учун 1987 йилда «Меңнат фахрийси» медали билан, 1995 йилда эса фашизм устидан қозонилған ғалабанинг 50 йиллик юбилей медали билан мукофотланди. 1994 йилда «Шұхрат» медали билан тақдирланди.

Қ. К. Комиловнинг талабалари ҳозирги кунда барча соҳада муваффақиятли меңнат қылмоқдалар. Академик С. С. Гуломов, проф. Р. Х. Алимов, проф. Ж. Ж. Жалолов, проф. Р. Х. Ахмедов домланинг шоғирдларидир.



### КОРИЕВА ЁҚУТЖОН КАРИМОВНА

Ёқутжон Каримовна Кориева иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1958 йил 25 апредда Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани Кенагас қишлоғида туғилған. 11-сонли ўрта мактабни 1976 йилда тутатған.

1983 йилда Тошкент автомобиль йұллари институтининг «Йўл ҳаракатини ташкил қилиш» мұтахассислигини тутатған.

1983 йилдан 1990 йилгача автомобиль транспорти



вазирлиги қошидаги «Ўзавтотранстехника» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасыда «Иқтисодиёт» бўлимида мутахассис иқтисодчи бўлиб ишлаган.

1990 йилдан 1993 йиллар давомида Тошкент Автомобил йўллари институти аспирантурасининг кундузги бўлимида ўқиган. Шу йиллар давомида «Автомобил транспортида болалар билан рўй берган йўл транспорт ҳодисаларга таъсир қиливчи ижтимоий-иктисодий омилларни тадқиқ қилиш» бўйича бир неча мақолалар ва рисоласи чоп этилган.

1993 йилда аспирантурани тугатиб, «Йўл ҳаракатини ташкил қилиш» кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1997 йилдан бошлаб мазкур институтнинг «Халқаро иқтисодий муносабатлар ва АУДИТ» кафедрасида фаолият кўрсатиб «Халқаро юкларни ташибининг устувор йуналишларини танлаб олиш самарадорлиги масалаларининг тадқиқоти» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Ҳозирги кунда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Маркетинг ва ташки иқтисодий фаолият» кафедрасида фаолият кўрсатмоқда.

Ё. К. Кориеванинг ўндан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

## ЛИ ДАРЬЯ МИХАЙЛОВНА

Дарья Михайловна Ли тарих фанлари номзоди, доцент.

1959 йил 2 июнда Тошкент туманида ишчи оиласида туғилган.

Москва Давлат университетининг тарих факультетини битиргач, ўз устидаги мустақил мутолаа қила бошлаган. Немис тили таржимонлиги курсини эгаллаган. Номзодлик диссертациясини ўз вақтида ёқлаган. Иккинчи мутахассислиги сифатида Қарши Давлат университети Иқтисодиёт факультетини сиртқи бўлимни тугатган.



Хозирда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» кафедраси доценти лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Д. М. Ли томонидан ўндан зиёд илмий ишлар чоп этилган.

## МАМАРАҲИМОВ ХОЛДОР

Холдор Мамараҳимов тарих фанлари номзоди, доцент.

1953 йил 10 апрелда Самарқанд вилояти, Нурутга туманида хизматчи оиласида туғилган. 1970 йилда 16-ўрта мактабни тутаттагач, 1970—1973 йилларда Самарқанд геология қидирув экспедициясида ишчи бўлиб ишлаган. 1973—1975 йилларда эса ҳарбий хизматда бўлган. 1976 йилда Тошкент Давлат университетини тайёрлов курсида, шу йилнинг сентябридан 1981 йиллар давомида ушбу

университетнинг «Тарих ва жамиятшунослик» мутахассислигини ва 1996 йилда Тошкент Молия институтининг «Молия ва кредит» мутахассислигини тутатган. 1981 йилдан 1987 йилга қадар Тошкент Политехника институтида ассистент лавозимида, 1987 йил 1 январидан Тошкент Халқ хўжалиги институти «Тарих» кафедрасида катта лаборант ва ассистент лавозимларида ишлаган.

1991 йилда номзодлик диссертацияни ёқлаган.

1997 йилдан эса Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Маънавият ва маърифат» бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда. 1997 йилда Англияning Нотингем Трент университетида менежмент ва маркетинг соҳаси бўйича малака оширишда бўлган. 1998—1999 йилларда Малайзия, Сингапур ва Таиланд каби



олий ўқув юртларда бўлиб, ушбу мамлакатлар тарихи билан яқиндан танишган.

Шу кунга қадар X. Мамараҳимовнинг ўқув қўлланмалари ва дастурлари ҳамда қўплаб илмий мақолалари чоп этилган.

## МАМАТОВ ДОНОБОЙ



Донобой Маматов фалсафа фанлари номзоди, доцент.

1932 йил 12 январда Самарқанд вилояти Булунғур туманида деҳқон оиласида туғилган. 1939 йилдан 1949 йилгача Булунғур туманидаги 5-ўрта мактабда ўқиган. 1949 йилда Самарқанд педагогика билим юртига ўқишига кирган. 1954 йилда ҳарбий хизматдан қайтгач, Жиззах педагогика билим юртини тутатиб, бошлангич мактаб ўқитувчи мута-

хассислигига эга бўлган. 1957 йилда Самарқанд Давлат университетининг тарих факультетига ўқишига кириб, уни 1962 йилда имтиёзли диплом билан тутатган. 1967—1991 йиллар Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида ўқитувчи ва доцент лавозимида ишлаган.

1982 йилда фалсафа фанлари номзоди илмий даражасига ва 1988 йилда эса доцент унвонига эга бўлган.

1991 йилдан бўён Тошкент Молия институтида доцент лавозимида ишляяпти.

Олимнинг ўндан зиёд илмий, ўқув-методик ишлари чоп этилган.

## МАМАТОВ З. Т.

З. Т. Маматов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1960 йилда Самарқанд вилояти Пойариқ туманида туғилган.

1981 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтини битириб, халқ хўжалигининг турли тармоқларида бухгалтер, бош бухгалтер лавозимларида ишланган.

1993 йилдан М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетида иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилган. Шу йили Тошкент Молия институти «Бухгалтерия ҳисоби, назорат ва аудит» кафедрасига катта ўқитувчиликка, сўнгра доцент вазифасини бажарувчи ва доцент лавозимларига ишга қабул қилинган.

З. Маматов маъруза, семинар ва амалий машғулот дарсларини педагогик жиҳатдан юқори савияда олиб боради.

З. Маматов ўз билимини доимий равишда ошириб боради. Европа иқтисодий ҳамкорлик жамияти дастури ва Британия кенгаши томонидан ташкил қилинган курсларда қатнашган.

Италия, Буюк Британия, Россия ва бошқа давлатларда ўз малакасини ошириб, халқаро симпозиум ва конференцияларда маъruzalar билан фаол қатнашиб келмоқда.

З. Т. Маматов 50 дан ортиқ чоп этилган ўқув қўлланмалари, илмий мақолалар ва методик кўрсатмалар муаллифидир.

## МАҚСУДОВ БЕГМАТЖОН ЙЎЛДОШАЛИЕВИЧ

Бегматжон Йўлдошлиевич Мақсудов иқтисод фанлар номзоди.





1968 йил 19 июлда Андижон вилоятининг Марҳамат туманига қаравшили Кўтарма қишлоғида таваллуд топган.

1985 йилда ўрта мактабни олтин медалга битиргач, Тошкент Халқ хуҷалиги институтига «Саноатда бухгалтерия ҳисоби, назорат ва иқтисодий таҳдил» мутахассислигига ўқишига қабул қилинган. 1987—1989 йилларда ҳарбий хизматда бўлган.

1991 йилда мазкур институтини битириб, «ТИФда бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасига ишга

қабул қилинган. 1992—1994 йилларда Туркия Республикасида малака оширган. 1997 йилда Банк-Молия Академиясида «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳдил ва аудит» мутахассислиги бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Бир неча хорижий семинарларда қатнашиб ўз малякасини оширган.

1998—2000 йилларда «Информатика, менежмент ва иқтисодий таълим педагогикаси» факультетида маънавий ва маърифий ишлар бўйича декан муовини вазифасида ишлаган.

Хозирда «Халқаро иқтисодий муносабатлар» факультетида декан муовини лавозимида ишлаб келмоқда.

Шу йиллар давомида бир неча илмий мақолалар, ўқув-услубий қўлланмалар чоп этган.

### МАҲКАМОВ ЖЎРАҚУЛ МАҲКАМОВИЧ

Жўрақул Маҳкамович Маҳкамов фалсафа фанлари номзоди, доцент.

1946 йил 19 июнда Жиззах вилояти Жиззах тумани Равот қишлоғида туғилган. 1961 йилда ўрта мактабни битирган. 1971 йилда Тошкент Давлат университети-

нинг фалсафа мутахассис-лигини тугаллагач, шу йилдан 1986 йилгача Тошкент Театр ва рассомчилик санъати институтида ўқитувчи, катта ўқитувчи лавозимларида ишлаган.

1976—79 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳукуқ институтида аспирантурада ўқиган ва «Сабабий боғланишларни билишда идеаллаштиришнинг роли» мавзусида номзодлик диссертацияси ни ёқлаган.

1986 йил октябридан Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида «Фалсафа» кафедраси доценти бўлиб ишлаб келмоқда. 1998 йилдан ҳозиргача «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиётини ўрганиш Маркази»га мудирлик қилмоқда. Университет маънавий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этмоқда.

Доцент Ж. М. Маҳкамовнинг 50 босма тобоқдан ортиқ илмий, ўкув, услубий ишлари чоп этилган.



### **МАҲКАМБОЕВ АБДУЛҲАҚ ТОЖИМАТОВИЧ**

Абдулҳақ Тожиматович Маҳкамбоев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1958 йил 15 ноябрда Тошкент вилояти Зангиота туманида хизматчи оиласида туғилган. 67-ўрта мактабни 1976 йилда «Олтин медаль» билан тугатиб, Тошкент шаҳридаги 2-пойафзал фабрикасида ишчи бўлиб ишлаган. 1977—1979 йилларда ҳарбий хизматни ўтаган. 1979 йилда Тошкент Ҳалқ ҳўжалиги институтининг тайёрлов факультетига ўқишга кирган. 1984 йилда Тошкент Ҳалқ ҳўжалиги институти Ҳисоб-иктисод факультети «Саноатда бухгалтерия ҳисоби» мутахассислигини имтиёзли диплом билан битирган.



1984 йилдан бугунга қадар Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Саноатда бухгалтерия ҳисоби, назорат ва ҳўжалик фаолиятини таҳдили» кафедрасида асистент, катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида ишлаб келмоқда. Шу билан биргалиқда 1995 йилдан бошлаб ҳозирга қадар «Ҳисоби иқтисод мутахассисликлари» сиртқи факультети декани муовини вазифасини бажармоқда.

1986 йилда М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети аспирантурасига кириб, 1989 йил ноябрь ойида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган

Доцент А. Маҳкамбоев томонидан бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ташкил қилиш соҳаларига оид бир неча илмий ишлар, ўқув ва услубий қўлланмалар, шу жумладан, 20 босма табоқдан ортиқ илмий ва 30 босма табоқдан ортиқ ўқув услубий ишлар чоп этилган.

У бир неча халқаро лойиҳаларда, шунингдек ТАСИС дастури грантлари асосида иштирок этмоқда. Хорижий мамлакатлар нуфузли ташкилотларида, жумладан, 1997 йил Буюк Британия Нотенгем Университетида маҳсус дастур бўйича малакасини ошириб келган.

### МАРПАТОВ МАВЛОНХОН ДАДАШЕВИЧ

Мавлонхон Дадашевич Марпатов иқтисод фанлари номзоди.

1956 йил 13 октябрда Тошкент вилояти Бўка туманининг Ҳўжакўргон қишлоғида туғилган. 1973 йилда Бўка туманинаги Фурқат номли ўрта мактабни тутаган. 1973—1975 йилларда Бўка туманинаги Ҳўжакўргон

жамоа хўжалигида ишлаган.

1975—1977 йилларда ҳарбий хизматда бўлган.

1977—1982 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтида ўқиган. 1982—1986 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Пул муомаласи ва кредит» кафедрасида асистент бўлиб ишлаган. 1990 йилда Москва Молия институтида кундузги аспирантурани туттаган.

1990 йил 15 февралда Москва Молия институтида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1990—1993 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институти ва Тошкент Молия институтининг «Пул муомаласи ва кредит» кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1993—1995 йилларда Ўзбекистон Акциядор-тижорат Саноат қурилиш банкида бошқарма бошлиғи, 1995—1997 йилларда Республика Ихтисослаштирилган Акциядор-тижорат Банки-Алоқабанкда Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари ва 1998 йилдан бошлаб Республика Акциядор-тижорат Банки «Фаллабанк»да бошқарма бошлиғи ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

Ўндан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

### МАҲМУДОВ ЭРКИН ҲАМЗАЕВИЧ

Эркин Ҳамзаевич Маҳмудов иқтисод фанлари номзоди, «Фахрий профессор».

1936 йил 27 октябрда Кўқон шаҳрида туғилган.

1956 йилда Тошкент Молия-иктисод институтига ўқишига кирган. 1960 йилда институтни тамомлаб, иқтисодчи мутахассислигига эга бўлган ва Тошкент Авиация техникумидаги ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1961 йилда институтга қайтиб, ўз фаолиятини «Саноат





иқтисодиёт» кафедрасида асистент сифатида бошлаган.

1968 йилда аспирантурага кирган ва 1972 йилда номзодлик диссертацияси ни ҳимоя қилган.

Э. Маҳмудов ўн йил давомида институт етакчи факультетининг декан мувонини бўлиб ишлаган.

1989 йилдан ҳозирги кунга қадар «Ишлаб чиқариш иқтисоди ва бизнес» кафедраси мудири бўлиб ишламоқда.

У ўқув-услубий ишларни мукаммал эгаллаган, кўплаб ўқув дастурлар ва

услубий режаларни ишлаб чиқсан.

Унинг раҳбарлиги остида кўплаб фан номзодлари тайёрланган.

Э. Ҳ. Маҳмудов Республикада тадбиркорлик ва бизнеснинг ривожланишига катта ҳисса қўшган. Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлифи ва икки маротаба «Олий мактаб аълочиси» унвонига эга бўлган.

Унга 1996 йилда университетнинг «Фахрий профессори» дипломи топширилган.

Э. Маҳмудов 4 та монография, 3 та дарслик ва ўқув қўлланмалар, 2 та рисола ва 150 та яқин илмий мақолалар муаллифdir.

#### Асосий илмий ишлари:

1. Эффективность капитального строительства (региональный анализ, проблемы и пути решения) Т., «Фан», 1987.
2. НТП: Оценка, планирования, управления. Т., «Мехнат», 1989.
3. Техническая база строительной индустрии Узбекистана. Т., «Ўзбекистон», 1978.
4. Рынок, бизнес и предпринимательство в Узбекистане. ТГЭУ, 1995.
5. Инвестиционный процесс в Узбекистане. Т., «Фан» 1989.
6. Научно-технический прогресс и эффективность инвестиции. Т., Уз НИИНТИ, 1986 ва бошқалар.

## **МАҲМУДОВА ЗЕБО РАИМОВНА**

Зебо Раимовна Маҳмудова филология фанлари номзоди, доцент.

1966 йил 21 майда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган.

1983 йилда 49-ўрта мактабни битирган. 1989 йилда Тошкент Давлат университетининг Ўзбек филологияси факультетини тутатган.

1990 йилдан Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедрасида ишлаб келмоқда.

1994 йилда аспирантурани битиргач, «Абдулла Қодирий ижодининг миллий ўзига хослиги» мавзусидаги номзодлик диссертацияси ни ҳимоя қилган.

1999 йилдан «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедрасида катта ўқитувчи, 2000 йилдан эса доцент лавозимида қўлланмалар ҳамда ўндан зиёд илмий мақолалар муаллифидир.

## **МАЬМУРОВ ЭГАМНАЗАР НОРБОЕВИЧ**

Эгамназар Норбоевич Маъмурев физика-математика фанлари номзоди, доцент.

1958 йил 25 марта Жиззах шаҳрида ишчи оиласида туғилган. 1965 йилда Жиззах шаҳридаги 4-сон ўрта мактабга кириб, уни 1975 йилда битирган. 1980 йилда Тошкент Давлат университетининг математика факультетини тамомлаган.

1983 илда эса мазкур университетнинг кундузги аспирантурасини битирган. 1984 йил январь ойида Тошкент Халқ ҳўжалиги институтининг «Эҳтимоллар назарияси ва ҳисоблаш математикаси» кафедрасига ассистент (ўқитувчи) лавозимига ишга қабул қилинган.





1988 йилдан катта ўқитувчи лавозимида ишлаган. 1991 йилда Тошкент Молия институти ташкил этилиши муносабати билан шу институтнинг «Математика» кафедраси катта ўқитувчиси лавозимида ишга қабул қилинганд.

1993 йилда физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олган.

1997 йилдан шу кунга қадар кафедра доценти вазифасида ишлаб келмоқда.

Э. Н. Маъмуронинг йигирмадан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

### МАШАРИПОВ АБДУЛЛА ҚЛИЧЕВИЧ



Абдулла Қличевич Машарипов иқтисод фанлар номзоди, доцент.

1940 йил 28 декабрда Туркманистан Республикасининг Чоржүй шаҳрида таваллуд топган.

1956—1960 йилларда Тошкент авиатехникумда ўқиган. 1960—1962 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1963—1968 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институти талабаси бўлган, 1968 йилда «Иқтисодий ахборотларга механизациялашган усулда ишлов беришни ташкил этиш» мутахассислиги бўйича му-

хандис-иктисодчи деган олий маълумотга эга бўлган.

1972—1974 йилларда Москва Молия институти аспиранти бўлиб, 1974 йилда «Ўзбекистонда ишлаб чиқариш захиралари бўйича ахборотларга ишлов беришини автоматизациялаш» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1976 йилдан бошлаб «Ҳисоблаш техникаси» кафедраси доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

Доцент А. К. Машариповнинг қирқдан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

### МИРЗАЕВ МУРОДИЛЛА

Муродилла Мирзаев 1951 йил 21 июлда Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалигига хизматчи оиласида туғилган.

1968—73 йилларда Тошкент Давлат университетининг тарих факультетида таҳсил олди.

1973—77 йилларда Сайхунобод туманидаги 26-ўрта мактабда ўқитувчи, ҳарбий раҳбар сифатида фаолият кўрсатди.

1977—80 йилларда Тошкент Давлат техника университетининг «Тарих» кафедрасида ассистент лавозимида ишлади.

1980—1993 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Тарих» кафедрасида катта лаборант, ассистент ва катта ўқитувчи лавозимларида хизмат қилиди. 1983—85 йилларда шу кафедрада аспирантурада ўқиди ва 1989 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади.

1993 йил ноябр ойидан эътиборан Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Гуманитар таълим ва



тарбия бўлимида бош инспектор лавозимида ишлади. 1994 йилнинг октябрида эътиборан шу бўлимдан Туркияда таҳсил олаётган республикамиз талабаларига раҳбарлик қилиш учун Измир шаҳрига хизмат сафарига юборилди.

1995 йил октябр — декабр ойларида Тошкент Кино техникумидаги директор ўринбосари, 1996 йил ноябр — 1997 йил сентябр ойлари Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ташқи алоқалар Бош бошқармасининг етакчи мутахассиси лавозимларида ишлади ва шу йилнинг октябр ойида Туркияning Анқара шаҳрига вазирлик вакили сифатида хизмат сафарига юборилди.

1999—2000 йиллар Тошкент Давлат юридик институтида доцент вазифасини бажарувчи лавозимида ишлади ва шу йилнинг 26 июнидан 31 октябр гача Тошкент Молия институтининг «Маънавият ва маърифат» бўлими бошлиғи вазифасини бажарди.

Республика Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат Тест маркази нострафикация бўлими бошлиғи вазифасида 2000 йил 1 ноябрдан шу кунгача меҳнат қилмоқда.

### МИРАҲМЕДОВА ЗУҲРА ШАМАМЕДОВНА



Зуҳра Шамамедовна Мираҳмедова иқтисод фанлари номзоди, доцент, «Фахрий професор».

1937 йил 11 марта Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд тонган. 1955 йилда ўрта мактабни «олтин медаль» билан тугатгач, Ўрта Осиё Давлат Университетининг тарих факультетига ўқишга кириб, уни 1960 йилда имтиёзли диплом билан тугатган.

1960—1962 йилларда ТДИУ «Ўзбекистон тари-

хи» кафедрасида асистент, 1962—1965 йиллар аспирант ва 1967 йилдан катта ўқитувчи булиб ишлаган. 1976 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. 1980 йилдан бошлаб доцентлик ва ҳозирда «Фахрий профессор» лавозимда ишлаб келмоқда.

У үзининг илмий педагогик фаолияти давомида бир қатор монографик изланишларда ҳамкорлик қилган, ўнлаб мақолалари чоп этилган.

### МИРХЎЖАЕВ МИРАББОС МИРФОЗИЕВИЧ

Мирабbos Мирфозиевич Мирхўжаев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1951 йил 17 апрелда туғилган. 1972 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтини тугатган. Аспирантурани тугатгач, 1980 йилда М. В. Ломоносовномидаги Москва Давлатуниверситети номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1972 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтида «Бухгалтерия ҳисоби ва таҳдил» кафедрасида дастлаб асистент, ўқитувчи ва катта ўқитувчи, шунингдек, 2000 йилдан эътиборан доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

М. М. Мирхўжаев ўндан зиёд илмий ишлар муаллифидир.



### МИРВАЛИЕВ МИРСУЛТОН

Мирсултон Мирвалиев физика-математика фанлари номзоди, доцент.

1950 йил 5 июнда Жанубий Қозоғистон вилоятининг Сайрам қишлоғида таваллуд топган.



1967—1972 йилларда ТошДУнинг математика факультетида ўқиган. 1973—1978 йилларда В. А. Стеклов номидаги Математика институтида илмий тадқиқотчи ва аспирант; 1979—1988 йилларда В. И. Романовский номидаги ЎзФА Математика институтининг кичик ва катта илмий ходими, 1988 йилдан шу даврга қадар ТДИУнинг «Эҳтимоллар назаријаси ва ҳисоблаш математикаси» кафедрасининг доценти лавозимида ишлаб қелмоқда.

30 дан ортиқ илмий мақолалар ва бир дарслик муаллифидир. Илмий мақолалари Россия, АҚШ, Голландия, Франция каби мамлакатларнинг нуфузли журналларида ҳам нашр қилингандар.

Бир неча Халқаро илмий анжуманларда (Болгария, Литва, Франция) қатнашган. Ҳиндистон статистика институтининг (Калькутта, 1982) ва Польша ФАНИНГ Банах марказларида (Варшава, 1986) илмий ходим бўлиб ишлаган. Ноттингем Бизнес мактабида (Англия, 1997) ўз малакасини оширган.

Ёш олимлар ЎзФАНИНГ мукофоти совриндори бўлиб, у ЎзР Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Фаҳрий ёрлиғи билан ҳам мукофотланган.

М. Мирвалиевнинг ўттиздан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

### МАВЛОНОВ ФАФУР МАВЛОНОВИЧ

Фафур Мавлонович Мавлонов филология фанлари номзоди, доцент.

1943 йил 27 марта Фарғона вилоятининг Кува туманида таваллуд топган. 1961 йилда Фарғона шаҳридағи 1-сонли ўрта мактабни битирган.

1962 йилдан 1965 йилга қадар ҳарбий хизматда бўлган.

1966—1971 йиллар Республика Рус тили ва адабиёт институтининг миллий факультетини тугатган. Ўз меҳнат фаолиятини Ўрта Чирчиқ туманидаги 4-сонли ўрта мактабда Тил ва адабиёт ўқитувчиси, 1974 йилдан 1979 йилга қадар эса Тил ва адабиёт институтида услубий кабинет мудири ва ўқитувчилик лавозимида ишлаган.

1979 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Рус тили» кафедрасига ўқитувчилик лавозимига ишга қабул қилинганд.

1985—1986 йилларда собиқ иттилоқ Фанлар академияси қошидаги Тилшунослик илмий тадқиқот институтининг аспиранти бўлган ва 1986 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1992 йилдан 2000 йил июнь ойига қадар ТДИУ «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедрасига мудирлик қилган. Ҳозирда эса шу кафедра доценти лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Ғ. Мавлонов томонидан «Қиёсий фонетика ўқитиш муаммолари» китоби ва 30 дан ортиқ илмий-услубий мақолалари чоп этилган.

## МУТАЛОВ АБДУАЗИМ

Абдуазим Муталов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1940 йил 31 августда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топган.

1957 йилда ўрта мактабни медаль билан тугатган. Шу йилнинг ўзида Тошкент Тўқимачилик институтининг муҳандис-иктисодчилик факультетига ўқишга кирган ва уни 1962 йилда тугатиб, муҳандис-иктисодчи мутахассислигига эга бўлган.





1962 йил сентябридан то 1969 йил марта гача Ўзбекистон Фанлар академияси Иқтисодиёт институтида: катта лаборант, кичик илмий ходим, кундузги аспирант ва катта илмий ходим лавозимларида ишлаган. 1968 йилнинг март ойида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1969 йилнинг марта гача 1971 йил марта гача Иқтисодий тадқиқотлар институтида сектор мудири

бўлиб ишлаган. 1971 йил марта гача 1979 йил майигача Тошкент Халқ хўжалиги институтида: катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири ва кечки умумиқтисодий мутахассисликлар факультетининг биринчи декани сифатида ишлаган.

1979 йил май ойидан 1981 йил августигача собиқ Давлат таъминотнинг Республика ҳисоблаш Марказида директор, 1981 йилдан 1989 йил октябр гача Мехнат илмий-текшириш институтининг Ўзбекистон филиалида бўлим бошлифи, 1989 йил октябрридан 1993 йилгача Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги раҳбарлар ва мутахассислар малакасини ошириши тармоқлараро институтида (кейинчалик сиёsatшунослик ва бошқарув) институтида кафедра мудири, факультет декани бўлиб ишлаган. Сўнгра Давлат солиқ бошқармаси Тошкент вилояти бошқармаси бошлигининг ўринбосари, Халқ банки Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиги ўринбосари лавозимларида ишлаган.

1997 йил ноябрридан ҳозиргача «Ўздонмаҳсолот» давлат акционерлик корпорациясининг «Раҳбарлар, мутахассислар ва ишчи ходимлар малакасини ошириш курси»да директор лавозимида ишлаб келмоқда.

«Шавкатли меҳнати учун» медали совриндори А. Муталов 1979 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтидан тўлиқ штат ходимиidan кетганидан бери бетўхтов равишда ўриндошлик усулида ТДИУ «Молия ва соликлар» кафедрасида аввал доцент, 1991 йилдан бошлаб профессор лавозимида ишлаб келмоқда.

Хозирги пайтда олимнинг 100 га яқин номда эълон қилинган илмий асарлари бор.

## МУХТОРОВ АЗАМАТ

Азамат Мухторов фалсафа фанлари номзоди, доцент.

1953 йил Самарқанд вилояти Жомбой туманида туғилган. Ўрта мактабдан сўнг Тошкент Давлат университетининг «Фалсафа» факультетини тутатиб, Тошкент Халқ ҳўжалиги институтида асистент, 1986 йилдан катта ўқитувчи, 1993 йилдан эса доцентлик лавозимида ишлаб келмоқда.

1986 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

А. Мухторов ёшларнинг фидойилик ва ватанпарварлик тарбиясига оид ишчиларнинг жамиятдаги фаоллиги, Ўзбекистон мустақиллигининг маънавий асослари, экология ва ёшлар, миллий онг, оила баркамоллиги, диний экстремизм ва фундаментализм, камолатга интилган ворис авлод, иқтисодиётни эркинлаштириш ва миллий истиқдол мағкураси каби фалсафий-ижтимоий, маънавий муаммоларга бағишлиланган 40 дан ортиқ илмий-оммабоп мақолалар муаллифидир.

## МУҲИДДИНОВ ТАЛЪАТ МАҚСУДОВИЧ

Талъат Мақсадович Муҳитдинов физика-математика фанлари номзоди, доцент.

1942 йил 26 ноябрда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган.

1960 йилда 20-сон ўрта мактабни аъло баҳолар би-





лан тугатиб, шу йилги Ўрта Осиё Давлат университети физика-математика факультетининг математика бўлимига ўқишига кирган ва уни 1965 йилда «Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика» ихтиносослиги бўйича муваффақиятли тамомлаб, Давлат йўлланмаси билан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Кибернетика илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Оптимал бошқариш» лабораториясида кичик илмий ходим лавозимида ишлаган.

1973 йил Украина Фанлар академиясининг Математика Институти аспирантурасига ўқишига кириб, академик Ю. А. Митропольский раҳбарлигига «Чизиқсиз тебранишлар назариясининг усувларини стохастик интегро-дифференциал тенгламалар системаси ечимлари хоссаларини ўрганишга татбиқ қилиш» йўналишида илмий изланишлар олиб борган. Натижада 1980 йилда Киев Давлат университети қошидаги ихтисослаштирилган илмий Кенгашда «Баъзи бир стохастик система ечимларини текширишда чизиқсиз тебранишлар назариясининг асимптотик усувларини қўллаш» мавзусида номзодлик диссертацияни муваффақиятли ёқлаган.

1980 йилда Тошкент Политехника институтининг «Олий математиканинг маҳсус курслари» кафедрасининг катта ўқитувчи ва кейинчалик доцент лавозимларида ишлаган.

1988 йилдан Тошкент Давлат Халқ хўжалиги институтининг «Эҳтимоллар назарияси ва ҳисоблаш математикаси» кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

Доцент Т. М. Муҳиддиновнинг 40 дан зиёд илмий мақолалари ва илмий-услубий кўрсатмалари чоп этилган.

## МУСАЛИЕВ АЗИЗ АБДУСАЛОМОВИЧ

Азиз Абдусаломович Мусалиев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1941 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1963 йилда Тошкент Темир йўллар муҳандислари институтини тамомлаган. 1963—1965 йилларда Ҳарбий денгиз флотида хизмат қилган. 1966—1973 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Кибернетика институтида муҳандис, катта муҳандис бўлиб ишлаган.

1972—1976 йилларда «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги ихтисослашган лойиҳалаш-конструкторлик бюросида бўлим бошлифи, бош конструктор, 1976—1984 йилларда Тошкент шаҳар Бош ҳисоблаш марказида бошлиқнинг биринчи мувовини, 1984—1991 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети (аввалги Тошкент Халқ ҳўжалиги институти) «Иқтисодий информатика ва БАТ» кафедрасининг мудири, 1991—1993 йилларда шу кафедранинг доценти лавозимларида ишлаган. 1993 йилдан «Ахборотлар технологиясининг ўқув-илмий маркази»нинг раҳбари бўлиб ишлаб келмоқда.

Тошкент кабель заводи, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Пахта тозалаш саноати вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳўжалигида, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида ахборот тизимларини ишлаб чиқишида ва Ўзбекистон Республикаси фан ва техника соҳасидаги илмий ишларида қатнашган ва раҳбарлик қилган.

А. Мусалиев раҳбарлигида иккита иқтисод фанлари номзоди тайёрланган.

Унинг 30 дан ортиқ (умумий ҳажми 70 босма та боқقا яқин) илмий ишлари чоп этилган. Жумладан, 4



та монографияси, 7 илмий-изланиш ишлари давлат рүйхатидан ўтган, (умумий ҳажми 18,2 босма табоқни ташкил этган), 8 та ўқув услубий ишлари босмадан чиққан, 16,2 табоқдан иборат ўқув қўлланмаси магистрлар учун тайёрланган.

## МУРАКАЕВ ИБРАГИМ УМЯРОВИЧ



Ибрагим Умярович  
Муракаев ТДИУ «Фахрий  
профессор»и.

1925 йил 25 октябрда Куйбишев вилояти Старо-Кулаткин туманида туғилган. 1933 йилда И. У. Муракаевлар оиласи Саратов вилояти Пугачёв шаҳрига кўчиб ўтдилар ва 2-ўрта мактабда ўқиган.

1942 йил 15 декабрда ҳарбий хизматга чақирилган ва фронтга жўнатилган. Иккинчи Жаҳон урушида бир неча орден ва медаллар билан тақдирланган.

1946—1960 йилларда Болтиқ флотида турли инженер-техник лавозимларида ишлаган. Саратов Қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтини тутатган. Кўп йиллар давомида ЎзР Қишлоқ хўжалиги ва Автомобиль транспорти вазирлигига бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган.

1973 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1977 йилдан Тошкент Халқ хўжалиги институтида катта ўқитувчи ва 1982 йилдан доцент лавозимида фаолият кўрсатган.

1999 йилда ТДИУ «Фахрий профессор»и унвони берилди. 2000 йилдан бўён «Менежмент» кафедраси профессори лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

И. У. Муракаев ўтиздан зиёд илмий ишлар муаллифидир.

## НАБИХҮЖАЕВ АББОС АБДУПАТТАХОВИЧ

Аббос Абдулпатахович Набихұжаев 1950 йилнинг 16 ноябрида Тошкент шаҳрида туғилган.

1968—1973 йилларда Тошкент Ҳалқ хұжалиги институтининг иқтисодий кибернетика факультетида «Иқтисодий кибернетика» мутахассислиги бүйича таҳсил олган.

1973—1992 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Статистика» кафедрасида асистент ва доцент лавозимларида ишлаган. 1985 йилда «Қишлоқ хұжалигыда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги (Фарона водийси мисолида)» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқладаган.

1992—1993 йилларда ТошДИУ хузуридаги Үқитувчилар ва иқтисод соҳаси мутахассисларининг малакасини ошириш институтида кафедра мудири, директор ўринбосари лавозимларида ишлаган.

1993 йилдан ҳозирги пайтгача Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигига «Пул муомаласи, нархлар ва молиявий баланслар» бўлимининг бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

Марказий Осиё ва Кавказорти республикалари давлат хизматчиларининг малакасини ошириш учун ташкил қилинган Бирлашган Вена институтининг Тошкентдаги минтақавий Марказида макроиктисодиёт ва миллий ҳисоблар тизими фанлари бүйича машғулотлар олиб бормоқда.

АҚШ, Германия, Австрия, Турция, Қозогистон ва Қирғизистонда ташкил қилинган ҳалқаро конференция ва семинарларда маъruzалари билан қатнашган.

Олимнинг 50 дан ортиқ илмий мақолалар, брошюралар ва ўкув кўлланмаларини чоп этган. Унинг илмий



мақолалари АҚШ, Германия ва Австрия каби чет эл мамлакатларыда ҳам нашр қилингандар.

## НОВОСАРДОВА СУСАННА АРТЁМОВНА



Сусанна Артёмовна Новосардова иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1945 йил 20 декабрда Тошкент шаҳрида туғилган. Математика фанига ихтисослаштирилган 110-ўрта мактабни тутгаллаб, 1964 йил Тошкент Халқ хўжалиги институтига кирган. 1969 йилда Йқтисодий кибернетика факультетини аъло баҳолар билан битирган.

Иш фаолиятини йўлланма бўйича «Ўрта Осиё Ирсөвхозқурилиш» бошқармасида катта му-

ҳандис лавозимидан бошлаган. Шундан сўнг, Курилиш материаллари вазирлигида бўлим бошлиғи муовини лавозимида ишлаган.

1971 йилда Москва Молия-иктисодиёт институтининг кундузги аспирантурасига кирган ва 1973 йилда иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган. 1974 йилдан бошлаб Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «ОМОЭИ» кафедрасида асистент, катта ўқитувчи лавозимларида ишлаган.

1980 йилда доцентлик дипломини олгач, «АСОЭИ» кафедрасида доцент лавозимида ишлай бошлаган.

1985 йилдан 1995 йилгacha «АСОЭИ» кафедрасининг мудири лавозимида ишлаган.

Бугунги кунгача «Ахборотлар технологияси» кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

Доцент С. А. Новосардова 120 га яқин илмий мақола, тезис ва ўқув методик қўлланмалар чоп этилган, шу жумладан, 10 таси ихтисослик бўйича ўқув қўлланмадир.

## НОРБЕКОВ ДАВРОН ЭШМУРОДОВИЧ

Даврон Эшмуродович Норбеков иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1964 йилда Самарқанд вилояти Булунгур тумани Улугбек номли жамоа хўжалигида туғилган. 1981 йилда 8-ўрта мактабни битириб, шу йилнинг ўзида Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби» мутахассислиги бўйича ўқишига қабул қилинган. 1985 йилда институтнинг «Бухгалтерия иқтисоди» мутахассислигини битирган. 1985 августдан Самарқанд вилояти Самарқанд тумани «Паррандачилик» фабрикасида бухгалтер бўлиб ишлаган. 1985—1987 йилларда ҳарбий хизматда бўлган.

1987 йил ноябрдан бошлаб Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил» кафедрасига асистент лавозимига қабул қилинган. 1990 йил ноябрдан 1993 йилгача Москва Давлат университетининг «Бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил» кафедрасида аспирантурада бўлган. «Боғдорчиллик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1993 йил июль ойидан бошлаб Тошкент Молия институтининг «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит» кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

Бир вақтнинг ўзида 1996 йилдан бошлаб, Тошкент Молия институти қошидаги Тошкент Банк коллежида ихтисослик фанлар туркумида ўриндошлиқ лавозимида ишлаб келмоқда.

Шу давр мабойнида Д. Э. Норбековнинг журналларда «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» соҳасига мўлжалланган кўплаб мақолалари чоп этилган.



## НОСИРОВ ШУКУРУЛЛА

Шукурулла Носиров иқтисод фанлари доктори, профессор. 1932 йил Тошкент шаҳрида туғилган. 1947 йил 1-сон ўрта мактабни 7-синфини, 1951 йил Тошкент авиация техникумини айло баҳолар билан тутатган. 1960 йилдан Тошкент авиация корхонасида конструктор, 1967—1968 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат режалаштириш Кўмитаси қошидаги иқтисодиёт бюросида катта мухандис. 1973 йилда иқтисод фанлари номзоди. Тошкент Халқ хўжалиги институтида катта ўқитувчи, саноат иқтисодиёти кафедрасида доцент. 1991 йил августдан Тошкент молия институтида тармоқлар иқтисодиёти кафедрасида мудир. 1994 йилда иқтисод фанлари доктори, профессор.

## НУРУЛЛАЕВ ФАХРИТДИН МУҲИТДИНОВИЧ



Фахритдин Муҳитдинович Нуруллаев 1947 йил 14 сентябрда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топган. 1965 йилда Тошкент шаҳридаги 40-ўрта мактабни тутатган. Республика Рус тили ва адабиёти педагогика институтига ўқишга кирган ва уни 1970 йилда тутатган.

1970 йилнинг сентябридан 1971 йилнинг сентябррига қадар Тошкент вилояти Зангиота туманидағи 55-ўрта мактабда Рус тили ва адабиёти ўқитувчиси вазифасида ишлаган.

1971 йилнинг сентябр ойидан бошлиб Тошкент Халқ хўжалиги институти (ҳозирги ТДИУ)нинг «Рус тили» кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи вазифасида ишлаб келмоқда.

1996 йилдан эса вақтинча кафедра мудири вазифасини бажармоқда.

1985—1987 йилларда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг йўлланмаси билан Афғонистоннинг Қобул шаҳридаги Политехника институтида дарс берган. Ф. Нуруллаев 20 дан ортиқ ўкув-услубий ишлар муаллифиdir.

### НУСРАТОВА СЕВАРА

Севара Нусратова иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1938 йил 1 февралда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Тошкент Темир йўл транспорти институтининг темир йўл транспорти эксплуатацияси мутахассислигини тамомлаган.

Ўрта Осиё рангли металл саноати илмий тадқиқот институтида муҳандис ва қурилиш транспортида катта муҳандис бўлиб ишлаган.

1967 йилдан Тошкент Халқ хўжалиги институти «Саноат иқтисоди» кафедрасида дастлаб ассистент, сўнгра катта ўқитувчи ва доцент бўлиб ишлаган. Сўнгги пайтларда «Савдо иқтисоди» кафедрасида доцент бўлиб ишлаган.

1973 йилда иқтисод фанлари бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаган. Ҳозирда нафақада.

С. Нусратова томонидан 50 дан ортиқ илмий мақолалар, ўкув-услубий қўлланмалар чоп этилган.



### НУРМАТОВ ИСЛОМЖОН АБДУЛЛАЕВИЧ

1946 йил 2 февралда хизматчи оиласида туғилган.

1967 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтини тутатган.



И. А. Нурматов ТХХИ-да 1967 йилдан «Саноатда бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолияти таҳлили» кафедрасида асистент лавозимида 1972 йилгача ишлаган. 1972—1975 йиллари Москва Давлат университетининг Иқтисодиёт факультетида аспирантурада ўқиган ва 1975 йил декабрида иқтисод фанлари номзодлиги учун диссертация ҳимоя қилган. Тошкент Ҳалқ хўжалиги институтининг «Саноатда бухгалтерия ҳисоби ва ХФТ» кафедрасига катта ўқитувчи лавозимига ишга қабул қилинган.

И. А. Нурматов 1978 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг лауреати мукофотига сазовор бўлган.

И. А. Нурматов доимо ўзининг илмий, назарий ва амалий билимларини ошириб келишга катта эътибор берib келган. Жумладан, 1992 йили ТДИУ базасида Буюк Британия кенгаши томонидан ташкил қилинган «Бухгалтерия ҳисобини ҳалқаро стандарт асосида ташкил қилиш» 8 ҳафталик курсини битирган; АҚШнинг қишлоқ хўжалиги департаменти ташкил қилган «Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш» курсининг биринчи босқичида танловдан ўтиб, ўқишнинг 6 ҳафталик иккинчи босқичини АҚШда мувваффақиятли тутаглан. Бундан ташқари 1997 йил 29 ноябрдан 22 декабргача Ноттингем Трент университетининг бизнес мактабида малақасини оширган.

И. А. Нурматов 1996 йили Ўзбекистон Республикасида «Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳақидаги қонуни»ни тайёрлашда ишчи гурӯҳ аъзоси бўлиб фаол қатнашган. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги қошидаги бухгалтерия ва ҳисоботи дипартаментининг услугият кенгаши, ТДИУнинг илмий кенгаши ва услубий кенгаши аъзоси.

И. А. Нурматов Ўзбекистон Республикаси Олий ва

ўрта махсус таълим вазирлигининг «Фахрий ёрлиғи» ва «Олий таълим аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланган.

1989—1996 йилларда «Саноатда бухгалтерия ҳисоби ва ХФТ» кафедрасини мудирлиги лавозимида ишлаган. 1992 йилда И. А. Нурматов Россия Федерациясини профессори илмий унвони ва дипломини олган. 1996 йилдан ҳозиргача Бухгалтерия ҳисоби ва аудит факультетининг декани лавозимида ишлаб келмоқда.

И. А. Нурматов 62 босма табоқдан иборат 26 та илмий ишлар ва мақолалар муваллифи. И. А. Нурматов бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш муаммоларига бағищланган ўзининг илмий изланишлари натижаларини бир неча халқаро ва республика анжумандаридан маъруза қылган.

### ОДИЛХЎЖАЕВА ХАДИЧА АЪЗАМОВНА

Хадича Аъзамова  
Одилхўжаева иқтисод  
фанлари номзоди, доцент.

1931 йил 5 августда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган. Даставвал ўрта мактабни битиргач, Тошкент Индустрисал техникумидан 1947 йилдан 1950 йилгача ўқиган.

1954 йилда Тошкент Молия-иктисод институтининг Саноат иқтисоди ихтисослигини тамом қилиган.

1954 йил 1 сентябрiddan, Тошкент вилояти режалаштириш бўлимида иқтисодчи лавозимида ишлай бошлаган.

1960 йил 19 сентябридан бошлаб Тошкент Молия иқтисод институтида, кейинчалик Тошкент Xалқ хўжалиги институтининг «Иқтисодий назария» кафедрасида 1993 йил сентябригача фаолият кўрсатган.

Меҳнат фахрийси унвони эгаси бўлган X. А. Одилхўжаева Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта мах-



сус таълим вазирлигининг бир неча марта мукофотла-  
ри билан тақдирланган.

Олима Ҳ. А. Одилхўжаеванинг ўтиздан зиёд илмий  
ишлари чоп этилган.

Хадича Аъзамовна Одилхўжаева 1996 йил 24 майда  
вафот этган.

## ОРТИҚОВ АБДУРАҲИМ



Абдураҳим Ортиқов иқтисод фанлари номзо-  
ди, профессор.

1926 йил 5 декабря Тошкент вилояти, Тошкент тумани, «Эркин» қишлоғининг «Эшон» гу-  
заридаги деҳқон оиласида туғилган. 1931 йилнинг ёзида оила аъзолари билан Украина сургун ки-  
линган. 1939 йилда Херсон вилоятининг Скадовский туманидаги 6-сонли тў-  
лиқсиз ўрта мактабни битиргандан сўнг, Тошкентга келиб, бу ерда 3-сонли

Педагогика билим юртида таҳсил олган. 1942 йилда уни аъло баҳолар билан битирган. 1943—1946 йиллар мобайнинда Ўзбекистон металлургия комбинатида оддий ишчидан пўлат куювчи мастер даражасига кўта-  
рилган. 1946 йилда Тошкент Молия-иктисод институтига ўқишга кирган ва уни 1950 йилда тамомлаган. Давлат имтиҳон комиссиясининг тавсияси билан Ўзбе-  
кистон Фанлар академиясининг Иқтисод институтидаги аспирантлар сафига қабул қилинган. А. Ортиқов кичик илмий ходим даражасидан бўлим мудири даражасига кўтарилган. 1955 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган.

А. Ортиқов 1975 йилнинг сентябрида Тошкент Ҳалқ хўжалиги институти «Саноат иқтисодиёти» кафедраси мудир лавозимига таклиф этилган ва 10 йил мобайнинда бу кафедрага раҳбарлик қилган.

А. Ортиқов юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берган ва унинг раҳбарлигига 19 киши номзодлик диссертациясини ёқдаган.

Проф. А. Ортиқов бир нечта фахрий ёрлиқлар ва медаллар билан тақдирланган.

Олимнинг 60 дан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

## ОСТОНАҚУЛОВ МУҲАММАДЁҚУБ

Муҳаммадёқуб Остонақулов иқтисод фанлар номзоди, профессор.

1938 йил 15 марта Фарғона вилояти, Бағдод тумани, Конизар қишлоғида туғилган.

1956—1959 йилларда Тошкент Ҳисоб-бухгалтерия техникумида таълим олган. 1963 йилда эса Ленинград молия-иқтисод институтини тутатган.

1965 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институти аспирантурасига кирган ва уни 1968 йилда муваффақиятли тутатиб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олган. 1968—1969 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Бухгалтерия-ҳисоб» кафедрасида асистент ва катта ўқитувчи ҳамда факультет декани ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

1970 йили янги ташкил этилган «Ҳисоблаш машиналари ва программалаштириш» кафедраси мудири лавозимга сайланган ва шу лавозимда 1977 йилгача хизмат қилган. Бу давр ичида ҳисоблаш машиналари ва программалаштириш соҳасига тегишли анчагина китобларни ёзган ва «Ҳисоблаш машиналари ва программалаштириш» дарслигини кафедра аъзолари билан биргаликда ўзбек тилига ўтирган. Шу билан ўзбек тилида ҳисоблаш машиналари ва программалаштиришга тегишли атамалар ишлаб чиқишга асос солинган. «Алго-



ритмик тил» ва «Кобул» деган номларда ўзбек тилида китоблар ёзган.

М. Остонақулов раҳбарлигига Ўзбекистон Олий ўқув юртларини автоматлаштирилган бошқариш системаси-нинг биринчи навбати 1974 йилда ишлаб чиқилган ва давлат комиссиясига топширилган.

1974 йили ўзбек тилида «Бухгалтерия ҳисоби умумий назарияси» фани бўйича (20 босма табоқ) олий ўқув юртлари учун дарслик нашр қилинган. Бу дарсликнинг иккинчи нашри 1994 йилда чоп қилинган.

М. Остонақулов 1977—1979 йиллар ва 1985—1988 йиллар давомида Ўзбекистон Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига олий ўқув юртлари бошқармасининг масъул ходими ва марказий бухгалтерияси бош бухгалтери лавозимларида ишлаган.

1979—1984 йиллар давомида Ўзбекистон Фанлар академияси раёсатининг илмий-ташкилий бўлими бошлиғи, раёсат бош илмий котибининг ўринбосари ва бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармасининг бошлиғи лавозимларида ишлаган.

1991—1994 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ташкилий-кадрлар сиёсати бўлими кадрлар учети шуъбасининг мудири ва консультанти лавозимларида ишлаган.

1994—1997 йиллар «Оби ҳаёт» акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари ва компания бош бухгалтери лавозимларида ишлаган.

1998 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ишлар бошқармасини Олий Мажлис биносидан фойдаланиш бошқармасининг бош бухгалтери лавозимида ишлаб келмоқда.

М. Остонақуловнинг ўттиздан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

## ОХУНОВА ГУЛЧЕХРА НАЗАРОВНА

Гулчехра Назаровна Охунова тарих фанлари номзоди, профессор.

1941 йил 24 апрелда Тошкент шаҳрида туғилган. 1965 йилда Тошкент Давлат университетининг Журналистика факультетини битирган.

Университетнинг аспирантурасини тугатгач, 1974

йилда тарих фанлари номзоди илмий дарражасига сазовор бўлган. 1992—93 йилларда Тадбиркорлик ва ишбилармонлик акциядорлик жамияти раиси лавозимида ишлаган.

1993 йилдан Тошкент Давлат иқтисодиётуниверситети қошидаги Иқтисодиёт, бизнес, мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти директори муовини ва 1996 йилдан эса директор лавозимида ишлаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат шуҳрати» ордени совриндори Гулчехра Охунова бой ҳаётий тажрибага эга бўлиб, у ёшларнинг севимли устози сифатида кўп йиллар давомида Тошкент Давлат иқтисодиётуниверситети раҳбарияти, жамоат ташкилотларига ўқувтарбия жараёни, илмий изланишларни такомиллаштириш, қўплаб хўжалик ва ташкилий вазифаларни ҳал этишда ўз ёрдамини бериб келмоқда. Республика миқёсида маънавият ва маърифат, маданият, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларга оид мавзуларда кент меҳнаткашлар оммаси, ёшлар ўртасида қизиқарли ва ўта дол зарб маърузалар, суҳбатлар билан қатнашиб келаётган таникли олимларимизданdir.

Гулчехра Назаровна Охунова ТДИУ Хотин-қизлар кенгаши раиси, «Ўзбекистон-Америка» Дўстлик жамияти раиси муовини сифатида ҳам халқимизга, Ватанимизга беминнат хизмат қилиб келмоқда.



### **РАСУЛОВ ХОЖИМУРОД СУЛТОНОВИЧ**

Хожимурод Султонович Расулов филология фанлари номзоди, доцент.

1947 йил май ойида Тошкент шаҳрида зиёли оила-



сида туғилған. 1965 йилда 20-үрта мактабни битириб, шу йили Тошкент Давлат университетининг филология факультетига ўқишига кирган ва уни 1970 йилда имтиёзли диплом билан туттаган.

1970—1972 йилларда ҳарбий хизматда бўлган.

Илмий-педагогик фаолияти 1972 йилдан Ўз ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт музеи ва Кўлёзмалар институтида кичик илмий ходимликдан бошланганд. 1979 йилда Ўз ФА Тил ва Адабиёт институтида илмий ходим

сифатида ишлаган.

1982 йилда «Лутфий лирикасида бадиий маҳорат масалалари» мавзуида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

1983—2000 йиллар орасида Тошкент Давлат университети, Молия институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ишлаган.

2000 йилдан бошлаб ТДИУда «Ўзбек тили» кафедрасининг доценти сифатида фаолият кўрсатмоқда.

1972 йилдан ҳозирги кунгача ўзбек тили, адабиёти ва маънавий ҳаётига оид 50дан ортиқ илмий мақолалари, оммавий публицистик руҳдаги ишлари «Адабий мерос» илмий тўпламида, «Ўзбек Энциклопедияси»да «Ўзбек тили ва адабиёти», «Гулистон» журналида ҳамда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Халқ сўзи», «Тошкент оқшоми», «Туркистан» газеталарида нашр этилган. Истанбул шаҳридаги «Турк дунёсини тадқиқ этиш» фонди илмий тўпламларида ҳам чоп этилган.

### **РАФИҚОВ ФАЙРАТ АБДУВАХОБОВИЧ**

Файрат Абдувахобовиҷ Рафиқов фалсафа фанлари номзоди, профессор.

1936 йил 27 апрелда Тошкент шаҳрида дәққон оиласида таваллуд топган. 1955 йилда ўрта мактабни тугатгандан сўнг Ўрта Осиё Давлат университетининг Тарих факультетига ўқишига қабул қилинган ва уни 1960 йил битиргач, Тошкент Халқ хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент Давлат иқтисодиёт университети)да ўз меҳнат фаолиятини бошлаган. 1961 йилда «Фалсафа» кафедрасининг асистенти, 1965—1968 йилларда катта ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1968—1971 йилларда эса шу кафедранинг аспиранти бўлган.



1976 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг Илмий Кенгашида «Қишлоқ аҳолисининг ижтимоий таркибидаги ўзгаришлар» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

F. A. Рафиқов илмий-педагогик фаолияти билан бир қаторда университетнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Шунингдек 1996—1999 йилларда Юнусобод маҳалла қўмитасининг раиси вазифасида маҳаллада маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган. Унинг меҳнат фаолияти туман, шаҳар ва олий таълим вазирлигининг фахрий ёрликлари ва кўкрак нишонлари билан бир неча бор тақдирланган.

F. A. Рафиқов 1991 йилдан бошлаб, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Сиёсатшунослик» кафедрасида, 1995 йилдан эса «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

У ўзининг илмий-педагогик фаолияти давомида «Сиёсатшунослик», «Социология», «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» курслари бўйича ўнлаб монография, рисолалар, ўкув қўлланма ва илмий мақолалар чоп эттирган.

**РАФИҚОВ  
ҲАМИД АБДУЛЛАЕВИЧ**



Ҳамид Абдуллаевич Рафиқов иқтисод фанлари номзоди, доцент, ТДИУ «Фахрий профессор».

1947 йил 29 марта Тошкент шаҳрида ҳарбий хизматчи оиласида туғилди. 1965 йилда ўрта мактабни тутатгач, Тошкент Халқ хўжалиги институтига ўқишга кирган ва уни 1970 йилда тутатган. ТХХИ «Ҳисоблаш техникаси» кафедрасида асистент лавозимида ишлай бошлаган. 1970—1972 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1974 йилда Ленинград муҳандис-иктисодиёт институти

аспирантурасига кирган ва 1977 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1980—1992 йилларда кечки факультет декани лавозимида ишлаган.

1997 йилда ТДИУ «Фахрий профессор» унвони берилган. Унинг йигирмадан зиёд илмий ишлари эълон қилинган.

Ҳ. А. Рафиқов 1998 йил 25 марта вафот этган.

**РАҲМАТУЛЛАЕВ  
АЛИМБАЙ ҲАСАНОВИЧ**

Алимбай Ҳасанович Раҳматуллаев физика-математика фанлари номзоди.

1956 йил 20 апрелда Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани, Ахдарбанд қишлоғида туғилган. 1973 йилда 26-ўрта мактабни тутатган. Бир йиллик меҳнат фаолиятидан кейин, 1974 йилда Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика институтининг математика факультетига ўқишга кириб, уни 1978 йилда имтиёзли диплом билан тутатган.

1978—80 йилларда ЎзФА В. И. Романовский номидаги Математика илмий текшириши институтида ста-

жёр-тадқиқотчи, 1980—88 йилларда эса шу институтта кичик илмий ходим лавозимларида ишлаган. 1980—85 йилларда сиртқи аспирантурада ўқиган.

1988 йилда Низомий номли ТДПИнинг «Алгебра ва сонлар назарияси» кафедрасига катта ўқитувчи лавозимида ишлаган. 1990 йил номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1992 йилда кафедра доценти.

1997 йилдан ҳозирга қадар Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Эҳтимоллар назарияси ва ҳисоблаш математикаси» кафедрасида доцент, Информатика, менежмент ва иқтисодий таълим педагогикаси факультетида декан муовини вазифаларида фаолият кўрсатмоқда.

20 та илмий ва илмий-услубий мақолалари марказий ва маҳаллий нашриётларда чоп этилган.

Махсус тенгламалардан бирининг ечими ягоналигига бағишиланган илмий иши 1985 йилда математик олимлар томонидан юқори баҳоланиб, мукофотга тавсия этилган.



## РАҲИМОВА МУКАРРАМХОН

Мукаррамхон Раҳимова иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1948 йилнинг 28 декабрда Ўш шаҳрида таваллуд топган.

Ўрта мактабни 1966 йилда тамомлаб, шу йили Тошкент Халқ хўжалиги институтига ўқишга кирган ва 1970 йилда имтиёзли томомлаган.

«Халқ хўжалигини режалаштириш» кафедрасида асистент бўлиб ишлаган.

1977—1979 йилларда мазкур кафедранинг стажёр тадқиқотчиси ва 1979—1980 йилларда «Халқ хўжалигини



режалаштириш» кафедрасининг катта лаборанти, 1980 йилдан шу кафедранинг асистенти бўлиб ишлаган.

1986 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1988 йил 2 июлдан бошлаб «Халқ хўжалигини режалаштириш», «Макроиқтисодиёт» кафедрасининг доценти лавозимида ишлаб келмоқда.

ТДИУ қошидаги мала-ка ошириш институтида «1997, 1998, 1999, 2000 йиллар» ҳамда жаҳон банки «Вашингтон 1998 йил»

қошида малака ошириб қайтган.

Доцент М. Раҳимова бир қанча ўқув қўлланмалар муаллифи. Жумладан: «Бозор иқтисодиёти шароитида миллий иқтисодиётни режалаштириш», «Макроиқтисодиёт асослари» (1993 йил) ва «Ҳудуд иқтисодиёти асослари» каби ўқув қўлланмаларини тайёрлаган.

«Олий таълим аълочиси» М. Раҳимованинг ўнлаб мақолалари республикамизнинг нуфузли журнал ва газеталарида чоп этилган.

### **РАҲИМБОБОЕВА НИГОРАХОН АБДУРАСУЛОВНА**

Нигора Абдурасуловна Раҳимбобоева фалсафа фанлари номзоди, доцент.

1966 йилнинг 30 июлида Андижон шаҳрида зиёли оиласида таваллуд топган.

1983 йилда Андижон шаҳар 46-урта мактабни олтин медаль билан тамомлаган. 1983—1988 йилда Андижон Давлат педагогика институти тарих-филология факультетининг тарих ва хуқуқшунос бўлимини имтиёзли диплом билан тутатгач, 1994 йилдан Тошкент Давлат университетининг «Фалсафа» факультетида сиртқи аспирантура ни битирган ва номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1988—1998 йилларда Андижон Давлат Тиббиёт институтида ишлаган (1988—1993 йилда ўқитувчи, 1993—1996 йилда катта ўқитувчи, 1996—1998 йилда доцент лавозимида) 1998 йил январь ойидан ТДИУнинг «Фалсафа» кафедрасида ишлаб келмоқда.

Олима қирқдан зиёд илмий ишлар муаллифидир.

**РАҲИМОВ  
САИДАҲМАД БОРИЕВИЧ**

Саидаҳмад Бориевич Раҳимов иқтисод фанлари номзоди.

1960 йил 14 ноябрда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган.

1977 йилда 110-ўрта мактабни тутатиб, Тошкент Қишлоқ хўжалиги институтининг Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни иқтисоди факультетига ўқишга кирган. 1982 йилда битириб, йўлланма асосида Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги иқтисоди илмий-текшириш институтига ишга олинган.

1984 йилда сабиқ иттилоқ Қишлоқ хўжалик иқтисоди илмий-текшириш институтининг аспирантурасида ўқиб, 1989 йилда иқтисод фанлари номзоди илмий даражага эга бўлган.

1989 йилдан 1993 йилгача Тошкент Халқ хўжалиги институтида иқтисод, микро иқтисодиётидан дарс берган. 1993 йилдан Марказий Банкда ва 1995—1997 йилларда Ўзбек-Голландия қўшма банк «Ўзприватбанк»да ишлаган.

2000 йилдан эътиборан ИДАТ «Асака» банк бошқарув раиси лавозимларида ишлаб келмоқда.

Үндан зиёд илмий мақолалари чоп этилган.



**РАҲИМОВ  
МАТНАЗАР ЮСУПОВИЧ**



Матназар Юсупович Раҳимов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1972 йил 11 марта Хоразм вилояти Бофот тумани, Пахтакор қишлоғида дәхқон оиласида туғилған.

1979—1989 йилларда қишлоқ мактабида таълим олған.

1989 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтига ўқишига кириб, 1994 йилда Тошкент Молия институтини «Аудит» ихтиосслигини имтиёзли

тарзда тутатган.

1994 йилда Тошкент Молия институти «Иқтисодий таҳлил» кафедрасида ассистент, шу йилдан кундузги бўлим аспиранти, 1997 йилдан «Молиявий таҳлил» кафедраси катта ўқитувчisi, 1999 йилдан кафедра доценти, 2000 йилдан шу кафедра мудири вазифасини бажарувчи лавозимларида ишлаб қелмоқда.

1999 йилда «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит» мутахассислиги бўйича номзодлик ишини ҳимоя қилган.

USAID CARANA Соргопration ва бошқа кўплаб чет эл ўқув-программалари тингловчisi ва иштирокчisi бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси таркибида кирувчи хўжалик ва корхоналар раҳбарлари ва ходимларини қайта ўқитиш, тайёрлаш дастурларида иштирок этган.

М. Ю. Раҳимов томонидан 90 б. т.дан ортиқ ўқув-услубий қўлланмалар, илмий мақола ва тезислар чоп этилган.

## **РАҲМОНБОЕВА РОЗА АБДУРАҲМОНОВНА**

Роза Абдураҳмоновна Раҳмонбоева иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1960 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 107-ўрта мактабни тутатгач, 1976—1981 йилларда Тошкент Политехника институтида ўқиган. Институтни тутатганидан кейин «Кибернетика» илмий текшириш институтида кичик илмий ходим бўлиб ишлаган.

1983 йилда Москва шаҳридаги собиқ Бутун Иттифоқ Молия-иқтисод институти аспирантурасига кирган.

1987 йилдан Давлат режалаштириш комитетининг илмий текшириш институтида катта илмий ходим бўлиб ишлаган. 1990 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтида номзодлик диссертациясини ёқлаган. Шу вақтдан бошлаб Р. Раҳмонбоева ТДИУда катта ўқитувчи, 1994 йилдан эса доцент лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Р. А. Раҳмонбоеванинг ўттизга яқин илмий ишлари чоп этилган.



## **РИЗАЕВ СУННАТУЛЛА АБДУМАННАПОВИЧ**

Суннатулла Абдуманнапович Ризаев тилшунос олим, филология фанлари номзоди, «Фахрий профессор».

1941 йил 21 июлда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган. У 1959 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти (ҳозирда университет)га кириб, 1964 йилда имтиёзли диплом билан тутатган. 1964—1968 йилларда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг «Ўзбек тилини экспериментал ва структурал ўрганиш» бўлимида дастлаб катта лаборант,



сүнгра кичик илмий ходим бўлиб ишлаган. 1968—1970 йилларда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтида «Структурал, амалий ва математик лингвистика» ихтисослиги бўйича аспирантурада таҳсил олган. 1970 йилда «Хозирги ўзбек адабий тили график ва фонологик системасини статистик тадқиқ этиш» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

С. Ризаев Москва, Ленинград, Кишинёв, Махачкала, Боку, Олма-Ота,

Чимкент ва Тошкент шаҳарларида ўтказилган халқаро анжуман ва симпозиумларда ўз маъruzalari билан фаол иштирок этган.

1970—1990 йилларда Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти «Умумий тилшунослик» кафедрасида дастлаб ўқитувчи, катта ўқитувчи ва 1973 йилдан доцент лавозимларида ишлаган. Шундан сўнг ЎзР Халқ таълими вазирлигига «Тил ва адабиёт» бўлими мудири, Тошкент Давлат Тўқимачилик ва енгил саноат институтида «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедраси мудири, Т. Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида «Янги ўзбек лотин алифбоси ва имлоси» бўлими мудири, «Ўзбек тили ўқитиш назарияси ва методикаси» бўлими мудири лавозимларида фаолият кўрсатган.

1994 йилдан эътиборан Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида «Рус тили» кафедрасининг доценти лавозимида ишлаб келмоқда. 2000 йилнинг 1 августидан эса ТДИУ кўпнусхали «Иқтисодчи» газетасининг бош муҳаррири вазифасида ҳам сидқидилдан ишлаб келмоқда.

С. А. Ризаев йигирма бешдан ортиқ монографиялари билан бир қаторда илмий тўплам ва журналларда ҳамда Марказий газеталар саҳифаларида уч юз элликдан зиёд илмий методик ва маънавий-маърифий мақо-

лалар чоп этилган. Ўттиз беш китоб ва рисолаларга махсус муҳаррирлик қилган.

#### **Асосий илмий ишлари:**

1. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳарф ва фонемаларни қўлланиш частотаси (Тилшунослик, адабиётшунослик ва физика материаллар бўйича). Т.; «Фан», 1967.
2. Ҳозирги ўзбек адабий тили лексикасини статистик текшириш ҳақида баъзи маълумотлар. — Сб. «Вопросы кибернетики и вычислительной математики». Т.: «Фан», 1968, вып. 23, 37—63-бетлар.
3. Статистическое исследование частотности букв в письменном тексте современного узбекского языка. Ж-л «Общественные науки в Узбекистане». Т., 1970, № 10, 65—68-бетлар.
4. Бўғин структурасини статистик тадқиқ этиш тажрибасидан. Т.: «Фан», 1975.
5. Кибернетика ва тилшунослик. Т., «Ўзбекистон», 1975.
6. Испанча-ўзбекча лугат. (Ҳамкор). Т., «Ўқитувчи», 1977.
7. Ўзбек болалар адабиёти тили лексикасининг частотали лугати. Т. «Фан», 1980.
8. Статистическая структура лексики языка «Дивана» Хамзы Хаким-Заде Ниязи (Частотный словарь и конкорданс). Т., «Фан», 1989.
9. Имло лугати. Т., «Ўқитувчи», 1992.
10. Имло ва талаффуз лугати. Т., «Ўқитувчи», 1998.
11. Янги ўзбек лотин алифбоси ва имлосини ўрганувчилар учун ўкув қўлланмана. Т. «Қўхи-Нур», 1999.
12. Қалдирғоч (Синфдан ташқари ўқиш китоби). Т., «Камалак», 1999.
13. Янги алифбодан сабоқлар. Т., «Ўқитувчи», 1999.
14. Изучаем латинскую графику узбекского языка (Ш. Қориева билан ҳамкорликда) Т., «Молия», 2001 ва бошқалар.

### **РОМАНОВСКИЙ ГЕННАДИЙ МИХАЙЛОВИЧ**

Геннадий Михайлович Романовский, доцент.

1937 йилда туғилган.

Молия-иктисодиёт институтига 1956 йилда ўқишига кирган ва 1960 йилда «Пул ва кредит бўйича иқтисодчи» мутахассислигини тутатган. Ўқишини тутатгандан сўнг тақсимот бўйича Давлат банкининг Чимбой бўлимига ишга юборилган. У ерда кредит бўлими бошлиғи, кейинчалик шу банк бўлими бошқарувчиси вазифаларида ишлаган.

1968 йилда ТошҲИга «Иқтисодиёт» кафедраси бўйича аспирантурага кирган ва 1966 йилда тутатган.

1966 йил декабридан ҳозиргача «Иқтисодиёт назарияси» кафедрасида дастлаб ассистент, сўнгра катта



ўқитувчи ва доцент лавозимларида ишлаб келмоқда.

Унинг илмий изланиш соҳасини иқтисодий беллашув, мусобақалашув, рақобат муносабатлари ва мулкчилик муносабатларини яккалаштириш (индивидуаллаштириш) ташкил этади. Ушбу йўналишда умумий ҳисобда 8 босма табоқдан иборат ҳажмда илмий мақолалари чоп этилган.

Доцент Г. М. Романовский иқтисодчиларнинг янги авлодини тайёрлаш билан бирга «Иқтисодиёт назарияси» бўйича педагог кадрлар тайёрлашда ҳам, кафедра ёш ўқитувчиларининг билимини кенгайтиришда, тажрибаларини ортиришда ҳам тинмай ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Г. М. Романовскийнинг қўирқдан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

## РУСТАМОВ БОРИХОН



Борихон Рустамов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1946 йил 15 июлда Тошкент вилояти Зангиота туманида хизматчи оиласида таваллуд топган.

1964 йилда ўрта мактабни тутатиб, Тошкент Халқ хўжалиги институтига кирган ва уни 1968 йилда имтиёзли диплом билан тутатган.

1968 йилда мазкур институтнинг «Иқтисод» кафедрасида асистент лавозимида ўз меҳнат фаолия-

тини бошлаган. 1973 йилда аспирантурага кирган. 1976 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

1991 йилдан бошлаб Тошкент Молия институти «Умуниқтисодиёт назария»си кафедрасида доцент ла-возимида фаолият күрсатиб келмоқда.

Бир қанча илмий мақолалар, тезис ва услубий-қўлланмалар муаллифи, илмий ва услубий қўлланмаларнинг умумий ҳажми 22 босма табоқдан кўпроқ. 1986 йилда «Ишлаб чиқариш ва шахсий даромад» рисоласи чоп этилган.

### РУСТАМОВ ОЛИМХОН БАКИЕВИЧ

Олимхон Бакиевич Рустамов, иқтисод фанла-ри номзоди, 1966 йилнинг 23 июляда Тошкент шаҳ-рида хизматчи оиласида туғилган.

1983 йилда Тошкентда-ги 200-ўрта мактабни ол-тин медалга битириб, шу йили Тошкент Ҳалқ ҳўжалиги институтига ўқишга кириб, 1989 йилда Ҳисоб-иқтисод факультетининг «Савдода бухгалтерия ҳисоби, назорат ва ҳўжалик фаолиятининг таҳдили» мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан ўқишини тугаллади.

1989—1992 йилларда ТХХИнинг «Ижтимоий соҳа-ларда бухгалтерия ҳисоби, назорат ва ХФТ» кафедра-сида ассистент, катта ўқитувчи лавозимларида ишла-ди.

1991—1994 йиллар мобайнида М. В. Ломоносов ном-ли Москва Давлат Университетининг Иқтисодиёт фа-культетида аспирантурада ўқиди ва 1994 йил ноябрь ойида иқтисод фанлари номзоди даражасига сазовор бўлди.



1995—1996 йиллар Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекинвест» Миллий сурита компаниясида бўлим бошлифи, сўнг молиявий қалтисликларни сурурталаш Департаментида менеджер, 1996 йил апрел-июн ойларида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши академиясининг Бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари факультетида раҳбар ходимларни қайта тайёрлаш курсини тингловчиси, 1996—1998 йиллар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Тижорат банкларини назорат қилиш Департаменти»нинг Тижорат банкларида ўтказиладиган аудитни мувофиқлаштириш бошқармасида бошлиқ лавозимларида ишлаб келган.

Олимхон Бакиевич ўндан ортиқ илмий мақолаларнинг муаллифи. О. Б. Рустамов ҳозирги ўз меҳнат фаолиятини 1998 йилнинг август ойидан буён «Туркистон» Хусусий очиқ акциядорлик тижорат инвестиция банки Бошқарувининг Раиси лавозимида давом эттирмокда.

### САЪДУЛЛАЕВ ТАЛЪАТ САЪДУЛЛАЕВИЧ



Талъат Саъдуллаевич Саъдуллаев ҳукуқшунос олим, юридик фанлари номзоди, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист.

1928 йил 5 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган.

Т. Саъдуллаев ўрта мактабни битиргач 1943—1948 йилларда Тошкент Давлат юридик институтида ўқиган ва уни имтиёзли диплом билан тутатган. 1948—1951 йилларда Тошкент Давлат юридик институти қошидаги аспирантурада ўқиган. 1952 йил июнда Москвада юридик

фанлари бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаб, аввало Молия институтда ўқитувчи, кейинчалик доцент, 1968—1983 йилларда «Хукуқ» кафедрасида мудир бўлиб ишлаган.

Т. Сайдуллаев 1995 йилдан то шу кунга қадар ТДИУ «Хукуқ» кафедрасида мудир лавозимида ишлаб келмоқда. Ўнлаб монография ва мақолаларнинг муаллифидир.

#### **Асосий илмий ишлари:**

1. Иш берувчи ва ходим, уларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари. «Солиқ тўловчи». 1997, 12-сон.
2. «Меҳнат шартномаси». — «Иқтисод ва ҳисобот», 1998, 2-сон.
3. Экстремизм, терроризм, гурӯҳий ва уюшган жиноятчиликка карши кураш муаммолари (илмий-амалий анжуман материаллари). Академия МВД Республика Узбекистан. 1999.
4. Ўқув услубий қўлланма. «Тадбиркорлик ҳукуқи» (Маъруза матни), Москва тадбиркор ва ҳукуқ инст. 1997.
5. «Талаба ёшларнинг ҳукуқий саводхонлигини ошириш замон тақозоси эканлиги». ТДИУ, 1997 ва бошқалар.

### **САЙДУЛЛАЕВ ЖАВДАТ ТАЛЬЯТОВИЧ**

Жавдат Тальятович Сайдуллаев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1956 йил 6 апрелда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1974 йилда ўрта мактабни битирган.

1978 йилда Тошкент Темир йўл муҳандислар институтининг Иқтисодчи-муҳандислик факультетини тутгатган. 1978 йилнинг август ойидан 1978 йил ноябрь ойигача ТошДТИМIning «Молия ва ҳисоб» кафедрасида асистент лавозимида ишлаган.

1980 йилда ҳарбий хизматдан қайтгач, 1981 йил ноябрь ойигача ТошДТИMIning «Молия ва кредит» кафедрасида асистент лавозимида ишлай бошлаган.



1984 йилда ЎзР Фанлар академиясининг Иқтисод институтида кундузги аспирантурани битирган. 1985—1988 йилларда ЎзР Фанлар академияси Иқтисод институтида катта лаборант лавозимида ишлаган.

1987 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

1988—1997 йилларда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида «Иқтисодий назария» кафедрасида асистент, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаган.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида 1997 йил август ойидан ҳозиргача «Менежмент» кафедрасида доцент лавозимида ишламоқда.

1998 йилда ТДИУ қошидаги Олий Бизнес Мактабида бакалавр йўналиши бўйича директор муовини лавозимида ишлаган.

2000 йил ноябрь ойидан ҳозирги пайтacha ТДИУ «Менежмент» кафедрасида доцентлик лавозимида ишламоқда.

Ж. Сайдуллаевнинг қирқдан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

### САИДОВА МАВЛУДА МАЖИДОВНА



Мавлуда Мажидовна  
Сайдова фалсафа фанлари номзоди, доцент.

1947 йилда Самарқанд вилояти Каттақўргон шаҳрида туғилган. 1980 йилда М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг фалсафа факультетини имтиёзли диплом билан туттаган. 1981—82 йилларда Берлин шаҳридаги Гумбольд университетида илмий стажировкада бўлган ва Германиянинг миллий тараққиёти

муаммолари мавзуидаги номзодлик диссертацияси устида ишлаган. 1983 йилда Москва Давлат университети

аспирантурасини тамомлаган. 1984 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

М. М. Саидова ўз меҳнат фаолияти даврида Маданият уйи директори, Тошкент Давлат автомобиль йўллари институти ўқитувчisi, Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги қошидаги ўқув юртлари бошқармасининг бошлиғи, Жаҳон иқтисоди ва дипломатияси университетининг катта ўқитувчisi вазифасида ишлаган. Ҳозирги кунда эса Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти» кафедраси доценти вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

#### **Асосий илмий ишлари:**

1. Женщины на работе и дома. Программа и инструментарий конкретного социологического исследования. Т.; ТВПШ, 1991.
2. Проблемы работающих женщин. Т.; ТВПШ, 1991.
3. Особенности преподавания социологии в экономическом вузе. — В сб. Иқтисодий таълим: назария, тажриба, муаммолар ва истиқбол. Халқаро илмий-амалий анжуман. Т.; 2001.
4. Национальная идеология как важный фактор консолидации народа. — Материалы Четырнадцатых Международных Плехановских чтений. М.; 2001 ва бошқалар.

### **САИДОВ МУҲАММАДАЛИ ҲАКИМОВИЧ**

Муҳаммадали Ҳакимович Саидов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

М. Ҳ. Саидов ўзининг меҳнат фаолиятини 1982 йилдан Тошкент Халқ хўжалиги институтида механик лавозимидан бошлаган. 1986 йилгача ушбу институтда бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаган. 1986—1988 йилларда ҳарбий хизматда бўлган.

1988 йилдан бошлаб институтда иқтисодчи, катта иқтисодчи лавозимларида ишлаган.

1991 йилдан М. Ҳ. Саидов Молия институтининг режа-молия бўлими бошлиғи лавозимида ҳам ишлай бошлаган.

1994 йилда «Ҳудуд хўжаликларини ривожлантиришда экологик омилларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий тартибга солиш» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилгандан кейин институтининг «Иқтисодиёт ва бошқарув» кафедрасида катта ўқитувчи, до-



цент лавозимларида ишлана-

ган.

Вазирлар Маҳкамаси-  
нинг 31 май 1995 йил 196-  
сонли «Минтақавий олий  
ўкув юртларни ривожлан-  
тириш чора-тадбирлари»  
тӯғрисидаги қарорига му-  
вофиқ 1996 йилдан На-  
воий давлат кончиллик инс-  
тиитутида ректорнинг иқти-  
сад ва тадбиркорлик бўйи-  
ча ўринбосари сифатида  
ишга юборилган. Ҳозирги  
кунда Вазирликнинг иқти-  
садиёт, инвестиция ва мар-  
кетинг хизмати бош бош-

қармаси бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

М. Ҳ. Сайдовнинг ҳозирги кунгача чоп этган ил-  
мий изланиш натижалари 60 дан ортиқ. Унинг «Олий  
ўкув юртларни молиялаштириш» рисоласи таълим ти-  
зимини молиялаштирища мавжуд камчиликларни  
бартараф этиш, янги бозор шароитида молиявий  
барқарорликка эришиш, бюджетдан ташқари маблаг-  
лар тушумини кўпайтириш ва ундан унумли фойдала-  
ниш бўйича илмий мулоҳазалари ва шу йўналишлар-  
да чоп этган мақолалари таълим тизимини ислоҳ  
қилишга қаратилган энг самарали илмий изланиш-  
лардан ҳисобланади.

Тажрибали мутахассис, жонкуяр ва талабчан раҳ-  
бар, олим Муҳаммадали Ҳакимович Сайдов таълим  
тизимини бозор муносабатлари шароитида самарали  
бошқаришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

### САИДКАРИМОВА МУАЗЗАМ ЮНУСОВНА

Муazzam Юнусовна Сайдкаримова иқтисод фанла-  
ри номзоди, доцент.

1946 йилда туғилган. М. Сайдкаримова 1975 йилда  
Тошкент Халқ ҳўжалиги институтининг «Савдо иқти-  
сади» мутахассислигини мувваффақиятли тугатгандан  
сўнг «Савдо иқтисодиёти» кафедрасида асистент, катта

ўқитувчи ва доцент вазифасини бажарувчи лавозимда ишлаган.

1984—1988 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Иқтисодиёт институтида сиртқи аспирантурасида ўқиган. 1988 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

М. Сайдкаримова мутахассис сифатида «Савдо-ни ташкил этиш», «Савдода тижорат фаолиятини ташкил этиши», «Замона-вий технология асослари», «Савдода дизайн», «Тижорат рекламаси», «Маркетинг», «Халқаро тижорат иши» фанларидан маъруза ва амалий машгулотларни ўтказишида компьютерлардан фойдаланган ҳолда юқори савияда ўтказади. Маъруза ва амалий машгулотларини сифатли ўтиб, кафедрадаги ёш ўқитувчи ва аспирантларга услубий йўлланмалар бериб келмоқда.

Ўндан зиёд илмий, ўқув методик қўлланмалари ва мақолалари чоп этилган.

### САИДХЎЖАЕВ ФАТҲУЛЛА ШАҲОБИДДИН ЎГЛИ

Фатхулла Шаҳобиддин ўғли Сайдхўжаев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1952 йил 15 февралда Тошкент шаҳрида туғилган. 1969 йилда 83-ўрта мактабни битиргач, Тошкент Халқ хўжалиги институтига кириб, 1973 йилда Молия-кредит факультетини имтиёзли диплом билан битирган ва «Статистика» кафедрасида ассистентлик лавозимига қолдирилган.

1980 йилда Москва Молия институти аспирантурасини тугатган ва 1981 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган.





Тошкент Халқ хўжалиги институти «Статистика» кафедрасига катта ўқитувчиши лавозимига қабул қилинган.

1993 йилдан ҳозирги кунгача Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Халқаро молия ва банк иши» кафедрасида доцентлик лавозимида ишлаб келмоқда.

Ф. Ш. Сайдхўжаев бир нечта илмий мақолалар, ўқув-услубий қўлланмалар муаллифидир.

### САИПНАЗАРОВ ШАЙЛОВБЕК АКТАМОВИЧ



Шайловбек Актамович Саипназаров педагогика фанлари номзоди.

1954 йил 13 февралда Чимкент вилоятиning Сайрам туманидаги «Қорамурт» қишлоғида тааллуд топган. Ўрта мактабни 1971 йилда тамомлаган. 1980 йилда Низомий номли ТДПИнинг математика факультетини битирган.

1980—81 йилларда Сирдарё вилоятиning «Оқолтин» туманидаги 2-ўрта

мактабда, 1981—1991 йилларда ТошДУ қошидаги ёш физик ва математиклар мактабида математика ўқитувчиши, 1991—93 йилларда ТДИУ «Умумий математика ва информатика» кафедрасида асистент ва 1996 йилда ТДИУ қошидаги Иқтисодиёт лицейида ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1996 йилдан ҳозиргача ТДИУ «Эҳтимоллар наза-

рияси ҳисоблаш математикаси» кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда.

2000 йилнинг 24 февраляда «Академик лицейлар математика курсида ўқитувчиларнинг иқтисодий кўнига ва малакаларини ривожлантириш» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Шу йўналишида 14 та илмий мақола ва рисолалар чоп этилган. Жумладан, «Координаталар методи ва векторларнинг тадбигига доир масалалар» (Методик қўлланма).

«Баъзи иқтисодий масалаларни ечишда координаталар методидан фойдаланиш» (мақола), «Математика ўқитишида иқтисодий масалаларни ечиш намуналари» (Методик қўлланма) ва бошқалар.

### САЛИМОВА БИБИХАЖАР ҲОЖИАКБАР ҚИЗИ

Бибихажар Ҳожиакбар қизи Салимова иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1964 йилнинг 18 июнида Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1981 йил 186-урта мактабни тамомлаган.

1981—1985 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг меҳнат иқтисоди ва моддий-техник таъминоти факультетида таҳсил олган. 1985 йил институт йўлланмаси бўйича Ўзбекистон Давлат режалаштириш қўмитаси қошидаги Меҳнатни илмий ташкил қилиш Республика марказига мухандис-иқтисодчи лавозимига ишга қабул қилинган. 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Иқтисод институтида аспирантурани ўтагач, 1991 йилда номзодлик диссертациясини ёёлаган.

Б. Салимова 1992—1995 йилларда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигига бош мутахассис лавозимида ишлаган.



1995 йилдан бошлаб Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Халқаро туризм иқтисоди» кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

1997 йил Нью-Йорк Университетининг семинарида иштирок этиб, «Америка таълим менежменти» дипломига сазовор бўлган.

Б. Салимованинг ўнлаб илмий мақолалар ва ўқув қўлланмалар, маъруза матнлари чоп этилган.

## САМАТОВ ХОЛМАТ



Холмат Саматов фалсафа фанлари номзоди, доцент.

1954 йилда Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманида туғилган. 1971 йилда 45-ўрта мактабни тутатган.

1971—1973 йиллар Чирчиқ Электор кимё заводида дурадгор бўлиб ишлаган, 1973—1975 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1975 йилда Тожикистон Давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кирган. 1980

йилда ўқиши муваффақиятли тутатгач, йўлланма асосида Душанбе педагогика институти «Фалсафа» кафедрасига ишга юборилган ва 1984 йил июнь ойига қадар ишлаган.

1984 йилда Ўрта Осиё педиатрия тиббиёт институти «Фалсафа» кафедрасининг ўқитувчиси, 1993—1998 йилларда Тошкент молия институти «Фалсафа» кафедрасининг катта ўқитувчиси ва 1998 йил 1 сентябридан эса Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Фалсафа» кафедрасининг катта ўқитувчиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Х. Саматовнинг 14 босма табоқдан зиёд илмий ишлари эълон қилинган.

**САФАРОВ  
БАХТИЁР ЖУРАКУЛОВИЧ**

Бахтиёр Журакулович  
Сафаров иқтисод фанлари  
номзоди, доцент.

1988 йилда Тошкент  
Халқ хўжалиги институти-  
нинг савдо иқтисоди фа-  
культетини муваффақият-  
ли тугаллаган ва «Товар-  
шунослик» кафедрасида  
ассистент лавозимида меҳ-  
нат фаолиятини бошлаган.

Б. Сафаров 1990—1993  
йилларда Тижорат факуль-  
тети деканининг ўқув ус-  
лубий ишлар бўйича муо-  
вини лавозимида ишла-  
ган.

1991—1999 йиллари  
ТДИУнинг «Савдода ме-  
нежмент» кафедрасида катта ўқитувчи ҳамда касаба  
уюшмаси гуруҳи ташкилотчиси лавозимларида ишла-  
ган.

1993—1995 йиллари ТДИУнинг «Савдода менежмент»  
кафедрасида кундузги аспирантурада ўқиган.

1998 йилда Б. Сафаров ТДИУ қошидаги «Марке-  
тинг» йўналиши бўйича ихтисослашган кенгашда  
«Ўзбекистон чакана савдосида бозор тизимларининг  
шаклланиши ва уларни тартибга солиш» мавзусида  
номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя  
қилган.

1999 йил 1 октябрдан бошлаб Б. Сафаров «Савдо  
иқтисодиёти ва бизнес» кафедрасида катта ўқитувчи  
лавозимда ишлаб келмоқда.

Б. Сафаров 8 босма табоқдан ортиқ ишлар-  
нинг муаллифидир. Б. Сафаров илмий мақолалари «Бо-  
зор, пул, кредит», «Ўзбекистон иқтисодий ахборотно-  
маси» каби журналларда, ТДИУ илмий-амалий анжу-  
манлари илмий тўпламларида чоп этилган.



**САФАРОВА  
ЗУХРА ГАЙНУЛОВНА**



Зуҳра Гайнуловна Сафарова иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1941 йили бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш билим юртини тураллагандан сўнг З. Сафарова узоқ давр мобайнида ҳалқ маорифи тизимида фаолият кўрсатган. Дастрас, ўқитувчи, сўнгра мактаб директори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигида катта инспектор лавозимларида ҳам ишлаган.

1964 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

З. Сафарова «Фалабанинг 50 йиллиги», «Шухрат» медаллари ва турли фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

1964—2000 йиллари Тошкент Ҳалқ хўжалиги институти (Тошкент Давлат иқтисодиёт университети)да ўз илмий фаолиятида 40 дан ортиқ илмий мақола, илмий-услубий қўлланмаларни чоп эттирган.

**Асосий илмий ишлари:**

1. Сборники задач и методические указания по их использованию. Т. 1990.
2. Метод разработки по проведению семинарских занятий 1 курса. Т., 1989.
3. Методические рекомендации по чтению лекции на тему: «Собственность. Ее реализация в процессе перехода к рынку». Учебное пособие. Т., 1998.
4. Использование произведений И. Каримова в изучении экономической теории. Т., 2000 ва бошқалар.

## **СИЧЕВА НЕЛЛИ ИВАНОВНА**

Нелли Сичева Ивановна физика-математика фанлари номзоди, доцент.

1938 йил 28 январда Тошкент шаҳрида туғилган.

1956 йилда ўрта мактабни битириб, Тошкент Давлат университетининг математика факультетига ўқишига кирганди.

1961 йилда «Математик» мутахассислигини олгач, Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Олий математика ва ҳисоблаш техникаси» кафедрасига асистент лавозимида ишга қабул қилинганди.

«Иқтисодий кибернетика» факультетининг очилиши муносабати билан «Иқтисодий кибернетика» кафедрасига ишга ўтказилган. Ҳозирда шу кафедрада доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

Тошкент Халқ хўжалиги институтидаги қирқ йиллик иш фаолиятида асистентликдан доцент лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди. Қирқдан ортиқ илмий, илмий-методик ишларни, хусусан «Иқтисодий-математик усуллар ва моделлар», «Режалаштириш ва бошқарувда математик усуллар», «Эконометрика» каби ўқув қўлланмаларини нашр этган.

## **СОБИРЖОНОВА ДИЛОРА КАРИМОВНА**

Дилора Каримовна Собиржонова иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1951 йил 14 апрелда Фрунзе шаҳрида туғилган. 1969 йилда ўрта мактабни тамомлаб, Қирғизистон Давлат иқтисодиёт университетига ўқишига кирганди. 1973 йилда Қирғизистон Давлат университетининг «Савдо иқти-





да номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1994 йилдан шу кунгача Молия институтининг «Менежмент ва хуқуқ» кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

Д. К. Собиржонованинг ўндан ортиқ илмий ишлари чоп этилган.

### СОДИҚОВ АНВАР КАРИМОВИЧ



соди ва товаршунослик» мутахассислигини тамомлаган ва кафедрага ўқитувчи лавозимида қабул қилинган. 1975 йилда Тошкент шаҳрига кўчиб келишган.

1975 йилдан 1986 йилгача «ВНИКС»нинг Ўзбекистон филиалида ишлаб келинган. 1986 йилда таълов асосида Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Товаршунослик» кафедрасига ассистент лавозимида қа-бул қилинган. 1991 йилда

номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1994 йилдан шу кунгача Молия институтининг «Менежмент ва хуқуқ» кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

Анвар Каримович Содиков тарих фанлари номзоди, доцент.

1956 йил 14 ноябрда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1973 йил Тошкент Давлат университетининг тарих факультети «Фалсафа» бўлимига ўқишга кириб, уни 1978 йилда тутатган ва шу университетда ўқитувчи лавозимида ишлай бошланган.

1983 йилда «Меҳнаткашларнинг меҳнат фаолиятини оширишда илмий

техника тараққиётининг ўрни ва роли» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1987 йилдан эса Тошкент Халқ хўжалиги институтига катта ўқитувчи лавозимига ишга қабул қилинган.

Хозирги кунда университетнинг «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедрасида доцентлик лавозимида ишлаб келмоқда.

А. К. Содиковнинг йигирмадан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

### СОДИҚОВ НИЛ НИАМЕТОВИЧ

Нил Ниаметович Содиков техника фанлари номзоди, доцент.

1937 йил 19 декабрда Москвада туғилган. 1955 йилда ўрта мактабни олтин медаль билан тутатгач, 1955—1963 йилларда Ўрта Осиё политехника институти (ҳозирги Техника университети)да таҳсил олган.

1964—67 йилларда мазкур институтнинг аспирантурасида ўқиган ва унибитиргач, дастлаб кафедра ассистенти, сўнгра катта ўқитувчи лавозимларида ишлаган. 1972 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1975 йилда доцент лавозимида ишлай бошлаган.

1991—97 йилларда Тошкент Давлат шарқшунослик институти «Халқаро маркетинг ва менежмент» кафедрасининг доценти лавозимида ишлаган.

1998 йилдан эътиборан ТДИУ «Халқаро бизнес» ва «Иқтисодий таълим педагогикаси» кафедраларида доцент, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига Масофавий таълим ва информацион технология тараққиёти Бошқармаси директори муовини лавозимларида ишлаб келмоқда.



Доцент Н. Н. Содиқов бир неча дарслер, ўқув-қўлланмалар ҳамда қирқдан зиёд илмий мақолалар муаллифидир.

### СОЛИЕВА ЯНВАРА ФОЗИЛОВНА



бўйича диссертация ёқлаган.

Я. Солиева 1966—95 йилларда «Политология» (ҳозирги «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти») кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаган.

Я. Солиева университет Хотин-қизлар кенгаши аъзоси, кибернетика ва саноатни планлаштириш факультетларининг Хотин-қизлар кенгаши раиси сифатида жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этган. У киши бошчилигида ўтказилган «Балли қизлар!», «Ассалом Наврӯз!», «Моҳир пазанда», «Қандай меҳмон кутамиз?» каби тадбирлар университет талабаларида зукколик, моҳирлик, эстетик дид каби хислатларни тарбиялашда муҳим ўрин эгаллаган.

Я. Солиева илмий-педагогик фаолияти соҳасидаги хизматлари учун собиқ иттифоқ ҳалқ таълим мининг «Ишдаги аъло хизматлари учун» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Олиманинг ўттиздан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

Январа Фозиловна Солиева тарих фанлари номзоди, доцент.

1938 йилда Фарғона вилоятиning Риштон шаҳрида туғилган. 1962 йилда Тошкент Давлат университетининг филология факультети журналистика бўлимини битирган. Ўша йили Тошкент Давлат Молия институти аспирантурасига ўқишига кирган ва уни 1966 йилда тугатиб, «Меҳнаткашларни эстетик руҳда тарбиялаш» мавзуси

## **СОТИВОЛДИЕВ АБДУРАҲМОН СОТИВОЛДИЕВИЧ**

Абдураҳмон Сотиволдиев иқтисод фанлари номзоди, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи.

1929 йил 1 январда Тошкент вилоятиning Қибрай туманида таваллуд топган.

1946—1949 йилларда Тошкент Молия техникумida ўқиб, уни имтиёзли дипломга битиргач, шу йилнинг ўзида Ленинград Молия-иқтисод институтининг педагогика факультетига ўқишига юборилган. 1953 йилда институтни имтиёзли диплом билан битирган. 1953—1962 йилларда Тошкент Ҳисоб-кредит техникумida дастлаб ўқитувчилик, кейин ўқув ишлари бўйича директор мувонини лавозимида ишлаган.

1962—1965 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Бухгалтерия ҳисоби» кафедрасида аспирантурани битириб, 1966 йилда иқтисод фанлар номзоди илмий даражасига эга бўлган.

1966—1969 йилларда ҳозирги Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг ҳисоб-иқтисод факультетида декан мувонини, 1969—1979 йилларда шу факультетнинг декани бўлиб ишлаган.

1971 йилда доцент, 1991 йил профессор, 1997 иили Тошкент Молия институтининг «Фахрий профессори» унвонларига сазовор бўлган.

Бугунги кунда А. Сотиволдиев кафедрада етакчи ўқитувчи бўлиб ишлаш билан бир қаторда Ўзбекистон бухгалтерия ва аудиторлар бюро аъзоси сифатида юксак даражада фаолият кўрсатиб келмоқда.

Профессор А. Сотиволдиев иш фаолияти давомида (150 дан ортиқ босма табоқ) монография, дарсликлар, мақолалар ёзиб, очиқ матбуотда эълон қилган. У



Республикада биринчи бўлиб ўзбек тилида 30 босма табоқли «Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби» дарслигини яратган. Шунингдек, олимнинг «Бозор иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисоби» номли 2 томдан иборат рус тилидаги дарслиги ҳам чоп этилган ва бошқалар.

## ТАЙШИЕВ АБДУРАҲМОН МАМАДАЛИЕВИЧ



Абдураҳмон Мамадалиевич Тайшиев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1955 йил 1 июлда Чимкент вилояти Омонжар қишлоғида туғилган. Мехнат фаолиятини 1982 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтида кафедра асистенти лавозимидан бошлаган.

1985—1988 йилларда Москва Халқ хўжалик институти аспирантурасида ўқиган.

1989 йилдан Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Ишлаб чиқариш воситалари маркетинги» кафедрасида фаолиятини давом эттирган. Тижорат факультетида декан муовини лавозимида ишлай бошлади.

1995—1997 йилларда Тошкент вилояти «Тадбиркор банки»да бошқарма бошлиги муовини, 1997—1998 йилларда Ташқи ишлар вазирлигининг дипломатик сервис хизмати бошқармасида бошқарма бошлигининг иқтисод бўйича муовини бўлиб ишлади.

1998 йилдан Тошкент Давлат иқтисодиёт университетини халқаро иқтисодий муносабатлар факультетининг «Ташқи иқтисодий фаолиятда маркетинг» кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

25 босма табоқдан ортиқ илмий мақолалари нашр килган.

## ТЕМИРОВ АБДУЛАЗИЗ АЛИМЖОНОВИЧ

Абдулазиз Алимжонович Темиров иқтисод фанлари номзоди.

1969 йил 7 сентябрда Марғилон шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1976 йилда Марғилон шаҳридаги 1-ўрта мактабга ўқишига борган ва уни 1986 йилда олтин медаль билан тамомлаган. 1986 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг Ҳисоб-иқтисод факультетига қабул қилингандан ва уни 1991 йилда битирган. 1988—1990 йилларда харбий хизматда бўлган.

1991 йилдан бошлаб Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Молия ва баҳони шакллантириш» кафедрасига асистентликка ишга қабул қилинган.

1992—1994 йиллар мобайнида Туркия Республикаси университети Молия бўлимида малака оширишда бўлиб қайтган.

1994—1998 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Молия, пул муомаласи ва кредит» мутахассислиги бўйича аспирантурасида тақҳсил олган.

1996 йил феврал ойида Жаҳон Банки ва Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ҳамкорлигига ўтказилган «Рыночное банковское дело» ўкув дастури қатнашчиси бўлган.

1996—1997 йилларда Иқтисодий Ривожлантириш институти (АҚШ), Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва Қозоғистон Бошқарув академияси билан биргалиқда тайёрланган «Financial and Banking Management» дастурида қатнашган, халқаро сертификат олган.

1998—1999 йилларда АҚШ «Сорос» фонди томонидан тайёрланган «Методы преподавания экономики» дастурида қатнашиб, халқаро сертификат соҳиби бўлган.

1996—1998 йиллар давомида «Мулқдор» иқтисодий газетасида бош ҳисобчи вазифасида, 1998 йилдан ҳозирги кунгача «Global Facts Central Asia» ҳиссадорлик жамиятида бош ҳисобчи вазифасида ўриндошлиқ асосида ишламоқда.

## ТОЖИЕВ МИРАЗИМ

Миразим Тожиев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1948 йилда Тошкент шаҳрида туғилган.



1966 йилда 40-сон ўрта мактабни тугатган. Тошкент Давлат университетини 1971 йилда битирган. Шу йилдан Пахта цељулозасини химия ва технологияси институтида катта лаборант, сўнгра кичик илмий ходим лавозимида ишлаган. 1974 йилдан бошлаб, Ўрта Осиё озиқ-овқат илмий-текшириш институтида кичик илмий ходим лавозимида ишлаган. 1982 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1982 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Саноат ишлаб чиқариш технологияси» кафедрасига асистент лавозимига ўтган. 1989 йилдан «Тармоқлар технологияси» кафедрасида доцент лавозимида ишлаган.

1991 йилдан Тошкент Молия институти «Технологиялар тизими» кафедрасида доцент вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

Илмий ва илмий педагогик фаолият даврида 75 дан ортиқ илмий ва ўқув методик (умумий ҳажми 80 б/т. дан ортиқ) ишлари чоп этилган. Жумладан: 50 дан ортиқ илмий ишлари тўпламларда, Республика ва халқаро миқёсдаги журналларда нашр қилинган.

## ТОЙМУҲАМЕДОВ ИБРОҲИМ

Иброҳим Тоймуҳамедов иқтисод фанлари номзоди.

1964 йил 23 марта Тошкент вилояти Зангиота тумани Навоий жамоа хўжалигида ишчи оиласида түғилган. 1981 йилда 22-ўрта мактабни аъло баҳолар билан тутатган.

1981 йил Тошкент Халқ хўжалиги институтининг Молия-иқтисод факультетидаги «Кредит» мутахассислигига ўқишига кирган. 1985 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Молия-кредит» мутахассислигини имтиёзли диплом билан тутатган.

1985—1987 йилларда ҳарбий хизматда бўлган.

1989—1992 йилларда Россия хукумати қошидаги Молия илмий-текшириш институтида аспирантурада ўқиган. 1992 йил декабрда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1994 йил декабридан ҳозирги кунга қадар Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Халқаро молия ва банк иши» кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

И. Тоймуҳамедовнинг ўндан зиёд илмий ишлари чоп этилган.



### ТОШМУҲАМЕДОВ НЕҶМАТ СОБИРОВИЧ

Неҷмат Собирович Тошмуҳамедов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1940 йил 18 ноябрда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида таваллуд тонган. 1957 йилда ўрта мактабни тутатгач, Тошкент Қишлоқ хўжалиги институтига ўқишига кирган ва уни 1962 йилда муваффақиятли тутатган.

1962—1963 йилларда институт йўлланмаси асосида «Қўнгирот» совхозида бош иқтисодчи лавозимида ишлаган.

1964—1968 йилларда Тошкент Қишлоқ хўжалиги техникумида ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1968—1971 йилларда Москвада Қишлоқ хўжалиги



иқтисоди илмий-текшириш институтида аспирантура-да ўқиган.

1971 йилда эса номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилгандан кейин Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалиги иқтисоди илмий-текшириш институтига юборилган.

1974—1978 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Халқ хўжалигини режалашибир» кафедрасида катта ўқитувчи, 1978 йилдан 2000 йил декабргача эса «Макроиктисодиёт» кафедрасида доцент бўлиб ишлаган.

Н. С. Тошмуҳамедовнинг қишлоқ хўжалик иқтисодига багишлиган қирқقا яқин илмий ишлари чоп этилган.

Доцент Н. С. Тошмуҳамедов 2001 йил январь ойидан бошлаб нафақада.

### ТОШМАТОВ ШУҲРАТЖОН ҲАМРАЕВИЧ

Шуҳратжон Ҳамраевич  
Тошматов тарих фанлари  
номзоди, доцент.

1959 йил 4 апрелда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1976 йилда ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Давлат университетининг тарих факультетига ўқишга қабул қилинган ва 1981 йилда имтиёзли диплом билан тугатган.



Ш. Х. Тошматов 1982 йилда йўлланма асосида Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Ўзбекистон тарихи» кафедрасига катта лаборант лавозими-

га ишга қабул қилинган.

1986—1989 йилларда шу институтининг «Иқтисодий таълимотлар ва халқ хўжалиги тарихи» кафедрасига аспирантуранинг кундузги бўлимида ўқиган.

1990 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилған. 1995 йилдан доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

Ш. Х. Тошматов томонидан 48,5 босма табоқдан иборат 14 та илмий ва ўқув-услубий құлланмалар чоп этилған.

## ТОҒАЕВ ОҚХҮЖА АСАНОВИЧ

Оқхұжа Асанович Тоғаев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1951 йил 8 августда Тошкент вилоятининг Зангиота туманида туғилған.

1974 йили Тошкент Қишлоқ хұжалиғи институтининг иқтисодиёт факультетини тугатиб, 1974—1976 йиллар мобайнида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Кибернетика институтида кичик илмий ходим лавозимида ишлаган.

1976—1979 йиллар Г. В. Плеханов номидаги Москва Халқ хұжалиғи институти аспирантурасыда таълим олиб, иқтисодий кибернетика мұтахассислиги бүйічға фан номзоди илмий даражасини олған.

1991 йилдан бошлаб Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Ишлаб чиқариш воситаларининг тижорати ва маркетинги» кафедрасыда катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлади. 1999 йилдан бошлаб «Халқаро молия ва банк иши» кафедрасы доценти.

Германия, Италия ва қатор гарбий Европа илмий марказларыда стажировка ва тажриба алмашиш ишларини олиб борган.

Умумий ҳажми 57 босма табоқ бұлған, 47 илмий-услубий ишларнинг муаллифи.



**Асосий ишлари:**

Оптимизация продуктовых подсистем агропромышленного комплекса, Москва, «Наука», 1987.

Ишлаб чиқариш воситаларининг халқаро савдоси, Тошкент, 1997.

**ТУРДИБОЕВ  
АБДУВОҲИД ТЎҲТАБОЕВИЧ**



Абдувоҳид Тўҳтабоевич Турдибоев 1962 йилда туғилган. 1980 йилда ўрта мактабни тутатгач, Самарқанд кооператив институтига ўқишга кириб, 1984 йилда «Бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолияти анализи» мутахассислиги бўйича тутатган, 1996 йил Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Банк иши» мутахассислиги бўйича ўқишини сиртдан тамомлаган. И. ф. н.

А. Турдибоев ўз иш фаолиятини 1984 йил Сирдарё туманлараро савдо базасида ҳисобчи лавозими-

да иш бошлаган, 1987 йил Сирдарё туманлараро базасида бош ҳисобчи ёрдамчиси, 1988 йил Сирдарё туман коопторгда бош ҳисобчи, 1989 йил Сирдарё туман тайёрлов уюшмасида ҳисобчи, 1991 йилда шу уюшмада бошқарув ҳайъати раиси, 1996 йилда Сайхунобод туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи муовини лавозимида ишлаган, 1998 йилдан бўён шу инспекциянинг бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

Абдувоҳид Тўҳтабоевич Турдибоев иш фаолияти мобайнида ўзининг ақл заковати, билимдонлиги, ходимларга нисбатан фамхўрлиги ва жамоат ишларини ташкил этишда фаоллиги билан жамоа орасида ажralиб турди, 2000 йилнинг 13 марта Давлат солиқ кўмитасининг навбатдан ташқари шаҳодат синовидан муваффақиятли ўтган.

Абдувоҳид Тұхтабоевич Турдибоев солиқ инспекциясида раҳбар лавозимда ишлагандан бүён чораклик ва йиллик бюджет тушуми таҳминий режаларини ошиғи билан бажарып келган. Вилоятнинг «Сирдарё ҳақиқати» ва «Янги ҳаёт» газеталарида «Солиқчи минбари» руқнида мақолалари чиққан. Хизматлари учун 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг фахрий ёрлиғи ва ташаккурномалари билан тақдирланган.

А. Т. Турдибоевнинг ўндан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

### ТУРСУНОВА МАТЛУБА МУҲАММАДЖОНОВНА

Матлуба Муҳаммаджоновна Турсунова иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1935 йил 9 июнда Тошкентда зиёли оиласида туғилган.

М. Турсунова 1954 йилда ўрта мактабни битириб, шу йили Тошкент Молия-иқтисод институтига киргани ва уни 1958 йилда битирган. 1963 йилдан бошлаб то ҳозиргача «Иқтисодий назария» кафедрасида, олдин ассистент, сўнгра катта ўқитувчи, 1970 йилдан доцент вазифаларида ишлаб келмоқда.

«Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги» ҳамда «Фидойи» медаллари билан тақдирланган.

1969 йили номзодлик диссертациясини ёқлаган. Битта монография ва ўқув-услубий қўлланма ва бир нечта мақолалар муаллифидир.



## ТУРСУНОВ РАСУЛ ТАИРОВИЧ



Расул Таирович Турсунов физика-математика фанлари номзоди, доцент.

1956 йил 10 июня Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1963 йилда 144-ўрта мактабга кириб, уни 1973 йилда таомомлаган. Шу йили Тошкент Давлат университетининг механика-математика факультетига ўқишига кириб, уни 1981 йилда таомомлаган. 1974—1976 йилларда ҳарбий хизматни ўтаган.

1981—84 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Математика институтининг аспирантурасида ўқиған.

1985 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Илмий педагогик фаолиятини 1989 йилдан Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Эҳтиимоллар назарияси ва ҳисоблаш математикаси» кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида давом эттирган. 1991—96 йилларда кафедранинг доценти лавозимида ишлаган.

1995—96 йилларда Европа Ҳамжамияти томонидан таъсис этилган TACIS лойиҳасининг бизнес бошқарув мастерлар (МБА) курсини туттатган. «Халқаро бизнес» факультети декани муовини, 1997—99 йилларда декан лавозимида ишлаган. 2000 йилдан бошлаб янги ташкил этилган «Халқаро бизнес» кафедрасининг мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

2000 йилда АҚШнинг Нью Пальц университетида малака оширган.

Р. Турсунов ўзининг илмий тадқиқотчилик ва педагогик фаолияти даврида қирқдан ортиқ илмий ҳамда ўкув услугубий ишларни чоп эттирган. Жумладан, 1 та дарслік, 2 та ўкув услугубий қўлланма, 1 та модул ва 26 дан ортиқ мақолалар ва бошқалар.

## ТУРСУНХҮЖАЕВ ТУЙГУН ЛУТФУЛЛАЕВИЧ

Туйғун Лутфуллаевич  
Турсунхұжаев иқтисод  
ғаллари номзоди, доцент.

1928 йил Тошкент  
шаҳрида туғилған.

1942—1944 йилларда  
қарбий заводда ишчи  
бұлып ишлаган. 1944—1947  
йиллар мобайнида Тиб-  
биёт техникумда ўқиган.  
1947—1949 йилларда тиб-  
биёт ходими бұлып поли-  
клиникада ишлаган. 1949—  
1954 йилларда Тошкент  
Халқ хұжалиги институти-  
да ўқиган.

1954—1958 йиллар мобайнида «Ўзглавхолпром»  
ташкилотида катта агроном лавозимда ишлаган.

1958—1960 йилларда Шолицилик илмий-текшириш  
институтида илмий ходим бұлып ишлаган. 1960—1963  
йилларда сабық иттифоқ нахтацилик илмий текшириш  
институтида күндузги аспирантурасыда ўқиган.

1965 йилда номзодлик диссертациясини ёқладан.  
1963—1966 йиллар мобайнида Шолицилик илмий-тек-  
шириш институтида илмий ходим бұлып ишлаган. 1966  
йилдан Тошкент Молия институтида «Қишлоқ хұжа-  
лиги иқтисоди» кафедрасыда катта ўқытувчи лавозим-  
да ишлаган. 1972 йилда доцент унвони берилған.

Хозирда «Агробизнес» кафедрасыда доцент лавози-  
мда ишлаб келмоқда.

Доцент Т. Л. Турсунхұжаевнинг 15 б/т. дан зиёд ил-  
мий ва методик асарлари чоп этилған.

## ТҰЛАГАНОВА ДИЛОРОМ СОБИРОВНА

Дилором Собировна Тұлаганова иқтисод ғаллари  
номзоди, доцент.

Тошкент шаҳрида хизматчи оиласыда туғилған. У  
Тошкент шаҳридаги 28-үрта мактабни тугатиб, Тош-





кент Халқ хўжалиги институтининг «Савдо иқтисоди» мутахассислигига ўқишига кирган. Институтни битириб, Фанлар академияси қошидаги «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида аввал тадқиқотчи бўлиб ишлаган, сўнг аспирантурага кирган.

1987—1990 йиллар мобайнида Москва Давлат университетининг «Иқтисодий-математик моделлаштириш» кафедраси аспиранти бўлган. 1990 йилнинг апрелида Д. Тўлаганова «Социал ва иқтисодий системаларда бошқариш» мутахассислиги бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1990 йилнинг сентябридан бошлаб, Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Иқтисодни бошқариш» кафедраси ассистенти. 1991 йилда катта ўқитувчи, 1994 йилда доцентлик лавозимини бажарувчи, 1995 йилда доцентлик илмий унвонини олган. Ҳозирда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Менежмент» кафедрасида доцент.

1993 йил Олма-Ота, 1994 йил Австрияning Вена шаҳрида, 1995 йилда АҚШнинг Вашингтон шаҳрида бўлган. Жаҳон Банки қошидаги Иқтисодий Ривожланиш институтининг «Корхоналарни қайта қуриш ва хусусийлаштириш» мавзусидаги семинарида, 1995 йилда Англияning Ноттенгем-Лондон шаҳарларида «Темпус-Тасис» лойиҳаси бўйича, 1999 йил АҚШнинг Вашингтон Шампейн, Чикаго шаҳарларида «Коран» дастури билан иштирок этган. 2000 йилнинг февраль-май ойларида эса Нью-Палтсдаги Нью-Йорк Университетида малака ошириб келган.

Д. Тўлаганова ўзбек ва рус тилларида 16 та ўкув-услубий қўлланма ва 22 та илмий мақола ёзган.

## ТҮЛАГАНОВА ШОҲИЯ ФАФУРОВНА

Шоҳия Faфуровна  
Тўлаганова иқтисод фан-  
лари номзоди, доцент.

1952 йил 4 июнда Тош-  
кент шаҳрида туғилган.

1969 йилда ўрта мак-  
табни тамомлаб, Тошкент  
Халқ хўжалиги институти-  
га ўқишига кирган. 1973  
йилда Тошкент Халқ хўжалиги  
институтининг «Савдо  
иқтисоди» мутахассис-  
лигини тамомланган. 1978  
йилда танлов асосида Тош-  
кент Халқ хўжалиги инс-  
титутининг «Савдо иқти-  
сади» кафедрасига ассис-  
тент лавозимига қабул қи-  
линган.

1989 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1994 йилдан шу кунгача Молия Институтининг «Ме-  
нежмент ва ҳуқуқ» кафедрасида доцент лавозимида иш-  
лаб келмоқда.

Ш. F. Тўлаганованинг ўндан зиёд илмий ишлари  
чоп этилган.



## ТЎРАЕВ АРАБАЛИ

Арабали Тўраев фалсафа фанлари номзоди, доцент.

1937 йили 11 ноябрда Шеробод туманида таваллуд  
топган. 1955 йили ўрта мактабни битиргач, 1958 йилга-  
ча Муқимий номли ўрта мактабда бошланғич синф  
ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

1958 йил Тошкент Давлат университетининг фило-  
логия факультети қошидаги журналистика бўлимiga  
кириб, 1963 йилда битирган. 1963—1966 йилларда Сур-  
хондарё вилоятининг ҳозирги «Сурхон тонги» газета-  
сида адабий ходим бўлиб ишлаган.

А. Тўраев 1966 йилдан Ўзбекистон Фанлар академи-  
яси Фалсафа ва ҳуқуқ институтида кичик илмий хо-



дим бўлиб ишлай бошлаган. 1969—1972 йиллари шу институтнинг кундузги аспирантурасига ўқишига кирган ва 1975 йилда «Илмий техника тараққиёти шароитида қишлоқ хўжалик меҳнатини индустрисал меҳнатнинг бир турига айлантириш масалалари» мавзусида фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган.

Арабали Тўраев 1975 йил 1 сентябрдан Тошкент Халқ хўжалиги институтида ишлай бошлаган. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедрасида дастлаб катта ўқитувчи, 1980 йилдан бошлаб доцентлик лавозимида ишлаб келмоқда. А. Тўраев кўп йиллар давомида Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг кўп тиражли «Иқтисодчи» газетасининг муҳаррири бўлиб фаолият кўрсатган.

1997 йилдан бошлаб А. Тўраев Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг иккинчи мутахассислик бўйича Термиз ўқув-маслаҳат маркази директори лавозимида ишлаб келмоқда.

А. Тўраев бошлилик қилаётган Термиз ўқув-маслаҳат пунктида таҳсил олган 70 нафар талаба 2000—2001 ўқув йилида Тошкент Давлат иқтисодиёт университетини тамомлаб, «Молия», «Банк иши», «Солиқлар ва солиққа тортиш», «Товарлар ва хизматлар маркетинги» мутахассисларни бўйича бакалавр дипломини олишиди.

А. Тўраевнинг (150 босма табоқ илмий ишлари) монография, рисолалар ва ўқув-услубий қўлланмалари чон этилган.

### ТўРАХЎЖАЕВ ТЎЛҚИН ИКРОМОВИЧ

Тўлқин Икромович Тўрахўжаев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1940 йил 2 июнда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган. 1964 йилда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг Кимёбиология факультетини тамомлаган. У 1964 йилнинг июлидан ноябригача Ўзбекистон ФАНИНГ Ўсимликлар экспериментал биологияси институтида стажёр-изланувчи бўлиб ишлаган.

1964—1965 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1975 йилдан ЎзФА УЭБИ институтида кичик илмий ходим вазифасида ишлаган.

1973 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1975 йил август ойидан Ўсимликлар ўсишида физиологик ва биокимёвий ҳолатлар ўрганувчи лабораторияда катта илмий ходим бўлиб ишлаган.

1990 йили Т. Тўрахўжаев етакчи илмий ходим лавозимига тайинланган.

Т. Тўрахўжаев меҳнат фахрийси. У 1993 йилда «Мусаффо» препарати учун муаллифлик гувоҳномасига эга бўлган.

Т. Тўрахўжаев 1996 йил 1 декабридан ТДИУ «Агробизнес» кафедрасининг доценти лавозимида ишламоқда.

Т. Тўрахўжаев 70 дан ортиқ илмий мақолалар чоп эттирган. Булардан 5 та рисола, 10 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги учун зарур илмий тавсиялари Қишлоқ хўжалик вазирлиги томонидан маъкулланган ва ишлаб чиқаришига тавсия этилган.



## ТЎХТАХУНОВ АБДУҚОДИР

Абдуқодир Тўхтахунов юридик фанлари номзоди, доцент.

1936 йил 4 октябрда Олма-ота вилоятининг Чилик туманида туғилган. 1955—1960 йилларда Ўрта Осиё Дав-



лат университети Шарқ факультетининг уйғур-хитой бўлимида таҳсил олган. 1960—1964 йилларда Ўзбекистон Давлат нашриётида корректор, кейинчалик муҳаррир бўлиб хизмат қилган. 1964—1968 йилларда эса Тошкент шаҳридаги 79-сонли ўрта мактабда ўзбек тилидан дарс берган. 1964 йилда А. Тўхтахунов Тошкент Давлат университети хукуқшунослик факультетининг сиртқи бўлимига кириб, уни 1970 йилда тутатган.

А. Тўхтахунов 1968—1978 йилларда И. Мўминов номидаги Фалсафа ва хукуқ институтининг қиёсий хукуқшунослик ўрганиш секторида илмий ходим лавозимида ишлаган. 1978—1983 йилларда эса Тошкент Политехника институтида катта ўқитувчи бўлиб фаолият қўрсатган.

А. Тўхтахунов 1980 йилда Фалсафа ва хукуқ институтининг Илмий кенгашида «Хоразм, Бухоро, Мўгулистон Халқ Демократик Республикалари олий органларининг фаолияти» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Олим 1983 йилдан Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Хукуқшунослик» кафедрасида хизмат қилиб келмоқда.

А. Тўхтахунов 40 га яқин (100 б/т.) илмий-услубий мақолалар муаллифиидир.

#### **Асосий илмий ишлари:**

1. На основе равноправного сотрудничества. Журнал «Советский Узбекистан», Т., 1980. (Рус, инглиз, француз, испан, форс, араб ва урду тилиларида).
2. Общественные организации в укреплении трудовой дисциплины. В. сб.: Научные труды ТашГУ, 1984.
3. Олий билимгоҳ талабалари учун хукуқшуносликдан методик кўлланма. Т., 1990.
4. Хукуқ асослари. (Ҳамкор) «Ўзбекистон», 1992.

5. Мекнат, қонун, истиқлол, ИНХ, 1993. (Ҳамкор)
6. Ўзбекистон мекнат ҳуқуқига оид практик машғулот бўйича методик тавсиялар. Т., 1994.
7. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари тўғрисида. Т., 1993 ва бошқалар.

## ТЎХЛИЕВ БОЗОР КАРИМОВИЧ

Бозор Каримович Тўхлиев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1963 йилда Яккабоғ тумани Қатағон қишлоғига туғилган.

1981 йилда ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Халқ хўжалиги институтига қабул қилингандан ва уни 1985 йилда тугатган.

1985—1986 йилларда Яккабоғ тумани Агросаноат бирлашмасида катта бухгалтер вазифасида ишлаган.

1986—1988 йилларда ҳарбий хизматда бўлган.

1989—1993 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қишлоқ, Хўжалиги иқтисоди илмий-тадқиқот институти аспирантурасининг кундузги, кейинроқ сиртқи бўлимида таҳсил олган.

1993 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Б. К. Тўхлиев 1994—1996 йилларда Жаҳон Банки томонидан «Банк ва молиявий менежмент» мавзусида ўтказилган уч босқичли Тошкент—Олма-Ота—Вашингтон (АҚШ), 1994 йил Истанбул (Туркия), 1995 йил Реджио-Эмилия (Италия) халқаро ўкув семинарларида иштирок этган.

1990 йилдан бошлаб Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Молия» кафедрасида ишламоқда.

Б. К. Тўхлиевнинг 20 дан ортиқ илмий ишлари чоп этилган.



### **Асосий илмий ишлари:**

1. Кооператив мулк ва индивидуал меҳнат фаолиятини ривожлантиришнинг айрим масалалари. Т.; 1990.
2. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш. Т., «Ўқитувчи», 1993.
3. Молия-банк атама ва ибораларининг русча-ўзбекча эквивалент луфати. (Ҳамкор). ТДИУ, 1994.
4. Бизнес режа ва унинг молиявий жиҳатлари. Т., 1996.
5. Обзор операции с цennymi бумагами. ТДИУ, 1996.

### **УБАЙДУЛЛАЕВ ШУКУРУЛЛА ЗИНАТОВИЧ**



Шукурулла Зинатович  
Убайдуллаев техника фан-  
лари номзоди, доцент.

1939 йили 13 октябрда  
Тошкент шаҳрида ишчи  
оиласида туғилган.

1956 йилда мактабни  
битириб, шу йили Тошкент  
Политехника институтининг кимё-технология  
факультетига ўқишига кирганд. 1961 йил институтни  
битириб, «инженер-техно-  
лог» мутахассислигини ол-  
ган. Ёш мутахассис сифатида Қирғизистон Республикаси  
Фрунзе шаҳри Ала-  
медин туманида узумчилик  
совхозида технолог бўлиб  
ишлаган.

1962 йилдан бошлаб Тошкент шаҳрида Марказий  
конструктор-технологик бюорода инженер-технолог вази-  
фасида ишлаган.

1965 йили Тошкент Политехника институтига аспирантурага кирганд.

1969 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган. Шу  
йилдан бошлаб Фанлар академиясининг Кимё-техно-  
логия институтида катта илмий ходим вазифасида иш-  
лаган.

1978 йилдан бошлаб Ўрта Осиё озиқ-овқат илмий  
текшириш институтида консерва ишлаб чиқариш ла-

бораторияси мудири вазифасида ишлаган. 1988 йили сентябрь ойидан бошлаб Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Товаршунослик ва савдони ташкил этиши» кафедрасида доцент вазифасида, сўнг 1990 йил сентябридан бошлаб шу институтнинг «Савдони ташкил этиши ва менежмент» кафедрасида доцент вазифасида ишлаган (1991 йил сентябрь ойида кафедрага «Савдода менежмент» номи берилган).

Илмий ишлари 59 тани ташкил қиласди. 7 та илмий ишига ихтириолик гувоҳномаси берилган.

«Савдо менежменти» мутахассислигининг ўкув дастурига кирган «Озиқ-овқат товарлари товаршунослиги» фани бўйича дарслик ва шу фанни лаборатория ишларини бажариш ҳамда диплом ишини ёзиш бўйича 5 та методик қўлланма ёзилган.

Ш. З. Убайдуллаев 1997 йил июль ойидан нафақада.

### УМАРОВ ЗАФАР АБДУЛЛАЕВИЧ

Зафар Абдуллаевич  
Умаров иқтисод фанлари  
номзоди, доцент.

1955 йилда Тошкент  
шаҳрида туғилган.

1972 йилда ўрта мактабни битириб, Тошкент Халқ хўжалиги институтига кирган. 1977 йилда институтни битириб, шу институтда кафедра ассистенти вазифасида иш бошлаган.

1978 йилда Москва Халқ хўжалиги академиясида илмий изланувчи сифатида ўқишига кетган. 1979 йилда Москва Халқ хўжалиги академияси аспирантурасида ўқишини давом эттирган.

1982 йил Тошкент Давлат Халқ хўжалиги институтида ўқитувчи бўлиб ишлай бошлаган. 1984 йилдан эса Тошкент Давлат Халқ хўжалиги институтида лаборатория мудири лавозимида ишни давом эттирган. 1989



йилда молия-банк хизматчиларининг малакасини ошириш институтидаги Молия-банк факультети декани вазифасида ишлай бошлаган. 1994 йил Ҳудудий банк бош директори Үринбосари, 1996 йили «Турон» банки бошқаруви раиси муовини ва 1997 йилдан ҳозирги пайтгача ЎзДЭУ Банк бошқаруви раиси муовини вазифасида ишлаб келмоқда.

Чет давлатларида ҳам ўз малакасини ошириб келган. Жумладан, 1994 йили Жаҳон Банкида иқтисодий ривожланиш институти дастури асосида АҚШда, 1994—1995 ва 1996 йилларда Европа Тараққиёт ва Қайта-куриш Банки дастурлари асосида Англия, Италия ва Германия давлатларида, 1994—1995 йилларда Туркия Банклари Уюшмаси дастури асосида Туркия давлатида, 1997 йилда (ДЭУ қимматли қофозлари) ва КорАм банк малака ошириш дастурлари асосида Жанубий Корея Республикасида ўқиб келган.

З. А. Умаровнинг 70 дан зиёд илмий ва ўкув методик ишлари чоп этилган.

**УСМОНОВ  
ФАРИДОН РАХИМОВИЧ**



Фаридон Рахимович Усмонов физика-математика фанлари номзоди, доцент, «Фахрий профессор».

1948 йил 22 февралда Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида туғилган.

1965 йилда математика фанига ихтисослашган Тошкент шаҳридаги 82-мактабни тамомлаб, шу йили ТошДИнинг механика-математика факультетига ўқишга кирган. 1970 йил ўқишини тутатиб, Педагогика илмий тадқиқот институтига ишга кирган.

1972 йил ТошДИ қошидаги кундузги аспирантурага ўқишига кириб, 1975 йилда аспирантура тақсимоти бўйи-

ча ТХХИ «Олий математика» кафедрасига асистент вазифасига ишга келган. 1978 йилдан катта ўқитувчи лавозимида ишлаган. 1981 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1983 йилда доцентлик унвонини олган. 1996 йил иқтисод фанини ўзлаштириш мақсадида ТошДУ қошидаги магистратурага ўқишга кириб уни 1998 йилда имтиёзли тутатган.

Ф. Усмоновга 1998 йилда ТДИУнинг «Фахрий профессор» унвони берилган.

1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан кўп йиллик самарали меҳнати, ҳамда таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришда эришган ютуқлари учун «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси» нишони билан мукофотланган. 1997 йил август ойидан ТДИУ қошидаги иқтисодий гимназия директори этиб тайинланган. Олимнинг 100 б/т.дан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

#### **Асосий илмий ишлари:**

1. Чизиқли алгебра элементлари. (Ўкув қўлланма). ТДИУ, 1993, 1994.
2. Кирувчилар учун математика тестлари тўплами. Т., ТДИУ, 1999.
3. Кирувчилар учун математика тестлари тўплами. Т., «Ўқитувчи», 1999.
4. Олий математикадан мисол ва машқлар тўплами. Т., ТДИУ, 1995.
5. Олий математикадан методик қўлланма. Т., ТДИУ, 1997 ва бошқалар.

### **УСМОНОВ БАХТИЁР БОБОХОНОВИЧ**

Бахтиёр Бобохонович Усмонов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1955 йил 9 августда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган.

1972 йилда 159-мактабни тугатиб, Тошкент Халқ хўжалиги институтининг Иқтисодий кибернетика факультетига ўқишга кирган ва уни 1977 йилда имтиёзли диплом билан битирган. 1977 йилдан бошлаб Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Статистика» кафедрасида дастлаб асистент, сўнгра доцент лавозимларида ишлаб келмоқда. 1984 йилда Москва Иқтисод ва ста-



тистика институтининг аспирантурасини битириб, номзодлик диссертацияси ни муваффақиятли ҳимоя қилган. 1992 йилдан бошлаб университетнинг ўқув бўлими бошлиги лавозимида ишлаб келмоқда. 1996 йилда Миср Араб Республикасида «Хусусийлаштириш» мавзуси бўйича Халқаро илмий анжуманда иштирок этган ва хусусийлаштириш бўйича малака оширган. 1996 йилдан ижодий гурӯҳ таркибида узлуксиз иқтисодий таълим концепциясини яратишда иштирок этиб келмоқда.

Бакалавриат босқичи Давлат таълим стандартлари, Намунавий ва ишчи ўқув режаларини яратишда иштирок этган. 1997—2001 йиллардаги Республика ва Халқаро илмий анжуманларда ўз маъruzаси билан иштирок этган.

Б. Усмоновнинг ўттиздан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

#### **Асосий илмий ишлари:**

1. Концепция непрерывного экономического образования. ТДИУ, 1996, (Ҳамкор).
2. «Аҳоли статистикаси» фанидан намунавий ластур. ТДИУ, 1997.
3. «Ижтимоий статистика» фанидан намунавий ластур. ТДИУ, 1998.
4. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги намунавий низомни амалиётда қўллаш бўйича услубий қўлланма. ТДИУ, 1999.
5. «Ижтимоий статистика» фанидан маъруза матни. Т., 2000.
6. «Аҳоли статистикаси» фанидан маъруза матни. Т., 2000.
7. 1. Иқтисодиёт (саноат) йўналиши ўқув режаларига киритилган фанларнинг намунавий ўқув ластурлари тўплами. (Ҳамкор). Т., 2001.
8. 1. Университетда ўқитилган фанлар бўйича 2001—2002 ва 2002—2003 ўқув йилларида курс иши ва битириув малакавий ишлари мавзулари. (Ҳамкор). Т., 2001, ва бошқалар.

## УСМОНОВ АБСАЛОМ

Абсалом Усмонов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1974—1976 йилларда Жиззах вилояти, Арнасой туманидаги F. Гулом номли 15-«А» пахтачиликка ихтисослашган давлат хұжалигыда ишчи вазифасыда ишлаган.

1979—1983 йилларда Тошкент Халқ хұжалиги институти Қишлоқ хұжалиги иқтисоди факультетининг «Қишлоқ хұжалигыда бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хұжалик фаолияти таҳлили» мутахасислиги тингловчиси бүлганса.

1983—1986 йилларда Тошкент Халқ хұжалиги институтининг «Қишлоқ хұжалигыда бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хұжалик фаолияти таҳлили» кафедрасыда ассистент лавозимида ишлаган.

1986—1989 йилларда М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг «Иқтисод факультети» кундузги бүлім аспирантурасыда үқиб, 1989 йилда «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва назорат» ихтисослығы бүйіча «Тұла хұжалик ҳисоби шароитида асосий ишлаб чиқариш фондларыдан самарали фойдаланаши таҳлили» мавзууда номзодлик диссертациясини ұмома қылған.

1990—1991 йилларда Тошкент Халқ хұжалиги институтыда «Халқ хұжалиги тармоқтарыда бухгалтерия ҳисоби, назорат ва таҳлил» ҳамда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетінде «Ташқи иқтисодий фаолиятта бухгалтерия ҳисоби» кафедраларыда катта үқитувчи лавозимларыда ишлаган.

1991 йил сентябрь ойидан 1997 йилгача Тошкент Молия институтининг «Иқтисодий таҳлил» кафедрасы катта үқитувчиси, доцент лавозимларыда ишлаган.

1997—1999 йилларда Банк-Молия академиясынинг



«Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит» кафедрасининг мудири лавозимида ишлаган.

2000 йил февраль ойидан буён Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг «Солиқ иши» факультети декани, «Солиқлар ва солиққа тортиш» кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

А. Усмонов Нидерландия, Германия, Туркия, Буюк Британия каби давлатларда тажриба орттириб, ўз малякасини оширган.

А. Усмонов 40 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифидир.

### ФАЙЗИЕВ БОҚИЖОН ВАҲОБОВИЧ



Боқижон Ваҳобович  
Файзиев иқтисод фанлари  
номзоди, доцент.

1947 йилда 3 сентябрда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган. Ўрта мактабни 1966 йилда тутгатиб, шу йили Тошкент Халқ хўжалиги институти Молия ва кредит факультетининг «Молия» мутахассислиги бўйича ўқишига кирган ва уни 1970 йилда тутгатган. Шу йилдан «Хўжалик фаолияти таҳлили» кафедрасида асистент лавозимида ишлай бошланган.

1976 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институти аспирантурасига ўқишига қабул қилинган.

1982 йили 26 майда М. В. Ломоносов номли Москва Давлат университетида «Қурилиш материаллари корхоналари ва бирлашмаларида молиявий натижалар таҳлилини такомиллаштириш» мавзуси бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1983 йилдан бошлаб, то 1999 йилгача «Саноатда бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолияти таҳлили»,

1991 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса «Аудит» кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда. Жами чоп этилган ўқув услубий ишларининг ҳажми 40 б/т.ни ташкил этади.

**Асосий илмий ишлари:**

1. Пути по влажению рентабельности в масложировой промышленности Узбекистана. Т., 1977.
2. Рентабельность — как показатель эффективности производства. Т., 1978.
3. Совершенствование методики анализа уровня рентабельности. Т., 1979.
4. Вопросы совершенствования анализа финансовых результатов на предприятиях промышленности строительных материалов. Т., 1984.
5. Анализ показателей рентабельности в промышленности строительных материалов. Томск, 1982.
6. Анализ факторов формирования прибыли и хозрасчетного дохода предприятия. Москва, 1989.

**ФАТТАХОВ  
АДҲАМ АЗИЗОВИЧ**

Адҳам Азизович Фаттахов иқтисод фанлари номзоди, профессор.

1952 йил 23 апрелда Ўш шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1969 йил ўрта мактабни тамомлаб, Андижон шаҳрида қурувчи бўлиб ишлаган. 1970 йил Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Савдо иқтисоди» факультетига ўқишига кирган. 1974 йил Г. В. Плеханов номидаги Москва Халқ хўжалиги институтини муваффақиятли тамомлаб, аспирантурага йўлланма олган. 1974—1975 йилларда Андижон вилояти, Асака шаҳрида муҳандис-иктисодчи бўлиб ишлаган.

1976 йили Г. В. Плеханов номидаги Москва Халқ хўжалиги институти аспирантурасига кирган ва 1980 йил номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1980



йилдан Тошкент Халқ хўжалиги институтида, кейинчалик Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида асистент, катта ўқитувчи, доцент ва профессор лавозимларида ишлаб келмоқда.

А. А. Фаттахов 1981—1987 йилларда кечки факультет декан муовини, 1987—1990 йилларда «Савдо иқтисоди» факультети декани муовини, 1990 йилдан ҳозиргача «Тижорат» факультети декани вазифасини бажариб келмоқда. 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиги билан мукофотланган.

Чоп этилган дарслик, ўқув қўлланма, монография ва мақолаларининг ҳажми 200 босма табоқдан юқори.

## ФУЗАИЛОВ СИДДИҚ



Сиддиқ Фузаилов филология фанлари номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

1927 йилнинг 5 майида Тошкент шаҳрида косиб-ишчи оиласида таваллуд топган. 1948 йилда Ўрта Осиё Давлат Университетининг филология факультетини муваффақиятли тутгатган, 1948 йили аспирантурага қабул қилинган. 1953 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Илмий-педагогик фаолияти 1950 йилдан ТошДУ даргоҳида бошланган. Бир неча илмий-тадқиқот ишлари эълон қилинган. Ҳусусан, «Ўзбек тилида равиш ясалиши» (1957), «Ўзбек тилидаги кўмакчиларнинг баъзи ҳусусиятларига доир», (1977). Бу ердаги иш фаолияти ўқитувчи, катта ўқитувчи ва доцент сифатида 1997 йилгacha давом этган.

1950—1960 йилларда ўриндошлик йўли билан «Ўқитувчи» нашриётида муҳаррирлик вазифасида ишлаган.

1950 йилдан бошлаб то шу кунгача бошланғич мак-

таблар учун она-тилидан дарслик тузиш ва ўқув-услубий кўлланмалар ёзиш ишида фаол иштирок этган. Жумладан: Ўзбек тили дарслиги, 1—2-синф, Ўқувпеднашр, 1950. (М. Шамс билан ҳамкорликда); Ўзбек тили дарслиги, 2-синф, Ўқувпеднашр, 1953—1971; Ўзбек тили, 3-синф, «Ўқитувчи», 1972.

Кўп йил мобайнида факультет декани лавозимида ишлаган.

1997 йилда ТДИУ ҳузуридаги Иқтисодиёт, бизнес, мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида «Маънавият, маърифат ва тил ўргатиши кафедраси» мудири, 2000 йилдан бошлаб «Истиқлол мағкураси, маънавият ва маърифат илмий маркази»да профессор лавозимида ишлаб келмоқда.

### ҲАМИДОВА САИДА АЗИЗОВНА

Саида Азизовна Ҳамидовада иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1954 йил 19 сентябрда Тошкент шаҳрида таваллуд топди.

1971 йилда Тошкентдаги 162-мактабни тутатиб, шу йил Тошкент Халқ хўжалиги институтининг (ҳозирда ТДИУ) меҳнат иқтисоди бўйича ўқишга кириб, уни 1975 йилда битирган.

1975 йилда институт йўлланмаси асосида «Кибернетика» илмий-тадқиқот бирлашмасига муҳандис лавозимига ишга юборилган ва у ерда катта муҳандис, катта муҳандис-дастурчи лавозимларида ишлаган.

1982—1986 йилларда «Кибернетика» илмий-тадқиқот бирлашмасидаги сиртқи аспирантурада ўқиб, 1988 йил 30 сентябрда иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олган.



ТДИУ да 1989 йилдан бошлаб, «Иқтисодиётни бошқариш» кафедрасида доцент лавозимида ўз фаолиятини бошлаган.

1990 йилдан бошлаб конкурс асосида доцент лавозимида «Иқтисодиётни бошқариш» кафедрасида, ҳозирда «Менежмент» кафедрасида доцент лавозимида иш фаолиятини давом эттириб келмоқда.

1996 йилда май ойида доцент унвонини олган.

Университетнинг илмий, ўқув-услубий тарбиявий ишларида фаол қатнашиб келмоқда.

### ХОЛБЕКОВ РАСУЛ ОЛИМОВИЧ



Расул Олимович Холбеков иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1962 йилда Фарғона вилояти Кува туманида хизматчи оиласида туғилған. 1979 йилда Қори-Ниёзий номли ўрта мактабни тутатиб, 1979—1981 йилларда шу мактабда кутубхона мудири бўлиб ишлаган.

1981—1983 йилларда ҳарбий хизматда бўлган.

1983—1988 йилларда Фарғона политехника институтининг мұҳандис иқтисод факультетида ўқиб, «Бухгалтер иқтисодчи» му-

тахассислигини олган.

1988—1991 йилларда Кува дон маҳсулотлари корхонасида бухгалтер лавозимида ишлаган.

1992—1994 йилларда Фарғона политехника институтининг «Бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил» кафедрасида асистент лавозимида ишлаган.

1994—1996 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Ташқи иқтисодий фаолиятда бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасининг кундузги аспирантурасида ўқиган ва 1997 йилда «Донни сақлаш

ва қайта ишлаш корхоналарида харажатлар ҳисобини такомиллаштириш» мавзусида номзодлик диссертациясими мұваффақиятли ҳимоя қылған.

1998 йил июнь ойида Жаңон банки томонидан АҚПП давлатида ташкил қилинған «Иқтисодиётни ривожланишида ички бүғинларнинг роли» мавзусидаги умумжоғон илмий семинарида қатнашған.

Хозирда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Ташқи иқтисодий фаолиятда бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасининг доценти лавозимида ишлаб келмоқда.

Р. О. Холбековнинг битта монографияси, 15 дан зиёд илмий мақолалари чоп этилған.

### ХОЛМЕТОВА УЛФАТ ТОШМАТ ҚИЗИ

Улфат Тошмат қизи Холметова иқтисод фанлари номзоди, «Фахрий профессор».

1931 йил 20 декабря Жамбул шаҳрида туғилған. Мактабни битириб, 1949 йилда Тошкент Молия-иқтисод институтига кирған ва 1953 йилда имтиёзли диплом билан битирған.

Бир йил банк тизимида ишлаган ва 1954 йилда шу институтнинг «Пул ва кредит» кафедрасига аспирантурага кирған.

Бир вақтнинг ўзида асистент, кейинчалик катта ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1965 йилда «Савдони кредитлаш йўллари» мавзувида диссертация ёқлаган. Бу Ўзбекистон банк тизими бўйича ёқланган биринчи илмий иш (биринчи ўзбек аёли томонидан бажарилған) эди.

Олим У. Т. Холметова ўз педагогик фаолияти давомида бир қанча мақолалар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, услубий кўрсатмалар чоп этган.



## **ХОЛМАҲМАДОВ ЗАМИР АБДУРАҲМОНОВИЧ**



Замир Абдураҳмоновиҷ Ҳолмаҳмадов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1954 йил 25 октябрида Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида туғилган. 1973—1975 йилларда ҳарбий хизматда бўлган.

1976 йилда Тошкент Xалқ ҳўжалиги институти Молия-иктисод факультетининг 1-курс талабалари сафига қабул қилинган ва 1980 йилда мазқур факультетнинг «Кредит» ихтисослиги бўйича муваффақиятли тутагтан.

1980—1983 йилларда институтдаги «Пул муомаласи ва кредит» кафедрасининг ассистенти лавозимида ишлаган.

1983 йилда Москва Молия институтининг аспирантурасига қабул қилинган ва уни 1986 йилда «Кишлоқ ҳўжалик корхоналарини қисқа муддатли кредитлаштириш механизми ва уни такомиллаштириш масалалари» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

1987—1994 йилларда у Тошкент Молия институти «Пул муомаласи ва кредит» кафедрасида ассистент, доцент ва кафедра мудири лавозимларида ишлаган.

1994 йилдан бўён ҳозиргача Европа Итифоқи, Европа Тараққиёт ва тикланиш банки, Туркия ҳукумати ва Туркия Минтақавий банк ўқув маркази Бош директорининг ўринбосари, шу марказ маслаҳат кенгашининг раҳбари лавозимида ишлаб келаяпти.

1994—2001 йилларда Истанбул (Туркия), Лондон (Буюк Британия), Париж (Франция), Токио (Япония), Режио Эмилия (Италия), Вашингтон (АҚШ), Франкфурт на Майне (Германия), Қохира (Миср) ва дунёнинг бошқа шаҳарларида ўтказилган йирик ҳалқаро семинарларда иштирок этган.

Илмий изланишлари хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаштириш, тўлов оборотидаги муаммолар каби масалаларга бағишиланган. У «Тўлов тизими» (Тошкент, «Маънавият», 2001), «Қарз олувчининг кредитга лайқатлилигини баҳолаш», «Вексель», «Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кредит механизми ва банклар», «Лизинг ва лизинг операциялари» каби қўлланмаларнинг муаллифиdir.

Умумий сони 35 номдан ортиқ (ҳажми 60 б.т. дан зиёд) илмий, услубий ва амалий ишлари эълон қилинган.

### ХОЛИҚОВА ГУЛНОРА ТОШПЎЛАТОВНА

Гулнора Тошпўлатовна Холиқова иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1956 йил 21 апрелда Наманганд вилояти Тўракўргон туманида туғилган.

1974 йилда мактабни тутатгач, Тошкент Xалқ хўжалиги институтига ўқишига кирган. Институтни тутатиб, 1978 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ишлаган. 1980—84 йилларда Тошкент Молия техникумидаги ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1988 йил аспирантурани тутатиб, Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг «Иқтисод» кафедрасида асистент лавозимида ишлаган. 1990 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигига илмий котиб вазифасида, сўнгра бўлим бошлифи лавозимида ишлаган.

1995 йилда Олий ва ўрта маҳсус мактаб муаммолари институтида мутахассислар тайёрлашни прогнозлаштириш бўйича бўлим бошлифи лавозимида ишлаган.



1996 йил Ўзбекистон Республикаси Ёшлар фондига таклиф қилинган. Шу билан бирга Вазирлар Маҳкамаси қошидаги ОАКда ишлаган.

1998 йил октябрь ойидан бошлаб, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Иқтисодиёт таълим педагогикаси» кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

Г. Т. Холиқова ўтиздан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

### ХОЛМИРЗАЕВ РАСУЛ

Расул Холмирзаев тарих фанлари номзоди, доцент.

1937 йил 18 февралда Андижон вилояти Кўргонтепа туманида ишчи оиласида туғилган.

1947—1957 йилларда шу вилоятни 1-сонли ўрта мактабини тутатган.

1960—1966 йилларда Тошкент Давлат университетини тарих факультетида ўқиган. 1966—1969 йиллар Фаргона Давлат педагогика институти «Тарих» кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1969—1974 йиллар Тошкент Халқ хўжалиги институти аспиранти, 1974 йили номзодлик диссертациясини ёқлаб, тарих фанлари номзоди илмий даражасини олган, 1977 йилда эса доцент илмий унвонига эга бўлган.

Доцент Р. Холмирзаев 1974—1997 йиллар Тошкент Давлат иқтисодиёт университети тарих кафедрасида катта ўқитувчи, доцент лавозимларида сермазмун фаолият кўрсатди, ёшлар тарбиясига ўзининг муносаб ҳиссасини кўшди. 50 босма табоқдан ортиқ ўкув-услубий, илмий ва оммабоп рисола, кўлланма ва мақолалар чоп этди. Ҳозирги кунда нафақада.



## ҲОШИМОВ ТУРГУН РАҲИМОВИЧ

Турғун Раҳимович Ҳошимов тарих фанлари номзоди, доцент.

1940 йил 1 августда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган. 1947—1958 йилларда 8-ўрта мактабни тутатган. 1959—1962 йилларда ҳарбий хизматда бўлган.

1967 йилда эса Тошкент Давлат педагогика институтини имтиёзли битириб, шу ерда ишга қолдирилган. Дастреб ассистент, сўнгра катта ўқитувчи лавозимида ишлаган.

1978 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1989 йилдан эса доцент бўлиб ишлаган.

1981—1983 йилларда Ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг «Ижтимоий фанлар» кафедрасида доцент, сўнг кафедра мудири лавозимларида ишлаган.

1983 йил сентябрдан Тошкент Халқ хўжалиги институтида ишлаган. Ҳозирги кунда ушбу университетнинг «Ўзбекистон демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедрасида доцентлик лавозимида ишлаб келмоқда.

Тарихчи олим Т. Ҳошимовнинг ўттиздан зиёд ўқув услубий қўлланмалари, рисола ва мақолалари чоп этилган.



## ҲОШИМОВ ЗИЁВИДДИН

Зиёвиддин Ҳошимов иқтисод фанлари номзоди, «Фахрий профессор».

1946 йил 17 сентябрда Тошкент шаҳрида Себзор даҳасида хизматчи оиласида туғилган. 1964 йилда Манон Уйғур номли 22-мактабни аъло баҳолар билан битирган. Шу йили Тошкент Давлат университетининг



география факультетига ўқишига кирган.

1969 йилда эса Тошкент Давлат университетининг география факультетини муваффақиятли таомомлаб, шу ерда ўқитувчи бўлиб ишга қолган. 1970 йилдан эса Ўзбекистон Фанлари академияси қошидаги «География» бўлимида кичик илмий ходим бўлиб ишлай бошланган.

1973 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иқтисод институтига сиртдан аспирантурага ўқишига қабул қилинган.

1981 йилда «Янги суфорилган ерлардан фойдаланишининг иқтисодий самарадорлиги» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1987 йилдан бўён Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Экология ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш» кафедрасида доцент лавозимида фаол ишлаб келмоқда.

3. Ҳошимовнинг 50 дан ортиқ илмий мақолалари, рисолалари, монографиялари, ўкув-услубий қўлланмалари чоп этилган.

#### **Асосий илмий ишлари:**

1. «Каршинская степь и географические проблемы её хозяйственного освоения». (Хамкор) Т., «Фан», 1973.
2. «Табиатдан фойдаланиш иқтисоди» курси бўйича «Тупроқ ресурслари ва уларни муҳофаза қилиш»га оид методик қўлланма. ТДИУ, 1994.
3. «Табиатдан фойдаланиш иқтисоди» курси бўйича «Ўзбекистоннинг сув ресурслари ва уларни тежаш ҳамда муҳофаза қилиш йўллари»га оид методик қўлланма. ТДИУ, 1990.
4. «Суғориладиган гектар самараси» Т., «Ўзбекистон», 1984.
5. «Эколого-экономические факторы при оценке природных ресурсов». Журнал «Сельское Хозяйство Узбекистана», 4-сон, 1998 ва бошқалар.

## ХҮЖАҚУЛОВ ХАЙТМУРАТ ДЖАВЛИЕВИЧ

Хайтмурат Джавлиевич  
Хўжақулов иқтисод фанла-  
ри номзоди, доцент.

1947 йилда Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманинг Чияли жамоа хўжалигида деҳқон оиласида туғилган. 1966 йилда Тошкент Ҳалқ хўжалиги институтининг Қишлоқ хўжалиги иқтисоди факультетига ўқишга кириб 1970 йилда тамомлаган.

1970 йилнинг август ойидан 1982 йилнинг февралигача Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги иқтисоди илмий-тадқиқот институтида кичик илмий ходим, катта илмий ходим ва сектор мудири лавозимларида ишлаган ҳамда 1980 йилда мазкур институтининг ихтинослаштирилган илмий кенгашида иқтисоди фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1982—1993 йиллар мобайнида ҳозирги Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Статистика» кафедрасида доцентлик лавозимида фаолият кўрсатган. 1993 йил октябрь ойидан 1994 йил сентябрь ойигача Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига «Иқтисодий таҳлил ва истиқболни белгилаш» бошқармасида бошлиқ бўлиб ишлаган. 1994 йил сентябрь ойидан ҳозирги кунга қадар Тошкент Молия институти «Статистика» кафедрасининг доцентидир.

Х. Хўжақулов ўқитувчилик фаолиятини жамоат ва ташкилотчилик ишлари билан қўшиб олиб боради. 1997 йилдан бошлаб ўриндошлиқ асосида аспирантура ва докторантурда бўлими бошлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлараро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш қошидаги иқтисодиёт, бизнес ва ҳуқуқ фанлари бўйича илмий-услубий бирлашманинг ил-



мий котиби лавозимларида самарали ишлаб келмоқда.

Х. Хўжақуловнинг 57 номдан иборат 36 босма табоқдан ортиқ илмий ва илмий-методик ишлар нашр қилган. У олий таълим тизимидағи қўп йиллик самара-ли меҳнатлари учун вазирлик ва институтнинг фахрий ёрлиқлари билан бир неча марта тақдирланган.

## ШАНЧЕНКО ИВАН ВАСИЛЬЕВИЧ



Иван Васильевич Шанченко иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1922 йил 3 сентябрда Черкес вилояти Нечаевка қишлоғида туғилган.

1933 йилда оиласи Олма-Ота шаҳрига кўчиб келган ва 1940 йилда ўрта мактабни тугатгач, ҳарбий хизматни ўтаган.

Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси И. В. Шанченко 1945 йилда Ленинград ҳисоб иқтисодиёт институтига ўқишига кирган. 1946 йилда Тошкентга келиб, Тошкент Молия-иқтисод институтида ўз ўқишини давом эттир-

ган ва 1949 йилда имтиёзли тугатгач, шу институт (Ҳисоб ва кредитни ташкил этиш) кафедрасида асистент лавозимида ишлай бошлаган.

1962 йилда номзодлик диссертациясини ёқлагач, катта ўқитувчи, 1966 йилдан эса доцент лавозимида ишлаб келмоқда. 1971—1981 йилларда ТХХИ «Кредит ва пул муомаласи» кафедрасида мудирлик лавозимида ишлаган.

Доцент И. В. Шанченко 1999 йилдан нафақада. Унинг ўттиздан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

## ШОКИРОВ ХАЛИЛ

Халил Шокиров иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1933 йил 28 июлда Тошкент шаҳрида туғилган. 1952 йилда ўрта мактабни муваффақиятли тутатгач, Тошкент Молия-иқтисод институти (ҳозирги ТДИУ)-га ўқишига кирган ва уни 1952 йилда тамомлаган. 1956—1958 йиллар давомида Тошкент вилоятининг Тошкент тумани режалаштириш бўлимида катта иқтисодчи лавозимида ишлаган. 1958—1961 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясида аввал илмий ходим ва сўнг аспирант бўлган.

1968 йилдан бошлаб, ҳозирги кунгacha Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Иқтисодиёт назарияси» кафедрасида аввал асистент, сўнгра катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Х. Шокиров 1967 йилда иқтисод фанлари номзодлиги диссертациясини муваффақиятли ёқлаган.

Х. Шокиров ўз ижодий фаолиятида қатор илмий, ўқув-методик маъruzалар, мақола ва тўпламларнинг муаллифидир. Унинг илмий изланишлари 30 дан ортиқ номда (умумий ҳажми 20 б/т.) ўз аксини топган.



## ШОДМОНҚУЛОВ ИСМОИЛ ПАРМОНҚУЛОВИЧ

Исмоил Пармонқулович Шодмонқулов тарих фанлари номзоди, доцент.

1951 йил 25 сентябрда Сирдарё вилояти, Сирдарё туманида хизматчи оиласида туғилган. Ўрта мактабни тутатгач, 1969—1970 йилларда Сирдарё вилояти, Сирдарё туманидаги 12-сон ўрта мактаб ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

1975 йил Тошкент Давлат педагогика институтини



муваффақиятли тамомланган. 1957—1977 йилларда Тошкент 2-индустрисал педагогика техникумидаги ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1977—1979 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1980—1983 йилларда Тошкент Давлат педагогика институтининг аспирантурасида таҳсил олган.

1985 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1987—1991 йилларда ТДПИ тарих факультети декани лавозимида ишлаган. 1991—1993 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президент Девони ташкилий-кадрлар сиёсати бўйича маслаҳатчи (консультант), 1993—1994 йилларда «Чўлпон юлдузи» қўшма корхонаси бош директори бўлиб ишлаган. 1997 йилдан ТДИУ «Ўзбекистон тарихи» кафедраси доценти. 2000 йилдан эса кафедра мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Хозиргача йигирма беш табоққа яқин илмий ишлари чоп этилган.

#### **Асосий илмий ишлари:**

1. Социальная структура узбекского общества в условиях вхождения в рынок. Ташкент. «Чулпон», 1994.
2. «Ўзбекистон тарихи» фанидан маъruzalar тўплами. ТДИУ табалалари учун ўқув қўлланма. ТДИУ. 1999, 3-жилд ва бошқалар.

### **ШОМАНСУРОВ ТУРГУН ШОҲАМИДОВИЧ**

Турғун Шоҳамидович Шомансуров иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1940 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1959 йил Тошкент Қишлоқ хўжалиги институтига кириб, 1964 йил «Агроном-иктисодчи» мутахассислигини олган. 1965—1966 йиллар Ўрта Осиё машина синаш станциясида муҳандис-иктисодчи бўлиб ишлаган. 1967—1987

йилларда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини илмий тадқиқот институтида илмий ходим, катта илмий ходим бўлиб ишлаган. 1983 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаған. 1987—1993 йилларда Тошкент Давлат университетининг мутахассислар малакасини ошириш факультетида доцент лавозимида ишлаган. 1993 ўкув йилидан бошлаб ТДИУ қошидаги «Иқтисодиёт, бизнес, мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти»да доцент лавозимида ва университетнинг «Савдо менежменти» кафедрасида 1995 йилдан ўриндош сифатида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

Илмий-педагогик фаолияти давомида қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнатни ташкил қилиш, бошқаришни такомиллаштириш, ижтимоий масалалар, Республикаизда маркетинг тадқиқотларининг шаклланиши ва ривожланиши масалаларига бағишлиланган 60 дан ортиқ тавсияномалар, услугубий кўлланмалар ва илмий мақолалар муаллифиdir.

### ШОАЛИМОВ АНВАР ҲАСАНОВИЧ

Анвар Ҳасанович Шоалимов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1942 йил 6 июнда Тошкент шаҳрида туғилган. 1966 йилла Тошкент Халқ хўжалиги институтиning молия ва кредит ихтисоси бўйича битирган.

1966 йил сентябрь ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси иқтисод институтида кичик илмий ходим лавозимида фаолият кўрсатган. 1968 йилда институтнинг кундузги бўлим аспирантурасига ўқишга кирган. 1971 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаған.





1971 йилдан то 1973 йилгача Иқтисод институтида кичик ва катта илмий ходим лавозимларида ишлаган. 1973 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Иқтисодий таҳлил» кафедрасига катта ўқитувчи лавозимига ишга қабул қилинган.

А. Шоалимов 1973 йилдан бошлаб то шу кунгacha Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Бухгалтерия ҳисоби, назорат ва таҳлил» кафедрасида, сўнгра «Аудит» кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келяпти.

А. Шоалимов ўз устида доимо ишлаб, ўзининг педагогик ва илмий-назарий салоҳиятини оширишга ҳаракат қилган. Унинг чоп қилинган илмий, ўкув-услубий ишлари ҳажми 50 босма табоқни ташкил этади. Ҳусусан, у томонидан илк бор ўзбек тилида савдо корхоналарининг хўжалик фаолиятининг таҳлили бўйича ўкув қўлланмалари чоп этилган, (1983, 1989 йиллар). 1972 йилда «Саноат корхоналарининг хўжалик фаолиятининг таҳлили» ўкув қўлланмаси ҳам илк бор ўзбек тилида чоп этилдики, у ҳануз ўкув жараёнида ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

А. Шоалимов томонидан «Иқтисодий таҳлилнинг назарияси», «Бошқарув таҳлили», «Молиявий таҳлил» ва «Халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида иқтисодий таҳлилнинг ҳусусиятлари» фанлари бўйича ўкув қўлланмалари, намунали ўкув дастурлари, ишчи дастурлари, амалиёт машғулотларини ўтказиш учун масалалар тўплами ва бошқа ўкув-услубий ва илмий ишлар ҳажми 50 босма табоқдан ортиқдир.

### ШОМАГДИЕВ АЛИШЕР ШОМУХТОРОВИЧ

Алишер Шомухторович Шомагдиев тарих фанлари номзоди, доцент.

1946 йил 28 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўрта мактабни битириб, 1964 йилда Тошкент Тўқи-мачилик ва енгил саноат институтига ўқишига кирган ва уни 1969 йилда аъло баҳоларга битирган. Ҳарбий хизматни ўтаб, 1972 йилда кундузги аспирантурага кирган. 1976 йилда Тошкент Политехника институтида катта ўқитувчи, кейин кафедра доценти бўлиб ишлаган. 1972 йилда БМТ Тил тайёрлаш маҳсус курсини тутатган. 1984 йил Москвадаги Жаҳон тиллари Университетининг маҳсус француз тили курсини ҳам тутатган.

1990—1995 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида «Халқаро транспорт системаси» кафедрасида доцент бўлиб ишлаган. 1993—1994 йилда Бретань (Франция)да олти ой мобайнида ихтисослашган «Халқаро лагистика» Халқаро транспорт-божхона тизими бўйича стажировкадан ўтган. 1995 йилда МБА ТАСИС дастури йўналиши бўйича «Халқаро бизнес бошқаруви», «Халқаро транспорт-божхона системаси» курсини тутатган. 1995—1996 йилларда Ўзбекистон Республикаси Ташқи Ишлар Вазирлигига бўлим мудири лавозимида ишлаган. 1996 йил «Ўзавтотранспорт» корпорациясида йўловчиларни ташиш Бош бошқармасида бошлиқ ўринбосари лавозимида ишлаган.

Кўплаб илмий мақолалари чоп этилган.

### **ШОРАҲИМОВ МУРОДХОН ШОМАҚСУДОВИЧ**

Муродхон Шомақсудович Шораҳимов физика-математика фанлари номзоди, доцент.

1951 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1972 йилда Тошкент Давлат университетининг физика факультетини битирган.





1972—79 йилларда ТДУ да илмий ходим лавозимида ишлаган. 1982 йилда ТДУ аспирантурасини битирган. 1982—86 йилларда ТДУ да ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1987—94 йилларда ТДИУ да доцент лавозимида ишлаган.

1994—97 йилларда ТДИУ қошидаги Иқтисодиёт лицейи маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор мувонини ва 1997 йилдан эътиборан Тошкент Молия институти қошидаги Солиқ лицейининг ўқув ишлари бўйича директор мувонини лавозимида фалият кўрсатиб келмоқда.

Доцент М. Ш. Шораҳимовнинг ўндан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

## ШОЁҚУБОВ ШОҚОБИЛ



Шоқобил Шоёқубов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1951 йил 27 сентябрда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган. 1968 йилда 42-мактабни битиргач «Болалар дунёси» дўконига шогирд бўлиб ишга кирган.

1969 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институти кечки факультетига ўқишига кирган ва уни 1974 йил Ҳисоб-иқтисод факультетини «Савдода бухгалтерия ҳисоби» мутахассислиги кафедрага асистент лавозимида ишга қабул қилинган ва ҳарбий хизматни ўта-

гач «Бухгалтерия ҳисоби» кафедрасига қайтиб келган. 1979 йилда аспирантурага кирган ва 1982 йилда Москвадаги П. В. Плеханов номли Халқ хўжалиги институтида диссертация ишини ҳимоя қилган. 1982 йилда кафедрага ишга келган. 1986 йилдан 1990 йилгacha кафедра мудири бўлиб ишлаган. 1990 йилдан 1994 йилгacha докторантурани ўтаган.

1995 йилда Молия институти қошидаги малака ошириш институтига директор муовини лавозимига ишга таклиф қилинган. 1999 йил магистратура бўлимида директор.

### ЭГАМБЕРДИЕВ ЭРКИН

Эркин Эгамбердиев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1939 йилнинг 1 марта Тошкент шаҳрида туғилган. 1957 йилда 22-ўрта мактабни битириб, Тошкент Молия институтининг иқтисод факультети («Саноатда иқтисодчи» мутахассислиги)га ўқишига кирган.

Институтни 1961 йил тутатгач, шу илм даргоҳида ўқитувчилик лавозимида ишга қолдирилган. 1973 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Бугунги кунда ушбу институтда «Макроиктисодиёт» кафедрасида доцентлик лавозимида ишлаб келмоқда.

1961 йилдан бўён мазкур институтда илмий-педагогик фаолиятини давом эттириб келмоқда. Шу давр мобайнида институтнинг жамоат ишларида фаол иштирок этиб, институтнинг бир қанча мақтov ва таҳсиларига сазовор бўлган. Режа-иктисод факультетида декан муовини ва деканлик лавозимида ҳамда абитуриентларнинг кечки тайёрлов курсларида мудирлик вазифасида 10 йилдан кўпроқ хизмат қилган.

Ҳозирги давргача чоп этилган илмий мақолалари, услубий кўрсатмалари, дарслик ва ўкув қўлланмалари,



намунавий ўқув дастурларининг умумий сони 68 та бўлиб, жами 140 б/тдан кўпроқдир.

## ЭГАМОВ ЭСАН



Эсан Эгамов иқтисод фанлари номзоди, профессор.

1939 йил 7 ноябрда Бухоро вилояти Жондор тумани Охунбобоев жамоа хўжалигида дехқон оиласида туфилган. 1958 йилда ўрта мактабни тутатиб, Тошкент Молия институтининг Ҳисоб-иктисод факультетига кирган.

1962 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтини битиргач, йўлланма билан Бухоро вилояти давлат банкининг Жондор бўлимида бош ҳисобчи

ўринбосари лавозимида ишлаган.

1964 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси аспирантурасига кирган. Уни 1967 йилда тутатиб, кафедрада ишлай бошлаган.

1972 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1991 йилдан бошлаб, Тошкент Молия институтида «Умумиқтисодий назария» кафедрасининг мудиридир.

1992 йил 8 январда илм-фанни ривожлантиришдаги ишлари ва Республиkanинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикасининг «Фахрий ёрлиги» билан мукофотланган.

Э. Эгамовга 1999 йил 24 декабрда Ўзбекистон Республикаси «Олий таълим аълочиси» кўкрак нишони берилган.

1995 йилдан бошлаб Кредит-иктисод факультетининг декани лавозимида ишлаб келмоқда. Э. Эгамов 2 та монография, 75 дан ортиқ рисола, мақолалар ҳамда ўкув-методик қўлланмаларнинг муаллифидир.

## ЭРГАШЕВ НАЗИРЖОН

Назиржон Эргашев тарих фанлари номзоди, «Фахрий профессор».

1937 йил 12 февралда Фарғона вилояти, Бувайда туманининг Хонабод дехқон оиласида туғилган.

1951 илда 7-синфни битириб, Марғилон шаҳридаги педагогика билим юртига ўқишига кирган ва уни 1955 йилда муваффакиятли тутатган.

1955—1957 йилларида бошлангич синф ўқитувчиши бўлиб ишлаган.

1957—1962 йилларда Самарқанд Давлат университетининг тарих факультетидаги ўқиган. Университетни тутатгач, 1962—1966 йилларда Бувайда туманидаги 1-ўрта мактабда ҳамда Кўқон ва Наманганд педагогика институтларида тарихдан дарс берган.

Тошкент Халқ хўжалиги институтининг (ҳозирги ТДИУ) «Тарих» кафедраси аспирантурасини тутатгач, 1972 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1968 йилнинг 1 декабридан то ҳозирги кунгacha шу кафедрада ассистент, катта ўқитувчи, доцент, «Фахрий профессор» бўлиб ишлаб келмоқда.

Олимнинг жами 60 босма табоқдан ортиқ илмий ишлари эълон қилинган. Булар 10 б.т.дан иборат монографияси, кафедра олимлари билан биргаликда эълон этган 3 та монографияси ҳамда 40 дан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган.

## ЭРКАБАЕВ МАВЛОН

Мавлон Эркабаев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1948 йил 18 майда Тошкент вилояти, Тошкент туманида туғилган.

1966 йилда X. Олимжон номли 12-ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент Халқ хўжалиги институтининг





Кишлоқ хўжалиги иқтисоди факультетига ўқишига кирган.

1970 йилда институтни имтиёзли диплом билан тамомлаб, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги илмий текшириш институтида кичик илмий ходим бўлиб ишлаган.

1975—1978 йилларда Москвада аспирантурада ўқиган.

1978 йилда номзодлик диссертациясини ёқлагандан сўнг Тошкент вилояти қишлоқ хўжалик бошқармасининг катта мутахассиси бўлиб ишлаган.

1981 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институти «Статистика» кафедрасининг катта ўқитувчиси, 1987 йилдан доцент ва 1990—1996 йилларда ректор муовини бўлиб ишлаган.

1996 йилдан бошлаб Тошкент Молия институтида «Статистика» кафедрасида доцент ва институт Бирлашган касаба уюшмаси раиси бўлиб ишламоқда.

М. Эркабаевнинг йигирмадан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

### **ЭРДОНАЕВ АЛИҚУЛ ҲАЛИМОВИЧ**

Алиқул Ҳалимович Эрдонаев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1957 йил 25 августда Қашқадарё вилоятининг Дукчи қишлоғида туғилган. 1974 йилда ўрта мактабни тамомлаган. 1975 йилда ТХХИга кириб, 1979 йилда имтиёзли диплом билан тутагтган. 1979—1981 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1981—1982 йилларда ТХХИ «Бухгалтерия ҳисоби» кафедрасида стажёр-талқиқотчи бўлган. 1984—1987 йилларда М. Ю. Ломоносов номли Москва Давлат университетидаги аспирантурани ўтаб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олган. 1987—1993 йилларда ТХХИда асистент, доцент ва кафедра муди-

ри лавозимларида ишлаган. 1993—1999 йилларда Республика Марказий Банк раисининг ўринбосари, 1999—2000 йиллар АБИ Аргро ИВ Ўзбекистон банки бош Бошқарувчisi ўринбосари, 2000 йил 6 апрелдан бошлаб «Турон» банки раиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш мутахассислиги бўйича 18,5 босма табоқ ва банк иши ҳамда банк ҳуқуқи мутахассисликлари бўйича 24 босма табоқдан иборат илмий ишлари чоп этилган.



### ЭРМАТОВ МУҲАМАДБЕК

Муҳаммадбек Эрматов иқтисод фанлар номзоди, доцент.

1952 йил Қўқон шаҳрида туғилган.

1974 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтини тамомлаган. 1974 йилдан 1983 йилгacha Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Кибернетика» институтида ишлаган. 1982 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1983 йилдан Тошкент Халқ хўжалиги институтининг Халқ хўжалигини режалаштириш кафедрасида ишлаган. (Хозирги пайтда «Макроиктисодиётни ва ижтимоий соҳани тартибга солиш» деб номланади). 1991



йилдан ҳозирга қадар сиртқи факультеттинг декан мувини бўлиб ишлаб келмоқда. У ўқиши ва хизмат даврини Украина (1980 йил), Россияда (1992 йил), Туркияда (1990 йил) ўтган.

Ҳозирги кунда у Вена институтининг давлат хизматчиларини қайта тайёрлаш тошкент ҳудуд маркази нинг директор мувини бўлиб ҳам ишламоқда.

М. Эрматовга 2000 йилда «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим соҳаси фидойиси» унвони берилган.

М. Эрматовнинг 30 дан ортиқ илмий ва ўкув-методик ишлари чоп этилган: «Макроэкономика», «Худуд иқтисодиёти», «Баланс таҳлили», «Социальная защита населения в Республике Узбекистан» ва бошқалар.

### ЭРНАЗАРОВА НАТАЛЬЯ ДМИТРИЕВНА

Наталья Дмитриевна  
Эрназарова тарих фанлари  
номзоди, доцент.

1956 йил 6 июня Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган.

1973 йилда 18 ўрта мактабни олтин медаль билан тутатган ва 1978 йилда Тошкент Давлат университетининг тарих факультетини имтиёзли диплом билан тутатгач, Тошкент Халқ ҳўжалиги «Тарих» кафедрасида дастлаб ассистент, катта ўқитувчи, сўнгра доцент лавозимида ишлаган. 1984 йилда аспирантурани тутатган ва номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган.

Ҳозирги кунда Тошкент Давлат иқтисодиётуниверситети «Ўзбекистон тарихи» кафедрасининг доценти лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Н. Д. Эрназарова йигирмадан зиёд илмий ишлар муаллифидир.



## ЭРГАШЕВ БАХТИЁР

Бахтиёр Эргашев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1948 йил 21 февралда Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани «Қўқон» жамоа хўжалиги Шоимбек қишлоғида туғилган. 1966 йилда ўрта мактабни битирган. 1970 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институти Ҳисоб-иқтисод факультетининг «Бухгалтерия ҳисоби» мутахассислигини тутатгач, Далат тақсимот комиссияси қарорига асосан «Ҳисоблаш машиналари ва программалаштириш» кафедрасига «Тадқиқотчи-изланувчи» лавозимига қолдирилган.

1976 йилда Москва Молия институти аспирантурасини тугаллаган. 1979 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1986 йилдан «Саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ХФТ ва аудити» кафедраси катта ўқитувчиси, 1996 йилдан «Халқаро валюта-кредит муносабатлари» кафедраси доценти лавозимида ишламоқда.

Олимнинг шахсий компьютердан фойдаланиш бўйича 5 босма табоқ ўқув кўлланмаси, «ХФТ» фани бўйича ўзбек тилида маъruzalар матни, «Ҳисоблаш машиналари ва программалаштириш» фанлари бўйича дастурлар, «Бухгалтерия ҳисоби» бўйича дастурлар, «ХФТ» фани бўйича дастурлар, «Пул молиясини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш» фани бўйича дастурлар, «Қарздорларнинг молиявий таҳдили», «Марказий банкнинг монетар сиёсати» фанлари бўйича дастурлари ва 34 босма табоқдан иборат методик ишлари ва 27 босма табоқдан иборат илмий мақолалари чоп этилган.



## ЭРБҮТАЕВ ИСОМИДДИН



Исомиддин Эрбутаев иқтисод фанлари номзоди, «Фахрий профессор».

1921 йил 10 марта Фарона вилоятигининг Бешарик туманида туғилган. Ўрта маълумот олгач, 1940 йилда ҳарбий хизматга чақирилган. 1941—1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.

1946—1950 йилларда Тошкент Давлат юридик институтида таҳсил олган. Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти аспирантурасида ўқиган.

1962 йилдан Тошкент Халқ хўжалиги институтида катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида қарийб 40 йил давомида ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқда. Ўттиздан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

## ЭШОНОВА МИЛА ҲАМРАЕВНА



Мила Ҳамраевна Эшонова иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1941 йил декабрда Самарқанд шаҳрида туғилган. 1958 йилда 10-урта мактабни битирган. 1962 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтини битиргач, иқтисодчи, катта иқтисодчи, бош иқтисодчи бўлиб ишлаган. 1964—1967 йилларда аспирантурада ўқиган ва 1968 йилда номзодлик диссертациясини

ёқлаган. Сүнгра ТДИУнинг «Экология иқтисодиёти» кафедраси мудири бўлган.

1994 йилдан ҳозиргacha Университет қошидаги «Келажак илми» Халқaro бизнес мактабнинг директори лавозимида ишлаб келмоқда.

1995 йилда Голландия ва Бельгия давлатларида сафарда бўлган.

1996 йил январь ойида АҚШда меҳнат сафарида бўлган. Олти ойлик сафар чофида М. Эшонова Америка Олий ўкув юртларининг таълим тизимини ўрганиб чиқди. Америка профессорлари билан ҳамкорликда ўз мактаби учун «Бизнес Бошқаруви» дастурининг ўкув режасини ишлаб чиқкан.

1997 йил август ойида мамлакатга қайтгач, мазкур дастур бўйича Халқaro бизнес мактабида тўрт йиллик таълим тизимини ўйлга кўйган.

2001 йилда Жаҳон Банки дастури бўйича Истанбулда ўtkazilgan «Программаларни баҳолаш» семинарида қатнашган.

Тадбиркор М. Эшонова мактабни молиявий таъминлаш учун турли лойиҳалар ишлаб чиқиб, бир неча марта чет эл фонdlари эълон қилган мусобақаларда голиб чиқкан.

М. X. Эшонованинг 300 дан ортиқ мақолалари, методик қўлланмалари, кўплаб дарсликлари ва янги фанлар бўйича замонавий дастурлари нашр этилган.

### ЮГАЙ ЛИДИЯ ПАВЛОВНА

Лидия Павловна Югай иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1959 йил 25 февралда Фарғона шаҳрида туғилган. 1975 йилда 3-ўрта мактабни битирган. 1979 йилда эса Тошкент Халқ хўжалиги институтини тамомлаган. 1984—86 йилларда аспирантурада ўқиган. 1988 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган.



Аспирантурани тугатгач Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Ишлаб чиқарыш иқтисодиёти ва бизнес» кафедрасида дастлаб асистент, ҳозирда эса доцент лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Доцент Лидия Павловна Югай томонидан ўттиз бешдан зиёд илмий ишлар чоп этилган.

## ЮСУПОВ МАҲАМАДАМИН



Маҳамадамин Юсупов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1951 йил 12 апрелда Наманган вилоятининг Учқўргон туманида ишчи оиласида туғилган. Тошкент вилоятининг Қиброй туманидаги 16-ўрта мактабни 1968 йилда тутатиб, Самарқанд кооператив институтига кирган ва уни 1973 йилда имтиёзли диплом билан битириб, иқтисодчи мутахассислигини олган. Ҳарбий хизматни ўтаган. 1973—1978 йиллар давомида ЦИНОТУР институтининг Ўзбекистон

марказида иқтисодчи, катта иқтисодчи ва бош иқтисодчи лавозимларида ишлаган. 1978—1981 йилларда Москва кооператив институти аспиранти бўлган. 1981 йилда иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган.

1982—1987 йиллар давомида Самарқанд кооператив институтининг Тошкентдаги сиртқи факультетида асистент, доцент ва декан вазифасини бажарувчи лавозимларида ишлаган. 1987—1988 йилларда Центросоюзга қарашли кооператив савдо иқтисодиёти илмий текшириш институтининг Ўзбекистон филиали директори муовини лавозимида ишлаган. 1988 йил 1 октябрдан бошлаб Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Савдо иқтисодиёти» кафедраси доцентидир. 1990 йилдан умумиқтисодиёт мутахассисликлари сиртқи факуль-

тети·декани мувини лавозимида ишлаган. 1999 йил 20 апрелдан то ҳозирги давргача Тошкент Давлат иқтиодиёт университетининг Умумиқтисодиёт мутахассисликлари сиртқи факультети декани лавозимида ишлаб келмоқда.

У Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури ҳамда бошқа халқаро лойиҳаларида иштирок этмоқда. Ўзбекистондаги Европа Иттифоқининг ТАСИС дастурида амалга оширилаётган «Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази»нинг кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик корхоналари раҳбарлари малакасини ошириш бўйича ўқитувчи-тренер лавозимида ишлаб келмоқда. Хорижий мамлакатларда малака ошириб қайтган.

М. Юсупов ўзининг педагогик фаолиятини илмий ва ўқув-услубий ишлар билан чамбарчас боғлаб олиб бормоқда. У томондан иқтисодиёт, маркетинг, бизнес-планлаштириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш соҳаларига бағишланган икки монография ҳамда ўқув-қўлланмалари, шу жумладан, 50 босма табоқдан ортиқ илмий ва 100 босма табоқдан ортиқ ўқув услубий ишлари чоп этилган.

### ЮСУПОВ НОСИРЖОН СОБИРОВИЧ

Носиржон Собирович  
Юсупов иқтисод фанлари  
номзоди, доцент.

1951 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1968 йилда ўрта мактабни олтин медалга битирган. 1968—1972 йилларда Тошкент Халқ ҳўжалиги институти талабаси бўлган.

Институтни имтиёзли тутатгач, шу ерда стажёр, ассистент бўлиб ишлаган.

1987 йилда иқтисод фанлари бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаған. 1990 йилдан бошлаб, «Оби Ҳаёт» Республика



лойиха-қурилиш бирлашмасида Бош директор ўринбо-сари, «Умид суғурта компанияси Башқарувининг Раиси, Давлат Бош суғурта бошқармасида, «Мадад» суғурта агентлигига, «Агросуғурта компанияси раҳбари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг Биринчи ўринбо-сари, 1998—2000 йилларда эса «Ўзқишихўжтъяминотту-затиш» Давлат-кооператив қўмитасининг Раиси лаво-зимларида ишлаган.

2000 йилнинг ноябрь ойидан «Ўзқишилоқхўжалик-машлизинг» акциядорлик лизинг компанияси бошқарув Раиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Н. С. Юсуповнинг йигирмадан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

### ЮСУПОВ АБДУЛЛА ЮСУПОВИЧ



Абдулла Юсупович Юсупов 1948 йил 10 июнда Хоразм вилояти Кўш-кўпир тумани Охунбоев хўжалигига хизматчи оиласида туғилган.

1965 йил Охунбоев номли ўрта мактабни тамом қилгач Хоразм Давлат Педагогика институти Тил ва адабиёт факультетига ўқишига кирган. Уни 1970 йил имтиёзли диплом билан тамом қилган. Ва шу йил Ўз ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти аспирантурасига ўқишига кирган.

1971—1972 йилда армия сафида хизмат қилган. Хизматдан кейин аспирантурада ўқишини давом қилдириди. 1974 йил аспирантурани тамом қилгач Тошкент Давлат Тиббиёт институтини «Фалсафа» кафедрасининг асистенти, катта ўқитувчи лавозимида ишлаган.

1976 йил 25 июнда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

1982 йил июлида Тошкент Халқ хўжалиги институтини «Фалсафа» кафедрасига доценти, 1985—87 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институти Хива филиалининг директори, 1995—1996 Урганч филиалининг доценти, 1996—97 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетини Тўрткул УМПсининг директори, 1997—98 йилларда Университет қошидаги Иқтисодий гимназия директорининг ўқув ва маънавият бўйича муовини вазифасида ишлади ва айни пайтда ТДИУ «Иқтисодиёт назарияси» кафедрасида доцент лавозимида самарали ишламоқда.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетини Бухгалтерия ва аудит факультетини мазкур мутахассисликни 1998 йилда имтиёзли диплом билан тамом қилиди.

Юсупов Абдулла Юсупович фалсафа ва иқтисодиёт назарияси бўйича қатор илмий, илмий-услубий ишларнинг муаллифи.

### ЯКОВЛЕВ ВАСИЛИЙ МИХАЙЛОВИЧ

Василий Михайлович Яковлев тарих фанлари номзоди, доцент.

1903 йилда туғилган.

В. М. Яковлев Тошкент Давлат иқтисодиёт университети (Тошкент Халқ хўжалиги институти) асосчила-ридан бири ва шу институт «Фалсафа» кафедрасининг биринчи мудири бўлган.

Унинг илмий раҳбарлигига ўндан ортиқ изланувчилар диссертацияларини ҳимоя қилдилар ва улар ҳозирги кунда ҳам илм-фан соҳасида анъанани давом эттириб келмоқдалар.

Таниқли олим В. М. Яковлев ўзининг тарих ва фалсафа соҳасидаги билимларини ёзган йирик монографиялари, рисолалари ва илмий мақолаларида намоён этган.

Унинг асарлари Ўзбекистонда тарихий ва фалсафий билимларнинг шаклланиши ва тараққиётини ўзида акс эттирган.

Олимнинг эллиқдан зиёд илмий ишлари чоп этилган. В. М. Яковлев 1974 йилда вафот этган.

## **ЯҲЁЕВ ҚОСИМ АБДУЛЛАХЎЖАЕВИЧ**



Қосим Абдуллахўжаевич Яҳёев иқтисод фанлари номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи.

1936 йилда Тошкент вилоятининг Бўка қишлоғида туфилган.

1960 йилда Тошкент Молия институтининг молия-иктисодиёт факультетини битирган.

1960—1965 йилларда Бўка туман молия бўлимида инспектор, бош мутахассис, давлат даромадлари инспекцияси бошлиги лавозимларида ишлаган.

1965—1967 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг аспиранти бўлган.

1967 йилдан Тошкент Молия институтининг катта ўқитувчisi, доцент. Ҳозирги «Солиққа тортиш» кафедраси мудири, профессор.

Қ. А. Яҳёев қирқдан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

## **ЎРИНБОЕВ ИКРОМЖОН ИБРОҲИМОВИЧ**

Икромжон Иброҳимович Ўринбоев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1964 йилдан Наманган вилояти Тўрақўргон туманида туфилган. Ўрта мактабдан сўнг 1989 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтини битирган.

1989—1991 йилларда институтнинг «Бухгалтерия ҳисоби ва корхоналар фаолияти таҳлили» кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1994 йилда Москва Давлат университети аспирантурасини тутатган ва номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1994—1995 йилларда РИАТБ «Фаллабанк» Иқтисо-

дий таҳлил бўлими бошлиғи ва Кредит ва ресурсларни иқтисодий таҳлил қилиш бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлаган.

1995—2000 йилларда РИАТБ «Фаллабанк» Бошқаруви Раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган.

1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Президент хузуридаги Давлат ва Жамият курилиши Академијасини битирган.

2000 йилдан ҳозирга қадар РИАТБ «Фаллабанк» Бошқаруви Раиси лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

И. И. Ўринбоевнинг ўн бешдан зиёд илмий ишлари чоп этилган.



### ЎРМОНОВ НИЗОМИДДИН ТЎЛАГАНОВИЧ

Низомиддин Тўлаганович Ўрмонов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1956 йил 25 марта Тошкент вилоятида туғилган. Ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлагач, 1973—1978 йилларда Тошкент Халқ ҳўжалиги институтининг «Иқтисодий кибернетика» факультетида ўқиган ва уни имтиёзли диплом билан туталланган.

1978—1980 йилларда ҳарбий хизматда бўлган.

1980—1991 йилларда



Ўзбекистон Фанлар академияси «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибидаги конструкторлик бюороларида муҳандис, етакчи муҳандис, бюро ва гуруҳ бошлиғи лавозимларида ишлаган.

1989 йилда иқтисод фанлари номзоди бўйича диссертация ёқлаган.

1991—1992 йилларда «Нав» илмий-ишлаб чиқаришижорат фирмасининг гуруҳ, бўлим бошлиғи вазифасида ишлаб, агар иқтисодиёт механизмини такомиллаштиришга оид тадқиқотларга етакчилик қилган.

1992—1996 йилларда Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Ким Пен Хва номли Халқ корпорациясида илмий-иктисодий марказга раҳбарлик қилган.

1996—1999 йилларда ТДИУ докторантни бўлган.

1999 йил сентябридан «Иқтисодий тарих» кафедрасининг доцентлик лавозимида ишлаб келмоқда.

Н. Т. Ўрмоновнинг эллиқдан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

### ҚАБУЛОВ АБРОР АҲРОЛОВИЧ



Аброр Ахролович Қабулов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1951 йилда туғилган. Тошкент Халқ хўжалиги институтининг Кибернетика факультетини тугатган. 1986 йилдан бошлаб Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Ҳисоблаш техникаси» кафедрасида доцент лавозимида ишлаган.

1986 йилдан — 1993 йилгача Кибернетика факультетида декан муовини, 1993 йилдан — 1994 йилгача Халқаро муносабатлар факультетида декан муовини, 1994 йилдан — 1997 йилгача шу факультетнинг декани бўлиб ишлаган.

1997 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача ТДИУ Ихти-

сослашган Олий бизнес мактаби директор мувини вазифасини бажарып келаяпти.

А. А. Қабуловнинг йигирмадан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

### ҚАЮМОВ РАЖАБ ЖҮРАЕВИЧ

Ражаб Жүраевич Қаюмов кимё фанлари номзоди, доцент.

1936 йил 15 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган. 1954 йилда 2-ўрта мактабни битириб, Ўрта Осиё Политехника институтига ўқишига кирган.

1959 йилда кимё ва технология факультетини тугаллаб, озиқ-овқат кимё ва технологияси бўйича муҳандис бўлиб, Мерка шаҳридаги шакар заводида бош муҳандис бўлиб ишлаган.

1960—1962 йилларда ЎзР ФА Кимё Полимерлар институтида илмий ходим бўлиб ишлаган.

1962—1965 йилларда аспирантурада ўқиган. «Юқори малекулалар бирикмаси» соҳаси бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1966 йилдан 1987 йилгacha собиқ иттифоқ кимё саноат вазирлигига қарашли илмий тадқиқот институтида аввал бош илмий ходим, сўнгра лаборатория мудири ва илмий техника бўлимiga (НТО) бошлиқ бўлиб хизмат қилган.

1987 йилдан бошлаб ТХХИ (ТДИУ) аввал «Товаршунослик» кафедрасида, кейин «Савдо менежмент» кафедрасида доцент бўлиб ишлаган.

Р. Ж. Қаюмовнинг йигирма бешдан зиёд илмий ишлари чоп этилган.



## ҚАЮМОВ ҲАСАНБОЙ МУЛЛАЖОНОВИЧ



Ҳасанбой Муллажонович Қаюмов филология фанлари номзоди, доцент.

1944 йил 30 апрелда Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида ишчи оиласида туғилган. 1962 йилда Муқимий номидаги 19-ўрта мактабни битирган. 1968 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатгач, пойтахтнинг 52-ўрта мактабида адабиёт муаллими бўлиб меҳнат фаолиятини бошлаган.

1969 йилдан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида аввал лаборант, 1974 йилдан кичик илмий ходим, 1983 йилдан илмий ходим ва катта илмий ходим лавозимларида ишлаган. 2 жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»нинг яратилишида фаол қатнашган.

1983 йилда «Адабиётда инсон ва табиат муносабатлари ифодаси» мавзусидаги номзодлик диссертацияси ни ёқлаган.

1987—89 йилларда Ангрен шаҳридаги Тошкент вилояти Давлат педагогика институтида ишлаган.

1990 йилдан Тошкент Халқ хўжалиги институтига (Хозирги ТДИУ) «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедрасида катта ўқитувчи ва 1991 йилдан эса доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

Унинг ўзбек шеърияти ва драматургияси масалаларига бағишлиланган илмий ишлари чоп этилган: «60-йиллар шеърияти», «Замонамиз кишилари характери», «Эркпарвар шоир», «Шеъриятдаги пейжаз ва унинг турлари», «Хаким Назир прозасида сув тасвири», «Одам ва олам куйчиси», «Адабиёт ўқитилиши керак» сингари ўнлаб мақолалар муаллифидир.

## ҚОДИРОВ ЖАМОЛИДДИН

Жамолиддин Қодиров фалсафа фанлари номзоди, доцент.

1936 йил 20 августда Тошкентда туғилган. 1963 йилда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти тутатган. 1974 йилда «Ҳозирги давр илмий-техника тараққиёти ва шахс камолотининг баъзи муаммолари» мавзуусида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1974 йилдан Тошкент Халқ хўжалиги институти «Фалсафа» кафедрасининг катта ўқитувчisi, 1997 йилдан бери Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Фалсафа» кафедраси доценти лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ж. Қодиров 16 босма табоқдан зиёд илмий ишлари муаллифидир.



## ҚОРИЕВА ШАРИФА МУҲАММАДЖОНОВНА

1944 йилнинг 18 сен-тябрида Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1961 йилда ўрта мактабни тутатгандан сўнг, Республика Рус тили ва адабиёти педагогика институтига ўқишга кирган. 1966 йилда тутатган.

Ш. М. Қориева ўқитувчилик фаолиятини 1966 йилда Тошкент политехника институтиning «Рус тили» кафедрасида бошлаган. 1969 йилдан 1972



йилгача Тошкент Давлат университети қошидаги аспирантурада ўқиган.

1972 йилдан бошлаб Тошкент Халқ хўжалиги институти (Хозирги ТДИУ) «Рус тили» кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент вазифаларида ишлаган. 1980 йилдан — 1996 йилгача «Рус тили» кафедрасига мудирлик қилган.

Ш. М. Қориева 1974 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1993 йилда профессор илмий унвонига сазовор бўлган.

Ш. М. Қориева 1979—1980 йилларда Ҳиндистон Республикасида, 1983—1985 йилларда Эфиопияда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг йўлланмаси билан ишлаган.

У бир неча Халқаро ва Республика анжуманларининг иштирокчиси, МАПРЯЛ аъзоси.

Талабаларга таълим беришдаги меҳнатлари учун 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси «Фахрий Ёрлиғи» билан тақдирланган.

М. Ш. Қориева 50 дан ортиқ илмий ва ўқув услубий ишларнинг муаллифи.

#### **Асосий илмий ишлари:**

1. Учебные материалы по русскому языку для студентов II курса ВЗО, (Ҳамкор) ТИНХ, 1984.
2. Справочный материал и контрольные работы по русскому языку для студентов II курса общеэкономических специальностей (Ҳамкор) Т., 1987.
3. Лабораторные работы в лингафонном истине (Ҳамкор), Т., «Ўқитувчи», 1992.
4. Русский деловой язык (Ҳамкор) Учебное пособие, I қисм, 1993., II қисм, 1995.
5. Изучаем латинскую графику узбекского языка (Ҳамкор). Учебные пособие, Т., «Молия», 2001 ва бошқалар.

## **ҚОСИМОВ МУҲАММАДЖОН**

Муҳаммаджон Қосимов иқтисод фанлари номзоди, доцент. 1957 йилда Наманганд туттилган. 1975 йилда ўрта мактабни туттилган Тошкент халқ хўжалиги институтига ўқишига кирган. 1979 йил институтни имтиёзли диплом билан туттагандан сўнг «Халқ хўжалигини ре-

жалаشتариш» кафедрасига ишга олиб қолинган. 1980 йилдан шу кафедрага асистент, катта ўқитувчи, 1991 йилдан эътиборан «Макроиқтисодиёт» кафедрасининг доценти.

«Макроиқтисодиёт асослари», «Лойиха таҳлили» каби дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг муаллифи.

## ҚОСИМОВ ТОҲИР

Тоҳир Қосимов юридик фанлари номзоди, доцент.

1923 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент Давлат университетининг юридик факультетини битирган.

1954 йилдан Тошкент Халқ хўжалиги институтиниң доценти, катта ўқитувчиси, 1963—1983 йилларда ва Молия-иқтисод факультети декани вазифаларида ишлаган.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчisi, «П дараҷали Ватан уруши» ва бошقا қатор орденлар ҳамда саккизта медаль, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши «Фахрий Ёрлиғи», «Ишдаги аъло кўрсаткичлари учун» кўкрак нишони совриндори. 12 та эълон қилинган илмий ишлари бор.

Тошкент шаҳар ҳамда Собир Раҳимов район халқ депутати қилиб сайланган, 20 йил Беруний номидаги маҳалла қўмитаси раиси бўлган.

Тоҳир Қосимов 1991 йил 26 февралда вафот этган.



## ҚОСИМОВ СОБИР ҚОСИМОВИЧ

Собир Қосимович Қосимов иқтисод фанлари номзоди, доцент.



1927 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1944 йилда ўрта мактабни таомолаб, Тошкент темирийл транспорти институтига ўқишига кириб, уни муваффақиятли тугатган. Ўзининг меҳнат фаолиятини Тошкент-товар станциясида бошлаган. Дастреб катта ўлчовчи лавозимида ишлаб, кейин эса станция бошлигининг ўринбосари, станция бошлигининг катта ёрдамчиси бўлиб ишлаган.

1951—1958 йиллар эса «Қизил тўқимачи» станциясининг бошлиги бўлиб ишлаган. 1958 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иқтисод институти аспирантурасига ўқишига кирган ва 1962 йилда аспирантурани муваффақиятли тугатиб, 1964 йилгача шу институтда кичик илмий ходим бўлиб ишлаган. 1966 йилда иқтисод фанлари номзодлиги бўйича диссертация ёқлаган. 1964—1968 йилларда Тошкент политехника институтининг «Ҳисоблаш техникаси» кафедраси қошидаги лабораториянинг бошлиги бўлиб ишлаган.

1968 йилдан бошлаб, Собир Қосимов Тошкент Халқ хўжалиги институтининг Иқтисодий кибернетика факультетини очишида фаол иштироқ этган ва шу факультет декани ҳамда «Иқтисодий кибернетика» кафедраси доценти лавозимида умрининг охиригача ишлаб келган.

Собир Қосимов «Темирийл транспорти аълочиси» деган унвон билан ҳамда фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган. Собир ака юқори малакали иқтисодчи-математик ва иқтисодчи-инженер, ҳамда кенг қамровли иқтисодчи-инженер, ҳамда кенг қамровли иқтисодчи кадрларни етиширишда ўзининг катта ҳиссасини кўшган.

Олимнинг 50 га яқин илмий ишлари чоп этилган.

Собир Қосимович Қосимов 1991 йилда вафот этган.

## ҚОСИМБЕКОВ ПҰЛАТБЕК

Пұлатбек Қосимбеков иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1949 йил 9 сентябрда Тошкент вилояти Янгийүл туманинде Қоратепа қышлоғыда туғилған.

1966 йилда Тошкент Халқ хұжалиги институтининг қишлоқ хұжалигини режалаشتырыш ихтисослигига ўқишига кириб, уни 1970 йилда мұваффақияттли тутатған.

П. Қосимбеков 1970 йилда мазкур институтининг «Хисоблаш техникаси ва программалаштырыш кафедрасынинг асистенті лавозиміга ишга қабул қилинған. У 1971—1977 йилдарда Киев Халқ хұжалиги институты аспиранти бұлып, иқтисод фанлари бүйічә номзодлик диссертациясини ҳимоя қылған.

1970—1993 йиллар давомыда Тошкент Халқ хұжалиги институты, кейинчалик Тошкент Давлат иқтисодиёт университетінде асистент, катта ўқытувчи ва доцент лавозимларыда ишлаган.

1993 йилда Узбекистон Республикасы Қишлоқ хұжалик вазирлигининг «Хұжалик механизмини такомиллаштырыш ва нархлар» бошқармаси бошлиғи лавозиміга таклиф этилған.

1996 йылдан ҳозирги вақттacha Узбекистон Республикасы Қишлоқ ва сув хұжалиги вазирлигининг «Иқтисодий ислоҳотлар давлат тасарруфидан чиқарыш ва хусусийлаштырыш» бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

П. Қосимбеков 1995—1996 йилларда АҚШ қишлоқ хұжалиги департаментінде «Умумий агробизнес ва қишлоқ хұжалик сиёсати» TEXAS A ва M университетінде «Эркин бозор менежменти ва иқтисод», Буюк Британияның Лондон университетінде «Қишлоқ хұжалигыда иқтисод ва сиёсатни ташкил этиш» бүйічә тұлиқ курсина тамомлаган.



П. Қосимбеков қишлоқ хўжалигида мулкий пай асосида қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалиги) тузиш бўйича услугбий тавсияларнинг муаллифи ҳисобланади. Ҳозирги пайтда у қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), фермер ва дехқон хўжаликлари тўғрисидаги қонунларнинг ҳаётга жорий қилишга бевосита амалий ёрдам бермоқда.

П. Қосимбековнинг йигирмадан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

### ҚОСИМОВ БОТИР УМАРОВИЧ



Ботир Умарович Қосимов фалсафа фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими, ТДИУ «Фахрий профессори».

1929 йилда Самарқанд шаҳрида таваллуд топган. 1938 йилдан буён Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида фаол ишлаб келмоқда. Ботир Умарович Қосимов 1968 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Б. У. Қосимов 1969 йилдан 1980 йилларгача университет жамоалари уюшмаси қўмитасининг раиси, ижтимоий касабалар фашаҳар Чилонзор тумани

«Маънавият ва маърифат» марказининг раиси, университетдаги ижтимоий гуманитар фанлар советининг аъзоси сифатида ҳам жонбозлик кўрсатиб ишлаган.

Олим Б. У. Қосимов 40 дан ортиқ ўқув методик қўлланмалар ва илмий мақолалар муаллифидир.

## **ҚОСИМОВА РОХИЛЯ ТИЛЛАЕВНА**

Рохиля Тиллаевна Қосимова иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1958 йил 31 майда Фарғона вилояти Кувасой шаҳрида туғилган. 1975 йилда 1-ўрта мактабни битириб, Фарғона политехника институтининг қурилиш факультетига ўқишига кирган. Институтни битириб, Кувасой чинни заводига ихтиrolар бўйича муҳандис бўлиб ишга кирган. 1987 йилда Фарғона Политехника институтига ишга қабул қилинган. 1989 йилда Москва шаҳридаги Интеллектуал мулк институтига аспирантурага ўқишига кириб, 1993 йилда мувваффақиятли диссертация ёқлаган.

1993—1999 йилда Фарғона Давлат университетида «Халқаро иқтисодий муносабатлар» кафедрасида доцент лавозимида ишлаган. 1999 йилда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Менежмент» кафедрасига катта ўқитувчи бўлиб ишлаган. Ҳозирги вақтда эса «Халқаро молия ва банк иши» кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда.

Р. Т. Қосимова томонидан 16 та ўқув-услубий қўлланма ва бир неча мақолалар чоп этилган.

## **ФАФУРОВА МАЪМУРА ТУРСУНОВНА**

Маъмурда Турсуновна Faфурова иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1956 йил 24 январда Ўш шаҳрида туғилган. 1978 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг Иқтисодий кибернетика факультетини имтиёзли диплом билан тугаллаган. Кундузги аспирантурани тугаллагач, 1985





йили Москва Иқтисодий статистика институтида иқтисод фанлари бўйича номзодлик диссертацияси ни муваффақиятли химоя қилган. 1982—1984 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтида асистент лавозимида ишлаган. 1985 йилдан бўён Тошкент Давлат иқтисодиёт университетини «Иқтисодий информатика ва АБС» кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда. 1988—1989 ўқув йилида Болгариянинг Варна Халқ хўжалиги институтида илмий стажировкада бўлиб ўз малякасини оширган.

Жаҳон Банки иқтисодий тараққиёт институти дастурида қатнашиб (июль 1994 йил Тошкентда, январь 1995 йил Олма-Отада, март 1995 йил Вашингтонда) молиявий менежмент, банк иши, банк фаолиятини моделлаштириш бўйича малакасини оширган.

1995—98 йилларда Жаҳон Банки иқтисодий тараққиёт институтида доцент лавозимида ҳам фаолият кўрсатган.

М. Фафурова муаллифлигига умумий ҳажми 25 босма табоқни ташкил қилган 6 та ўқув ва методик қўлланмалар тайёрланган. 30 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этилган.

### **ФОЗИБЕКОВ ДИЛШОД ФУЛОМОВИЧ**

Дилшод Фуломович Фозибеков иқтисод фанлари номзоди, профессор.

Д. Ф. Фозибеков 1970 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Молия ва кредит» мутахассислигини тутагиб, «Пул муомаласи ва кредит», «Халқ хўжалиги тармоқлари молияси» кафедраларида дастлаб асистент, катта ўқитувчи, доцент ва кафедра мудири вазифала-

рида ишлаган. Кўп йиллик ҳалол меҳнати, илм-фани ривожлантиришга, халқ хўжалигининг юқори малакали мутахассислари ни тайёрлашга қўшган ҳиссаси ва ижтимоий турмушдаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси «Фахрий Ёрлиғи» билан мукофотланган. 1979—1989 йилларда ўриндошлиқ асосида институт қошидаги тайёрлов курсига бошчилик қилинган. Декан мувовини, кафедра мудири лавозимларида фаолият юритган.

Д. Фозибеков 1984 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1988 йилда доцент, 1992 йилда эса профессор илмий унвонига сазовор бўлган. 1991 йилдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан ташкил этилган Тошкент Молия институтига профессор ҳамда кафедра мудири вазифасига ўtkazilgan. Тошкент Молия институтида дастлаб «Тармоқлар молияси ва инвестициялар», сўнгра эса «Инвестициялар ва қимматли қофозлар бозори», «Лойиҳавий молиялаштириш» кафедралари мудири, институт ички аттестация ва аккредитация бўлимига бошчилик қилинган ҳамда институт проректори лавозимларида ишлаган. Тошкент Молия институтининг 1997 йил 25 декабрдаги 4-сонли баённомасига асосан Д. Фозибековга «Инвестициялар ва қимматли қофозлар бозори» кафедрасининг «Фахрий профессори» унвони берилган.

Д. Ф. Фозибеков Ўзбекисон мустақиллик йилларида АҚШ, Германия, Япония, Россия, Турция давлатларида бир неча маротаба бўлиб, уларнинг банк-молия тизимлари билан яқиндан танишиб, ўз малакасини оширган.

1998 йилдан бери Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг ўқув ишлари бўйича проректори. У 120 дан зиёд илмий-услубий ишлар, шу жумладан, бир нечта монография, кўлланма ва дарсликлар



муаллифидир. Унинг илмий қизиқишлари инвестицияларни молиялаштириш муаммоларига қаратилган. Тошкент Халқ хўжалиги институтида 1971—1991 йилларда фаолият юритган. 1991—1998 йилларда эса Тошкент Молия институтида ишлаган.

**ФОЗИЕВ  
АБДУХАЛИЛ МИРЗОИДОВИЧ**



Абдухалил Мирзоидович Фозиев иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1941 йилнинг 16 сентябрида Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида ишчи оиласида туғилган. 1949—1959 йилларда ўрта мактабда ўқиган. 1959—1961 йилларда оддий ишчи бўлиб ишлаган. 1961—1966 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтида ўқиган.

1966—1969 йилларда Ўзбекистон туманидаги Статистика бошқармасида ишлаган. 1969 йилда танлов асосида Ўрта Осиё

Кишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институтининг аспирантурасига ўқишга кирган.

1976 йилда номзодлик диссертациясининг ҳимоя қилган. 1982 йилнинг 1 июнигача Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институтида кичик ходим, кейин катта илмий ходим, Фарғона бўлимининг бошлифи лавозимида ишлаган. 1982 йил июн ойидан Тошкент Давлат аграр университетида асистент, доцент, «Молия» кафедрасининг мудири лавозимида ишлаган.

Олимнинг бевосита илмий раҳбарлиги остида иккита чет эллик фуқароси номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1998 йил сентябр ойидан буён Тошкент Давлат университетининг «Статистика» кафедраси доценти.

А. М. Фозиевнинг 70 босма табокдан ортиқ рисола,

ұкув-услубий құлланмалари ва мақолалари чоп этилған.

**ФУЛОМОВА  
ФЕРУЗА ФАНИЕВНА**

Феруза Фаниевна Гуломова иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1948 йилда Тошкент шаҳрида туғилған. 1970 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг бухгалтерия ҳисоби ихтисос-лигини битириб, бухгалтер-иктисодчи мутахассис-лигини олған.

1970 йил август ойидан Тошкент Автомобиллар йўллари институтининг «Автотранспорт иқтисодиёти» кафедрасига асистент лавозимига ишга қабул қилинган. 1971 йилда ушбу кафедранинг катта ўқитувчиси лавозимига ўтказилган.

1982 йилда Г. В. Плеханов номли Москва Халқ хўжалиги институти «Бухгалтерия ҳисоби» кафедрасининг кундузги бўлим аспирантурасига ўқишига кириб, 1985 йилда мазкур институтда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган. Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Саноат иқтисодиёти» кафедрасига бош илмий ходим лавозимига қабул қилинган.

1986 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Саноат ва қурилищда бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолиятининг таҳлили» кафедрасига доцент лавозимиға сайланган.

1996 йил сентябрь ойидан у янги «Аудит» кафедраси ташкил этилиши муносабати билан мазкур кафедрада доцент лавозимида ишлаб келаяпти.

Ф. Ф. Гуломова 1997 йилда «Аудит» кафедраси қошида ташкил этилған «Ҳисоб ва аудит ресурс маркази»нинг директоридир.



2000 йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан аудитор малака сертификати берилган.

Ф. Фуломова илмий ишларни ҳам юқори даражада олиб боради. У бухгалтерия ҳисоби ва аудит муаммолари бўйича халқаро ва республика анжуманларида маърузалар қилган. Унинг 65 босма табоқ илмий, ўкув-услубий ишлари чоп этилган.

#### **Асосий илмий ишлари:**

1. Бухгалтерия ҳисоби бўйича амалий қўлланма, 1999.
2. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш, 2001.
3. Менежмент ва бизнес асослари, 1997.
4. Тикув тармоғи корхоналарида маҳсулот таннархини камайтириш йўллари, 1986.
5. Автормонт бирлашмалари шароитида капитал ремонт харатлари таҳлилини такомиллаштириш, 1985.
6. Автомобиль ташувлари таннархини калькуляция қилиш масалалари, 1982.
7. Автомобиль ташувлари таҳлилида иқтисодий-математик усулларини қўллаш, 1973 ва бошқалар.

### **ФУЛОМОВ ЭРКИН ТОҲИРОВИЧ**



Эркин Тоҳирович Фуломов тарих фанлари номзоди, доцент.

1933 йил 26 сентябрда ишчи оиласида туғилган.

1953 йилда Тошкент шаҳридаги 22-ўрта мактабни тугатган. Урта Осиё Давлат университетининг тарих факультетини 1958 йилда битириб, шу йилнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тарих ва археология институтига ишга кирган. Дастлаб лаборантлик лавозимида, кейин кичик илмий ходим лавозимида ишлаган. 1960 йил-

нинг октябридан бошлаб Э. Фуломов Тошкент Халқ хўжалиги институтида ҳам иқтисодий тарихдан дарс бера бошлаган. 1968 йилдан катта ўқитувчи лавозимида ишлаган.

Э. Фуломов номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган ва 1984 йилдан доцентлик лавозимига ўтган.

Э. Фуломов илмий педагогик фаолият билан бир қаторда жуда кўп жамоатчилик ишларини бажариб келган. Э. Фуломов Тошкент Халқ хўжалиги институтидаги илмий педагогик фаолиятидан ташқари 33 йил давомида шу институтининг «Иқтисодчи» кўп нусхали газетасида масъул котиб, муҳаррир муовини ва муҳаррир лавозимларида ишлаган.

Э. Фуломовнинг илмий педагогик ва жамоатчилик ишларидаги фаол иштироки эътиборга олиниб, Ўзбекистон Республикаси фахрий ёрлиғи, Республикада хизмат кўрсатган ёшлар устози каби хукумат мукофотлари билан тақдирланган.

Э. Фуломовнинг бир неча илмий асарлари, мақолалари ва ўкув ишларини такомиллаштиришга қаратилган методик қўлланмалари чоп этилган.

### ФУЛОМОВ ТОЛМАС АРИФОВИЧ

Толмас Арифович Фуломов 1941 йил 31 декабрда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1958 йилда ўрта мактабни тугаллаб, Тошкент Темир йўл мұҳандислик институтига ўқишига кирган. Мазкур институтни 1963 йили «Инженер-қурувчи» мутахассислиги бўйича тутатган.

1963 йилдан то 1970 йилгача Тошкент шаҳридаги турли қурилиш корхоналарида ишлаган. 1970—1980 йилгача Тошкент шаҳридаги «Қурилиш-таъминлаш» бошқармаси бош



муҳандиси ва кейинчалик бошлиғи лавозимида ишлаган.

1980 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари қошидаги «Ўзбеккорортқурилиш» трести бошқарувчиси бўлиб ишлаган. 1987 йилдан «Давлаттаъминот» қошидаги «Ўзбекқайтаишлаш ресурслари» Бош бошқармасида қурилиш ишлари бўйича раис муовини бўлиб ишлаган.

1988—1990 йилларда «Ўзсавдоқурилиш» қурилиш-монтаж трестида бош муҳандис, 1990 йилдан 1991 йилнинг 1 марта қадар қурилиш монтаж кооперативининг раиси бўлиб ишлаган.

1991 йилнинг март ойидан то ҳозирги кунга қадар Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг капитал қурилиш ва таъмиглаш ишлари бўйича проректори лавозимида ишлаб келмоқда.

1992 йилда Ўзбекистон Республикаси «Фахрий Ёрлиғи» билан мукофотланган.

### ҲАЙДАРОВ МИРСОЛИ ТОЖИЕВИЧ



Мирсоли Тожиевич Ҳайдаров иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1947 йилда туғилган. 1966 йилда Тошкент Авиация техникумини битириб, Тошкент Ҳалқ хўжалиги институтига «Иқтисодий маълумотларни қайта ишлашни механизациялаш» мутахассислиги кечки бўлимига кирган. Шу вақтни ўзида Ўзбекистон Фанлар академияси «Кибернетика» институтига ишга кирган.

1972 йилда институтини битирган. 1974 йилда аспирантурага ўқишига кирган. 1980 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1982 йилда Тошкент Ҳалқ хўжалиги институтига катта

ўқитувчи лавозимига ишга ўтган. 1992 йилда доцент унвонига сазовор бўлган.

1993—1999 йилларда Ўзбекистон Марказий банкида, чет эл фирмасида ва «Узавтотранс» корпорациясида ишлаган. 1999 йилда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетига доцент лавозимига «Макроиқтисодиёт» кафедрасига қайтиб келган ва фаолиятини давом эттирган.

Ҳамкорликда «Макроиқтисодиёт» фанидан дарслик тайёрлаган.

М. Т. Ҳайдаровнинг ўттиздан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

### **ХАЙИТОВ АБДУМАННОН БУХОРОВИЧ**

Абдуманон Бухорович  
Ҳайитов иқтисод фанлари  
номзоди, доцент.

1962 йил 11 сентябрда  
Қашқадарё вилояти, Якка-  
боб тумани, Чагатой қиши-  
логида ишчи оиласида ту-  
филган.

1990 йилда Тошкент  
Халқ хўжалиги институти  
План-иктисод факультети-  
да «Меҳнат иқтисоди» мут-  
тахассислигини туттаган.

1993 йилда Тошкент  
Давлат иқтисодиёт универ-  
ситетининг кундузги бўли-  
ми аспирантурасини би-  
тирган.

1994 йил 15 сентябрда  
«Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ривожла-  
ниш ва аҳоли бандлителлининг ўзаро алоқадорлиги» (Қаш-  
қадарё вилояти мисолида) мавзусидаги диссертация-  
сини муваффақиятли ҳимоя қилган.

1994 йилдан бошлаб «Меҳнат иқтисоди ва социо-  
логияси» кафедраси асистенти, катта ўқитувчи,  
ҳозирги кунга келиб доцент лавозимида ишлаб кел-  
моқда.



1997 йил июль ойидан бошлаб «Иқтисодиёт» факультетида ўқув-услубий ишлари бўйича декан муовини лавозимида ишлаб келмоқда.

Шу кунга қадар А. Ҳайитов меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш мавзусида қатор илмий мақолалар ва тадқиқотлар олиб борган.

### ҲАЙДАРОВ НИЗОМИДДИН ҲАЙДАРОВИЧ



Низомиддин Ҳайдарович Ҳайдаров иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1962 йил 30 сентябрда Самарқанд вилояти Челак туманидаги Фармонкўл қишлоғида туғилган. 1983 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Тайёрлов» бўлимига тингловчиликка қабул қилинган. 1984 йилда шу институтнинг Молия иқтисод факультетига кириб, уни 1988 йилда муваффақиятли тутатган.

1988—1990 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Молия» кафедрасида асистент лавозимида ишлаган.

1991 йил январь ойидан 1993 йил декабрь ойигача аспирантурада ўқиган. «Молия, пул муомаласи ва кредит» мутахассислиги бўйича ихтисослаштирилган кенгашда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1994—1996 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиёт, университетининг «Молия ва баҳоларни шакллантириш» кафедрасида катта ўқитувчи, доцент, Ҳисоб-иктисолид факультети деканининг муовини лавозимларида ишлаган.

1998—2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши академиясининг «Молия, кредит ва валюта муносабатла-

ри» кафедрасида, 2000 йил май ойидан ҳозиргача шу академиянинг «Маркетинг ва аудит» кафедрасининг мудири бўлиб ишлаб келмоқда.

1995—2001 йилларда АҚШ (Вашингтон), Туркия (Истанбул), Япония (Токио), Нидерландия (Амстердам), Қозоғистон Республикаси (Олма-Ота)даги Молия, Банк, Инвестиция менежменти ва солиқлар ва солиққа тортиш масалаларига бағишлиланган ҳалқаро анжуман ва семинарларда иштирок этган.

Н. Ҳайдаровнинг йигирмадан ортиқ илмий ишлари чоп этилган.

### ҲАКИМОВ РАШИД

Рашид Ҳакимов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1958 йил 18 январида Самарқанд вилояти Кўшработ туманида хизматчи оиласида туғилган.

1964 йил Самарқанд вилояти Кўшработ туманидаги Низомий Ганжавий номли 82-сон ўрта мактабга ўқишга борган ва уни 1974 йилда олтин медалга тугаллаган. 1978 йилда Тошкент Ҳалқ хўжалиги институтининг Қишлоқ хўжалиги иқтисоди факультетининг «Қишлоқ хўжалигини режалаштириш» мутахассислигини тутатган.

1978 йилда Тошкент Ҳалқ хўжалиги институтининг «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» кафедрасига стажер-изланувчи лавозимига ишга қолдирилган. 1997 йилгача шу даргоҳда стажер-изланувчи, асистент, аспирант, доцент, декан муовини ва «Агробизнес» кафедраси мудири вазифаларида ишлаган. 1992—1995 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг Ҳалқаро иқтисодий муносабатлар факультетида декан муовини вазифасида ишлаган.



1988 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилған.

1997 йилда Ўзбекистон Банклар Ассоциациясининг иқтисод ва молия ишлари бўйича бош директор ўринбосари лавозимига сайланган.

1997 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармаси Ҳудудлар ва тармоқларни комплекс ривожлантириш дастурлари бўлимига етакчи мутахассис, уч ойдан кейин эса шу бўлим бош мутахассиси вазифасига тайинланган.

1998 йилнинг июнь ойидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига «Маънавият ва маърифат» ишлари бўйича ректор мувонини лавозимига ишга қабул қилинган.

1993 йилда Германия давлатига унинг марказий банк системасини ўрганиш учун икки ҳафталик семинарда иштирок этган. 1994 йилда Америка Кўшма Штатлари Қишлоқ хўжалиги вазирлигига малака оширишда бўлган. АҚШнинг Джорж Вашингтон, Мерилд университетларида қисқа курслар бўйича таҳсил олган.

2000 йилда Жанубий Кореянинг ХОСЕО университетида малака оширишда бўлган.

1979—1991 йиллар мобайнида Москва Давлат университети, Москва Ҳалқ хўжалиги институти, Москва Қишлоқ хўжалиги академияси, Москва Давлат ҳалқаро муносабатлар институтида малака оширган.

Мамлакатимизда мавжуд Жаҳон Банки, Европа Иттифоқининг «ТАСИС» дастурларида иштирок этган. 1997 йилда Япония давлати томонидан молиялаштирилган «Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини молиялаштиришни такомиллаштириш»га қаратилган дастурида 10 ой маслаҳатчи сифатида япон мутахассислари билан ишлаган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясининг Мирзо Улуғбек тумани котиби.

Р. Ҳакимовнинг 30 номдан зиёд (40 б.т. дан ортиқ) илмий, ўқув методик ишлари чоп этилган.

## ҲАКИМОВ ХОНДАМИР МАЪРУФОВИЧ

Хондамир Маъруфович Ҳакимов иқтисод фанлари номзоди, профессор.

1948 йил 9 февралда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган.

150-ўрта мактабни 1966 йилда тутатиб, Тошкент Халқ хўжалиги институтига кирган ва уни 1970 йилда имтиёзли диплом билан битирган. 1970—71 йиллари ҳарбий хизматни ўтаган.

1970 йилдан бугунги кунга қадар X. Ҳакимовнинг меҳнат фаолияти ва ижтимоий ҳаёти Тошкент Давлат иқтисодиёт университети билан боғлиқ, «Меҳнат иқтисоди ва социологијаси» кафедрасида асистент, катта ўқитувчи, доцент ва профессор лавозимларида ишлаб келмоқда. Шу билан биргаликда 11 йил мобайнида 1988 йилдан 1999 йилга қадар Тошкент Давлат иқтисодиёт университети Иқтисодиёт факультетининг декани ва 1999 йил 20 майдан ҳозирги давргача Ҳисоб иқтисод мутахассислари сиртқи факультети декани лавозимларида ишлаб келмоқда.

Аспирантурани тутатиб, 1980 йилда Г. В. Плеханов номидаги Москва Халқ хўжалиги институтида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1986 йилда — доцент, 1993 йилда — профессор илмий унвонларини олган. 1999 йилнинг 10 сентябринда Халқаро Меҳнат ва бандлик академиясининг ҳақиқий аъзоси (академиги) бўлиб сайланган.

У бир неча халқаро лойиҳаларда, шунингдек, ТАСИС дастури грантлари асосида иштирок этмоқда. Хорижий мамлакатлар нуфузли ташкилотларида, жумладан, 1992 йил Туркияда, 1994 йил Америка Кўшма Штатларида, 1997 йил Россияда ва 2000 йил Кипрда малакасини ошириб келган.



## ҲАКИМОВ ТОШПҮЛАТ



Тошпұлат Ҳакимов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1945 йил 22 февралда Жиззах вилояты, Фориш туманида Қори Абудол қишлоғыда туғилған. 1961 йилда ўрта мектебни ағыл бахолар билан тутатған.

1968—1969 йилларда политехника институти-нинг электрон ҳисоблаш техникаси мутахассислигиди мұваффақиятли битирған.

1968—1969 йилларда ҳарбий хизматда бұлған.

1970 йил ноябрь ойидан Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида ишлаб келмөқда. Ҳозирда ТДИУ «Иқтисодий кибернетика» кафедрасининг доценті лавозиміда фәолият күрсатыб келмөқда.

Т. Ҳакимов үнлаб илмий ва услубий ишлар мұаллифидір.

## ҲАМРАЕВ МУХТОР

Мухтар Ҳамраев иқтисод фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистонда хизмат күрсатған қишлоқ хўжалиги ходими.

1941 йилда Бухоро районида туғилған. 1956—1959 йилларда жамоа хўжалигига ҳисобчи бўлиб ишлаган.

1960—1965 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтида ўқиган. Ўқишни битиргач, «Статистика» кафедрасида ассистент, стажер-тадқиқотчи бўлиб ишлаган. 1969—1971 йилларда Москва Иқтисодий-статистика институтининг аспирантурасида ўқиган. 1972—1989 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институти «Статистика» кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида ишлаган. 1972—1976 йилларда ўриндошлиқ асосида институттинг ҳисоб-иктисод факуль-

тети декани ўринбосари, 1979—1985 йилларда эса шу факультет декани бўлиб ишлаган.

1978—1979 ўкув йилида (10 ой) АҚШнинг Колорадо штати университетида, Аризона университетларида илмий билимларини ошириб келган.

1989—1991 йилларда Молия-Банк ходимлари малакасини ошириш институтида декан лавозимида ишлаган.

1991 йилдан бошлаб, Тошкент Молия институти «Статистика» кафедрасининг мудири сифатида фолият кўрсатмоқда.

М. Ҳамраевнинг йигирмадан зиёд илмий ишлари чоп этилган.



### ҲАСАНОВ НЕЎМАТ ҲАМИДОВИЧ

Неъмат Ҳамидович Ҳасанов иқтисод фанлари номзоди.

1965 йил 21 июнда Бухоро вилояти, Фиждувон тумани, Қорахони қишлоғида туғилган. Меҳнат фолиятини ушбу тумандаги «Кўкча» жамоа хўжалигида ишчиликдан бошлаган. 1982 йилда ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатиб, Самарқанд кооператив институтига ўқишга кирган. Ҳарбий хизматдан сўнг 1988 йилда мазкур институти Бухгалтерия ҳисоби



факультетининг «Бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятини таҳлили ва назорат» мутахассислигини имтиёзли тутатган.

1988—1989 йилларда Москва Матлубот кооперацияси университетини (иккинчи мутахассислик бўйича) имтиёзли тутатган.

1989—1990 йилларда Жиззах кооператив билим юртида ўқитувчи, 1990—1993 йилларда Самарқанд кооператив институтида асистент бўлиб ишлаган.

1993 йилда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Бухгалтерия ҳисоби» мутахассислиги бўйича аспирантурасига кирган. 1995 йилнинг ноябрь ойида «Қўшма корхоналар молиявий натижаларининг бухгалтерия ҳисоби ва таҳлили» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1993—1995 йилларда Тошкент кооператив техникуми ва Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1995—1996 йиллар Ўзбекистон Республикаси Момлия вазирлигига «Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси»да бош мутахассис ва бошқарма бошлиғи ўринбосари, 1996—1997 йиллар ушбу вазирлик «Солиқсиёсати» бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимларида ишлаган.

1997—2000 йиллар Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий начор корхоналар ишлари қўмитаси раисининг ўринбосари лавозимида ишлаган.

2000 йилдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг етакчи ва бош консультантини лавозимида ишламоқда.

Бухгалтерия ҳисоби, солиқча тортиш, банкротлик ва санация масалалари бўйича етук мутахассис. Олтида монография ва ўқув қўлланмалари муаллифи. 20 дан ортиқ илмий мақолалари марказий ахборот воситала-рида чоп этилган.

## ҲАСАНОВ БАҲОДИР

Баҳодир Ҳасанов иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1960 йилда Самарқанд вилояти Хатирчи туманида хизматчи оиласида туғилган. 1983 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтини имтиёзли диплом билан бити-

риб, «Қишлоқ ҳұжалигіда бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва тафтиш» кафедрасыда асистент лавозимидан ишга қолдирилған. 1984 йил майидан 1985 йил нојабрига қадар ҳарбий хизмат бурчини ўтаган. 1988 йилдан институтда асистентлик қила бошлаган.

1988 йилда М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг аспирантурасига юборилған. 1991 йил октябрیدа Б. Ҳасанов аспирантурани муваффакиятли тамомлаб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилған. Шу йили Тошкент Молия институти «Бухгалтерия ҳисоби ва назорат» кафедрасига асистентликка ишга қабул қилинған.

Б. Ҳасанов 1993 йил марта катта ўқитувчиликка, сүнгра доцент вазифасини бажарувчи лавозимига ўтказилиб, «Бухгалтерия ҳисоби ва назорат» кафедраси мудири вазифасини бажариш топширилған.

Б. Ҳасанов 1993 йил октябрیدан 1994 йил март ойінча Буюк Британия кенгаши томонидан ташкил қилинған курсларда ўз малакасини оширган. 1995 йил майидан Бирлашған Миллатлар Ташкилотининг «Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш» дастури асосида маҳсус курсларини ўтган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича методологик кенгаши аъзоси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳұжалиги суди илмий-маслаҳат кенгаши аъзосидир. У Буюк Британия, АҚШ, Япония, Малайзия, Россия ва бошқа давлатларда ўз малакасини ошириб, Халқаро симпозиум ва конференцияларда маъruzалар билан фаол қатнашиб келмоқда.

Ҳозирги пайтда ТМИ «Бухгалтерия ҳисоби, назорат ва аудит» кафедраси мудири лавозимида фаолият юритмоқда.

Б. Ҳасанов 60 дан ортиқ чоп этилған ўқув құлланмалари, илмий мақола, методик күрсатмаларнинг муаллифидир.



**ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ  
ОЛИМЛАРИ**

**Библиографик очерк**

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2001

Мұхаррир *A. Бобониёзов*  
Рассом *K. Акчулаков*  
Бадий мұхаррир *Ф. Башарова*  
Техник мұхаррир *D. Габдрахманова*  
Мусаххих *Ю. Бизаатова*

Теришга берилди 14.08.2001 й. Босишта рухсат этилди 24.09.2001.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма  
табоги 16,8. Нашриёт-ҳисоб табоги 17,6. Адади 1000 дона. Буюртма  
№ 2368. Баҳоси келишув асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмахонаси.  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кӯчаси, 41.**

